

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2004



**ЖУМАҚУЛ КУРБОНОВ**

# **САРДОБА**

*Роман*

**Уч жилдлик**



## **ШОМ ОРТИДАН**

**Биринчи жилд**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2004

84(55)6-4

К-80

1030900  
39,

## Курбонов Жумакул

Сардоба: Роман Уч жилдлик / Шом ортидан. Биринчи жилд. — Т.: «Шарқ», 2004. — 176 б.

Азиз ўкувчи, мана сизнинг кўлингизда истеъодли адаб Жумакул Курбоновнинг уч жилдан иборат «Сардоба» романининг биринчи жилди турибди. Бу асар якун ўтмишизишнинг конли воқеаларини ўз ичига олган ўттан асрнинг 20-йиллари хакида. Амир Бухорони тарк этган. Фрунзе бошчилигидаги кизил аскарлар амирликни кон қашпатган пайтлар. Эл безга колган. Ўғрию кароқчининг куни түқкан. Эртанди кунга умид йўқ. Элда турли вахимали миш-мислар таркалган бир пайдада тарих саҳнасига Мулла Жумабек деган ёш, иктидорли бир йигит чикиб келади ва Кашибадарёнинг қуий оқимишдаги ҳозирги Муборак тумани чегараларидағи беш-олтита қишлоқни бирлаштириб, мустакил беклил тузади ва уни идора кила бошлади. Романинг биринчи кисми ана шу воқеалар билан бошланади.

Албатта, адаб бу тарихий даврни чукур ўрганганилиги сабабли ўша давр одамлари ҳәётини аник-тиник ёритиб беришга харакат қилган. Бунда айникса тарихий шахслар — Шомуродбой, Жамол Элбеги, Соли Сардорларнинг жонли киёфалари кўз олдимишда намоён бўлади. Хуласа, асар сизларга манзур бўлади деган умиддамиз.

ББК.84.(5У)6

20.05  
A104

Alisher

Ovch

voiy

M

10

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2004.

## САРДОБАЛАР ҚҰШИҒИ

Қашқадарё бўйидаги бепоён дашту кенгликларда аждодларимизнинг бебаҳо ихтироси – Сардобалар кўр тўкиб туради. Бу Сардобалар саҳродан ўтган қадим карvon йўлининг йўловчиларини оби хаёт билан таъминлаган бебаҳо сув иншооти ҳисобланади. Ҳозирги кунларда техника тараққиёти натижасида ўз аҳамиятини йўқотган бўлса-да, бу кўхна Сардобалар бизнинг маънавиятимиз, миллий қадриятларимизнинг бир бўлғи бўлиб, шу бепоён даштларда минг йиллардан бери яшаб келаётган, шу даштларнинг ўзидек содда ва бағри кенг элнинг рамзи бўлиб қолаверади. Олдинроқ ёзилган шеъримда шундай сатрлар бор эди:

*Мен шу чўллар бағрида тұғилиб топдим камол,  
Кўҳна сардобаларда кўмилиб қолди дардим.*

Қашқадарёнинг истеъдодли адиларидан бири Жумакул Курбоновнинг янги йирик асари «Сардoba»да ҳам худди шу нарсага катта эътибор қаратилган.

Жумакул Курбонов ўзининг илк ҳикояси – «Икки ўрим соч» 1975 йилда республика матбуотида чоп этилиб, адабий жамоатчилик назарига тушганида эндигина йигирма баҳорни қаршилаган эди. Бу илк муваффакиятдан руҳланган ёш адаб бирин-кетин «Гавҳар», «Қоракўз», «Оқибат», «Вафодор», «Қасам» каби ўнлаб анчагина пишиқ ҳикояларини эълон қилди. Унинг ҳикояларида тажриба ва маҳорати ошиб бораётган истеъдодли қаламкаш руҳияти яққол сезилиб туради. Кейинчалик ушбу ҳикоялардан иборат дастлабки «Қоракўз» ҳикоялар тўпламишининг китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинишининг боиси ҳам шу бўлса керак.

Бадиий адабиётнинг энг эзгу, жаҳоншумул вазифаларидан бири инсонни ўз-ўзига англашибди. Тўғри, ўз-ўзини англаш осон кечмайди. Бу анчагина азобли ва туғёнили бўлади, албатта. Энг аввало бу азобни

етук ижодкорлар бошларидан ўтказадилар. Бу ҳолат Жумакул Курбонов ижодида ҳам кўзга ташланади.

Жумакул Курбонов ўз ҳикояларини илҳом ва катта эхтирос билан ёzáди. Унинг ҳикояларидағи самимийлик, қаламга олинаётган воқеа ва ҳодисаларни, қаҳрамонлар рухиятини чукур хис этиши сезилиб туради. Шунинг учун ҳам Жумакул Курбоновнинг ҳикояларида ўқувчининг қалбини ларзага соладиган, катта маънавий озик бера оладиган жиҳатлар кўп.

Чинакам дард ва ҳақиқий ижод эхтиёжи билан туғилган асарнинг умри узун бўлади. Жумакулнинг ҳикояларидағи турфа қаҳрамонлар эса шу кундаги замондошларимиздир. Улар фақат ўзларигина хос бўлган хислатлари, ўй-кечинмалари, ташвишлари билан китобхонларнинг қалбида безовталик уйротишга қодир инсонлардир.

Адаб теран фикрлайди. Бу эса табиий равища унинг қаҳрамонларига ҳам кўчади. Унинг қатор асарларида виждон ва имон-эътиқодга қулок тутиб иш тутиш ғояси воқеалар силсиласининг асосини ташкил қиласди. Жумакулнинг туркум ҳикоялари аёллар ички дунёси, дунёкараши, изтироблари ҳақида ёзилган. Ёзувчи мазкур ҳикояларида китобхоннинг дикқатини жалб эта оладиган кўплаб руҳий ҳолат ва драматик кечинмалар яратадиган, бу ҳикоянавис адабнинг жиддий ютуқларидан деб қараш лозим. Жумакул Курбонов ҳикоялари самимиyllиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Улардаги табиий ва ҳалқона тасвирлар, жонли характерлар китобхон хотирасида узоқ вақт сакланиб қолади.

Ҳикоячиликда анчагина тажриба тўплаган Жумакул Курбонов бирмунча йирикроқ қиссачилик жанрида ҳам муваффакиятли қалам тебратди. Унинг ўтган йили «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Чорраҳа» қисса ва ҳикоялар тўпламига кирган «Сени қўмсайман» лирик қиссаси анчагина муваффакиятли чиқсан.

Жумакул Курбоновнинг ана шу узок йиллик излашиборлар орқали тўплаган тажрибасидан келиб чиқиб йирик тарихий асарга кўл ургани сезилиб турибди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки адаб асар воқеалари бўлиб ўтган даврдаги кураш тарихини чукур билади. У «Туркистонда 1917—1924 йилларда миллий мустақиллик учун сиёсий курапи» мавзусида номзодлик диссертация-

сини химоя қилган. Сиёсатшунослик фанлари номзоди. Бу илмий изланишлар қаламга олинаётган давр тарихий ҳақиқатини ёритишга анчагина қўл келгани яқъол кўриниб турибди.

Ижод — қалб титроби, изтироби ва қувончилик. Шу изтироб, шу қувонч ижодкорни улғайтиради ва камолга етказади. Истеъодли адаб Жумакул Курбоннинг ижоди, ижод йўли хақида ўйлаганимда беихтиёр шу хаёллар шууримдан ўтади.

Мен ёзувчи укам Жумакулни шундай катта ишни бошлишга топган журъати ва муваффакияти билан табриклайман.

**АБДУЛЛА ОРИПОВ,**  
*Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири.*

*Бу эл қадим-қадимдан шу саҳроларга меҳрини бе-  
риб, шу саҳролар бағрида макон тутуб, саҳро билан  
бир жону бир тан бўлиб яшаб келади. Бу эл саҳро-  
нинг барча инжиқлиги-ю саҳийлигидан баҳраманд  
бўлиб, саҳродан керагини олиб умргузаронлик қила-  
ди. Бу элнинг саҳрога боғлаб турган муқаддас Мав-  
воси – Сардоба бор!*

*Шунинг учун ҳам бу саҳроий қавмни Сардобачи  
эл деб ҳам аташади. Бу эл ўзининг Сардобачи эл  
эканлигидан фахрланиб, өурурланиб юради. Бу эл  
Сарdobани она ўрнида кўради. Сарdobанинг элга она  
эканлигидан сўйловчи ривоятлар, қўшиқлар тўқил-  
ган. Баҳтиёр кунларда, шоду шодиёна кунларда баҳ-  
шилар, ҳофизлар бу қўшиқни элга куйлаб беришади.  
Ғамли-ғамли, қора-қора кунларда ҳам бу достон куй-  
ланади. Элнинг шоҳли-шоҳли кунларида ҳам бу қўшиқ  
уларга ҳамроҳ бўлади.*

*Бу эл сардобага боғланиб, унинг ёнидан бир қадам  
жилмай яшайди. Элнинг ботирлари эл шаънини қўриқ-  
ламоқ бўлсалар, аввало сарdobани қўрийдилар. Эл-  
нинг эгалари элни обод қўлмоқни кўнглига тұгсалар,  
аввало шу сарdobани обод тутмоқни кўзлайдилар.  
Зоро, Сардоба бу элнинг, Сардобачи элнинг гурур  
қўргонидир. Элнинг фахри, гурури, ўзлиги шу сув  
қўргонидан сув ичади.*

*Бир неча юз йилликларни кўрган Сардоба ўз бағри-  
даги зилол сувларини чўл шамолию қум бўронларидан  
асраганча, шамол янглиг ўтиб бораётган йиллар суро-  
нига бардош бериб, тик ва магрут туради. Улар бу  
ўткинчи дунёнинг барча ўйинларини ўйнаётган одам-  
зоднинг қанчасини кўрмади дейсиз... Ҳар бир гиштию  
сувогида ўз бармоқ изларини мангуга мухрлаган мевъмор  
устадан тортиб, музafferона қонли юришидан қай-  
таётган амирларни, хонларни, бекларни ҳам, бир тиши-*

лам нону бир қултум сувга зор бечора-адоларни ҳам, карвон түзиб, мол ортиб, құлиға тушадиган жарақ-жарақ тилланинг ҳисоби билан дилида бой бұлған сав-догарни ҳам, ўери-ю қароқчини ҳам күрди... Ҳаммаси, ҳаммаси бу йиллар қуюнида учған хасдек бир күринди, бир замонгина манзил қурди-ю, кетди. Кимdir үнинг заха күксидан бир гиштни күчиріб кетмоқ пайида бўлди, яна кимdir кам жойини тўлдириб, бағрини бу-тун қилиб кетди. Аммо яхшими, ёмонми, ҳаммаси бир келди-ю, кетди. Ҳеч ким у билан мангуга қолмади. Сар-добра, ҳар ўткинчилар билан гавжум кўринса-да, ёлғиз, нақадар ёлғиз эди. Денгиздек чексиз, ўркач-ўркач қум-лар тўлқини орасида кимсасиз оролдек сўппайиб тура-верарди.

---

---

## I

Аввал уфкни булутдек босиб келаётган чанг-тўзон кўринди. Ботаётган қуёшни-да тўсгудек бу тўзон конталаш тус олди. Кейин эса қонли тўзондан-да вахимиалироқ манзара жонҳолатда елиб келаётган отлик навкарлар ва шоҳона аравалар карвони кўзга ташланди.

Бу карвон жамол Элбеги деган кирқ беш-эллик ёшлардаги кайвони аёл эгалик қилаётган олти-етти кишлопқ ва учта сардобани ўз ичига олган юртга келгунига қадар, ундан олдинроқ вахимали мишишлар етиб келди: «Үрис Бухорони босғанмиш, амир кочганмиш». Мишишлар оғиздан кўчиб, болалаб, то уч Сардoba сарҳадларига оқсоқол Жамол Элбегига етиб келгунича қочқин амир карвонидан кўтарилган чанг тўзон ҳам бўй бериб колди.

Үрис Бухорога хужум қилаётганмиш деган хабарни эшитганидан бери емак-ичмагидан маза кетган Элбегининг кўзию қулоги кунботар томондаги Сардoba ёнидан ўтувчи карвон йўлида бўлди. Қани энди ёлғизгина суюнчиғи, асраб олган жияни Жумабекдан бир мужда келса. Аксига олгандек доим серкатнов бу йўл бир хафтадирки, сув куйгандек жимжит. Юрт вахимага тушган. Йўл юришга бирорвнинг юраги бетламайдиган замон бўлди-да. Жумабек унинг марҳум опасининг кенжা ўғли. Опаси шу гўдакгинани тақдир хукмiga ташлаб ўзи чин дунёга равона бўлгандан бери уни Элбеги боласи ўрнида боладай кўриб, бирордан кам килиб ўстирмади. Худога минг қатла шукурки, Жумабек ёмон бола бўлмади. Фарзандсиз холасининг бағрини бутун қилди. Фарзандсизлик оловида кўйдирмади. Мана, у қарийб тўрт йилдирки, Бухоройи Шарифда мадраса тупроғини ялаб илм ўрганмоқда. Эртаниндин сабогини якунлаб, мулла йигит бўлиб элга қайтади деб турганда бу лаънати талотўплар, ит эгасини,

мушук бекасини танимайдиган ғалати замонлар бошланиб кетди. Ишқилиб Жумабек шу ур-йикитлардан омон чиқсан-да.

Элбеги шу тахлит хавотирли ўй-хәёллар билан нағозини ўкиш учун хос ҳужрасига йўл олди. Ёши кайтиб қолган эркакшода бу аёл дадилликда, чўрткесарликда эркақдан қолишмас, шунинг учун ҳам манаман деган эркақлар ҳам Элбегини кўрганда пиддир-пис бўлиб қоладилар. Шундай полвонтахлит, шоддод Жамол Элбеги бугун илк бора ўзининг қариётганини ҳис килди. Таҳорат ушатиб, тўзғиб қолган сочини тузатмоқ учун манғлайчасини ечганда йўғон икки ўрим сочи ултапушагидан\* чиқиб елкасига тушди. Кечагина сочини ювиб ўриб кўйганида бу соchlари зулукдек коп-қора эди. Энди эса ўрим-ўрим соchlари орасидан оқ толалар кўриниб қолибди. Элбеги девордаги ойнага қаради. Пешонасидаги чизиклар чуқурлашгандек, қулоклари орқасидаги ва бўйнидаги ажинлар кўпайгандек туюлди. Ҳа, аёл барибир аёлда, элга беклик килгани билан, баъзи бир эркаклар ҳам удалай олмайдиган юмушни елкасига олиб ўн-ўн беш йилдан бери оёғи узангида, элғалик қилгани билан ҳам аёллигини унутмаган эди. У шундай ғамгин ўйлар билан жойнамозга бош қўйди. Икки ракаат намозни ўқиб бўлгандан сўнг ҳам узоқ вақт жойнамоз устида чўк тушиб қиблага қараганча хаёл суриб ўтирди. Жумабекни ўйлади. У ўт-олов бола мана, тўрт йилдирки, Бухорода. Ишқилиб бу талотўплардан уни худонинг ўзи асрасин-да. Элбеги Жумабекнинг ҳаққига ҳам дуо ўқиб жундан тўқилган жойнамозни авайлаб тахлаб таҳмонда йифилиб турган кўрпачалар устига ташлади.

Ховлига чиқиб Турсунқулни чакирди. Турсункул Элбегининг отбоқари, ўттиз ёшлардаги буйдор, аммо котма, суяги меҳнатда қотган, саҳро офтоб аёвсиз кўйдирганидан занжидек коп-қора йигит. Полвонлиги ҳам бор.

Корабоғлик машхур кўйчи Шомуродбой ўғиллари-га катта тўй берганида Турсунқул амирнинг хос паҳлавони девдек баҳайбат ва вахимали Дев полвон билан олишиб, ёғоч полвон деган ном ҳам олганди. Ўшанда вазни ўзидан уч баравар ортиқ бўлган, сўқим-

\* Соч бориҷ.

га бокилган буқадек тирсиллаб турган Дев полвон шу найнов ва ориқ Турсунқулнинг белини бука олмаган эди. Зўриқиши ва аламдан қизариб янада шишган Дев полвон ёнидаги қурдошларига қараб гавдасига мос бўлмаган чийилдок овоз билан «Бунинг одам эмас, ҳаре, ёғоче!» деб чинқирганча кулгуга қолганди. Шундан бери Турсунқул Ёғоч полвон лақабини олди. Лекин давраларда унга катта обрў-эътибор келтирган бу лақабдан Турсунқулнинг ўзи уяларди. Полвонлигини кўз-кўз килгиси келмас, оддийгина Турсунқул отбоқар бўлиб юраверарди.

Элбеги намозини ўқиб бўлиб ҳовлига чиқди.

— Турсунқул, ҳой Турсунқул! Гулойим, эрингни чақирсанг-чи!

Гулойим Элбегининг овозини эпитиб пилдираганча отхонага югурди.

Ҳайхотдек катта ҳовлининг бир кунжидағи кичикроқ уйда Турсунқулнинг оиласи яшайди. Бу бир-бирини жонидан ҳам ортиқ кўргувчи, бир-бирини авайлаб-асраб юргувчи бу эр-хотин Турсунқул ва Гулойимнинг муносабатини кўриб Элбегининг ўзи ҳам хавас қиларди. Улар бир-бирини ялаб-юлқаб олтита бола ўстирадилар. Каттаси энди ўн иккига кирган бўлса, кенжаси ҳали бешикдаги чақалоқ.

Гулойимнинг кўриниши эрининг мутлақо акси эди. Турсунқул узун ва қорачадан келган бўлса, Гулойим эса паст бўйли, думбок, оқ-сариқдан келган чаққонги-на аёл эди. Унинг семизлиги ҳечам ўзига халакит бермас, чаққонликда хипча аёлларни йўлда қолдириб кетарди. Унинг пилдираб юришига қараб, баъзан Элбеги уни узиб оларди. Унинг ҳазили қўполдан қўпол бўлса-да, аммо Гулойим ўзига олмас, кулги билан енгиб кетаверарди. Гулойимнинг югуриб кетаётганини кўриб Элбеги бир куни «Ё, худойим-ей, тарвузга ҳам оёқ битибдими» деб юборган эди. Гулойим пилдираганча отхонага кириб кетди ва бироздан сўнг у ердан олдин Турсунқул, унинг изидан Гулойим чиқиб келишди. Турсунқул лапанглаб катта-катта қадам ташлаб юрар, Гулойим бечора эса унга етиб олиш учун калта оёқларини қўлига олганча югуради.

Турсунқул яғири чиқиб кетган дўпписини қўлига олиб бир қоқди ва қайтадан кийиб Элбегига қараб юрди.

— Жумабекнинг отига яхши қарайпсанми, бугун-эрта ўзи ҳам келиб қолар. Элбеги шу сўзларни айтаёт-ганда гўё, хозир эшик очилиб мийинидан кулганча Жумабек кириб келадигандек юраги орзишиб кетди. Бор, отимни эгарлаб чик. Сардобадан хабар олай-чи, — деди Элбеги қандайдир ички умид билан. Худди, хозир Сардобадан хабар олса Жумабекдан дарак топадигандек туюлди.

Элбеги ювош, қари байтални ўз ҳолига қўйганча ботиб бораётган қуёшнинг қип-қизил нурлари қонта-лаш қилган уфқка термулиб борарди. Байтал хўжаси-нинг кўнглидаги гапларини уққандек бошини қуий солиб бир маромда йўрганиб қолган йўли— Сардoba томон кетаверди.

Куёш аста-секин пастлаб борар экан, янада улкан-лашар, қон янглиғ қизариб борарди.

— Ё, алҳазар! — деди Элбеги қуёшнинг бу тахлит қизариб бораётганидан ҳайратга чўмиб. — Қуёшнинг бу қизариб ботишини биринчи кўришим. Ишқилиб, охири бахайр бўлсинда.

Ёзниг жизғанак ҳавосининг тафти бироз пасайиб, тирамонинг майингина шом ели эса бошлаган бу тинчгина оқшом манзараси гўзал эди. Аммо, суворий хотин-нинг кўнглида кечаетган хавотирли туйғулар оқшомнинг манзарасини хис этмоққа қўймайди. Унинг назарида бу гўзаллик онийдек, бир лаҳзадан сўнг ундан асар ҳам қолмайдигандек, барча нарса туннинг копкоронғу зулумотига ютилиб қўздан ғойиб бўладигандек туюлаверарди. Бу муnis сокинлик ортидан қандайдир мудҳиш ваҳималар, талотўплар бордек туюларди. Бу ўйлардан у сесканиб қўйди. Уфқка термулар экан аввал булатдек босиб келаётган чанг-тузонни кўрди. Ботаётган қуёшли тўсгудек бу чанг-тўзонни қон янглиғ қип-қизил эди. Ундан қон ҳиди анқирди. Кейин эса бу конталаш тўзондан-да ваҳималироқ манзара — жонҳолатда от елдириб келаётган суворий навкарлар ва шохона аравалар карвони кўзга ташланди.

— Ҳа, амиримизнинг қочгани рос экан-да, — Элбегининг юрагини ялаб ўтган аламли фикри беихтиёр тилига ҳам кўчди. — Дини исломнинг қуввати — пойтахт Бухоройи Шарифни кофирга ташлаб ўзлари қаёққа йўл олдилар?! Кейин унинг хаёлига яна Жумабек келди. Бухоро кофирнинг пойида қолган бўлса

у мадрасада дини исломни ўргана олармикан. Йўқ. Бир-икки кун ичида ўзи келмаса уни олдириб келади. Бўлди, шунча илм қилгани. Энди ғала-ғовурда шу ерда қишлоқда бўлсин. Кўзи ўнгида юрмаса кўнгли тинчимайди. Илми чала қолган бўлса кейин замон тинчиганида бориб давом эттираверади.

У шуларни ўйлар экан, энди олдинги замон ўтганлигини, конталаш чанг-тўзон булути билан бирга қайтмас бўлиб кетаётганлигини, унинг ўрнига келаётган янгича замон ўзи билан яна неларни бошлаб келаётганлигини ҳатто, не-не казо-казолар ҳам билолмай хайрону лол бўлиб турганларида, бу бор-йўни Элбеги бўлган тўпоригина, илмсиз аёл била олармиди.

Энди қуёш ботиб бўлган эса-да, ҳамон олранг шафак уфқни тарқ этмаган. Қорая бошлаган осмоннинг кун ботар уфқидаги қип-қизил шафакдан қон ҳиди келарди. Қуёш ботгунича сап-сарик ғиштлари кўзга ташланиб турган Сардоба ҳам шарпа каби корайиб қолганди.

## II

Амирнинг ошигич йўлида чиқаётганини эшитиб уч кунки амир сарбозлари ва бошқа шахар ҳимоячилари билан тенгма-тенг қўрғон деворларини ҳимоя қилган Жумабек ва Файбулла ҳам унга эргашдилар. Жумабек ёши энди йигирма иккини тўлдириб йигирма учга қараб кетган бўлсада, ўзи ёшига нисбатан анчагина улуғроқ қўринадиган ўткир нигоҳли, анчагина салобатли йигит эди. Елкалари кенг, пешонаси дўнгрок, қиррабурун Жумабек ўзига яраша камгап ва мулоҳазали эди. Файбулла эса унинг бутунлай акси. Бўйи ўртадан баландроқ, аммо бўйдор Жумабекнинг олдида ушоқдеккина қўринади. Бурни озрок пучук ва думалоқ юз, қошлари ингичка ва қайрилма. Юпқа лаблари унинг анчагина таъсирчан эканлигидан далолат бериб туради. Жумабек оғир ва вазмин, осонликка жаҳли чикмас, унча-мунча гапларни вазминлик билан қабул килар, совуқконлигини йўқотмас эди. Аммо, бир ғазабланса унинг узоқ вакт ҳовури босилмас, босилганда ҳам асорати анча пайтгача сақланиб қоларди. Файбулла эса салгина нарсага «лов» этиб ёниб кетар, ғазаби ҳам шундай тез тушадиган жиззакироқ йигит эди. Жу-

мабек ўзини хафа қилганни мутлақо кечирмас, ундан пайтини топиб ўч оладиган қасоскор. Файбулла эса яхшилаб узр сўраса, кечириб юбораверадиган самимий, кўнгли очиқ эди. У иккаласининг тузилишидаги манаман деб турган яна бир фарқи Жумабек сахро офтобида кўйиб қорайган бўлса, Файбулла оқ-сариқдан келган йигит эди. Буниси Бухорога Қашқадарёнинг қуий оқимида ватан курган сариқ уруғидан ўзига тўқ оиласдан чиқкан бўлса, униси Қоракўлнинг камбағалроқ дехкон оиласидан келганди. Аммо, лекин, шу иккала йигитнинг ўртасидаги олам-жаҳон тафовутлар қалин дўст бўлишига халақит беролмасди. Иккала дўст ўз феъл-атворларида шунча зиддият орасида яна шунча муштараклик ҳам топардиларки, бу уларни янада яқинлаштиради.

Жумабек хотираси кучли, мантиқий фикрлашни жойига кўярди, Куръони карим сураларини бироз бўғик, аммо ширали овозда тиловат қилиб барчани сел қила оларди. Файбулла хотираси ва зехни бўйича Жумабекдан қолишмас, бироқ тиловатни мадрасада ҳеч ким у янглиғ маромига етказа олмас эди. Шунинг учун уни ҳурматлаб қори деб аташарди. Файбулла ҳам, Жумабек ҳам Махтумкулининг муҳлиси эдилар. Файбулла эскигина кашкарча рубобини кўлига олиб, улуғ шоирнинг ашъорларини куйга солганда, ёқимли ва баланд овози юракларни эритиб юборар эди. Жумабек унинг шу худо берган истеъодига тан берарди. Шунинг учун ҳам уни яхши кўрарди.

Икки дўст бир ҳужрада мадраса тупроғини ялай бошлаганига мана, тўрт йилдан ошди. Энди мадрасаси хатм қиласиз деб турганларида алғов-далғовли замонлар бошланиб қолди.

Фурунза деган қизил саркарда аллақандай қуроллари билан нақ Бухоро деворлари ёнида пайдо бўлди. Уруш деган гаплар бундан олдин ҳам бор эди. Ўрусия подшоси таҳтдан ағдарилган эмиш, Олмон подшоси ўрус ерларига ҳужум қилаётган паллада ўрусларнинг ўз ичидан ола чиқиб подшосининг тагига сув қўйган эмиш, деган гаплар айланиб юрарди. Аммо, мингминглаб чақирим олисдаги уруш садоси бухороликларга унчалик вахимали кўринмас, ўзларини хавфдан холи ҳисоблашар эди. Аммо бало, оғат деганларининг оёғи мингта, кўзи туманта бўлар экан. Уруш

офати кўз очиб юмгунча Бухоронинг шундоқкинна остонасига ҳам етиб келди.

Ўшанда илк тирамо эди. Ёзи билан Бухорони жизғанак қилиб, тупроқ кўчаларини иссиқ чўғ янглиғ чантга кўмган офтоб энди қаҳридан тушиб, олов тафтини бироз юмшатган, Шоҳруд аригининг ҳам, Лабиҳовузнинг ҳам сувлари анчагина тиникиб зилоллашиб қолган эди. Лабиҳовуз бўйидаги минг йиллик чинорлар ҳали япроғини тўқиб улгурмаган бўлсада, аммо шапалоқдек-шапалоқдек барглари сарғим-қизғиши заъфарон тус олаётган, ҳовуз юзасида яккам-дуккам барглар суза бошлагани кўзга ташланиб қоларди. Ҳавода оппоқ, момик мезонлар учиб юрарди. Табиатнинг осуда, мунис ва маъсум табассуми ёшини яшаб, ошини ошаган нуроний кексага риҳлат сафарига ҳозирлик кўраётган кишининг видо табассумига ўхшаб кетарди, гўё. Аммо...

Аммо бу инсоний қонунларни тан олмайдиган табиатнинг маъсум ва беозор табассуми эди. Бухорода шу кунларда юзига табассум индирадиган кас топилмасди. Энди нима бўлар экан, деган ўйлар исканжасида юрак ҳовучлаб юрган бухороликлар яқинлашиб келаётган уруш даҳшатини хис этишар, хис этган сайнин вахимага тушишарди.

Юз етмиш йил Бухоро таҳтида мұким турган манғитий амирлари сулоласи таназзулга юз тутиб, эл на заридан қолаётган, пойтаҳти Бухоро бўлган, чегаралари Чоржўйдан Душанбега қадар чўэзилган каттагина манғитийлар давлати сўнгги кунларини бошидан кечираётган эди. Гўё фасллар алмашганидек хонлар, шоҳлар, амирлар ва сultonларнинг келиб кетиши бошидан минг бир балоларни ўтказган кекса Бухоро учун янгилик эмас бўлсада, аммо бу келаётган ёйи Бухордан Бухорони айирадиган энг қаттоли, энг конҳўри ва айёри эканлиги аниқ эди.

— Тур Файбулла, кетдик биз ҳам, Бутун Бухоро кўррон деворлари устига чиққан, жанг қилиб ётишибди, — деди ҳужрага ҳовлиқиб кирган Жумабек шошганча чопонини кияр экан.

— Нега? — деди Файбулла хаёл суришдан тўхтаб бошини кўтарар экан, нима учун мен жанг қилишим керак?!

Жумабек унинг ўр феълини биларди. Хеч қачон

Файбулла юр деганда эргашиб кетаверадиган йигит бўлмаган. Унинг ҳамма нарсага ўз муносабати, бошқаларнидан фарқ қиласидиган ўз фикри бўларди. Аммо, хозир у билан баҳслашадиган ўз фикридан қолдириш учун бир талай исбот-далил топиб берадиган пайт эмас.

— Нега бўларди, ёғий Бухорога хужум қилмоқда. Улар шунчаки ёғий, ё, юртгалар талончи эмас, улар кофир! Худодан қайтганлар Бухорони олса диндан путур кетади. Буни дажжол Фурунза дегани билади. Бухорони олсан, бутун ислом оламини босиб оламан деб билади. Шунинг учун ҳам тиш-тироғигача куролланиб ҳамла қилиб ётибди. Бутун Бухоро жон олиб-жон бериб ётибди-ю, бу киши ҳужрасидан чиқмай хаёл сурисиб ётганига ўрайми, турсангчи тезрок!

— Мен-ку тураман, жангдан қочадиган номард ҳам эмасман, — деди бироз иккиланганча Файбулла. Аммо, мен анави ношуд амиринг учун жанг қилайми-а?

— Сен Файбулла, менинг қонимни қайнатма! Амир учун эмас, балки Бухоро учун жангга киришингни ўзинг мендан ҳам яхши биласанку! Гапни кўпайтирмай ё, мен билан юр, ё бўлмаса бор ўша Файзуулланг билан кофирларингнинг олдига! Сенсиз ҳам бир амалларман!

Жумабек Файбулланинг «Ёш бухороликлар» ва уларнинг йўлбошчиси Файзууллага ихлоси баландлигига шама қилаётган эди. Файбулла бу сўздан кейин унга ялт этиб қаради. Шу пайтгача Жумабекни бундай ахволда кўрмаган эди. Унинг бурун катаклари керилиб, кўзларидан ажабтовур алнга сочиларди, кисқа-кисқа нафас олар, кенг кўкраклари кўтарилиб кўтарилиб тушарди.

Файбулла индамай ўрнидан турди. Чопонини кийиб, белига тиғли қоракўли пичоини тақди. «Кетдикми», дегандек қилиб Жумабекка қаради.

Ташқарида киёмат койим бўлаётган эди. Шаҳарда кий-чув, тўс-тўполон, ит эгасини танимайдиган олата-сир шовқин-сурон ҳукмрон эди. Осмонда минглаб момакалдироқлар бирдан гумбирлагандек қулоқни батангга келтиргувчи вахимали товушлар босганди. Шувиллаб келиб ёрилаётган тўп ўқлари ҳамма жойни аччик тутунли, чанг тўзонга буркаганди. Шу пайт мадраса ҳовлисидаги Минорайи калоннинг қоқ учига

келиб замбарак ўқи урилди. Асрлар бўйи кўкка бўй чўзиб Бухоронинг кўркига айланиб турган мағрур Минора бир қалқигандек бўлди. Аммо, қилт этмади. Ҳақиқий мусулмоннинг йиғмонидек мустаҳкам ўрнашган жойида тураверди. Аммо, ўқ келиб теккан минора гумбазининг бир кисми ўпирилиб тушиб, ўрага ўхшаб очилиб қолди. Минора ичига уя кўйиб, ватан тутган лайлакнинг уяси ҳам учиб кетди. Ҳавода ўзини тубжой бухоролик деб билган, шу улуғ шаҳар пайдо бўлганидан бери унга ҳамроҳлик килиб келган лайлакнинг оғир-оғир канот қоқиб, минора устидан чарх айланётгани кўзга ташланди. Файбулла бир зум лайлакка ачиниб караб турди. Шунда лайлак учиб юрган осмонда яна ғалати йирик кушлар пайдо бўлди. Улар ўzlаридан даҳшатли шовқин чикариб гала бўлиб учишарди. Улар қонига беланиб ётган шаҳар устига якинлашганда пастлаб учдилар. Худди маслиқни кўрган калхатлар каби доира ясаб-доира ясаб учиб пастладилар. Шунда уларнинг корнидан қора-қора нарсалар ажралиб чиқиб пастга қулай бошлади. Замбаракларнинг гумбурлаши, ўқларнинг сурон солиб ёрилиши ҳеч нарса эмас экан, унинг олдида. Темиркушларнинг корнидан ажралган бу даҳшатли нарсалар ерга тушган заҳоти қиёмат-қойим бўлди. Гумбур-гумбурдан кулоқлар битиб қолди. Портлаш тўлқинидан улар учиб бориб ерга қуладилар. Ер осмон, осмон эса ер бўлди, гўё. Шаҳарни ваҳимали қий-чув, ярадорларнинг аччик фарёди қоплади.

Улар жанг қизиётган жой — шаҳарнинг шарқий деворларига етиб келгунларигача худди шундай темиркушлар яна бир-икки бора ҳамла қилди. Бухорони киришиб ер билан битта қилиб пайҳонлади, бу дўзах кушлари. Уларнинг кўз ўнгларида қадим ва салобатли Бухоро гўё ҳеч қачон бўлмагандек кулаб, йиқилиб, ёниб-тутаб йўқолиб борарди.

Бундай қиёматда одам хечам ўзини ўйламас экан. Шувиллаб учиб ўтаётган ажал уруғи — ўқларнинг бири уни ҳам ўзи билан олиб кетиши мумкинлигини ҳис қилсада, барибир, Жумабек олдингта, алп-алп йигитларни ўз домига тортаётган жангтоҳ оқимиға қараб югуриб бораверди. У ўша лаънати дажжол Бухорони кунпаякун килаётган Фурунза деган конхўрни, унинг ол байроқ кўтарган қизил қўшинини бир кўрмокчи,

уларнинг ҳам одам боласи, ё шайтоннинг малайлари эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Девор устига чикқанда замбараклар оғзидан олов ёлқини кўринар, бир зумдан сўнг эса деворнинг улкан-улкан бўлаклари гумбурлаб осмонга учайдиганини кўрди.

Кучлар тенглиги ҳакида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Тиш-тироғигача қуролланган, жаҳон муҳорибасини кўриб кўзи пишган ўрус қўшини, пилтамилтиғи, найза кўтариб жангта кирган Бухоро лашкари кўлига илган нарсани қурол ўрнида кўтариб келган оддий бухороликларни тутдек тўкарди. Замбараклар билан шаҳарни ҳам, унинг деворини ҳам илма тешик килиб юборган ўрислар учинчи куни хужумга ўтдилар. Шаҳар химоясиз колади. Амирнинг Бухорони тақдир ҳукмига ташлаб қочаётганини эшитган Жумабек Файбуллани туртди.

— Кетдик биз ҳам! Бўлди, ўрис Бухорони барibir оладиган бўлди, — деди Жумабек ёғий томонга хавотирли нигоҳ ташлар экан.

Шу пайт замбарак ўқидан кулаган деворнинг очилиб қолган жойидан қилич яланроҷлаганча даҳшатли хайқириб, биринчи отли душман Бухорога ёриб кириб, тўғри улар томонга келаверди. Унинг ортидан иккинчи суворий ҳам пайдо бўлди. У жуда яқинлашиб қолганди. Шундагина ўликлар билан тўлган майдонда фақат иккаласигина қаққайиб туришганини Жумабек хис килди.

— Қоч! — қичқириб юборди Жумабек ваҳимали овозда ва ўзининг энди қочиб кутула олмаслигини ҳам сезди. Шундагина кўзи икки қадам нарида чўзилиб ётган мурданинг қўлидаги найзасига тушди. Суворий эса ҳамон хайқирганча устига босиб келарди. Унинг катта-катта очилган кўзларини, малла соқолларини аник-тиник кўрди. Найза ягона ўлимдан қутилиш йўли бўлиб туюлди. У найзани кўлига олиб отликка тўғрилади. Малла соқол суворий буни кўрди. Кўзлари хонасидан чиқкудек бўлди, бақрайди. Аммо, отининг жиловидан тортиб тўхташга, ё найзага чап бериб ўтиб кетишга улгурмади. От ўз тезлиги билан суворийни келтириб найзага қадади. Узун дастали найза унинг кўкрагига фирчиллаб урилиб ботиб кетди. Найзанинг сопи узун эди. Ёғий найзани кўкрагидан суғуриб олмокчилик қўшқўллаб сикимлаб ушлади.

Аммо от ҳамон ўзини тўхтатолмай икки-уч қадам босди. Бу от устидаги бечора чавандоз найзага илингган сихдаги жаздек, малла соқолларини силкитиб нола қилганча Жумабекнинг боши устидан ярим доира ясаб, учиб ўтиб, беш-олти одим нарига қулашига етарли бўлди. Суворийсиз колган йириккина малла от унинг шундоқкина ёнидан ўтиб кетди. Шунда Жумабек иккинчи суворий ҳам уларга қараб от қўйиб келаётганига кўзи тушди. Тезроқ ҳаракат қилмаса кейин кеч бўлишини англаб, ҳамон яшин тезлигига юз берган воқеа таъсиридан чиқа олмай серрайиб турган Файбуллага ўкирди:

— Отни ушласанг-чи, гаранг!

Шундагина Файбулла ўзига келди. Ёнидан чопиб ўтиб кетаётган отнинг жиловига осилиб тўхтатиб колди. Бунгача Жумабек найзага илингган ёғийнинг елкасидаги бешотарини ечиб олиб Файбулла томонга чопиб кела бошлади. Файбулла эса душман отига миниб Жумабекни мингашишини кутиб турди ва жинкўчалар бўйлаб от қўйди. Орқадан чопиб келаётган суворий ўз сафдошини шу иккаласи қандай ўлдирганини ўз кўзи билан кўргани учун қиличини вахимали ўйнатиб, уларнинг ортидан ҳайқирганча от елдириб эргашди.

### III

Шопилинч келаётган карвон Сардобада оёқ илмади. Қочок амир буни истамади. Зеро, унга ҳар бир дақика ғанимат, даҳшатли ёйи унинг ортидан қувгинчи кўйган бўлса, ҳар бир лаҳзага ортидан етиб келиши мумкин эди. Шу сабаб, карвон қандай тез пайдо бўлган бўлса шу тезликда ўтиб кўздан йўқолди. Кун ботиб, одам-одамни танимас паллада коронгуликка сингтиб йўқолиб кетди. Фақаттина Майманоқ йўлида отларнинг дупур-дупури, араваларнинг қасир-қусурию, асабий суворийларнинг қўпол сўкинишлари анчагача эшитилиб турди.

Элбеги отдан тушиб Сардобага яқинлашди. Ҳатто уфқдаги шафак ҳам сўниб, осмоннинг олис бурчакларида бир-иккита юлдузлар милтирай бошлаган бўлсада, бу улкан гумбаз бутун бўй бастини намоён этиб туради. Сарик фишталар бироз нураб, оҳори тўкилибгина қолган бўлсада, ҳамон сахрога чўнг оёклари би-

лан мустахкам ўрнашган, бўрону довулларга ҳам, кору ёмғирли изғириналарга ҳам дош бераётган, шу билан элини бало-қазолардан ҳимоя килиб турган саҳро баҳодирига менгзарди Сардобани.

Элбеги Сарdobанинг фиштларини силади. Ҳар куни бўлмасада, кунора келиб турадиган, унинг муздек тиник сувини хўплаб жони ором топадиган шу Сардoba ҳам унга ғариб ва омонатдек туюлди. Уни шу сарҳадларга элода тайинлаган Амир ҳам қочди. Энди нима бўлади?! Шу Сардabalар энди кимларнинг кўлида колади. Юрт беэга қолди. Эл етимдек ғариб бўлиб қолди...

— Ҳа, Жамол кел, тинчликми? — қоровулхона томондан йўталганча чиқиб келди қоровул чол — Мирза бува ва унинг хаёлини бўлиб юборди. — Бугун авзойинг бузук кўринади.

— Мирза бува, Амирнинг кетаётганини сиз ҳам кўрдингизми?

— Э, бунақа амирларнинг йигирма чорини кўрган чиқарманов, қизим. Абдулаҳадини ҳам, Музаффари ни ҳам, анави конхўр Ботур кассобини ҳам кўрганман. Бу амиринг шуларнинг биридирида.

— Аммо, бу сафарги амирнинг ўтиши бошқача бўлди-да, бува. Амирлар бир кунлик йўлни бир хафтада босиб асьасаю, дабдаба билан, минглаб югурдаклари, парвоначи-ю удайчи, мироҳўру девонбеги деганларини ёнига олиб, кўр тўкиб ўтарди. Бу сафар юзтacha одами билан изи-кетига қарамай кетди. Шуларнинг ичida амир борлигига ишонмай ҳам қолдим.

— Бор эди, мен кўрдим. Нима, хоннинг фойтун аравасини танимай, фарқламай ўлибманми?! — шундай деганча Мирза бува бироз ўйга чўмиб ўтирди. Унинг хотирасига ёшлиги, амирларга сарбоз бўлган йиллари ўтди. Кармана ёнидаги аччиқ мағлубият гўё кечагина бўлиб ўтгандек хотирасида қайта жонланди. Ўшанда у оёғидан ярадор бўлганди. Ўрис ўқи чап оёғини майиб қилган. Шундан бери бува қарийб кирк йилдирки, яримжон чўлок. Оёғи қаттиқроқ оғрий бошлаганини ҳис килиб афти буришди. Бугун юрт, ўша мағлубиятнинг аламини ололмай, бунинг устига янада шармандалироқ мағлубиятга учраганга ўхшайди. Ўшанда Мирза бува амирнинг хос кўшинлари сафида эди. Амир-ку ёғий билан ёқалашиб енголмагач, унга кул-

дек куллук қилиб жонини-да, тахтини-да саклаб қолганди. Ўртада унга қийин, яримжон бўлиб колди. Шу жангла ҳозирги қочган амирнинг бобоси енгилса-да, тахтда колган эди. Буниси қочиб кетибдики, демак, ёрий ҳазилакам эмас экан-да...

— Сен Жамол Элбегисан, мендан кўпроқ нарсани биласан. Қани айтчи, энди нима бўлади? Амирингнинг кетиши бу бўладиган бўлса, қайтиб келадиганга ҳам ўхшамайди. Кунимиз кофирга қоладими, ё кирпичок уруш бўладими?

— Буни энди худонинг ўзи билмаса, бандаси туш биладими, бува. Қани энди Жумабекни тезроқ олдирив келсан. Йўллар ҳам нотинч бўлиб қолгандир. Амир қочиб юрт безга қолганини эшишиб, ит, бит ҳам фимиллаб қолади, энди.

Жамол, тўғри айтасан. Мулла Жумабек энди кела-верса ҳам бўларди. Қанотингга киарди. Эгаси кочган юртни аёл бошинг билан бошқаришинг мушкуллашади энди.

Бу сўздан кейин Элбеги ҳам, Мирза бува ҳам ўйга чўмид маъюслашиб қолдилар. Ҳозиргина ўтиб кетган амир уларни, эл-юртни такдир хукмига ташлаб ўз бошини, бойлигини қутқариш учун қочиб қолганини, энди ўзинг учун ўл етим қабилида иш тутиш лозимлигини англаётган эдилар. Нихоят узоқ давом этган сукунатни Элбегининг овози бузди.

— Кеча туш кўрибман, — деди Элбеги ўзиникига ўхшамаган хаста товушда. Олачалпоқ, ёмон туш. Жумабек отини дарёда чўмилтираётган экан. Асов от пишикирармиш, сакрармиш, аммо Жумабекнинг қўлидан чиқиб кета олмасмиш. Болани майиб қилиб қўяди, бу асов деб ўйлармишман, «Кўйвор болам, кўйвортсангчи, ахир. Ҳозир сени тепади у, дермишман. У эса эътибор ҳам бермасмиш. «Шу-я, шу мени тепадими, ҳозир...» дермишу ялангоч отта миниб олиб дарёнинг тез оқаётган ўртасига қаратиб никтармиш. Қайт, болам, қайт! деганимча бўзлаб қолаверибман. У эса дарёга ўзини уриб кетаверибди.

Мирза буванинг саксонлардан ошиб вафот этган таъбирчи билгич аммаси бор эди. Бу кампир тушни бехато таъбирлай олиши билан машхур эди. Ҳозир унинг эсига шу аммасининг айтган гаплари тушди. Шу момонинг айтишича, тушдаги қон—ёруғлик, сув

эса кон, эгарланган от — улувлик, мол-дунё, салт от эса тобуттир. Шуларни эслаган Мирза бува сесканиб кетди. ... Ё, алҳазар, шу таъбир ўнг келса Жамолнинг бошида яна қанча фалокатлар бор экан...

— Э, қизим, қизик гапларни айтасан-а. Тушга нима кирмайди, душман нелар демайди. Сен уч-тўрт танга Исоқ бува йўлида садака қилиб юбор. Ҳали замон Жумабек ҳам келиб колар, омон-осон бўлиб катта тўйлар ҳам киларсан.

— Ха, айтганингиз келсин бува. Сардобангиз тинч бўлса, сувингиз мўл бўлса, ўтган-кетганга сув тутиб, савобини олиб турган бўлсангиз бўлди-да. Мен уйга борай-чи, хеч кўнглим тинчимаяпти, худди Жумабек мен йўғимда уйга кириб келаверадигандек.

— Майли, Элбеги, биздан хавотир олмай боравер. Нима, мени бўри ермиди ё Сардобани қароқчи судраб кетармиди.

Элбеги яна кўк байталини миниб уйига қайтди.

Халлослаб чолиб келаётган Турсункулни Элбеги зўрға, шунда ҳам, узун бўйидан таниди.

— Опа, суюнчи беринг, бек келди, Жумабек келди!

Элбеги каловланиб колди. Кўнгли алдамаганидан хайратга тушди. Шунча кундан бери Жумабекнинг йўлига кўз тиккан Элбеги унинг келишини сезарди, аммо шу бугуноқ, дабдурустдан кириб келишига ишонмаган эди.

— Қачон келди?

— Ҳозиргина, ёнида бир ўртори ҳам бор.

Элбеги яшил, устки камзулининг чўнтағига кўл солиб кичик ҳамёнча олди. Уни ечиб бир-икки танга олиб бермоқчи эди, аммо ҳамёнча ечилавермай тихирлик қиласверганидан ҳамёнини бутунисича Турсункулга узатиб кўя колди, ўзи эса байталига қамчи урди.

У ҳовлига кириб, отдан тушаётганида сўрида ёнбошлиб ётган Жумабекни, яна бир бегона йигитни илғаб улгурди. Уни кўриб Жумабек жойидан қўзғалди. Ҳар нарсани кўздан қочирмайдиган зийрак Элбеги, унинг олдингидек енгил сакраб эмас, бироз оғирроқ ўрнидан турганини сезди. «Чарчабди, болам» деб ҳаёлидан ўтказди. Жумабекнинг оёқ олиши ҳам олдингидек эмас, бир кадар ишончсизроқ чикди, аммо кулгичларини ўйнатганча нимтабассум билан келаётган йигитнинг

мардона юзини кўрган Элбеги барчасини унуди. Жигаргўшасини бағрига босаркан ўпкаси тўлиб кўзларидан ёш оқди. У ўзи билан бўлиб бағридаги алпқомат йигитнинг инқиллаганини, тиззалари қалтираб оёрида зўрға турганини, рангидан қон қочиб, аъзойи баданини совуқ тер босганини сезмади. Элбеги уни қучоғидан бўшатиб сўрига бошлиётганида Жумабек ёмон гандираклаб кетди. Гўё, ўзини оёқ остидаги тошга қоқилгандек кўрсатмоқчи бўлиб тошни тепиб юбордида, қаддини ростлади. Аччик оғриқдан афтлари буришиб кетса ҳам «оҳ» тортиб юбормаслик учун тишини қисиб, ғоз юриб сўрига чиқди. Жумабек дардини қанчалик Элбегидан сир тутишга тиришмасин, барибир у буни сезди. Аммо, сезганини у ҳам билинтириб ўтирамади. Ўзининг ёрилишини кутди. Файбулла билан сўрашар экан ҳам ҳаёли шунда бўлди. Кўз кири билан билинтиrmай Жумабекни кузатиб ўтириди. Оқшом салқин бўлгани билан йигитнинг юзини реза-реза тер қопланган эди. Яна унинг қорамагиз юзидан қон қочиб, ранги окариб кетганди. Кўзидаги олдинги ўйнокилик, ўтолов феълидан дарак бергувчи аланга ҳам йўқолганди. Ҳамиша иштахаси яхши бўлиб келган йигит Гулойим олиб келган чучварадан бир-икки тотиниб кўлини тортиди. Бўлмаса, у чучварани жудаям яхши қўрар, ҳар доим Гулойимдан унга чучвара килиб беришини сўрарди. Олдидағи чойнинг совуб қолганини сезмади ҳам.

Уни йўлда чарчаб қолган деса айни кучга тўлиб қирчиллаган йигитга бу йўл нима деган гап. Бу йўлларда кўп юрган, юриб чарчашиб нелигини билмаган йигит. Майли, бугунча дам олаколсин. Эртага не гаплигини суриштириб билиб олмаса, кўнгли тинчимайди. Шуларни дилидан кечирав экан, Жумабекка термулди. Унга кўзи тушар экан, ташвиши энди ўн чандон ошди. Жумабек ҳам холаси унга киши билмас назар ташлаётганини сезиб ўзини дадилрок тутишга тиришар, аммо елкасидан бошланиб бутун жисмига таралаётган оғриқ уни лоҳас килар, дадиллигининг соҳталигини билдириб қўярди. Элбеги зиддиятли ўйлар исканжасида Турсунқулни чакирди.

— Сен бугун укаларинг билан шу чорпояда ётгин. Гулойимингни бўри емайди. Гаплашиб, зерикмай ётинглар хўпми, — деди Элбеги ичкарига кирав экан.

Аммо хәёлидан зап гаплашадиган одамни топдим деган ўй ўтиб, ўзи хам кулиб қўйди. Турсунқулнинг камгап, индамаслигидан, ўн оғиз гапириб хам ундан бир оғиз гап ололмаслигидан жиғибийрони чиқиб кетарди, баъзан.

Элбеги ичкарига — ўз хонасига кириб ётди, аммо кўзи уйку илмади. Тун бўйи мижжа қокмасликка қарор қилгандек, ташқарига қулоқ солганча ўй суреб ёта берди. Тунни сутдек ойдин ёритиб турган тўлинай ботиб, тун ярмидан оққанида сўрида секингина ингреш эшишилди. Элбегининг қулоғи динг бўлиб, дера-зага яқинроқ силжиди. Инграш яна қайталади. Астасекин бу мунтазамлаша борди. Элбеги энди чида б туралади. Оҳиста кийиниб ташқарилади. Файбулла билан Турсунқул аллақачон пишиллаб ухлаб қолишган. Сўри четида ётган Жумабек томонга ўтди. Секин унинг пешонасига қўлини босди. Бехос чўғни босиб олгандек сесканиб кетди. Бечора йигит иссири зўридан хушдан кетиб инграрди. Юзи пастига қараб қолган Жумабекни тўғрилаб ётқизиши учун елкасидан тортди. Кўлига иссик, лой каби шилимшиқ ёпишқоқ нарса илашди. Коронида кўзи ўтмади. Ҳидлаб кўрди, Кон! Жумабек ҳамон инграрди. У шошилиб уйига кирди. Шамни ёкиб чиқди. Йигитнинг яктагини ечди. Чап елкасидан ўнг кўлтиғигача айлантириб танғилган оқ сурпнинг баъзи жойларидан қуюқ қон силкиб чиқиб турарди. Уйқуси қаттиқ отбоқарни уйротгунча, бегона жойга ҳали ўрганиб улгурмаган, уйқуси зийрак Файбулла бошини кўтарди.

— Нима гап? — уйқусираганча кўзларини ишқаларкан Турсунқул ҳеч нарса тушунмай.

— Турсангчи, энди кара, Жумабекнинг аҳволини, — ғазабланди Элбеги. — Ўзим ҳам ўйладима бунинг туриши ғалати деб. Бу бола қонига беланиб ётса ҳам менга бир оғиз билдирамайди. Бунинг-ку феъли шу! Аммо Файбуллажон сизга не бўлди. Бир оғизгина менга жўрамнинг аҳволи шунака деб қўйсангиз не бўларди!

Дарҳақиқат, Файбулла шуни нега вақтида айта қолмадим, деб ўқинди. Жумабек бугунча индама, эртага ўзим ётиғи билан тушунтираман. Холам вахимага тушиб ўпкасини кўлтиқлаб юрмасин, деб илтимос қилганди. Бутун йўл бўйи Жумабек ўзини яхши тутгани,

бирон марта бўлса ҳам ярасидан шикоят қилмагани учун Файбулла ҳам унинг бунчалик жиддий эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. У ўзини айбдор хис этиб бошини эгди.

— Жумабек, холам билмасинлар, эртага ўзим айтаман деганди. Сизни безовта қилгиси келмаган, шекилли. Мен ҳам унинг гапига кириб, сизга шуни айтмаганлигимдан афсусдаман.

— Энди афсус килишнинг фойдаси йўқ. Гапиринг, не бўлди ўзи?

Файбулла бошидан кечирган даҳшатли воқеаларни эслагиси ҳам келмасди. Аммо, Элбегига бўлиб ўтган воқеаларни, Жумабекнинг қандай ярадор бўлганлигини айтиб бермай иложи йўқ эди.

Ўшанда икки йигит отга мингашиб, Бухоронинг жинқўчалари бўйлаб от солиб келаётганларида иккичи отлик уларнинг кетидан тушди. У яқинлашиб келар экан Жумабек орқасига ўгрилиб унга милтиқ ўқталди. Милтиқ ўқланмаган экан, тепкининг шараклашигина эштилди, холос. Отлик даҳшатли қиличи ни сермаганча ўтиб кетди. Жумабек чап беришга ултурди. Қилич мўлжалланганидек унинг бўйнига эмас, елкасига чалароқ тегди. Аммо унинг шу тегиши ҳам Жумабекнинг ўнг қўлининг тирсагидан сал юқоририғидан то елкасигача тилиб, чуқургина яра қилиб кетди. Файбулла шу заҳоти отнинг бошини ўнгга буриб жинқўчалар ичиди изини йўқотиб кутулиб кета олди. Шунда у дўстининг иродасига тан берди. Жумабек то даҳшатли жантгоҳга айланган Бухородан чиқиб, бехавотир жойга етиб олгунларигача, мик этмай чидади. Шундагина улар отдан тушиб, унинг жикқа қон бўлган кийимларини алмаштирилар. Файбулла унинг ярасини салласи билан танғиб боғлади.

Улар учовлашиб Жумабекни ичкарига олиб кирдилар.

— Сен бор, Толиб бувани чакириб кел, — деди Турсунқулга Элбеги, — хаялламай тез бўл. Элбеги айтди, деб оёғини ерга теккизмай етказиб кел!

Турсунқул ҳамма гапни тушунганидан индамай ташкарига йўл олди. Элбеги эса ҳамон инграётган Жумабекнинг пешонасига ҳўл латта босди. У секин кўзини очди. Бир зум паришон термулиб туриб, бошини ус-

тига эгилган Элбеги холасининг хавотирли юзини таниди.

— Хола, — унинг томоғи қақраб кетганидан тиллари зўрга айланди.

— Сув беринг.

Элбеги пиёлада совуқ чойни Жумабекнинг оғзига тутди. У бир хўплам ичди. Мияси равшанлашиб оғрик хам бироз чекингандек бўлди.

Жумабек азалдан хам у ерим оғриди, бу ерим оғриди, деб нолишни ёмон кўрарди. Йигит ёшига етиб хали дард кўрмаган йигит. Элбегининг олдида сир бериб кўйганидан уялиб кетди.

Унинг ҳай-хайлашига қарамай ўрнидан турмокчи бўлди. Шунда, яраси яна очилиб оғриқ қайталади. Кўз олди коронгилашиб, кўнгли айниди. Хонанинг деворлари чирпирак бўлиб айлана бошлади. Бутун ирода кучини бир ерга жамлаб, тиришди. Боши айланышдан тўхтатди. Кўз олди хам ёришди, ўрнидан туриб, деворга суюниб ўтирди. Гайбулла уни тушуниб орқасига лўлаболиш ташлади. Жумабек ёстиққа суюниб кўзларини юмди. У ўзини майиб-мажрух хис қилиб кўнгли ўксиди. Энди ҳеч қачон бу лаънати жароҳат тузалмайдигандек туюлди. Совуқ тиф елкасини тилганда у бунчалик бўлади деб ўйламаганди. Иссиғида сезмаган оғриқ Коравулбозор сардобасига келиб дам олаётгандарида бир йикитди. Аммо, хали уйигача анчагина йўл борлиги учун тишини босиб чидади. «Миқ» этмай яна йўлга тушди. Уйига келиб барча хавотирлар ортда қолганлигидан бўшашдимикан, ё?

Толиб бувани Турсунқул кўярга-кўймай шошилтириб келганидан, бечора табиб елкасидан нафас олганча ҳарсилларди. Бу жиккаккина кўсанамо киши аслида чўпон. Аммо, туппа-тузук, кўли енгил табиб хам эди. Толиб бува синган чиққанларни хам, яра-чақани хам даволай оларди. Унинг чўл гиёҳларидан тайёрлаган дорилари яра-чарани тез битирарди.

Кишлоқ аҳли уни табиб деб атасада, аммо у ўзини табиб деб хисобламас, буни ўзига касб қилиб олмаган эди.

— Қани, йигит, кўрсатингчи, қонатган жойингизни... — деди табиб иягининг ўртасида сийраккина ўстган соқолини кулгули диккайтирганча чўнқайиб ўтириб олиб.

Файбулла авайлаб, Жумабекнинг якtagини ечиб, унинг ярасини кўрсатди. Чирмаб ташланган бўздан хамон қуюгина кон силқиб, ивиб туради.

— Оҳо, иш жиддийга ўхшайди-ку, бек! — тилини чиқиллатиб бошини сарак-сарак қилганча, табиб белидаги пичогини ечиб ола бошлади. Полвон, сиз буёққа ўтинг, — у Турсункулни Жумабекнинг ўнг ёнига ўтказди. — Жамол, уйингда иссик сув топиладими?

Элбеги ўрнидан туриб ўчоқ бошига йўналди. Файбулла билан Турсункулнинг кўмагида, табиб Жумабекнинг елкасидаги конли латталарни парча-парча қилиб ола бошлади. Тиф чап тирсакнинг юкорироғидағи мушакдор қисмини бир энлик чамаси чукур қилиб кесган, гўшт кесилиб остидаги суюк оппоқ бўлиб очилиб қолган эди. Елка ва куракдаги яра унчалик жиддий бўлмасада, аммо суюк ва торайга сезиларлигини зарар етказганди.

Табиб Элбеги олиб келган қумғондан косага қайноқ сув қўйди. Белига осиб олган халтасидан қандайдир қуритилган гиёҳни олиб, кўлида эзғилаб турди ва уни қукунга айлантириб косада ташлади. Кошиқ билан уни обдон аралаштириб, кейин уни сузиб олди. Косада колган сарғимтир сув билан жароҳатни авайлаб юва бошлади.

— Менга қаранг, бек йигит, қўлингиздаги жароҳат чукур экан, қандай орттиргансиз буни?

— Қилич тилган, Жумабекнинг ўрнига Файбулла жавоб берди.

— Ёмон бўпти, — деди табиб Файбуллага саволомуз назар ташлаганча, ундан давомини кутиб.

— Бухорони ўрис босганида биз ҳам шу ерда әдик, табиб бува.

— Ҳа, энди тушундим. Демак, Бухоронинг ўрис кўлига ўтгани, Амир ҳазратларининг қочганлари рост эканда?

Файбулла индамай бош ирради.

— Бек, жароҳатингиз ёмон оғриялтими?

— Йўқ, энди унчалик эмас. Фақат кўнглим айниятти, — деди Жумабек бироз хириллаб.

— Буниси кўп кон йўқотганлигиниздан. Кўлингизни қимирлата оласизми? Жумабек тишларини кисиб, кўлларини минг бир азоб билан қимирлатди. Табиб ҳам унинг қийналаёттанини сезмаётгандек, эринмай бар-

ча бармокларини, билагини ва тирсагини бир-бир кимирлатишга мажбур қилди.

— Бўлди, — деди ниҳоят табиб енгил тортиб. — Пайларингизга жароҳат етмаган.

У Жумабекнинг ярасига қандайдир қўланса хидли малхамни сурди. Янги дока билан унинг жароҳатини танғиб боғлади.

— Энди, бек йигит қўлни қалтис ҳаракатдан тийиб юрасиз. Бўлмаса яра тағин очилиб сизни кўп азобга кўяди. Индинга хабар оламан. Унгача докани олмайсиз. — Табиб кетишга чоғланди.

Элбеги камзули чўнтағидан бир-икки кумуш танга олиб, табибнинг қўлига тутқазди.

— Йўқ, — деди табиб мулойимгина, аммо қатъий килиб, — раҳматли устозим бемордан пул олмайсан, деган менга қўл берәётиб. — Табиб бироз ўйга чўмиб кейин Элбегига ҳижолатомуз нигоҳ ташлади. — Майли, нон берсангиз оламан. Бу йил қўл калталик килиб дон ололмаган эдим. Невараларим. — Шу ерга келганда табибнинг юзлари «дув» қизарди. Узини шунчалик паст олганидан уялибми, ё йўқчиликданми, ҳўрлиги келиб томонига нимадир тиқилди. Гапини якунлай олмади.

Элбеги тушунди. Шамни кўтариб қазноқ сари чиқар экан, хаёлида ўзини қарғади.

— Хе, Элбеги бўлмай кет, отга миниб савлат тўкиб юргунча, шу бечоранинг ҳолидан бир бора хабар олсанг ўлармидинг. Ҳали қишлоқда шу каби бечоралардан яна қанчаси бор экан.

Ўтган йили қарчигайдек ўғилни тупрокка кўйган, иккита норасида неварааси, касалманд келинию, ҳалимдеккина бўлиб ҳилвиллаб қолган кампири шу чолнинг қўлига карайди. Эртагаёқ уларнинг ҳолидан хабар олмасам бўлмайди, — деб хаёлидан ўтказганча Элбеги даста турган нондан иккитасини олди-да, дастурхонга кўйди, кейин ўйлаб туриб токчадан иккита муштдек-муштдек новвотни, бир сиқим парвардани олдида, нон устига кўйиб дастурхонни ўради.

Табиб аллақачон ҳовлига чикиб бўлганди. Ийманигина миннатдорчилик билдириб тугунни бағрига босди.

— Холамга айтинг, эртага келини билан невараларини олиб келсин. Мана Бухородан Жумабек эсон-

омон келди. Бир-икки одам «кўзингиз ойдин», деб келиб кетиши мумкин. Холам ҳам келсинлар, майлими. — Қайта-қайта тайинлади Элбеги, Толиб бувани кузатар экан.

— Майли, Жамол, айтаман, албатта келади.

Толиб бува бироз букчайганча тез-тез юриб, уйи томон кета бошлади. Элбеги у то коронгиликка сингиб кўздан йўқолмагунча орқасидан миннатдор, аммо замгин ўйлар билан кузатиб турди.

#### IV

Соли Сардор бир тутамгина қолган навкари билан Бухоронинг жанубий дарвозасидан чикиб Чоржўй йўлига чекинди. Йўқ, буни чекиниш деб бўлмасди. Амирнинг ўрус кўшини зарбидан тумтарақай лашкари ҳар томонга ўзини уриб, ола-тасир қоча бошлаганди, Соли Сардор ҳам омон қолган навкарлари билан ўт-олов ичидаги Бухородан қочиб чиқиб, дуч келган йўлга ўзини уриб, росмана қоча бошлади. Тасодифни қарангки, бу йўл Чоржўй йўли бўлиб, уни янги илинж сари бошлаб борарди. Соли Сардор ўзининг узоқ қариндоши бўлган Чоржўй беги паноҳига боришдан ўзга чора йўқ эканлигини хис қилиб, худди ортидан ёв от солиб келаётгандек Чоржўй томонга ошигич от кўйиб кета бошлади. Аммо ёв уларни таъкиб қилмаёттанини, анчагина йўлни босиб бўлгандан кейингина хис қилиб тўхтади. Йўлда йўловчи сийрак эди. Борлари ҳам жанггоҳдан қочган Сардор каби қочқинлар, бир-икки зарурат юзасидан йўлга чиккан кишилар холос. У энди ўпкасини босиб олиб, бемалолроқ юра бошлади.

Амир черигининг кўрбошиси бўлган Соли Сардор, асли Марв туркманларидан. Ўзининг жасурлиги, мерғанлиги, колаверса ҳарб ишига бутун борлиги билан берилганлигидан, ўн йил ичидай оддий навкарликдан кўрбоши даражасига бориб етди. У Амирга содик эди. Бир кунмас-бир кун унинг садоқати тақдирланишини биларди. Сабр-тоқат билан шу баҳтли онни кутарди. У катта қўшинни жангта бошлаб киришни, оламишумул музafferиятлар кучишни орзу қиласарди. Шундай куннинг тезроқ келишини қўмсар, ширин орзу ва мақсадлар оғушида ширин энтикиб кўярди. У кўрбоши тайин этилгандан кўз олдида юксак ошёнлар учун

барча эшиклар ланг очилгандек сезди. У ўзининг орзу касрига етишга бир қадам, атиги бир қадамгина колганини, биттагина ғалаба, биргина зафарли юриш уни шу қасрга жойлаб қўйишини ҳис этди. Аммо...

Аммо... шу биргина ғалаба насиб этмаган экан. Амирнинг мақтовли қўшини бирин-кетин шармандали мағлубиятга учрай бошлади. Бу ютқизишларнинг охир Сардор ишонган, Сардор садоқат билан хизмат килган маҳобатли Амирнинг хайю-хайт деб кочиши, қўшиннинг тарқаб, юртнинг ёғий қўли остига қолиши билан тугади. У бўлса ўзининг орзуларидағидек минглаб-туманлаб қўшинга эмас, атиги кирқтагина силласи куриган навкарга бош бўлиб қолаверди.

Соли Сардор аввало, яхшигина жангчи эди. Туркманинг така уруғига хос ўр феъл, бир сўзли, дангалчилиги, уруш-жанжалга суюги йўқлиги уни анчагина таникли жангчига айлантирган эди. Қилич чопишу мерганлик Сардорнинг ота касби. Ота-боболари ҳам навкар ўтишган. От устида михлангандек «қилт» этмай туриши, хар гал ёв устига ташланганда учкур отида ҳаммадан олдин етиб бориши, қиличи зарбидан ёрийларнинг бирин-кетин қулаши бекларнинг ва сардорларнинг олкишига сазовор бўлган, назарига туширганди... Унинг бу янглиғ фидойиларча жасорати бежиз кетмади. Аввал ўнбоши, кейин юэбоши бўлди. Отхонасида уч-тўртта учкур бедовлар турадиган, ўзининг хос қуролбардор ва отбоқар йигитлари бўладиган бўлди. Кейин кўрбоши бўлди. Ўлжа тақсимланганда унга ҳам залворлигина пай тегадиган бўлди. У батартиб қаттиқўл сардор эди. Буни ҳамма яхши биларди. Аммо... навкарлари уни унчалик сийламасдилар. Навкардан чиқкан беклар, чиранчик бўлади. Бир вактлар ўз тоифасидан бўлган оддий навкарларни унчалик хушламайдиган бўлди. Боиси, улар анчагина юкорини кўзлаган бўлади, аммо навкарлик ўтмиси уларнинг оёғига тушов бўлиб юқорига ўралашига монелик қилаверарди. Шунинг учун улар аламини қўли остидаги навкарларидан оладиган бўладилар.

Соли Сардор ҳам шундай анчагина баландни кўзлаган эди. Шу мақсадига эришувига ўзини ҳисобича озгина қолганида омад кетди! Аслида ундангина эмас, шу юртда умргузаронлик қилаётган барча улусдан омад кетганди. Улус бошида Амирдан тортиб, кўчада бир

тишлам нон тилаб юрган гадодан ҳам омад юз ўгирганди. Эл бошига булутдек босиб келган зулматли кунлар бошланганди. Урус Бухорони босди. Эл-юртда барака кўтарилди. Аммо қочди дарагини эшитганда Соли Сардор қўшини билан Жанубий деворни қўриклиётган эди. Тасир-тусур ўклар отилаётган, замбараклар аждаходек оғзидан ўт сочиб, жумлаи оламни вахимага солиб гумбурлаётган пайтда осмонда вариллаганча вахимали темирқушлар пайдо бўлди. Улар бу учар темир қушларни биринчи бор кўришлари эди. Улар худди дўзахдан учиб чикқандек содда бухороликлар устига ёпирилиб жаҳаннам оловини ёдиришди. Бухорони ўт-олов, аччик тутун ва чанг булути ичига ташлади. Ажал уруғларидан бири нақ кўрғон деворининг устида гумбурлаб портлади ва ўн чоғли химоячилар билан каттагина девор бўлagini ҳам ер билан яксон қилди. Гумбур-гумбурлар тиниб, чанг ва тутун тарқаганидан сўнг деворнинг беш одимча жойи ёпирилиб жарлиқдек очилиб қолганини кўрдилар. Энди деворни химоя қилишнинг маъниси қолмаганди. Бакувват, худди амирнинг манғитий давлати янглиғ пойидор ва мустаҳкам курилган Бухоро деворлари қулай бошлаганди. Илма-тешик ва пора-пора бўлиб кетган асрий баҳайбат деворларнинг энди истеҳкомлик чоғи қолмаган эди. Ҳали замон унинг кулашини, кулаганда ҳам Соли Сардор каби минглаб бечораларни босиб янчиб, пашшадек эзгилаб кулашини ҳис килиб вужуди музлади, Сардорнинг. Умрида илк бора жант чоғи кўркди. Юрагида вахима ўрлади.

Нариги ёқдан эса қизил туғини ҳилпиратганча, қизил аждардек ёфий ўт очиб олдинга, девор томонга талпинарди. Шу дақиқада Сардор «Амир Бухорони ташлаб қочибди» деган шумхабарни эшитдию, энди бу девор устида қолиш, ўзини ажал комига била туриб ташлашдек бемаънилигини сезди. Омон қолган кирк чоғли йигитларини йиғиб, деворни ёвга топширганча қочиб қўя берди. Уч юз эллик сара-сара йигитларидан фақатгина шу кирқ нафари, бу уч кунлик гўшт тегирмонидан омон чиқа олди. Шулар унга ҳамроҳ бўлишди. Булар омон қолишга қолгану, аммо ҳамон ўзларининг тирик эканликларига ишонгилари келмасди. Уларнинг силласи куриган, руҳи чўкканди. Булар энди иккинчи бор жангта ярамасдилар.

Йўлда йўловчи сийрак эди. Беэга қолган юрт амир қўшинининг қочқин бўлукларига унчаям эътибор бермас, зеро, улар бундай тўзғин, юрак ховичлаган навкарлар тўпига ўрганиб ҳам қолган эди. Бу талотўпларнинг қачон поёнига етишини билмаган эл кўчага чиқмас, йўл юришга юраги ҳам бетламас эди. Бирбирига сўз қотишмас, ҳамма ўз уйи билан, ўз ташвишлари билан банд кўринса-да, аммо ҳаммани эртага нима бўларкан, деган ташвиш бирлаширар, эртага бугунгидан яхшироқ бўлишига кўзлари етмасада, бироқ ожизгина умид риппталарига илиниб, эртадан ишончсизгина ёруғлик кутишарди.

Улар Бухородан чикиб анчагина ошиғич йўл босдилар. Кейин Коркалга яқинлашиб оёқ илганларида хушхабар эшишиб бироз тўхтаб қолдилар. Эмишки, Амир Коровулбозор томондан душманга қайта зарба бериб, кизилларни шаҳардан чиқариб ташлабдилар. Бу хабар унчалик ишончли бўлмасада, Сардор унга ишонгиси келди. Аммо, шаҳар томондан келаётган кочқинларнинг янги оқими бу умидни сўндириди. Улардан янги маълумот олган Сардор бу хабарнинг шунчаки ширин ёлғон эканлигини ҳис килиб дили чўқди. Кизиллар Бухорога мустаҳкам ўрнашиб бўлишибди. Аркнинг устида уларнинг қизил байроқлари ҳилпираб турганмиш. Сардор ёлғон хабарга ишониб икки кун оч-наҳор бу ерда қолиб кетганидан жаҳли чиқди. Ҳозир ўша лаънати ёлончи қўлга тушса нақ тўрт бўлак килиб ташларди!

Соли Сардор «кўшин»ни яна умидсизгина йўлга бошлади. Бухородан қочиб чиқсанларининг тўртинчи куни Сардор ўзининг шунча кундан бери тузук-қуруқ туз тотмаганини эслади. Силласи қуриди. Қочаётганида қўлига илинган отга миниб қайтаверганидан остидаги оти ҳам ўзига мос эмаслигидан, олдинги учқур отлари каби бўйинини гажак қилиб йўлни териб-териб, ўйноклаб-ўйноклаб юрмасдан, ёқимсиз лўқиллаб юрарди. Бу от бечорада ҳам айб йўқ эди. У ҳам тўрт-бееп кундан бери қуруқ хашак тотмаган. Ҳар кандай бедов от ҳам қирчангига айланиб қолишини Сардор ҳам яхши биларди. Аммо, тан олгиси келмасди.

Кирчангининг маромсиз лўқиллашидан безор бўлиб, Сардорнинг кўз олди қоронгулашиб борарди. Мудрай деса отнинг тепинишларидан силкиниб уйкуси қочиб

кетади, боши оғирлашиб, кўзлари ачишиб, оғрий бошлади.

— Сардор, — деди орқароқда келаётган Қурбондурди юзбоши, унинг хаёлларини бўлиб, отини қичаб унга тенглашаркан. — Йигитлар чарчаган, отларнинг ҳам ҳоли хароб. Бунакада улар Чоржўйгача дош бера олмайди. Дош бера олганида ҳам бу қирчанғилар билан Бекка кўриниш, шармандалик. Йигит номимизга доғ тушириб кўямиз-ку, Сардор.

Сардор индамади, Ҳа, туркман ўзи оч колса ҳам отини бокади. Отсиз туркман — тиҳсиз бўри, оти ориқ туркман — туркман эмас! Қавмдошлари отсиз йигитни элга кўшади, аммо маъракада унинг ўрни пойгакда. Бирок оти ориқ, қирчанғи ва қаровсиз бўлса унга маъракада ўрин йўқ! Отига қарамаган йигит ғайрати, шижаоти ва ғурури йўқ йигит. Ғурури, ғайрати йўқ йигит тирик эмас! Табийики, мурдага тириклар орасидан жой берилмайди. Гижинглаган қўша-қўша аргумоқларни миниб, не ракибларнинг кўзини куйдирив юрган Соли Сардор, ўзи мудом масхара қиласидан ғайрати йўқ ландовурлардек, бир ғариб қирчанғида юртдошларига кўриниш бергандан кўра тил тортмай ўлгани минг бор афзалдир-ов!

— Сардор, — деди яна ўнбоши унинг хаёлини пароканда килиб, — ҳов анави кўрғонга борайлик. Кўрғон салобатидан бой одамнинг жойига менгзайдир. Бирок дам олайлик, отларни тўйғизайлик, озроқ томоқ берса, бирон жойи камайиб қолмас. Кейин кечлаб Чоржўй йўлига тушсак ҳам бўлаверади. Бу гап ҳолдан тойган Сардорга маъқулдек кўринди. Индамай отини кўрғон томонга бурди. Бухородан чиққандан бери, кўп сўйламай хаёли паришон бўлиб, ёлғон мишишга учеб икки кун оч-нахор қолиб кетгандаридан буён эса, ғазаби тошиб ҳеч кимга рўйхушлик бермай келаётган Сардорнинг юмшаганидан йигитлар енгил тортдилар. Қурбондурдига миннатдорона нигоҳ ташлаб қўйдилар.

Кўрғон анчагина ҳашамдор ва салобатли эди. Отлик киши ҳам ичкарига бўй ташлай олмайдиган қилиб қурилган, баланд пахса девор кўрғонни гир айланиб ўраб олган, нақшин, қуббали дарвоза, бу ҳовли эгаси оддий одам эмаслиги, анчагина доврукли, катта оғиз бой эканлигидан дарак бериб турарди. Унча-мунча

ўткинчи бу ҳашамдор салобатдан ҳайиқиб дарвоза қоқишига юраклари бетламай қайтиб кетарди. Бу нақшин дарвоза ҳар кимга ҳам очилавермаслиги, дарвоза очилганда ҳам эгаси янглиғ, ё ундан устунрок бойларга, бекларгагина очиларди, холос. Бу хонадон сохибининг зиқналигини, бойлиги кун-кундан ошиб бораётган бандалар каби ўзига ўта ишонган, кўзи кибру ҳаводан кўр бўлиб, димоғдорлиги ва манманлиги ҳаддидан ошганлигини ҳовли жой ва нақшин дарвоза манаман деб кўрсатиб туради. Тўрт пахса девор ичидан анча-мунча уй ҳам ютилиб кетар, кўзга ташланмай девор панасида қолиб кетарди. Аммо, бу кўргон эмас! Кўргон улкан девордан бир ярим газ юкорида баланд-баланд устунлар билан ўралган, сирланган болохонаси кўкка бўй чўзган, ҳали ёш тераклар билан бўйлашиб, олис-олислардан ҳам кўзга ташланиб турарди.

Дарҳақиқат, бу Қоракўл, Олотда, колаверса Чоржўйда ҳам, Бухорода ҳам бироз тилга тушиб улгурган машҳур териичи, чорвадор Оллокулбойнинг кўргони маҳобатини янада бўрттириб улканлаптириб кўрсатарди.

Курбондурди ҳисобни тўғри олган эди. Бу алғовдалғон замонда қиркта оч йигитни, очофат отларини шундай доврувли бой тўйдирмаса, бутун қишлоқ бир бўлиб ҳам буларни боқаман, деб хонумони куйиши мумкин.

Курбондурди ўнбоши қамчи дастаси билан дарвозани қоқди. Ичкаридан итнинг қаттиқ ва темир жарангидек совук вовуллаши эшитилди. Унинг бундай вахимали вовуллашидан баҳайбат эканлигини сезиш мумкин эди. Ит боғланмаган шекилли, энди унинг акиллаши шундоққина дарвоза ортидан эшитилди. Кейин ичкаридан гулдираб йўталган товуш учиб чиқди.

— Ха, Қоплон, бас қил, — деди яна шу овоз. Оғир-оғир қадам товушлари дарвоза ёнида тинди ва занжирнинг шакирлаб туширилаётгани эшитилди. Кейин дарвозанинг чап табакасида жойлашган кичик эпик қия очилиб баҳайбатгина бош, серсокол энгак ва шилпик-шилпик кўзлари ўртасида нок-нусха, бесўнақай бурун кўринди. Бу ўша машҳур Оллокулбойнинг ўзи эди. Бойнинг калласидан пастрокда, баҳайбатликда

юқорисидагидан колишмайдиган, кесилганидан колтан бир парчагина қулогини диккайтириб, ҳар бири ханжардек-жанжардек тишлари орасида ярим қаричча келадиган қип-қизил тилини осилтирганча, сарғиши күзларидан алана сочиб иккинчи башара күринди. Бу бойнинг севимли бўрибосар ити Қоплон эди. Бу ховлидаги ҳамма нарса кўрғондан, итдан тортиб эгасигача ҳайбатли эди.

— Ҳа, — деди қўполдан қўпол қилиб бой, энди бошини буткул ташқарига олиб. Ортда қолишини истамаган улкан тарвуздек юм-юмалоқ қорни ҳам бошига эргашиб ташқарига йўл олди. Шунда улкан қорин ва эшик кесакиси орасида тикилиб қолган Қоплон зўриқа-зўриқа ўзини ташқарига олиб кутилганига шукур қилгандек бир марта «вов» дедида, жим қотиб, кўзларини нотаниш отлиқлардан узмай тураверди.

— Саломалайкум, биродар, — деди Курбондурди, бу томошадан кулгиси қистаганини яширмоқчидай сохта хўмрайиш билан. Бухородан Чоржўйга кетаётирмиз. Бир кун уйингизда дам олсак девдик. Кўриб турибисиз, ўзимиз ҳам, уловимиз ҳам чарчадик.

Бой бир дақиқа иккиланиб турди. Киритай деса... кошки улар бир-икки киши бўлса. Ўттиз-қирқ одамни тўйдириш ҳазил гапми. Нак бир-икки бўрдоқини ҳам ямламай ютар важохати бор буларнинг. Бир-икки тандир нонни ҳам кўрдим демаса керак, бу юхолар! Отлар-чи, отлариям бор, тагин. Очофат отлари сомонхонасини қуритади, унинг! Киритмай, деса бу бадковок отлиқларнинг авзойи бузук кўринади. Бу алғов-далғов замонда уларнинг мушугини пишт, дейдиган мардни кундузи чирок ёкиб излаб ҳам топиб бўлмайди. Унинг бир ўзи қирқ чоғли бу қуролли йигитларга бас келишини ўйламай ҳам қўяверса бўлади. Булардан сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бир йўлини топиб, отанг яхши, онанг яхши, деб тинчгина кутилмаса бўлмайдиган кўринади. Бой бунинг йўлини топгандек бўлди. Юзига сохта жилмайиш ифодасини бериб қўлини кўксига қўйди.

— Энди, оғайнилар, сизларни жон-жон деб меҳмон қилган бўлардим-у, аммо, буёғи йўқчилик-да, уйимда на уним бор, на ёғим бор. Буёғи бой, деган номимизнинг курук ўзи қолган. Бошқа ҳамма нарсамизни бир ҳафта бурун қароқчилар талаб кетишиди.

Бу кутылмаган пайтда келган бош оғриғидан сил-ликқина кутилишни истаган бой, икки бети, «қилт» этмай ёлғонлар экан, шу пайтнинг ўзида ўчокқхонада, думба ёғида пишаётган паловни күз олдига келтириб ютиниб күйди. Буғини ҳам еб бўлгандир. Тезорқ бу дардисарлар ўзи йўлига равона бўлиб қораларини ўчирса эди, ёнбошлаб олиб шакаробни кўшганча палов ошашини ўйлади. Иштаҳаси очилиб оғзидан сув келди. Меъдаси тўқ бўлсада, ўзини уч кундан бери туз тотмагандек хис қилди. Тезорқ даф бўлишсайди бу дайдилар...

Аммо, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фарипталар «омин» дейишини, ҳар ким ўзи насибасидагини ейишини бой биларди. Билардигина эмас, хизматкорларига, чўпонларига, оиласидагиларига севиб такрорлайдиган ўгитлари эди, булар. Аммо, бой ичини итдек таталаётган нафси, табиий зикналиги исканжасида буни пакъос унуганди. Бироздан сўнг ўзининг ёлғони мудҳиши ҳақиқатга айланишини, қозонда олтингдек товланиб, иштаҳасини карнай қилаётган паловтўрадан энди унинг насибаси узилганини, қолаверса ўзи хис қилганидек уч кун оч-нахор қолишини ҳозир била олганида эди, ҳалику қирқта экан, мингта бўлса мингини ҳам бир мўйи кимирламасдан, бир хафта боккан бўларди. Аммо, энди кеч... Билгувчи факат Оллоҳдир. Бандаси эса, шу олган нафасини қайтариб чиқардими, ё йўқми билмай ўтиб кетаверади.

Шу куни, шу ерда иккита даҳшатли воқеа юз берди. Бу воқеадан кейин анча сув оқиб кеттан бўлсада, аммо кўпчилик Соли Сардорнинг бошқа йўлга кириб кетиши, Оллоқулбойнинг уруғига қирон келиши, шу даҳшатли воқеадан бошланган дейишади. Соли Сардор бойнинг арзимаган ёлғонини ҳақиқатга айлантириб кўйди. Уни бор давлатидан, шавкатию довруғидан, кеккайган мақтанчоқлигидан бир зумда мосуво бўлди-ю, кўчадаги ғариб тиланчидан ҳам афтода бир бечорага айланди-қолди. Кечаги манмансираган бойнинг бошқа оддий факирдан атиги биттагина фарки қолганди. Унинг уйига Сардор ўзи билибми, билмайми қасос ва адованат уруғларини экиб кетганди-ки, охир оқибат бу уруғлар униб чиқиб, унинг ўзини ҳам, йигитларини ҳам маҳф этишини Сардор билмаганди. Буни ўйлаб ҳам ўтирган эди. Агар, у ҳам буни сезган

бўлсайди, ҳеч қачон бойнинг маҳобатли қўргонига қадам ҳам босмаган бўларди.

Иккинчи воқеа биринчиси билан эгизаклардек, бир пайтнинг ўзида туғилди. Курумсок ва ёлғончи бой уйидан кўнок сўраб келган оч ва ҷарчаган ўткинчи-ни, кейинчалик кўплаб одамларнинг ёстигини қутирган, мол-ҳолидан, давлатидан жудо қилган бешафқат ва қаҳри қаттиқ бир қароқчига, конхўр қотилга айлантириди. Шу пайтта қадар Оллоқулбойни тунаган биринчи қароқчи Соли Сардор бўлса, Соли Сардор тунаган биринчи қурбони ҳам Оллоқулбойнинг ўзи эди.

## V

Соли Сардор Оллоқулбойнинг кенг мўл, баҳаво ва ҳашаматли болохонасида атлас кўрпачада, лўлаболишига ёнбошлаганча мириқиб чой ичарди. Аччиқкина кўк чой унинг жонига роҳат баҳш этсада, аммо ҳаёли паришон, руҳи нотинч, кўзлари олазарак бўлиб, Чоржўй йўлини пойларди. Қурбондурди бойнинг йўрға қашқасини миниб, Чоржўйга йўл олганига тўрт кундан ошди ҳамки, ҳамон ундан дарак йўқ. Аслида яхши улови бор одамга, бу бир кунлик йўл. Зангар бойнинг оти ёмон эмас, учқур кўринади. Сардорнинг ҳисобича, Қурбондурди кеча келиши керак эди. Бугун пешиндан ошди ҳамки, ҳалиям унинг қораси кўринмайди. Сардор, бедарак ўнбошининг неchanчи марта-дир онасини йўқлаб бўралади. Унинг бу сафар овози қаттиқ-қаттиқ чиқди. Сардорнинг итфеълини яхши биладиган хос йигити Аннакули болохонага чопиб чиқди, унга бокканча кул каби кўл қовуштириб турди. Феъли тутганда ҳаттоки отасини ҳам бўралашдан тоймайдиган худобезорининг «ширин» қаломидан у ҳам бебахра қолмади. Эшитган кулоқни тешиб юборадиган, юракка ўқдек қадаладиган сўзларни Аннакули «эшитмади». Кар-соқов бўлиб олиб, кўзини лўқ қилганча тураверди. Бирон нима дегудек бўлса, Сардорнинг салмоқлигина муштидан ҳам бенасиб қолмаслигини бу одам билан кечирган йилларининг аччиқ тажрибасидан биларди.

— Ув, энағар Қурбон нега келмаяпти-а? — илон-

дай вишиллади Сардор, гўё унинг келмаслигига як-  
кау ягона Аннақулининг ўзи айбордердек.

— Билмадим, Сардор, — елкасини қисди Анна-  
кул. — Келиб қолар.

— Ўв бу сафар хайқириб юборди разабкор хўжа-  
йин. — Келишини менам биламан! Келмай катта эна-  
синикига борадими?! Сен лақмадан нега кечикди, деб  
сўраяпман!

Бечора Аннақули баттаррок қунишди.

— Анави, бойбуванг бизга овқат берарканми, ё  
йўқми?!

Овқатдан хабар олиш баҳонасида орқасига қара-  
май ура қочишни мўлжаллаган Аннақулини яна Сар-  
дорнинг овози тўхташга мажбур қилди.

— Йигитлардан йўлга чиқар, хунасани топиб ёнимга  
бошлаб келсин! Аннақули ўзининг «хунаса» Курбон-  
дурди ўнбоши эканлигига етган фаросатига қойил  
бўлиб боғчада отини қашлаб, сағрисини сийпаб ўтирган  
йигитлардан иккитасини Чоржўй йўлига чиқариб,  
ўзи бойнинг ичкарисига, овқатдан хабар олгани ки-  
риб кетди.

Ўчоқхона ёнидаги, бойнинг марҳум хизматкори Ик-  
ром аканинг кулбаси бўлган эскигина асл ранги нели-  
гини ўзи ҳам билмайдиган кўрпачада, Икром акадан  
колган эски жулдур чопонни бошига қўйтганча шу  
даҳшатли тўрт кун ичиди кариб, соч-соқоли дув оқар-  
ган Оллокулбой, ярим юмуқ кўзларини бир нуқтага  
тикканча чўзилиб ётарди. Бу пажмурда гавда уч-тўрт  
кунгина олдин савлатидан от ҳам ҳуркадиган, дағда-  
ғаси кирқ эшакка юк бўладиган доврукли Оллокулбой  
эди, деса, ҳатто бешикдаги гўдак ҳам ишонмасди. Аммо  
товуқларга ҳамгўшалик қилганида бойнинг тўсдек соч-  
соқолига киров қўнди. Кон томгудек бўлиб юрадиган  
бетларидан ранг кетди. Уни очлигу-хўрлик ёхуд, бу  
жирканч, бадбўй гўшага киргунича еган калтаклари  
зарби эмас, йўқ, кўлидан учган давлатнинг ғами қарит-  
ди. Қаддини букди. Бой-ку, тақдирга тан бериб бўлган-  
ди. Майли, сандик-сандик бойлиги кетди, чидади. Ос-  
тидаги аргумоқлари кетди, чидади. Бўрдоки-бўрдоки  
кўчкорлари сўйилиб, ейилиб кетди, чидади. Аммо,  
асосий мулки — кўмилган олтинлари, чўлдаги минглаб  
кўй-кўзилари колар деб эди ўзига тасалли берётган  
бир пайтда, ақли калта ўғил қароқчиларга йўл бош-

лаб кўйлар боқилаётган яйлов томонга кетадими! Ҳа, падарқусур бола-я, белинг оғриб топмаганингдан ке-йин, бераверасанда! Ихтиёри ўзида бўлиб, кўллари боғланмаган бўлганида бу тентакнамо боланинг тилла-рини суғуриб олган бўларди! Ҳа, майли, деди яна ўзича. Мол кетди, давлат кетди. Мингта қўйнинг ба-рисини олмас, лаънати қарокчилар, қолар-да, ахир! Уларнинг юҳо нафсидан қолгани ҳам етади. Мингта-нинг барисини еганда ҳам уч бўлиб яширилган тангала-лари яна ўн минг қўй сотиб олишга етади... Оҳ, хотиннинг сочи узуну, аммо акли калта бўлади деганла-ри рост экан! Юрагидаги сўнгти ва энг бакувват илинж-ни шу нодон хотин куйдирди. Бунинг меровлиги ол-диди, ўғлининг тентаклиги ип ҳам эшолмай қолди. Ўғлики, аслда ярим тентак бола эди. Ақлининг қисқа-рок эканлиги кундек равшан эди. Хотиннинг акли эса тошни ёрадиган эди, деб айтотмаса ҳам бунчалик чегара билмас нодонлиги етти ухлаб тушига ҳам кир-маганди. У ўша даҳшатли воқеани эслаб, инграб юбор-ди. Раҳматли отаси Абдуллабойнинг мудом қайтариб юрадиган ўгити эсига тушди. «Кулни шамолга, сирни хотинга ишонма» деб кўп такрорлагувчи эди, раҳмат-ли бой. Шамол кулни совуриб учирив олис-олисларга таркатади. Кулдан асар ҳам топа олмайсан. Хотинга ишониб сир айтдингми, у энди сир эмас, деб билавер. Чунки хотиннинг оғзи бўш бўлади. У сирни ичи-да сақлай олмайди. Элга ёйилган сирнинг эса сирлиги коладими?!

У галварс, хотинга сир айтиш ўёқда турсин, ими-жимида қолган махфий ишпига хотинини шерик қилиб ўтирибди-я! Аслида, унинг ўзини худо уриб кетган экан, бошқа ҳеч кимни эмас, ўзини худо уриб ақлини хиракаштириб кўйган экан!

...Хозиргина дарғазаб хўжа олдида мўмингина қул киёфасида ўтирган Аннақули бу ерда, ўзини қўйхона-га кириб қолган бўридек ҳис қилди. Кўркув, ваҳима ва илтижоли нигоҳлар унда шафқат эмас, фазаб ва нафрат уйғотди. Аянчли инграб ётган бой унинг кул-гисини қўзғатган бўлса, унинг хўлпа семиз, юзлари салқиб, ковоқлари солиниб қолган, харакатлари кову-шиқсиз хотини ғазабига дучор бўлди. Бойнинг олти ойлик, ниҳоятда кўхлик келини билан, бўйига етиб қолган қизини ичкаридан ичкарига паналатган бу хо-

тиннинг унчалик ҳам фаросатсиз эмаслигини, ўша кунги талонда эсидан оғиб қолаёзид, гангтан миясига келган ишни қилгани учун ҳам эрининг ғазабга дучор бўлганини англаш мумкин эди. Аннақули Сардордан олган ҳақоратларининг барчасини бу бечора хотинга тўкиб солди.

Овқатни қачон берасан, мегажин?! Сардор сенинг анави тирик мурда эринг эмаски, имиллашингни кутиб ётса! У кутмайди, кутиб ўтирамайди. Терингни шилиб, ўзингни шўрва қилиб пиширтирмасин, тарин! Жонингдан умидинг бўлса, кимирла тезрок!

Шу пайт бой бир инқиллади-ю, балога қолди. Аннақули энди ғазабининг қолганини унга йўллади.

— Инқилламай жим ёт, қари кўппак! Ё, анави итингнинг ёнига жўнатайми? — Аннақули бу ҳам камлик қилгандек, шўрва қайнаб турган қозонда хилвираб эти ажралиб қолган илик суюгини олдида, бойга ирғитди. — Ма, ол, буни кемириб, жим ёт, қари кўппак!

Суяқ бойнинг кўкрагига «топ» этиб тегиб, пастга юмалаб тушди. Ўзидан иссик буғ чиқариб турди. Бой буни сезгудек ахволда эмас эди. Ахён-аҳёнда инграб қўйганча ярим очиқ кўзларини бир нуктага тикиб кимир этмай ётарди.

Бойни яна хаёл элита бошлади. Давлати етти пуштига ҳам етиб ортгувчи бойнинг ҳамма нарсаси бор эди. Аммо, бир кам дунё, деганлариdek, солих фарзанддан худо кисган экан. Номига фарзанди бор, аммо унинг боридан йўғи авло... Хаёлига яна тентакнамо Абдураҳмон ўғли тушиб бой ғижиниб қўйди. Ёлғиз ўғилда одам келбати бор, одам сурати бор, аммо... Унинг ўн олтини уриб қўйган, ақлу-хушда ҳам қусури бўлмаган қизи ҳам бор, бирок манмансираган бой қизини фарзанд ўрнида кўрмас, киз бола бироннинг хасми, унинг меросхўри ҳам, авлоднинг давомчиси ҳам бўлолмайди, деб унга меҳр қўймаганди. Ягона ўғилнинг, меросхўрнинг эса ахволи бунака! Йигирмага кирган Абдураҳмон, ёш болалар билан кувлашмачоқ, чиллак ўйнаб юрибди. Олти ой бурун уйланса, зора эси киравмикан деб, холасининг кўхликини Қамарнисо қизига уйлантириб ҳам қўйди.

Бой ширин хотирата, қайтиб келмас бўлган ўтмишга айланган шу омон-омон замонларни эслаб, юраги

хапкириб кетди. Қандай түй бўлгандия ўшанда... Уч кунлаб түй берганди. Биринчи кун ялангликда нечанеча серкаларни сўйиб, улок-кўпкари берганди. Иккинчи куни доврукли-доврукли полвонларни йигиб, кураш қилганди. Сўнгти кунги катта базмда чор атрофдаги энг зўр ҳофизу баҳшилар тонггача хониш қилганди. Шуларнинг ичиди, ён қўшниси ёшгина Файбулланинг маҳорати тилга тушганди. Хоразмдан келган машхур ҳофизлар ҳам унинг санъатига қойил бўлиб эдилар. Ўшанда унга охирроқда наебат тегди. Файбулла тоғаси Зокир баҳши совға қилган торини шунақанги сайратдики, ҳатто кўпни кўрган созандаю ҳофизлар ҳам унга тасаннолар айтишди. Куйлай бошлиганда, шу соз санъатига яраша ёқимли овозни ҳам худо ундан аямаганини билган давра узок олқишилашди. Ҳа, шунда у Махтумкулидан айтган эди. Қўшикнинг сўzlари бойнинг кулоғи остида қайта янграй бошлиди.

«Кора тошдан қора қилни кўрган кўз,  
Чанг илар нигохинг кўзга меҳмондир.  
Келган ош деб келмас буриштирма юз,  
Нонга мухтоҷ эмас сўзга меҳмондир.

Оғирдир учрашмоқ, узокдир йўллар,  
Сўрашса йигитлар, сўзлашса тиллар,  
Баҳорда очилган ранг-баранг гуллар,  
Бир фасл очилар, ёзга меҳмондир.

Не азим хунарлар, не сирли ишлар,  
Не ҳаволи боғлар, баланд оғочлар,  
Олтмиш алвон, етмиш турлик емишлар,  
Дараҳтдан айрилар кузга меҳмондир.

Йигитнинг бўлмаса яроғи, оти,  
Шуни аниқ билинг йўқдир файрати,  
Каригунча кетар кучи-куввати,  
Йигитликнинг зўри тизга меҳмондир.

Бу дунё юраги тилим-тилимдир,  
Жафоси кўп бўлар жабру зулмдир,  
Хар неча яшасанг, ахир ўлимдир,  
Азиҳ жонлар танда бизга меҳмондир.

Хақни ёдга солсанг, ҳақдан кўркинга,  
Шайтон ора тушар, кўймас эркинга,  
Гўзал жувон қувонмагил кўркинга,  
Кексаярсан, кўркинг юзга меҳмондир.

Махтумкули, айтар эллар ўзимга,  
Ўлим ёдимдадир кўрку кўзимда,  
Хар неча яшасанг ернинг юзинда,  
Одам ўғли беш кун тузга меҳмондир».

Бу улуғ шоир ўшанда, бойнинг асасаю дабдабага кўмилган чоғларида бу шону-шавкат ҳам, молу-давлат ҳам меҳмон янглиғ ўткинчи эканлитини, ёзурида бундай каро кунлар ҳам борлигини айтган экану, аммо бу нодон бош сезмаган, кибр ёғи босиб сўкирга айланган бу кўзлари кўра билмаган экан-да...

## VI

Сардорнинг кўзлари қаҳрли қисилди. Чексиз ғазабдан юzlари бўғрикиб, лунжи пириллаб бир-икки учеб кўйди. Курбондурди ўнбоши ҳам, олдиндаги бир-икки йигит ҳам буни кўришди. Ўнбошининг ҳозир бир даҳшатли ҳодиса юз беришини хис қилиб юраги орзиқиб тушди. Сардорнинг ғазаб тўғонлари очилиб бўлган, бойнинг ёнини оламан деса бойга қўшилиб ўзи ҳам бу тошкинга фарқ бўлишини биларди. Индамай кутишга ахд қилди. Одатда, мулоим, бироз кесиб гапирадиган Соли Сардор, ғазаби чексиз жўш урсада, аммо ташига чиқармасликка тиришарди. Бирок душманига жанг майдонида дуч келганда бу одатий киёфасини худди, кийимини ечиб улоктиргандек, ташлаб юборар ва бундан енгил тортарди. Шунда унинг асл қиёфаси намоён бўлар, кўзларидан кўқимтири совук алланга сочилар, кошлари чимирилиб, ўлжасига ташланишга пайт пойлаётган йиртқичдек бутун вужудидан мудҳиш куч ёғила бошларди. Соли Сардорнинг бу холатига гувож бўлган қурдошлари хеч қачон унинг ғазабини кўзитган рақиб ўрнида бўлишни хоҳламаган бўлардилар. Хеч нарсадан бехабар рақиб бир неча сониядан сўнг беҳос мушук чангалига тушган сичкондек аянчли ахволга тушиб қоларди. Сардор уни осонгина ўлдириб қўя қолмасди. Олдин роса эзғилар, товбасига минг бор

таянтиарди. Баъзан шундай бўларди-ку, у бечора бундай хўрлиқдан кўра ўлимни минг афзал биларди.

«Уйимда ҳеч нарса йўқ, менинг уйимга кириб овора бўғунча йўлингиздан қолмаганингиз маъқул» деб, шумшайиб турган бой Сардорнинг жаҳлини қўзитди. Унинг разаби кўтарилгани сайин қиёфаси аксинча соқинлашиб, совукқонлашиб бораради.

— Ха, шунака, денг, бой ота, биз бадавлат деб адашиб, бир гадойникига келибмиэда. — Совуқ кулимсираб қўйди Сардор. Унинг бир лаҳзалик бу кулимсирашида ажалнинг сояси «лип» ўтгандек бўлди.

Ақлли бир одам гапнинг нишаби кайси томонга караб оқаётганини сезиши керак эди, шу сонияда. Аммо, бойнинг ақлини хаёлида сузилаётган опнинг хушбўй хиди аллақачон хиралаштириб улгурган эди. У қандай қилиб бўлмасин, улардан кутилишни ва тезроқ ичкарига кайтиб ошга бўкишдан бошка нарсани ўйлашга ярамасди. Бой шу сонияни қўлдан бой берди. Бу кечикиш ҳәётини афдар-тўнтар қилиб издан чиқарип юборди.

— Биз шўринг кургуларнинг сув деб, келганимиз сароб экан-да, а? — Сардорнинг бу саволи олдингилардан ҳам совуқ эштилди. Бойнинг ичидан зил кетди. Бу бадқаҳр, совуқ одамдан энди яхшилик кутиш, арслондан сут талаб қилиш билан тенг эканлигини тушунди. Унинг кўнглидагини сезгандек, ёнидаги айикдек салобатли Коплон олдинга интилиб бир марта келиштириб вовуллади, аммо иккинчи вовуллашига тўппончанинг гумбурлаши ҳам омухталашив кетди. Ва унинг охири аянчли ангиллашга айланиб тугади. Бечора бўрибосар қалтираётган оёқларини бир-икки сония кериб, оғир гавдасининг мувозанатини сақлашга тиришди. Аммо, бўлмади. Баҳайбат оёқлари ҳам дақиқа сайин оғирлашиб бораётгани гавдани саклаб туролмади. Тупроқ йўлни чангитиб кулади. Охири кучини томоғига бериб увиллаб юборди. Унинг овози этни жимирлатадиган даражада хунук эди. Сардор, унинг миясига иккинчи ўқни ҳам жойлаб бечорани минг бир азобдан фориг қилди. Бўрибосар улкан бошини бир-икки қимирлатиб ияқ коқди-да, мангуга тинди. Бу ёввойи ва мудхиш манзара эшикка суюнганча лолу соқов бўлиб турган бойнинг кўз ўнгида содир бўлди. Бойнинг кўзи очилиб кетди. Аммо, энди кеч эди.

Тўғон бузилганди. Уни тиклаб бўлмасди. Тўғондан озод сувдек ғазаб тошкини бойни чирпирак қилиб учирб кетди.

— Аннақули! — Вишиллади Сардор. — Оч дарвозани! Курбон, сан ювуқсизни ичкарига олиб кир! Сенлар эса бу ердаги бор тирик жонни боғланглар!

Хали бойнинг акли, нима бўлаёганини англамай туриб, бу худобезорилар мўри-малаҳдек бойнинг кўрғонига ташландилар. Курбондурдининг зарби билан бой шилкиллаб кулади. Яна бир зарб билан у хушидан кетди. Хушига келганида оёқ қўллари чандилиб боғланганча ётарди. Бироздан кейин ёнига Абдураҳмонни ҳам келтириб ётқизиши. Кейин дўмбиллаган, ҳарсиллаган хотинини келтириши. Хайрият-ки, у боғланмаган эди. Хотини ўғлининг ва эрининг сулайиб ётганини кўриб уввос солиб юборди. Унинг йигиси энди ортиқча эди. Аннақулининг енгилгина зарби билан дум-думалоқ хотин шалоплаб йиқилди-ю, уни ўчди.

Ҳамма жойни искалаб, тинтиб юрган Курбондурдининг бир йигити ўчоқбошидан иштаҳани қитикловчи хид таралаётганини сезиб колди. Бир неча кундан бери туз тотмай келаётган йигит беихтиёр хид келаётган томонга қараб юрди. Ўчоқнинг олови тортилиб, унга кумғон кўйилган, салкам тўйқозондек келадиган каттагина қозонга товоқ бостирилганди. У шоша-пиша товоқни кўтарди-ю, тилла топган гадойдек кўзлари ўйнаб кетди. Қозон тўла олтиндек сап-сариқ товла наётган палов гумбаз бўлиб дамини еб туради. Йигит бечора ўзини тутиб тура олмади. Очқўзлик билан капкирга ош тўлдириб олдида ура бошлади. Нафси бироз ором топгандек бўлди. Капкир билан кавлаб, гуруч тагидан муштдек серёғ гўшт олиб икки-уч бўлганча оғзиға ташлади. У бу лаззатни иложи борича кўпроқ чўзмоқчи бўлиб узок чайнади. Шунда Курбондурди ўнбоши унинг бу бетамизлигини кечирмаслиги эсига тушиб, уни излаб кетди.

... Ошни еб, ҳакалак отган нафси бироз қонган Соли Сардорга бу кўргон анчагина баҳаво ва ҳордик чиқаришга боп жойдек туюлди. Бу ерда овқатланиб, бироз дам олишни, кейин шом салқинида йўлга чиқиши мўлжаллаган Сардор фикрини ўзгартирди. Шу ерда бир-икки кун қолишга аҳд килди.

Бироннинг бирор билан иши йўқ, хамма ўз билганини қилаётган, чексиз хукмрон бўлган Амир давлатини қулатган ўрислар ҳали бу ерларга етиб келиб ултурмаган, юрт беэга, замон Соли Сардорга ўхшаган билагида кучи, кўлида куроли ва ортида уч-тўрт йигити бўлган зўрларники эди. Шундай кунларда унинг мушугини пишт дейдиган мард топилмасди.

Оллоқулбой ўзини элдан юкори тутарди. Элни менсимасди. Ён қўшнилари билан ҳам борди-кељдини йиғишириб қўйганди. Кўргонининг деворини шундай баланд солгандики, бой қанча нола қилса ҳам, унинг фарёди девор ошиб кўчага чиқмас, чиқкан тақдирда ҳам, бирор бу кўргонга кўз ташлай олмасди.

Хуллас, бахтиқаро бойнинг йиқдани энди ўзига буюрмаслиги-ку аниқ, аммо бу маҳобатли кўргон, бойга сўнгги макон ҳам бўлиб қолмасин-да... Сардорнинг ўзини шу уй эгасидек тутиб, ғоз юрганча бойнинг олти устунли каттагина болохонасига чиқиши бойни чексиз разаблантириди. Аммо, у ноилож эди. Бунинг устига унинг бир йигити Қашқа аргумоини мингандча чиқиб кетди. Бой бу аргумоқни Чоржўйдан ўттиз кўй баҳосида олган, ҳали бирон марта ҳам минилмаганди. Бой яраланган шердек ўкирганча товукхонадай жойда ётар, лаънати кароқчилар эса унинг кўргонини бутунлай ўзиники қилиб олгандек бемалол юрадилар.

## VII

Кишлоққа ўғри оралабди. Жамол Элбеги юртни идора қила бошлаганидан бери илк бора бундай хунук хабар оғиздан оғизга кўчди. Кимdir буни замоннинг нотинчлигига йўйса, кимdir эл-юртдан кутбара-ка учеб одамлардан иймону инсоф кўтарилганига элтиб тақади. Ва яна кимлардир Жамол Элбеги бу нотинч замонда аёл боши билан юрт сўрай олмаслиги, шунинг учун ҳам ўғри-ю қароқчи ундан тап тортмай эл оралаб юрганлигини сўйладилар. Дарҳақиқат, элнинг оғзига элак тутиб бўлмас экан. Эланмаган ундан ёпилган нон ичидан тишни синдирадиган тош ҳам бальзан чиқиб дилни хира қилганидек, бу гап-сўзлардан Элбенинг кўнгли оғриди. Аммо, бу беэлак оғизлардан чиқкан сўзларда бирмунча ҳақиқат хамиртуриши ҳам борлиги Элбегига алам қиласди.

Ха, рост, Элбеги карийб ўн беш йил юрт сўради. Бир эркакдан кам ишламади. Юртга беклик қилиб, бировнинг дилини бекорга оғритмади. Тўғри, қаҳри каттиқ эди. Дағдағаси баланд эди. Бир эркакчалик шиҷоати ҳам, ғайрати ҳам бор эди. Аммо, бировнинг бурнини ноҳақ қонатмади. У пайтлар замон тинч эди. Энди, у маъсуд кунлар Амир билан бирга юртни тарқ этиб кетди. Бу, ит эгасини танимайдиган талотўпда аёл боши билан юрт дарғаси бўла олиши амримаҳол. У энди эгалик қиломайди. Жамол Элбеги қанчалар оир ва аламли бўлмасин, буни ич-ичидан тан олди. Энди бу элга юртни бало-қазолардан асрой оладиган, керак бўлса қўксини қалқон қила оладиган фидойи, мард керак. Забардаст эркаккина бунинг уддасидан чиқа олиши мумкин. Қанийди, Жумабек шу ишни ўз зимасига ололса. Афсуски, у ҳали ёш. Ҳали тажрибаси ҳам, элга беклик қила олгудек обрўси ҳам йўқ.

... Жумабек арзимаган, деб билган жароҳат уни бир ҳафта тўшакка михлаб қўйди. Шунда унинг жонига Толиб буванинг туркана дорилари-ю, холасининг меҳрибончилиги ора кирди. Айни кучга тўлиб, ғайрати ичига сирмаган бўз йигит соғая бошлиганини сезиб, бир жойда ўтираверишдан, ҳол сўраб келгувчиларнинг бир хилдаги дий-диёларини тинглашдан зерика бошлади. Бирон иш билан чалғий деса, унга иш тоғилмади. Ҳовлининг эркаклар қиласиган юмушлари Турсунқулдан ортмайди. Оғирроқ ишларга эса ҳали тўла соғайиб асл ҳолига қайтиб улгурмаган жароҳатлари йўл қўймасди.

Дўстининг тузалганидан кўнгли хотиржам бўлган Файбулла ҳам Қоракўлга қайтиб кетганига бир ҳафталар чамаси бўлиб колди. Бир неча кун унинг бошида парвона бўлиб сардобалардан хабар олишни унуган Элбеги ҳам эрталаб чиқиб кетганча, ҳамон дараги йўқ. Унинг зерикишдан юраклари сиқилиб кетди. Касал ётганда ҳар куни хабар оладиган Ашур, Чори, Ёдгор деган ўртоқлари ҳам келмай қўйиши. Ҳар кимнинг ҳам ўз ташвиши бошидан ошиб ётган шу кунларда бирордан гина-кудурат қилиш ўринисизdir. Гулойим дамлаб берган чойни ичиб, ўрнидан турди. Турсунқул куймалашиб юрган отхона томонга юрди. Отни томоша қилмоқчи бўлди.

Турсунқул отхонани тозалаётган экан. Бир замбилаштык гүнгни олиб чикиб келди. Ичкарида Қоратой-нинг кишнагани эшитилди.

— Сизнинг келаётганингизни сезди, бек, — деб жилмайиб қўйди Турсунқул қўлидаги ғалтакни ерга кўйиб, унга пешвоз юрар экан, — бўлмаса кун узоғи шунга қарайман, ем бераман, сувораман, ювиб тарайман, аммо, бу кора қайсар ўла қолсин, рўйхуш бермайди. Кўзларини чақчайтириб хўмрайиб тураверади. Мана, энди сизни кўрмай туриб кишиняпти. Ҳали кўрса, ўйнаб беришдан ҳам тоймайди, бу ярамас.

Жумабек унинг беозор нолишидан мийигидан кулганча отхонага кирди. Нимқоронги отхонада, кора дудхобадай товлангувчи, йирик айрир бошини бўёма илондек гажак қилиб, пешонасида оппоқ юлдузга менгзагувчи қашқасини кўз-кўз қилиб, атрофидан айланар, дирк-дирк ўйнарди.

Бу гўзал мавжудотга Жумабек қулунлигига ёқ меҳр кўйганди. Баҳорнинг энг сулув палласида Элбегининг кўк бияси қулунлади. Ингичка, узун оёқларини дирдир титратганча ўйинчоқ от янглиғ гўзал ва товлангувчи ҳўл тойчоқни Жумабек биринчи бўлиб қўрди. У ниҳоятда бежирим, коп-кора бошидаги қашқаси ҳам узукка кўз кўйгандек ярашган эди. Жумабек уни кўрган заҳоти ҳамма нарсани унутиб, тойчоқнинг ёнига югурди. Ҳозиргина туғилган боласини ялаб-юлқаётган бия уни тойчоғининг ёнига йўлатгиси келмас, қиззаниб пишқирап, индамаса тепиб, ё тишлаб олгудек ва жоҳати бор эди. Аммо, Жумабекнинг ҳам тойчоқнинг ёнидан айрилгиси келмас, уёқдан кувса бу томондан сукилиб келаверарди.

— Хола, хола байталингиз туғди. Коп-кора чиройли тойчоқ туғди! — деб ҳовлини бошига кўтариб юрганда шунда Жумабек.

Ичкаридаги пўлат сандигидан нималарнидир излаб кавлаштираётган холаси унинг хуш хабаридан суюниб кетганди. У тойчоқнинг туғилганидан ҳам кўра, ёлғиз уйини тўлдириб, бағрини бутун қилиб юрган мархум опасининг шу кенжатои суюнганидан қувонди. Бу дўнгпешона, камгап бола анчагина ўйчан, хурсандлигини ҳам, хафалигини ҳам ичига ютиб кетаверар, «миқ» этиб бирорвга оғиз очмас эди. Баъзан Элбеги катта оиласда, ака-укалари билан тепишиб, тала-

шиб ўрганган бола, менинг жим-жит ҳовлимда сиқи-  
либ қолдимикин деб ўйлаб ҳам қўярди. Жумабекнинг  
кувончдан порлаган кўзларига караб «Хайрият, бо-  
ламга эрмак, овунчоқ топилди», деб кўнглидан кечир-  
ди.

Жумабек, тойчоқ қандай, зўрми? — деди ишдан  
бошини кўтартмай.

— Зўр! Коп-кора, пешонасида юлдузи ҳам бор!

— Ундай бўлса, шу тойчоқ сеники, — энди Элбеги  
сандиқ титишни бас қилиб, Жумабекка ўгирилиб ўтири-  
ди. — Шуни ўзинг боқасан. Чопишга, кўпкарига ўрга-  
тасан. Шу отингни миниб Бухорога Амирнинг Наврўз  
кўпкарисига борасан. Ҳали у шунақанги зўр от бўлсин-  
ки, кўриб ҳамманинг ҳаваси келади, ҳа! Амирнинг  
кўпкарисидаги энг зўр улоқни айириб чиқасан. Амир-  
нинг ҳам, улуғ-улув бекларнинг ҳам сенга ҳаваси ке-  
лади. Кейин Амирнинг гўзал қизи сенга ошиқ бўлиб  
қолади. Шу отингда Маликани келин қилиб олиб ке-  
ласан. Бир тўй қиласиз-ки, асти қўяверасан! — Элбе-  
гининг кўзларида шўх учқунлар пайдо бўлиб, ширин  
хаёлларига нуқта кўйди.

Э, боринг-е! — деганча Жумабек чопиб чиқиб кет-  
ди. У то ўн саккизга кириб, мадраса тупроғини ялаш  
учун, Бухоро сафарига отлангунча қулун фўнон бўлди.  
Фўнон дўнон бўлди. Дўнон той бўлди. Той бўлиб ай-  
ғирдек салобатли юришни, Дулдулдек икки оёғини  
тикка кўтариб кишнашни ўрганди.

Қоратой Жумабекка шунчалик боғланиб қолганди-  
ки, у қаерга борса, содик итдек эргашар, кетидан  
қолмасди. Жумабек ҳам чўнтағида бир сиким арпа-  
ми, нон ушогими олиб юрар, уни қўлидан капалаб  
олиб ейишга мажбур киларди. Баъзан эса чўнтағида-  
ги бор нарсани, майизни, парвардами, барибир, унга  
тутқазаверарди. Қоратой, айниқса, чақмокқандни хўш  
кўрарди. Жумабекнинг кўлидан қандни усталлик би-  
лан лабларига қисиб олар ва қарсиллатиб ерди. Хо-  
ласига Жумабекнинг бу қилифи унчалик ўтиришмас-  
ди.

— Э, сен бола, буни отга эмас, сукотойга итга  
ўхшатиб қўяяпсанку, — деб жавраб қўярди.

Аммо шу дўмбок ва шўх той йиллар ўтиб еттига  
тўлди. Баҳайбат тулпорга айланди. Аммо, унинг ёшли-  
гидаги шўх ва эрка феъли сақланиб қолди.

Жумабек Қоратойни қозиқдан бўшатиб ташқарига етаклади. От ўзига қадрдон хидни туйиб, ширин хотиралари эсига тушгандек, Жумабекнинг кўлларини, кийимларини хидлади. Лаблари билан чўнтакларини тинтиб кўрди. Жумабек отхонага боришни мўлжал қилганида беихтиёр дастурхондаги бир ликопча маъизни чўнтағига бўшатиб олганди. Шуни кафтига қўйиб Қоратойга узатди. У хузур қилиб кишиши биттабитта териб еди. Кейин болалик қадрдони билан ўйнали. Тумшуғи билан туртқилади. Думини қамчи қилиб, роса «савалади». Жумабек ҳовлига йўналганда арқонини судраб унга эргашди. Эргаша туриб кишинаб юборди. Олдинги оёқларини худди ракс тушгандек ўйнатиб диркиллай бошлади. Турсунқулнинг яқинлашаётганини кўриб унга хўмрайганча тишларини кўрсатиб кишинади-ю, шаталок отганча ҳовли бўйлаб югура бошлади. Унинг изидан узун арқон тупрок чангтиб, илондек тўлғонганча судралди.

— Бек, — деди Турсунқул ҳаллослаганча ёнига келиб, — нега бу қайсарни бўшатдингиз, агар ҳовлидан чиқиб кетса, уни юзта отни ҳоритиб ҳам етолмаймизку!

Шуни-я, — деди Жумабек Қоратойнинг шўх қиликларидан завқи келиб, — бу қирчанини бир ўзим пиёда ушлайманку, сиз бўлса ваҳима қиласиз. — Шундай деганча у қаттиқ ҳуштак чалиб юборди. Ҳовлининг тўс-тўполонини чиқариб безорилик қилаётган Қоратой таниш ҳуштакни эшитиб бирдан сергак тортиб тўхтади. Кейин аста орқасига ўгирилиб бошини қуии согланча Жумабек томонга кела бошлади.

— Яшавор, Қоратой, ҳали унутмабсанда, қойил!  
— Жумабек унинг бўйнидан кучоқлаб олди. Чўнтағида қолган майизни олиб, ҳаммасини унинг оғзига тутди. — Ол е, сен ҳали бунданам зўр от бўласан!

— Сизга қойил, бек! Шу қорақайсарни одам қилибсиз, Сизга балли! — Турсунқул Жумабекка ҳавас билан қаради.

Жумабек Қоратойнинг юлдуз қашқасини сийпар экан Файбулланинг шавқ билан айтадиган кўшигини эслади. «Отдир йигитнинг йўлдоши, ўғилдир давлатнинг боши!». Ҳа, холаси айтгандек энди бу йўлдошликка ярайдиган от бўлибди. Кўпкарига солса беулок чиқмайдиган, йўл юриб чарчамайдиган бедов бўлиб

етишибди. Энди бу от билан бошини баланд күтариб Амирнинг кўпкарисига борса ҳам бўлади. Элбегининг ўша гапини эслади-ю, кулгиси қистади. Ўзи кўпкарига ёмон отда кирса ҳам, бақувват кўллари билан улоқни бирорвга олдириб қўймайдиган йигит бўлиб этишди. Ўша корабахмал тойчоги ҳам девдек хайбатли тулпорга айланди. Аммо энди кўпкари бераман, деган Амир кани. Кўпкарини ютган чавандозга хотин бўламан, деган малика кани! Жумабек бу дунёнинг шунака телба-тескари ишларига хайрон бўлгандек мийифида жилмайиб қўйди.

Турсункул отхонадан каттагина, чиройли зардўзи туморни олиб чиқди.

— Бек, бу Коратойингиз кўэга яқин бўлиб қолибди. Кўз-сук дегандай, балодан ҳазар маъқул, — деганча Коратойнинг пешонасига туморни тақмоқчи бўлди. Қани энди, бу қайсар қора от унга бўйин берса... Бошини силкитганча серзарда пишқирар, якинлашсанг нақтишлаб, бир парчангни узиб оламан, дегандек, тишларини иржайтириб-иржайтириб қўярди.

— Бўлди. Бас қил! — деди Жумабек ва унинг бўйини сийпалай бошлади. Коратой тинчланди. Шунда Жумабек туморни унинг нўхтасига боғлади, заржал ипини кулоқлари орасидан ўтказиб, пешонасига ташлади. Тумор нақ Коратойнинг юлдузига менгазар қашқасининг ўртасига жойлашди. Коратойнинг чиройини янада бўрттириб юборди.

### VIII

Жамол Элбеги эрталабдан, юраги бир хижилликни сезгандек, Сардобага қараб интилаверди. Жумабекнинг жароҳати билан андармон бўлиб, уч-тўрт кун ундан хабар ололмаган эди. Кўкбайтални одатдагидан қичаброқ хайдаб Сардобага яқинлашар экан, безовталиги ортиб борарди. Сардобадан йигирма қадамча беридаги равотнинг даричаси ўпирилиб ётар, хеч зоғ, ҳатто коровул Мирза бува ҳам кўринмасди. У Сардобада кандайдир ёмон воқеа содир бўлганини тусмоллаб, бува ётадиган уйгача кирди. Кирди-ю, ўша воқеанинг бўлганлигини ҳис этиб, эти жунжикиб кетди. Мирза бува қўл оёғи бояланган, оғзига латта ти-

килган ҳолда, кўкариб ётарди. Элбеги шоша-пиша унинг оғзидаги латтани тортиб олди. Чол чукур нафас олди... Кув-кув йўталди. Кўзларини мўлтиратганча Элбегига гуноҳкорона бокди. Ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш куйилди. Элбеги ерда ётган пичоқни олиб, буванинг қўл-оёғи боғланган арқонни шарт-шарт кесиб ташлади. Мирза бува арқон қийиб ташлаган жойларини силаркан, ундан кўзларини олиб қочиб, ерга боқканча сўзлай бошлади.

— Улар тўрт киши эди. Биттасининг елкасида милтиғи ҳам бор. Ярим тунда келиб сув олмоқчи бўлишди. Шошманглар, дедим. Ювуқсиз, Сардобага кирманглар, дедим. Қани менга эътибор беришса... Бир норгулроғи итариб юборди. Белим чиқиб кетган-дек бўлди, назаримда. Улар менга эътибор ҳам бермай, ичкарига киришди. Олдин сув ичишди. Кейин, шалоп-шалоп қилиб бет қўлларини ювишди. Мен ҳеч нарса кила олмадим. Мирза буванинг оппок соқолига кўзёш томчилари тўкилди. — У ювуқсизлар Сардобани харом қилишди...

Чол бир зум оғир тин олди.

— Танидингизми?

— Йўқ. Бу ерлик эмас улар. Гап-сўзларидан тус-моллаб жўқчиларданмикан дедим.

— Нима қилиб юрибди экан, улар бу ўртада кўпам кўринас эдиларку?

— Олдин, бирон йўловчиларданмикан дегандим, кейин йигирма чоғли сигир ва юз чоғли қўй-эчкини хайдаб кетаётганини билиб булар қароқчилар, чиқаров дедим. Омборни ҳам бузиб, қўлга илинар нарсаларни олиб кетишиди, тўнғиз қўпгурлар.

Элбегининг қони қайнади.

— Индамай томоша қилиб туравердингизми?!

— Нима ҳам қила олардим. Олдинги даврим бўлганда-ку, бунақалар билан қандай гаплашишни ўзим билардим-а. Аммо, сен қизим, менинг ёшим саксонга бориб, соч-соқолим оқарганини, белимдан мадор кетганини кўриб-билиб туриб шундай деяпсан-а! Улар омборнинг эшигини бузаётган пайтда мени туртиб юборган норгулининг бошига таёқ билан туширдим. Бор кучим билан ургандим, ҳатто қўлларим зирқираб кетди. Бу унга пашша чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. «Бошни жедингку, уккағар», деди вишиллаб ва қулок

чаккамга тушириб юборди. Кўзимдан олов чикиб кетгандек бўлди. Тонгга якин, шу хужрада, қўл-оёғим боғланган холда, ўзимга келдим. Бақирай десам оғзимга латта ҳам тикиб кетган экан у лаънатилар.

У энди йигламас, эртадан умидни узган одамлардек, кўзлари ҳеч нимани англатмас, лоқайд ва беҳис бўлиб қолганди. Қайғуга ботган, афтодаҳол, ерга бокканча жимгина Элбегининг не дейипини кутиб турверарди. Элбеги бувага қаттиқ гапириб юборганидан пушаймон әди. Унинг оппоқ соқолига изтиробдан қизариб кетган кўзларига караб ачиниб юраги бўшашди. Бувага индамади. Нима ҳам десин. Саксондан ошган чолни ёлғиз Сардобага қоровул қолдириб, яна ундан тўрт ҷоғли бакувват йигитларга бас келишни талаб қилиш, бориб турган бемаънилик. Сардобани ҳаром килдирибсиз, омборни ўғирлатибсиз, бунинг учун сизга раҳмат десинми. Элбеги шу хаёлар оғушида ўрнидан туриб оти томонга юрди.

— Элбеги, — деди Мирза бува, бопини илкис кўтариб, — мен эплолмадим. Мен сенинг ишончингни оқлай олмадим. Энди Сардобага бошқани қоровул тайин қил! Чол шундай деганча инқиллаб ўрнидан турди-да, қаловланиб оқсоқ оёғини базўр судраганча қишлоққа кайта бошлади. Элбеги то унинг қораси кўринмай кетгунча орқасидан маъюс термулиб турди. Кейин, уйига хомуш ва паришон, елкасига зил-замбил юқ осилгандек ҳорғин қайтди. У нима қилишни, карокчилар талаган ҳамқишлоқлари ёнига югурсалар не дейишни билолмай колишини ўйлаб эзилди.

Ховлига кирав экан, аввало кўзи эгарланиб, йўлга шай қилиб қўшилган Коратойга тушди. От мушакларини дириллатиб, оёқларини ўйнатар, бир жойда тек тура олмасди. Гўё, «чух» деса, юлдузга учадигандек алпозда әди. Сўри ёнида муштдеккина бўлиб, титраб-қакшаб Толиб табибнинг кампири ўтиради. Элбеги кўнглидан кечган воқеа содир бўлаётганини ҳис қилиб юраги увушиб кетди. Кампир уни кўрибоқ, эски, йиртиқ кавушини пойма-пой кийиб пешвоз югурди.

— Элбеги, болам, — деди хиқиллаганча кампир, — уйим куйди. Бечора етимчаларимни энди қандай боқамай.

— Бўлди, бўлди, хола, — деди Элбеги кампирнинг елкасидан тутиб тикларкан. Нима гап?, — деб

сўрашга сўради-ю, аммо унинг беражак жавобини ҳис қилиб яна дарди-дунёси зимистон бўлди. Йўқолган молимни топиб бер. Топиб беролмасанг, етимнинг ризқини киядиган золимни жазолай олмасанг не қилиб, Элбеги бўлиб, кариллаб юрибсан, деса не дейди?! Не сўз билан бу муштипар кампирни юпата олади. Ўзи шунча ғамни кўрган, куя-куя кул бўлган бу шўрликни энди юпатиб бўладими?!

Кампир кичик жусаси силкиниб-силкиниб йиғлар, «энди нима қиласиз?», деган жумладан нарига ўта олмасди. Элбеги Гулойимга савол назари билан каради.

— Холамнинг кеча сигирларини ўғирлаб кетишибди. Бир ҳафта бўлган экан, тукқанига. Ноинсофлар бузоқни ҳам қўшиб олиб кетишибди.

Шу сигирнинг елинидан бошка тириклиги йўқ ғариллар учун катта фожеа эди. Бу йўқотиш шундок ҳам учини учига улаб тириклилик қилаётган рўзгорини ўнгланмайдиган аҳволга солиб қўйиши аниқ эди. Ўзи азалдан кичик жуссали, меҳнаткаш бу кампир, ўтган йили ўғли қайтиш қилганидан кейин яна ҳам кичрайиб, мунғайиб қолганди. Ҳозир, шу бир сикимгина бўлиб, вужудидан ғам-андух тараляётган бу муштипар кампирни юпатишга Элбеги сўз топа олмасди.

Ичкаридан Жумабек чиқиб келди. У чопонини кийиб устидан камар боғлаган, елкасига Бухородан кўтариб келган ўлжа бешотарини осиб олганди. Ўзи хотиржам кўринсада, аммо юрагида қўзғалган бўрон ҳаракатларида акс этиб турарди. У қаёқкадир кетишга шай бўлиб турарди. Элбеги Жумабекни бу ҳолатда илк бор кўриши эди. Жумабек унинг назарида анчагина улғайиб, салобатли йигит кўринишини олганди.

— Ҳа, — деди Элбеги хайрон бўлиб, — йўл бўлсин?

— Овга, хола, — деди Жумабек ўзини босиқ тутишга уриниб. — Кишлоққа бўри оралабди. Шуларни бир қийратмасак бўлмайдиганга ўхшайди! Элбеги Жумабекнинг эндинига жароҳатлари тузалиб кучга кираётганини, у ярадор бўлиб ётганида, канчалар ўзининг ҳам унга қўшилиб азоб чекканини эслаб вужудига титрок кирди. Жумабек ўзи била туриб, яна балонинг оғзига рўпара бўлаётиди. Йўқ. Уни юбормаслик керак! Аммо, у шу элнинг эгаси бўла туриб, ўз боласини бағрига босиб ётса, бошка жўнармиди. Унда

унинг Элбеги, деган номи қаерда қолади. Мана шу куйиниб ётган кампирнинг кўзларига қандай қарайди, кейин. Аммо, у бадосиллар<sup>\*</sup> ҳам анойи одам кўринмайди. Мирза бува кўрганида бировининг елкасида милтифи ҳам бор экан. Шу бола уларга бас кела оладими! Бекорга ўзини майиб қилгани қолади. Элбеги шу қарама-қарши ўйлар исканжасида сукунатга толганда Жумабек аллақачон йўл тадоригини кўриб бўлган, энди Коратой томонга юра бошлаганди.

— Эҳтиёт бўл, болам, — деди Элбеги энди уни кайтариб қолишнинг иложи ўқлигига ишонч ҳосил қилиб, — ўзингни эҳтиёт кил, ҳали тўла тузалиб кетганинг йўк. Уларни қаердан топишни биласанми?

— Йўк. Сўраб-суроштириб топиб оларман.

— Ҳалиям, ёшлигинг борда, болам. Сен сўраб-суроштиргунча, улар кутиб турарканми. Ошиб кетади ўз юртига. Буёкка кел, ўтири менинг ёнимга, гапимга қулоқ сол. Бир ўзинг борган билан ҳеч нарса кила олмайсан. Ёнингта Турсункулни, яна бир-икки ўртоқларингни ол. Улар тўрт-беш киши экан. Бирида қуроли ҳам бор. Уч-тўрт киши бўлиб тўғри Райимсўфи қишлоғига борадиган йўл билан юринглар. Улар Чияли томоннинг йигитлари бўлсалар керак. Мирза бува уларнинг гап сўзидан англабди. Бугун пайшанба. Улар эртанги жумабозорга бемалол улгуришади. Шунинг учун ҳам бу ердан узоқлашиб бехавотиррок жойга етгандан сўнг бемалолроқ юришади. Балки Ўтрордан ўтганларидан сўнг бирон жойда дам ҳам олишар. Ошибич юрсанг кечгача уларга етиб ҳам олишинг мумкин. Аммо, ўзингни эҳтиёт кил. Яқиндагина жароҳатинг тузалди. Ўзингни ўтга-чўқка ураверма.

Кейин, Элбеги Гулойимга Турсунқулнинг отланиб йўлга шай бўлишини айтишни буюрди. Турсунқул келганидан сўнг ҳам қайта-қайта Жумабекни эҳтиёт қилишни унга ҳам тайинлаб, уларга оқ фотиха берди.

— Менга қара, ўв, бола. Шошқалоқлик қилма, ёнингга аnavи сўфининг ўғли билан Норхолнинг Чорисини ол, фойдаси тегади.

Турсунқулнинг ювволигина самани югуриклида Коратойдан қолишмасди. Улар йўлга чиққанларида тушга

\* Ёмон ишларни қилгувчи, ёмон одам.

яқинлапиб колганди. Жұмабек ҳовлидан чика солиб йүлни кун чиқар томонға бурди.

— Сўфининг уйига кириб чиқайми, бек? — сўради Турсункул.

— Унақада қачон борамиз. Моллар сотилиб бўлгандан кейинми?! Иккаламиз бир амаллармиз. Турсункул оға, вактни йўқотмайлик.

Турсункул индамади. Бекнинг ортидан от кўйиб кетаверди. Қишлоқдан чиқиб, катта йўлга етиб олганиларидан кейин Жұмабек Коратойнинг жиловини бўшади. Отхонада ётавериб, бунақа кенгликларни соғинган Коратойга шунинг ўзи етарли эди. Бир зумда ўқдек учиб, изидан оппоқ чанг қолдириб кўздан йўқолиб кетди. Турсункул ҳам саманта қамчи урди. Аммо, чопкирликда Коратойдан қолишмайди, деб баҳо берганида у янгишмаган экан. Бироз тенгма-тенг чопишиди. Аммо Жұмабек жиловини бир силкиб кўйиши билан Коратойнинг чанг орасида силкиниб бораётган, бўйга етган қизнинг соchlари янглиғ узун ва қоп-кора думигина кўзга ташланиб, олислаб кетди. Турсункул қанча қамчиламасин саман бечоранинг унга етиб олиши гумон эди. Саман, унга етиб олишим амри маҳол дегандек, бир маромда йзини чарчатмай чопа бошлади.

Кучсизгина қиздираётган тирамо қўёши, толиқиб қолгандек, қизариб аста-секин ётоғига бош қўя бошлади. Жұмабек кунчикар ёқдан каттагина чанг булатини кўрди. Кейин ўзига нотаниш йўлларда хафсираб маъраётган қўй-қўзиларнинг ҳам овозини эшитди. Худо Жұмабекка ўткир кўз ато этганди. У лочинникидек кескир нигоҳи билан бутун кучини кўзларига жамлаб тикилса, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган олислардаги нарсаларни ҳам илғай оларди. Жұмабек хозир шу фавқулодда иктидорини ишга солиб, коронулашаётган йўлдаги чанг булути орасида бораётган отликларни санади. Улар беш киши эдилар. Шунда ғўлабирдай миқти гавдалисининг елкасида милтиқ ҳам борлигини кўриб, улар шунчаки ўғрилар эмас, балки босқинчи, қуролланган қароқчилар эканлигини хис қилиб, ўзи бошлаган иш, унчалик осон битмаслигига, жиддий масала эканлигига ишонч хосил килди. Анчагина ортда қолиб кетган Турсункулни кутишга аҳд килди. Коратойнинг жиловидан тортиб тўхтатди-да,

кунга қаради. Қуёш уфқдан бир найза бўйи юкорида эди. Жумабек отдан тушиб, эгар қошига илингани кичик мешдан сув олиб, тахорат килди. Томоги қараб ётган экан, бир-икки хўплаб сув ичди. Қазо бўлган пешин ва аср намозини қўшиб ўқиди. Юзига фотиҳа тортиб ўрнидан туралганда Турсункул ҳам етиб келди.

— Сувингиздан беринг, бек, томогим қуриб ўлаёздим, — деди у ҳаллослаб. Жумабек мешни олиб унга узатди. Турсункул чўллаб кетганидан, қарийб бир меш сувни куритди. Маза қилиб чанқофини қондириб олганидан кейин мешни қайтариб Жумабекка узатар экан пишкириб қўйди.

— Бу, Қоратойни чопағон дерди, аммо бунчалик учқурлигини билмаган эканман. Бир зумда кўздан ўйқолиб кетдиларингиз. Бу саман бечорани шунча қамчилайман, қани ета олса, энди. Шошганимдан мешни ўзимнинг отимга эмас, бунинг эгарига илган эканман. Тилларим шишиб кетди. Энди сизни етишдан умидими узиб учраган қишлоққа бурилиб сув сўрамокчи бўлиб турувдим. Нима гап, бек, нега тўхтадингиз?

— Уларга етиб олган кўринамиз, чори. Энди бундан буёгини маслаҳатлашиб олишимиз керак.

— Улар неча киши экан. Буни билолмадингизми?

— Беш отлик, бирида милтиғи ҳам бор.

— Буни қандай аниқладингиз, мен ҳеч нимани кўра олмаяпманку. Факат чанг-тўзоннигина кўраяпман, холос.

— Хозир улар чанг ичидага кўзга ташланмаяпти, шамолнинг йўналиши ўзгарса кўринади. Шундай қилиб улар беш киши.

— Йўқ, бек сиз янгишганга ўхшаяпсиз. Улар олтида. Олтинчиси, ана ортимиздан от кўйиб келяпти. — Турсункул ортига ишора қилиб.

— Уни ушланг оға! — деди Жумабек ўзи ҳам шошилиб узангига оёқ қўяр экан.

Отини елдириб келаётган чавандоз йўл четида турган икки отлиқни кўриб секинлашиш ўрнига баттар отини камчилади. У, нотаниш отларнинг ёнидан бехавотир ўтиб олишнинг ягона усули тезлик деб билди. Кўз очиб юмгунча, таваккал қилиб ўтирмасдан «виз» этади-ю, ўтиб кетади. У кунботар шом палласида унинг ўйлини пойлаб турган бу одамларнинг нияти яхши

эмаслиги кундек равшан эди. У тўғри чамалади. Аммо, унга биттагина нарса халақит берди. Сиртмок! Чавандоз отини қамчилаганча уларнинг ёнидан ўқдек учиб ўтар экан, унга Турсунқул беш-үн қадам от чоптириб эргашди-ю, бир пайт йўғонгина аркон сиртмоғи бўйма илондек унинг бўйини сиқа бошлади. Шунга ўрганиб, кўзи пишиб қолган саман ҳам сиртмок курбонининг бўйнига илиниши билан олд оёқларини ерга тираганча тўхтади қолди. Ўқдек учиб келаётган от устидан ношуд суворий узилиб бир неча сония муаллақ қолди ва ярим доира ясаб билқиллаб турган майин тупроқ устига қулади. Суворийсиз қолган от эса чанг чўзитганча чопиб кетаверди.

Ўн саккиз, йигирмаларга кирган ёш йигит экан, бу суворий. Ногаҳоний бу зарбадан ўзини ўнглай олмаган, кўзларига ажал соя солиб ваҳимага тушганча, сиртмок сикувидан кўкариб кетган бўйни ундан аллақачон озод бўлган эсада, ҳамон ўзига кела олмас, калта-калта нафас олганча ҳансирарди. Турсунқул уни тинтиб кўрганида, кўйнига яширилган қинли, кичикроқ дудама ҳанжардан бошқа ҳеч вақо топа олмади.

Ўлими кўзида аксланиб турган, тажрибасиз ҳом йигит ортиқча қийноқларсиз ҳам, бор гапни узук-юлук айтиб берди. Сигирларни Қорабоғ, Шайх, Сарик қишлоқларидан олишибди. Кўйларни эса Бўэзик чўлидан, бир чўпонни ўлдириб ҳайдаб келишаверибди. Йўлда бир Сардобада тўхтаб, уердан анчагина нарсани ҳам ўмарисибди. Катталари, Нортўхта полвон дегани экан. Унинг ёнида милтифи ҳам бор экан. Колганлари пичоқ ва ҳанжарлар билан қуролланишибди. Нортўхта унинг тоғаси бўлиб, сенга иш ўргатман, деб олиб чиқсан экан. Қачонки, улар чўпонни ўлдириб, кўйларини ҳайдаб бошлаганларидан сўнггина унинг иши қароқчилик эканини сезиб қолибди. Қочиб кетишга кўркқанидан улар билан қолишга мажбур бўлибди. Бу Нортўхта дегани балодан ҳам қайтмайдиган одам экан. Бирон нима деб, унинг ғазабини қўзғаса ўлдириб ташлашдан ҳам тоймас эмиш. Жияним экан, деб юз-хотирга бориб ўтирас экан.

Турсунқул унинг белбоғ ўрнида белига боғлаган чизимчасини ечиб олиб кўл-оёғини боғлади.

— Агар жим ётаман десанг, оғзингга латта тиқ-

майман. Аnavи, ҳамроҳларингни бир ёқлик килгандан кейин, сени қўйвораман, — деди Жумабек. Бола ҳамма нарсага рози эди. Фақат уни ўлдирмасалар бўлгани. У индамай бош иргади. Турсунқул унинг ханжарини олиб қўлида салмоқлаб кўргандек бўлиб белбоғига кистириди.

Жумабек ботаётган қуёшга, аммо ҳали қорайиб ултурмаган осмонга хавотирли қаради.

— Шошмасак бўлмайди. Ҳадемай, қоронғу тушади, — деганча отига мина бошлади.

Кунчикар томондан кўтарилаётган чанг ортидан икки отлиқ шамолдек елиб кетишиди.

Нортўхта полвоннинг уларга кўзи тушиб, хавотирланганча елкасидан милтиғини ола бошлиғанда, кечикканини ҳис килди. Икки отлиқ уларга анчагина яқинлашиб ултургандилар. Аввалига қишлоққа сув олиб келишга кетган Маҳмәёқуб жияни деб ўйлаб, хавотирини босишга уринди. Аммо, келгувчиларнинг икки киши эканлигини кўриб, уларнинг от елдиришдаги важоҳатидан нияти бузук эканлигини ҳис килди. У шошганча милтиғини олиб, нишонга ҳам олиб ўтирамасдан тепкини босиб юборди, гумбурлаган товуш соқин куз оқшомида акс-садо бериб олис-олисларгача учиб борди. Кўй-кўзилар хуркиб бир жойга туж бўлиб, маърай бошладилар. Яқинлашиб келаётган кора отлиқ, бир қўлида ўйнатиб келаётган милтиғини шошилмай унга тўғрилаганча нишонга олди. Кенгликларга иккинчи гумбурлап садоси ёйилаётган пайтда Нортўхта полвон кўксини чангллаганча мункиб кетди. Остидаги асов тўриқ кон хидини сезиб қулоқларини чимириди. Аччиқ кишинаб, ортига бурилди. Полвоннинг оғир гавдаси пастга оғди. Аммо, унинг бир оғи узангига илашиб қолди. Кон хидидан безовта от, суворийсининг қулаганини кўриб баттарроқ хурқди. Ким-сасиз чўл кўйнида шаталок отганча, Нортўхта полвоннинг ҷалажон гавдасини судраб чопа кетди. У жасаддан ҳуркар, қутилиш учун шамолдек елар, аммо жасад ҳам ундан ортда қолмай судраларди. Бундан унинг жазаваси тутиб, янада тезроқ чопарди. Энди, ё жасаднинг оғи узилиб қолмаса, ёки от чопа-чопа, ичи куйиб йикилмаса, тўхтамасди. От полвоннинг оғир гавдасини судраганча, коронғулашиб бораётган кунчикар томонга чопиб кетавериб кўздан йўқолди. Унинг

ортидан шамолсиз ҳавода, түзғимай, кичик булутдай чанг муаллақ қолди.

Бу кўз очиб юмгунча бўлиб ўтган воқеадан ўзига келган қарокчилар, уларни шу ишга ундаған Нортўхта полвоннинг ўлганилигини кўриб энди моллар ҳам кўзига кўринмай ўз жонларини сақлаб қолишга киришдилар. Ўлжаларини ташлаб, ўзларини дуч келган жойга уриб, кочиб кутилишга харакат қила бошладилар. Улар энди тўртта қолгандилар. Иккитаси худди, қочган отни тутиб, полвоннинг жасадини ажратиб олмоқчи бўлгандек унинг ортидан от кўйдилар. Қолган иккитаси эса ҳе йўқ, бе йўқ, орқага кунботар томонга қоча бошладилар. Жумабек кунчиқар ёкка кетганларнинг ортидан борар экан Турсункулга у иккаласини кўздан кочирмасликни тайинлаб улгурди.

Коратой бир зумда уларни кувиб етди. Жумабек милтиғини олдинда бораётган озғин отлиқка тўғрилади. Милтик учинчи бор гумбурлаб, шом синаётган бехосият паллада, яна бир қароқчини отдан қулатди. Орқада бораётган хўппасемиз эса ҳамроҳининг жонсиз қулаганини кўриб отнинг жиловидан тортди.

Отдан туша солиб чўкка тушганча «Омонлик! Омонлик» деб бақира бошлади. Жумабек унга яқин борди. Бу семиз унинг елкасидан ҳам келмасди. Унинг кулгили гавдаси нафратини кўзғатди. Толиб табибининг бир сиқимгина бўлиб мунғайиб турган кампири кўз ўнгига гавдаланди. Фазабини босолмай унинг жағига мушт тушириб думалатиб юборди. Инқиллаб ўрнидан турмоқчи бўлганида тепки еди. Корнини қисиб икки паллага ажратиб турган белбоги ечилиб тарвуздек думдумалок корни лўпиллаб чопони орасидан чиқиб кетди. Кўйнидан иккита кичик чарм ҳамён ерга тушди. Бўғзи сиқиб боғланган халтачалардан майин жангиллаган овоз эшитилди. Жумабек уларни энгашиб кўлига олди. Ҳамёнларнинг ичиди олтин тангалар лик тўла эди.

— Менга қара, ўв! — деди Жумабек тиззалари қалтираётган хўппи-семизга, — қочишини хаёлингга ҳам келтирма. Бўлмаса, анави ошнангнинг ёнига жўнатиб кўя коламан! У кўлидаги милтиғига ишора килди. — Кани, олдимга туш!

Семиз одам кўркса ғалати бўларкан. Шилпик кўзлали даҳшатдан янада кичрайиб, терининг тешигидек

бўлиб қолганди. Сергўшт лунжи осилиб бақбақасига, бақбақаси эса қорнига тушадигандек туюлди. Калта оёқларини пилдиратганча, тарвуздек дум-думалоқ қорнини зўрга судраб Жумабекнинг олдига тушганча йўрғалай бошлади.

Жумабек бу иккаласи билан овора бўлаётган пайтда Турсунқул қолган иккала қочқиннинг ишини осонгина дўндириди. Ҳозиргина анави боладан тортиб олган дудама ханжарини отиб, қочиб бораётган қароқчнинг кураклари остига санчди. Ханжар устарадек ўткир экан. Нак сопигача ботиб кетди. Иккинчиси эса бир дақиқадан сўнг Турсунқулнинг чипор сиртмогига осилганча саманининг ортидан судралиб орқага қайтди. Шу куни Жумабек ўзининг илк ғалабасига эришди. Уч босқинчи бунинг ичиди, уларнинг бадқаҳр бошлири Нортўхта полвон ҳам ўлдирилди. Учтаси эса банди қилинди. Бу ғалаба Жумабекнинг кеъинги хаётини тубдан ўзгартириб юборди.

## IX

Улар тонг саҳарга яқин кишлоққа кириб келдилар. Бомдодни ўқиб, уйдан чиқиб офтоб чиқадиган томонга ҳавотирили кўз тикиб турган Жамол Элбеги тонгнинг заррин шўъласида кўкка ўралган чантни кўрди-ю, юраги ширин орзиқиб кетди. Кишлокнинг саҳарги намхуш, сарин ҳавосини чангта ботириб сигирлар ва қўй-қўзилар подаси кишлоққа кириб келди. Жумабек ва Турсунқулнинг қароқчилар ортидан кетганини барча қишлоқ аҳли эшитган ва уларнинг қайтишига кўз тикиб турган эдилар.

Тонгда қишлоққа кириб келган, қўй-қўзиларнинг ва сигир-бузоқларнинг қишлоқни бошига кўтариб маъраган товушлари сариқликларни уйкудан уйғотиб кўчага бошлаб чиқди. Улар кишлоққа ғолибона кириб келаётган Жумабек ва Турсунқулни кўриб, енгил нафас олдилар. Демак, жиноят бежазо қолмабди. Кимлардир сигирлар подаси ичидан ўзининг хоназот молини кўриб унга талпиндилар, кўзларига ёш олиб, Жумабекнинг ҳаққига дуо қилдилар.

Жумабек ўз дарвозалари олдида турган холасини кўриб у томонга юрди. Отдан тушиб салом берди. Элбеги олдин унинг соғ-омон, ёруғ юз билан қайтга-

нини кўриб қувонди. Кейин қовоғини солиб, айтганига қулоқ солмай, ёнига бир-икки йигит олмасдан жўнаб кетгани учун урушиб ҳам берди. Аммо, Жумабек унинг юзини эл олдидা ёруғ қилган эди. Пана-пастқамларда пичирлашиб юрган баъзи бирларнинг энди уни ўчади. Яна унинг тили узун, боши баланд бўлади! Буларнинг барчасига шу қулоқсиз бола – Жумабек сабаб! Элбеги меҳри ийиб унинг пешонасидан ўпди. Энди Жумабек улғайиб, эл корига ярайдиган бўлибди. Шунинг учун Элбеги ҳеч иккиланмасдан унга Элбегилигини топширса ҳам бўлади. Жумабекнинг бу ғалабаси ҳали узок-узок юртларгача тарқайди. Ўғри-ю қароқчи энди Жумабекнинг номидан ҳам кўрқадиган, бу элларга қадам босишга юраги бетламайдиган бўлади. Худди шундай юрт этаси керак бу элга!

Жумабек Элбеги билан бошлашиб уйга кирди. Турсункул уч банди билан ҳай-хайлашиб қўйларни кўра-га, сигирларни молхонага қамагуинча анчагина фурсат ўтиб, кун ҳам ёйила бошлади. Бу вакт ичиди мол йўқотганлар бирин-кетин Элбегининг ховлисига кела бошладилар. Жамол Элбеги Шайх ва Қорабонга ҳабар юбортирди. Жумабек чой ичиб, бироз мизғиб олиш учун энди чўзилганди Турсункул хонага бош суқиб бандиларни не қилишни сўради.

– Ертўлага қаманг. Кейин яна маслаҳатлашиб кўрамиз, – деди Жумабек уйқусираб. Турсункул хўп, деб чиқиб кетди. Жумабек яна чўзилди. У туни билан ухламай отда йўл босиб жуда чарчаганди. Яна елкаси-даги тўла битиб улгурмаган жароҳат ҳам баъзан-баъзан симиллаб безовта қила бошлаётганди. Барибир уйку зўр келди. У ухлаб қолди.

Кун пешиндан окканда ҳовлидаги фало-ғовурдан уйғониб кетди. Тура солиб юз-қўлини ювиб, таҳорат олиб намозини ўкиб бўлганидан кейин ҳовлига чиқди. Ҳовлида қиёмат, тўполон авжида эди. Кеча ўғирла-ниб, бугун қайтариб келинган баҳайбат шоҳдор буқа қутурганча уёқдан бўёққа чопар, у қаёққа борса, ҳовлидаги оломон-қий-чув кўтариб чопишар, бунга сайин буқанинг ғазаби қўзир эди. Турсункул уйқусизликдан қизарган кўзларини бироз қисиб қўлидаги арқонни силкитганча югуриб буқани ушлашга тиришар. Аммо буқа ҳадеганда бўйин бўладиган чоғи йўқ эди. Турсункул ҳам бошлаган ишини чала қолдирадиган ландо-

вурлардан эмасди. Ҳовлига йигилган хотин-халажу чоллардан ёрдам кутиб бўлмасди. Баҳайбат буқа шохига боғланган бир парча арқонни ўйнатиб, лапанглаб чопиб юрар, дуч келганга киличдай эгри ва улкан шохларини ўқталганча дағ-даға қиласди. Бир пайт Жумабек разм солиб караса, ҳамма бурчак-бурчакка ўзини урган, ҳовлида қутурган буқа-ю, ўзи қолибди. Буқа унинг устига кўзларини хонасидан чиққудек бақрайтириб, бостириб кела бошлади. Пана-панадан вахимали кўзлар билан кузатиб турганлар даҳшат ичида қичқириб юбордилар. «Қоч! Қочсангчи, ҳозир майиб қиласди!» Жумабек яшин тезлизигида ўзини четга олди. Буқанинг ханжардек шохлари шундоккина бикини ёнидан, ҳавога санчилганча ўтиб кетди. Буқа бу муваффакиятсизлик аламидан бўкириб юборди. Кизарган кўзларини яна даҳшатли олайтирганча, қайта ҳужумга ўтди. Ортидан судралиб келаётган бир кулоч арқонни ушлаш учун жон ҳолатда ҳаракат килаётган Турсункул ҳам даҳшатли манзарадан ҳушини йўқотгудек алфозда, тили калимага келмай серрайиб қолди.

Буқа жантовар наъра тортганча Жумабекдан аламини олмок учун яна бир бор ўкириб унга ташланди. Аммо унинг даҳшатли ўкиригининг охири анчагина аянчли нолага айланиб кетди ва ўттиз пудли оғир гавданинг турсиллаб кулаши билан ниҳоясига етди. Буқанинг тарвақайлаган шохини ушлаб олган Жумабек унинг тумшуғини бор кучи билан кўтариб бўйнини буриб юборди. Қутурган буқа бўйнидаги оғриқдан ерга чанг тўзғатиб қулади. Чопиб келган Турсункул лаҳза ичида буқани нўхталаб олди. Жумабекнинг кўлидан бўшаганида вужудини ёввойи ғазаб тарк этган, баҳайбат, аммо, юввоғина ҳўқизга айланиб, Турсункулнинг етовида бошини қуий солганча эргашиб кетаверди. Вокеани кузатиб турган буқанинг эгаси Давлатбой ака кулимсираганча Турсункулнинг қўлидан арқонни оларкан шундай деди:

— Жумабекда бир хислат бор-ов, шундай қутурган ҳайвонни мулла минган эшакдек мулойим қилиб қўйди. Қаранг, ҳалимдеккина бўлиб мўлтираб турибди-я. Умрингдан барака топ, мулла йигит!

— Бекнинг олдида бу қутирган буқангиз эмас, наман деган каззоб ўғрилар ҳам мулойим тортиб, ўғрилаган молларини қайтариб олиб келиб берди-ку, сиз

бўлса ҳўқизингизни айтасиз. Давлатбой ака, — деди ёйилиб илжайганча Турсункул.

— Тўғри айтасан, полвон. Шу йигитга худо назар солган кўринади. Бунақаларга душман зоти тик кела олмайди дейишарди. Кўзига қараган кишининг юрагига қалтирама тушаркан. Жумабек, бизнинг бахтилизга соғ бўлсин. Бўлмаса ким ҳам қуролли қароқчинг олтитасига рўпара бўла оларди.

Давлатбой ака Жумабекнинг ортидан ҳавас ва меҳр билан қараб қолди. Халойик яна ҳовлига тўпланди. Олис-яқин кишлоқларга кетган хабарчилардан эшигтан, йўқолган молидан умидини узиб, худога солган бечоралар оёкларини кўлга олиб Жамол Элбегининг ҳовлисига чопиб келаверган эдилар. Улар ўзларининг молларини таниб, Турсункул томонидан кўлларига тутқазилган бўлса-да, барибир, уйларига қайтмасдан, шу ерда қолганча бирон-бир воқеа бўладигандек, агар шундай воқеа юз берса, улар қуролмай армонда қоладигандек, ҳовлида фуж бўлиб туришарди. Яна ўзининг ширин жонини хатарга кўйиб, уларнинг молини қайтариб олиб берган Жумабекни бир кўриб, унга раҳматни айтмай кетишини густоҳлик санаб, унинг элга кўриниш беришини пойлаб ўтиришарди. Жумабек ҳовли юзига чикқанида эл уни кўргудек аҳволда эмас эди. Ҳўжамубораклик Давлатбой аканинг беш яшар, улкан наввосию умрида кўрмаган шунча сулув сигиру фунажин хидидан боши айланиб, маст бўлиб шўхлик қилаётган эди. Кутуриб арқонини узган бука юввош тортганидан кейингина эл ўзининг ҳалоскорини излай бошлади.

Мулла Жума деган ном билан бир қуннинг ўзида элга машхур бўлган бу одам ҳали, баҳмалдек майин мўйловли, аммо девқомат, бургуткўз, йигирмадан энди ошган, ҳали чимилдик кўрмаган ёшгина йигит эканлигини кўриб ҳайратга тушардилар.

Жамоат жам бўлганлигини кўриб, анчадан бери дилига тугиб юрган ниятини амалга ошириш пайти, ҳозир етганини сезган Жамол Элбеги оғир қадамлар билан эл олдига чиқди. Ўнг қўлини юқорига кўтариб, элнинг тинчланишини кутди. У ҳар доим элга зарур, муҳим гап айтмоқчи бўлса шундай киларди. Элбеги ўнг қўлини кўтарса, айтадиган сўзи шунчаки бекорчи гап бўлмаслигини, дилида узоқ вақт пишиб келган

ниятини элга ошкор этишни элдошлари яхши билишарди.

— Халойик, — деди салобатли жарангдор товуш билан Элбеги, ҳамон ўнг қўлини боши узра кўтариб тураркан. Шивир-шивир гап тиниб, ховли пашша учса билингудек, сукунат ичидаги колганидан сўнг қўлини тушириб, гапини давом эттирди. — Бир баҳонайи сабаб билан сиз бугун бу ерга йиғилдингиз. Агарки, бу воқеа бўлмаса-да, мен сизни йиғмоқ ва кўнглимдаги гапни айтмоқ тараддуудида эдим. — Элбеги шундай деб, бироз тин олиб элга назар солди. Одамлар юрагини ютиб, нафас олмасдан Элбегининг оғзига хавотирли термуларди. Зоро, Жамол Элбеги бир сўзли, чўрткесар ва камгап, сўзласа баъзан тилидан оғу, баъзан эса бол томадиган бу аёл, айтган сўзини елга совурмас, бир гапини икки тақрорламас эди. — Бу ерда ҳамма ҳозирми? Корабоғ, Шайх, Ҳўжамуборак ва қолган жойлардан ҳам одамлар борми?

— Бор, бор, — деган овозлар турли жойлардан эшитилди.

— Бўлмаса, эшиting, элдошлар, мен сизларга ўн беш йил хизмат қилдим. Ўзимча дейман, бироннинг бурнини ноҳақ қонатмадим. Биронга зулм қилмадим. Етимни, ғарибни йиғлатмадим. Аммо сиз не дейсиз?

— Тўғри, биз сиздан рози, Элбеги! — гувиллади эл.

Элбегининг кўзи ёшланди. Елкасини эзид турган тоғ ағдарилгандек бўлди. Енгил тортиб яна сўзлади.

— Мен ҳам сиздан розиман! Мингдан минг розиман, — Элбегининг бояги енгил тортиши ўткинчи экан. Яна оғир тин олди. Эл ундан рози бўлса, ўзи элдан рози экан не қиласи бошини қотириб. Бирдан ниятидан қайтгиси, ўзи ўрганиб қолган ишини давом эттиргиси келиб қолди. Ҳозир ўргатилган тўтиқушдек у хоҳлаган гапни тақрорлаётган, уни кўкка кўтариб мактаеттган бу оломон, эртага отдан тушганидан сўнг ҳам, ўзлари қатори одий одамга айланиб қолганидан сўнг ҳам, унинг хурматини шу кадар юксак тутармикандар. Тепиб ўтмасмикандар. Эртага, ундан «ноҳақ» жабр кўрган жабридийдалар топилиб, унинг юзига оёқ босмасмикин. Аммо, ёнида бургутдек нигоҳи бироз саросимали боқиб турган Жумабекни кўриб бироз кўнгли таскин топгандек бўлди. Ҳаёлидан, у мени

хеч қачон ёлғизлатиб қўймайди, деган ўй ўтди. Жамол Элбеги орқасида тоғдек таянч бўлиб турган Жумабекдан кувват олгандек бўлиб қаддини яна адл тутди. Энди қатъий қилиб сўзини давом эттира бошлади.

— Мен сизга ўн беш йил хизмат қилдим. Шу давр ичида элга ўғри доримади. Қарокчи элнинг тинчини бузмаган эди. Энди юрт беэга қолди. Амир қочди. Беклар ҳам ҳар кавакка кириб кетдилар. Индамасак бу юртларни ҳам коғир оёқости қиласди. Хор қилиб топтайтир! Мен аёл бошим билан қўлимга қурол олиб чиқа олмайман. Энди юртга бошқа бек керак. Мен қиласдиган ишимни қилиб бўлдим. Энди бошқа бек тайин қилинглар. Элбегининг кўзи одидан бутун ўн беш йиллик от устида кечтан ҳаёти ўтаверди. У энди ўзи ўрганиб колган, ўзини сувдаги балиқдек эркин хис қиласдиган хизматига бир лаҳзада нуқта қўймоги лозим! Бу қанчалар оир эди. Бу ишга ҳам мардона жасорат керак, деб ўзига тасалли берган бўлди... Унга қолса Жумабекни ўз ўрнига тайин қиласган бўларди. Энди шундоқ ишончли қўлга топширмоқ унинг азалий орзуси. Аммо элга бек тайин қиласдиган Амир ҳам, беклар ҳам йўқ. Энди элнинг ўзи ўзига Элбеги тайин қилсин. Энди элнинг ўзидан ортиқ эга қолмаган!

— Мен, энди Элбегиликка ярамайман, — гапни давом эттириди у. — Коғирга қарши қурол қўтариб чиқди. Эл жим қолди. Сукунат сўнгги, чидаб бўлмас чегарагача чўзилиб бораверди.

— Не, дейсиз шунга, сўзланг, ахир! — тоқати тоқ бўлиб овози қаттиқ-қаттиқ чиқди Элбегининг.

— Элбеги, — деган хирқироқ овоз эшигилди оломон орасидан. Элбеги уни кўзлари билан ахтариб топди. У қорабоғлик эл оқсоқолларидан бўлган кенг пешонали, кўркам, мошгуруч соқолли, эллик беш-олтмиш ёшлардаги Шомуродбой деган киши эди. У ҳар доимидек, оҳорли, озода кийинган эди.

— Элбеги, биз сени анчадан бери биламиз, раҳ-

матли эринг ҳам бизнинг яқин биродаримиз эди, — салмоқлаб гап бошлади Шомуродбой. — Буни менинг ёнимдаги Худойберди, Сафобой, яна шайхлардан Рустам шайх ҳам тасдиқлайди. Булар ҳам сенинг дастурхонингдан кўп туз еган. Биродарлар, сен эски, сен қорабоғ, сен шайх, сен сариқ, сен туркман, мен қорлуғ деган гапларни бир четга суриб қўйиб бирлашиб, шу билан элни тинч, хотиржам саклаб қолишга фурсат етмадимикан. — Шомуродбой энди юқорига Жамол Элбеги ўтирган супага қараб юра бошлади. Элбеги унга жой берди.

— Биродарлар, Элбеги тўғри айтади. Ҳозир замон алғов-далғов бўлиб ётибди. Жамол аёл боши билан бошимизни бирлаштириб адолатли юрт сўради. Энди урушга, жангта ҳам бошлаб борсинми?! Унда бизнинг эркак деган номимиз қаерда қолади. У айтгандек элга фидойи, мард бир йигит керак. Шомуродбой бироз тўхтаб Жумабекка кўз югуртириди. Мамнун жилмайганча яна сўзида давом этди. — Маъқул кўрсангиз, юртга Мулла Жумабек бош бўлсин. Ҳар холда мадраса кўрган. Шариатни ҳам, дини исломни ҳам билади. Қолаверса илми ҳарбдан ҳам худо берган эканки, олти сонли қароқчини енгиб бизнинг молимизни кайтариб олиб келди. Ҳозирги пайтда худди Мулла Жумабекка ўхшаган ўт-олов йигитлар юртга эгалик қилиши керак. Кейин Жамол ҳам қараб ўтирмасдан унга маслаҳатчи бўлсин. Унинг тажрибаси катта мулла Жумабекка йўл-йўрик кўрсатсин. Менинг гапим шу. Сизлар нима дейсизлар, буни билмадим...

Эл гувранди. «Маъқул, маъқул, Жумабек Элбеги бўлсин» деган овозлар янгради.

Элбегининг кўнглидаги гап бўлганди. Шомуродбойга миннатдор боқди. Ичкарига кириб тахмонни ағдарди-да, сандиқдан бир тутун олди. Унинг ичидаги зардўзи чопон, зардўзи камар ва сопига тилла суви югуртирилиб, зеб берилган ханжар бор эди. Булар ўн беш йил бурун беклик белгиси сифатида, амир томонидан Жамол Элбегига юборилганди. Ўшандан бери кийилмай, қандай келган бўлса шундайлигича сандиқда ётарди. Ҳар сафар сандиқни очиб кўрганда, Элбеги қачондир шуларни Жумабек кийиб, бек бўлиб элга кўриниш берсайди, деб орзу қиласарди. Ўшанда фаришталар унинг гапига омин деган эканми, шу

бахтли кун бугун келди. Элбеги уйдан қўлида тугун билан чикди.

— Жумабек Элбеги бўлишига розимисизлар?! — деди Элбеги.

— Розимиз! Розимиз! — шовқин-сурон билан ўз розилигини ифода қилди эл.

— Бўлмаса буларни кийдиринг, Шомуродбой ака, — деди Элбеги титроқ ҳаяжон билан.

— Тур Жумабек, буёққа кел!

Жумабек нималар бўлаётганини англаб-англамай турарди. Ҳали кутурган буқани авдараётиб, битаётган яраси очилиб кетганми, ўнг қўлининг тирсагидан юқориси симиллаб оғрирди. У хушламайгина ўрнидан туриб Элбеги ва Шомуродбойнинг ёнига борди. Шомуродбой унинг чопонини ечиб олар экан қўлига қандайдир, иссиқ, шилимшиқ нарса текканини хис қилди. Жумабекнинг елкасидан қон силқиб, яктагини қизартира бошлаган эди. «Ха, бу қаҳрамонлик ҳам текинга тушмаган эканда» деб ўйлади. Аммо қўл синифи енг ичиди қабилида қилиб чаққонлик билан зарбофи чопонни унинг елкасига ташлади. Жароҳат изи бўлган қонли яктак чопон остида қолди. Бирор сезди, бирор сезмай қолди. Чопонни кийдириб камарга ханжарни осар экан эҳтиёткорлик билан унинг елкасини шапатилади.

— Энди эҳтиёт бўлинг бек, — деди Шомуродбой Жумабекнинг ярадор елкасига ишора қилиб, — Сиз энди элникисиз!

Жумабек гуноҳкорона жилмайди.

— Ҳаракат қиласиз.

Жумабек бошини адл кўтариб, бургут қараш билан ҳалойикқа назар ташлади. Юзларча нигоҳлар унга ҳавас, ҳасад ва умид билан қараб турарди. У ўзига тикилган нигоҳлар орасидан, бурчак-бурчакда унга еб кўйгудек тикилган, бир жуфт ўтли ғаним нигоҳини хис этиб, сесканиб кетди. Кўзлари билан у нигоҳни излади. У ҳавотирли, қувончли нигоҳлар орасида йўқолиб кетганди. Жумабек бу кўз кимники эди, деган саволга жавоб излаб одамларга бир-бир қараб, уларни бошдан оёқ кузатди. Бу ғалати, ғанимона чақнаган нигоҳ шу ердагиларнинг ҳеч бириникига ўхшамасди. Лекин у буни ўйлаб ўтирадиган ахволда эмас эди. Энди у оддийгина Жумабек эмас. Энди у Мулла

Жума Элбеги. У күпoldан күпол зарбофи чопон ичидә ноқулайлик сезаётган бўлсада, бу унга хуш ёқди. Қани энди, шу пайт ёнида Файбулла бўлса. Унинг бундай шон-шуҳратта эришганини кўриб боши осмонга етган бўлармиди...

Жумабек, эл унинг оғзига маҳтал бўлиб нима дейишини кутаётганини хис қилди.

— Биродарлар, — деди у Шомуродбойга ўхшаб салмоқлаб, — йўқолган молларингизни олдингизми, сони тугалми?

— Ҳа, олдик, барака топинг, бек! — деган овозлар эшитилди.

— Ундаи бўлса, нега ўғрилар ким экан, деб сўрамайсизлар, нега уларни жазолашни талаб қилмайсиз! Бу дунёда ҳар ким экканини ўрмоги, ҳар ким қилмishiға яраша жазо олмоги керак!

Жумабек Турсунқулга бандиларни олиб келишни буюрди. Турсунқул ертўла томон кетар экан, хавотира ажабланиш тўла кўзлар унинг ортидан термулди.

Бири чўпдек ингичка, ориқ, иккинчиси эса бунинг мутлақо акси бўлиб хўппа семиз ва паст бўйли бўлган икки бандининг қўллари боғлиқ эди. Учинчиси, ҳали анчагина ёшроғининг қўллари боғланмаган эди. Иккаласи қўлга олингунча ва ундан кейин молларни қишлоққа қайтариб ҳайдаб келгунча анчагина азоб кўришган шекилли, кийимлари пора-пора йиртилиб, яланвоч оёқларидан қон топчилиб турарди. Улар муматалоқ бўлиб кетган юзларини оломондан яшириб, бурунлари тиззаларига теккундек бўлиб эгилиб олгандилар.

— Улар олтита эди. Учтаси аллақачон ўз жазоларини олдилар. Бу учаласига не жазо бериш сизнинг ихтиёргизда. Уларни жазолаш ё қуйиб юбориш сизга ҳавола!

Оломон ғазаб билан гувранди. Кўйиб берса, бу қароқчиларни майда-майда қилиб юборгудек шашт билан тўлғонди.

Шу пайт соchlари тўзғиб, ваҳимали қиёфага кирган бир жувон қаерданdir пайдо бўлиб, бандиларга ташланди. У чинқирганча бакрайиб турган хўппа семизнинг иягидағи сийрак соқолларидан тортқилаб, баркашдек юзига чанг солди. Бир зумда унинг семиз юзларида ўткир тирнок излари оқариб кўринди, ке-

Йин қизарди ва тизиллаб кон оқа бошлади. Жувоннинг бу билан қаноат қилгиси келмади. Оёғининг остида ётган, залворлигина юлғун тәёкни олиб, қарсилатиб унинг бошига туширди. «Мик» этмай ўтирган хўппа семиз бошини чангаллаганча қичқириб юборди:

— Энамов!

Найнов ҳам жувоннинг ғазаб таёғидан бенасиб қолмади. Бу даҳшатли қурол қип-қизил, юлғундан бўлган чўпонлар таёғи иккинчи марта кўтарилиб тушганида найновнинг чўзиқ юзларига тегди. Бечора бандининг кўзларидан олов отилиб кетгандек бўлди. Чўзиқ қирра бурни ялпайиб қолиб ундан шовуллаб кон оқа бошлади. Аммо, қалқиб кетса-да, йикилмай, бошини қуи солганча тураверди. Бу унинг иккинчи зарбага дучор бўлишига замин яратди. Иккинчи зарба эса, унинг бўйнига тегди. У бўриққина бир фарёд уриб, найза санчилгандек қулади.

Оломон кутитмаганда юз берган томошадан бироз гангид қолди. Жамол Элбеги титраб-қақшаётган жувоннинг қўлтиридан ушлади. Бечора жазоланганларнинг, бирининг бошидан, бирининг бурнидан оқкан кон супани алвон рангга бўяётган эди. Жувон конни кўриб сесканиб, қалтираб кетди. Хамон сиқимлаб ушлаб турган таёрига қўлларига кўзини катта-катта очиб қаради. Супада конига бўялиб ётган бандиларга кўз ташлаб, ўлдириб қўйдимми дегандек вахимага тушди. Қўлидаги таёғини отиб юбориб Элбегининг елкасига бошини кўйиб, титраб-қақшаб йиғлаб юборди.

— Опажон, олти болам етим қолди! Энди мен нима қиласман. Қандай қиласман энди. Уйим куйди, опажон! — у ҳиқкиллаб, ичидан тошиб келаётган йиғини босолмай сўзланарди. — Бегимнинг не гунохи бор эканки, бу номардлар қўйдек бўризлаб кетишибди! Бу итдан тўраганлар, унинг молинику олибди, жонига не қасди бор экан. — Жувон силкиниб-силкиниб дарди дунёсини зулмат қилиб йиғлади. Уни нима деб юпатишни, Жамол Элбегидек кайвони кўпни кўрган аёл ҳам, бошқалар ҳам билмасдилар. Олти боласини етим қилиб, ўзини фироқнинг ва тўлғониб турган замоннинг минг бир азобига рўпара қилиб, ёлғиз ташлаб кетган эрининг дорида қуяётган жувонни не сўз билан юпатмоқ мумкин, ўзи бу дардли юракни юпатиб бўлармикин?!

Хамон нўхталаниб, юввошгина турган буқасининг арқонидан ушлаб турган Давлатбой ака, арқонни ёнида ўтирган йигитнинг кўлига тутқазиб, ўзи одамларга туртила-туртила олдинга чиқди.

— Бўлди, Нордона, бўлди. Минг қилганинг билан ўқтамбой тирилиб келмайди. Бўлди қилсанг-чи энди. Юр, кетамиз.

— Тоға, айтаверасиз-да, ҳе йўқ, бе йўқ, қарчиғай-дек йигит ўлиб кетаверадими, ахир!? Олтита етимча билан мен нима қиласман энди. Уни сўяётганида шуни ўйлаганми, бу газандалар?!

Булар ҳам жазосини тортади. Юрт бедарвоза эмас! ана айтяпти-ку, учтаси ўша ернинг ўзидаёқ тўнғиз қавмида кетибди. Мулла Жума уларнинг жазосини берибди-ку! Колганлари ҳам бежазо қолмайди. Дијдиёнгни кўятур, энди, — шундай деганча Давлатбой аканинг ўзи ҳам ўпкасига тикилиб келган йифини зўрга босиб, жиянини четга олиб чиқди.

— Халойик! — деди Жумабек, шу пайт тошқин дарёдек чайқалаётган оломоннинг шовқинини босгу-дек баланд товушда. — Бу газандалар сизларга жабр етказди. Бирингизнинг сигирингизни, бирингизнинг кўйингизни ўғирлади. Лекин, буни қайтариб тўлат-дирдик. Мана буларни эса бизнинг муқаддас одатимизни оёқости қилиб Сардобадан ўғирлашган. Сардобамизнинг сувини ҳаром қилган, бу ювуқсизлар! — Жумабек, супа устига кўйилган хуржунларни кўтариб элга кўрсатди. — Булар етим-есирларнинг ҳаки эди. Ўғирланган ҳамма нарсани эгаларига қайтариб берамиз. Аммо, Ўқтамбой чўпонни улар жувонмарг қилиб сўйиб кетишиди. Буни қайтариб бўлмайди. Агар шуни ҳам қайтариб беролганларида, уларни жазоламасдик. Уйларига кўйиб юборган бўлардик. Аммо, бу элда кон тўкилди. Кон тўкишни булар бошлиди. Улар бизнинг юртимизга тунда қора ният билан қурол кўтариб келишиди. Шу қуролдан энди ўзлари ўлиши кепрак. Шундагина адолат карор топади! — Жумабек хуржундан уч-тўрт халтачани олди. — Булар қароқ-чилардан мусодара қилинган пуллар. Бева қолган аёлга товоң сифатида берилади. Бу кўли кон газандаларни кўлга тушган жойдаёқ жазосини беришим мумкин эди. Улар шунга лойик ҳам эдилар. Аммо, жазони аввало Оллоҳ, кейин жабр кўрган элнинг ўзи белгилашга

ҳақлидир. Уларнинг ёнида юрган бу болада айб йўқ. Унинг кўли қон эмас. Уни менга берасизлар. Колган бу икки тўнғизни нима қилсанглар, сизнинг ишингиз!

Жумабек содир бўлган воқеадан ҳушини йўқотаёзган, аммо эндиғи бўладиган хунрезликлар аввалгисидан юз карра даҳшатли бўлишини, оғир оқибатларга олиб келишини, бунда яна қон тўкилишини ҳамроҳларининг, ўзининг ҳам, ўн жонидан бир жони ҳам қолмаслигини хис қилиб вужудини совук тер босаётган йигитни четта тортди. Турсунқулни чакириб йигитни унга топширди.

Оломон даҳшатли гувранди. Паншахалар, ўроклар, таёклар таҳдидли кўтарилиди.

— Тошбўрон!, — гувиллади оломон.

— Тошбўрон! — баланд, ингичка овоз билан қичкирди қандайдир аёл.

— Йўқ! Йўқ! Жон бўла, ундан қила кўрманг, — Жумабекнинг этагига ёпишди хўппа семиз қароқчи. — Жоним садқа бўлажон, ундан қила кўрманг! Кулингиз бўлайин. Эшигингизда кулдай хизмат қилайн, мени уларга топширманг! Ҳали болаларим ёш. Улар қандай кунини кўради. Бўлажон раҳмингиз келсин! Улар мени ўлдиради, ахир! Мен... мен... Унинг гали оғзида қолди. Жумабек бир тепиб, этагини ундан ажратиб олди. Шунда Жумабекнинг нигохи унинг аянчли, илтижоли кўзлари билан тўқнашиб кетди. Шунда хаёлидан яшин тезлигига «Шошма, мен ўзи нима қилаяпман. Бу бечорани хозир ўлдиришади. Ахир чўпонни у ўлдирмаганку!» деган фикр ўтди. Энди, даҳшатли шиддат билан ривожланаётган воқеалар оқимини тўхтатиб бўлмасди. Оломон уни ғажиб ташлайдиган йиртқич қиёфасига кириб ултурганди. Аламзада эл, хун талаб қилмоқда эди. Энди, ўзи бошлаган бу машмашани тўхтата олмаслигини, оломон уларнинг қонини тўкмаса ҳовуридан тушмаслигини хис қилиб, юраги ўртаниб кетди. Хозир бу бечора ўлади. Унинг гуноҳи эса Жумабекнинг елкасига тушади. Кўллари қон бўлади! Аммо, энди кеч!

Жумабек унинг илтижоли нигоҳига яна тўқнаш келиб колмаслик учун юзини ўғирди. Шунда ҳовлиниг қарийб ярмини эгаллаган азим тут дарахтининг сарғая бошлаган япроқларига тикилиб ўтирган иккинчи маҳбус тилга кириб илк бор унга сўз қотди.

— Бек, менинг қонимни ноҳақ тўймоқчи бўляп-сиз, — деди у манқалантганча. Чунки аламзада жувоннинг таёри унинг бурнини буткул пачоклаб улгурган эди.

Жумабек унга ўқрайиб қаради. Хаёлида, энди сен етмай турувдинг. Сенларга қолса ҳамманг айбсиз! Мен ҳаммангилини ноҳақ ушлаб келиб жазолаётган эканманда?! — деган ўй кечди. Ким ҳақу, ким ноҳақ, ҳозир факаттина Оллоҳга аён. Оллоҳнинг ўзи кечирсин, — деди-да, ичкарига кириб кетди.

Оломон бир зумда икки бандини ўртага олди.

— Биродарлар, бу уй Элбегининг уйи! — қичкирди Шомуродбой. — Бу ҳовли газандаларнинг қони билан булғанмаслиги керак!

Консираган оломон истар-истамас бу сафар ҳам оқсоқолнинг гапига кўнди. Бир зумда икки қароқчининг оёғини ерга теккизмасдан ҳовлидан олиб чиқиб кетишиди. Ҳовли тинчид қолди. Ҳозиргина даҳшатли шовқин-сурон ҳукмронлик қилаётган Элбегининг кенггина ҳовлисида Шомуродбой, Жамол Элбеги ва Турсункулгина қолишиди.

Жумабек ичкарига кетар экан:

— Нима қилиб кўйдим ўзи, — деб рўлдиради. Оёқларидан мадори кетди. Кўрпачага узала тушиб ётиб олди. Нималар қилиб кўйди, ўзи. Гангиган миясига тузукрок фикр келмади. Бу иккаласи ҳам айбимиз йўқ деяпти. Ҳақиқатан айбор бўлиб чиқмаса-чи! Унда икки бегуноҳнинг қонига зомин бўлганини худо кечирамикан. Ўлдирадиган экан, ўша ерда ўлдириб кўя қолса бўлмасмиди. Нега бундай доврук қилиб ўйига оломонни йигиб асасаю дабдаба қилади? Нега? Ўзини адолатпеша кўрсатмоқчи эдими? Ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчи эдими?! Хе, ўргилдим бунақа адолатпешалигидан ҳам, қаҳрамонлигидан ҳам! У бечоралар ўзларини энди тирик қолдик деб ўйлагандилар. Анави хўппа семизи ўзи отдан тушиб омонлик сўраганди Жумабек ўшанда уларга омонлик берган-дек бўлган эди. У бечора энди жоним омон қолди деб суюнганмикан? Бўлмаса, туни билан йўлда мол ҳайдаб келишаётганида бирон марта ҳам қочишга харакат қилмади-ку! У ишонган! Жумабек уни энди ўлдирмаслигига ишонган экан? У алдади! Ҳа бир бечорани

алдаб, ажал комига хайдаб келди. Алдашнинг бундан ортиги бўлмайди!

Жумабек бу бечораларни номардларча аллади! Ким билади хозир уларнинг жони узилаётганмикан? Йўк! Буни тўхтатиш керак! Бунга йўл қўйиб бўлмайди! Жумабек ўрнидан отилиб туриб кетди. Ташқариға чиқди. Ташқарида Шомуродбой билан Турсунқул ўзаро сұхбатлашиб туришарди. Элбеги негадир кўринмасди. Бекнинг шошилиб чиқиб келганини кўриб, улар унга пешвоз юришди.

— Бек, нима қилайлик, оломон уларни ўлдириб, жасадларини итга ем қилмоқчи бўлгандек чуқурга ташлаб кетишиби, — деди Турсунқул.

— Нима? Ўлдириб бўлишибдими?!

— Ха, ўзлари ҳам ҳилвиллаб туришган эканми, иккита тош тегмасдан қулашиби. Кейин, оломоннинг оёқлари остида пийпаланиб кетишган кўринади.

Жумабек ўзининг шуҳратпастлиги, ўйламай бошлиған бир иппи энди тузатиб бўлмас хатога айланиб улгурганини ҳис қилиб оғир «уф» тортди. Унинг ичидагача ётган зиддиятли фикрларни сезгандек Шомуродбой, унга яқин келиб елкасига кўлинни қўйиб:

— Хато қилдим, икки бегуноҳни бекорга ўлдиридим, деб куйиняпсизми, бек, — деди бой, сокин товуш билан. — Тўғри, сиз ёшлиқ қилиб бироз ошириб юбордингиз. Аммо, улар ҳам фаришта эмас эди. Сиз уларни жиноят устида кўлга туширдингиз. Уларнинг жазоланмаслиги мумкин эмасди. Сиз буюрган жазо қаттиқ бўлган бўлса-да, аммо адолат тантана қилди. Энди, кўйинг, ўзингизни кўпам қийнаверманг. Бўладиган иш бўлди. Бунинг бир яхши томони, энди ўри-ю қароқчи бу воқеани эшитиб бу юртларга яқин йўлай олмайди. Улар сизнинг номингизни эшитиши билан зир титрайдиган бўлади. Бизга энг керагиям шу эмасми.

— Ха, тўғри айтасиз. Энди менинг номим конхўр золимга чиқиб бўлди. Буёгини энди Оллоҳнинг ўзи кечирсин.

Жумабек минг бир надомат ичидагача Турсунқулга ўлган икки бандини кўмиб келишни буюди. Ўзи эса қарама-қарпи уйлар ичидагача қолиб, иштаҳаси бўғилганча кечки овқатни ҳам танавул қилмасдан ўз хонасига кириб кетди.

Курбондурди шом пайти бехосдан кириб келди. Йўлига интиқ кўз тикиб турган Сардор у келтирган мужда хушхабар эмаслигини унга кўзи тушгандаёк сезган эди. Чоржўй ҳам, демак, ўрис қўлида. Умрида бирорвдан бир шапалоқ еб, башини эгиб кетмаган, унга иккита мушт билан жавоб бермаса кўнгли жойига тушмайдиган ўр бола бўлиб ўсган Соли Сардор шу кунга довур ҳеч кимдан кўрқмаган эди. Ўрис қўшинидан яхшигина зарб еб ўзини ўнглаб ололмаган, унга қарши урушиш ўёқда турсин, энди унинг номи эшитилган жойдан ҳам четлаб ўтишга тиришадиган бўлиб қолган Сардор Чоржўига бориш фикридан ўша захотиёқ қайтиб кўя қолди. Бу ерларда қураётган шайтонбазми ҳам узок давом этмаслиги аниқ эди. Зеро, Бухоро-ю Чоржўйни эгаллаган ўрис бу ерларга ҳам қачондир албатта етиб келиши, унинг бошига қаро кунларни солинини хис этиб, Сардор безовталана бошлади. Тезрок Марв томонга етиб олмаса, қиши бўйи бу ерларда судралиб ҳеч нарсага эриша олмайди. Агар Марвга ҳам ўрис қадами етар бўлса, унда Амир ортидан ё Афонга, ё бўлмаса Эронга ўтиб кетади.

Нима қилмок керак, бу ерда узок туриб бўлмайди, зеро, бу унга жудаям маъкул бўлаётган бўлсада, бу ердан кетгиси келмаётган бўлсада, кетмаса бўлмайди. Ўрис жудаям тезкор, эрта, ё индин улар шу ерларда пайдо бўлиб колса, ҳечам ажабланадиган жойи йўқ. Унинг қулоклари остида замбаракларнинг гумбури-ю, осмони фалакда вағиллаб учиб, ажали ёғдираётган темир-қушларнинг вахимали овози эшитилаётгандек бўлди. Энди уларга рўпара келиш, ўзини ажалнинг кўлига топилишиш билан тенг!

Йигитлар унинг оғзига маҳтал бўлиб буйрук кутишарди. Сардорнинг эса бу баҳаво болохонани тарк этиб ҳечам кетгиси йўқ, шунинг учун ҳам кетишни иложи борича ортга сурган эди. Энди унинг бу манзилдан кетиши аниқ бўлганидан кўнглига кил ҳам сифмади. Мияси ғовлаб унга тузукрок фикр келавермасди. Олдин унинг кўзлаган аниқ мақсади бор эди. Амир қўшинига лашкарбоши бўлишни, ҳаммани оғзига каратиб юришни, катта-катта ғалабаларга эришиб шон-шуҳрат тоҗини бошига киймоқни орзу киларди. Энди у орзу ошёнини ўрис бир зарб билан чилпарчин қилиб ташла-

ди. Энди унинг олдинга борувчи йўллари тақатак бекилган, орта қайтишга ҳам йўл йўқ эди. Бу аросат водийисида ҳали унга қанча дарбадарлик бор экан.

Сардорнинг чуқур уйга ботганча «миқ» этмай узок туриб қолганини кўриб Аннақули томоқ қирди.

— Емак олиб келайми? — деди у хўжасига журъатсизгина бокиб. Сардор фувиллаб кеттан бошини кўтариб бир муддат Аннақулига паришон тикилиб турди.

— Олдин, чилим олиб кел.

Аннақули Оллоқулбойнинг бўйни узун, тилла суви югурутирилган чилимига чўғ ташлади. У бир-икки тортиб, ўт олдирдида, чопкиллаганча Сардорга олиб кирди. Сардор чўллаган чўпондек чилимга ташланди. Сархонасини қип-қизил чўққа айлантириб хўриллатди. Оғзи бурнидан дуд қайтар экан, миясида ғужғон ўйнаган боши кети йўқ фикрлар, жавобсиз саволлар бироз бўлсада, чекиниб, хаёли тиниқлашгандек бўлди. Тиришган пешонасидан ажинлар тарқаб, чиройи очилди. Негадир Бухородаги маъсуд дамларидағи май базмлари эсига тушди. Сардорнинг шу топда ҳамма нарсани унутгиси, май ичиб кайфини чоғлашни кўнгли истади.

— Нима овқатинг бор? — сўради зник олдида қўл қовуштириб турган Аннақулидан.

— Кора кўчкорнинг эти пешиндан бери қозонда қайнаб ётиби.

— Олиб кел! Тўхта, олдин бойнинг чоғиридан ҳам озроқ олиб чиқ! Кейин, Курбонни ҳам чақир. Шу ерда овқатланади.

Аннақули, Сардор Курбондурдининг маслаҳатисиз, ҳеч қандай ишни амалга оширмаслигини, бу чўтири юзбошидан бўлак бошқа маслаҳатгўйи йўқлигини яхши биларди.

Хил-хил пишган серёғ гўштни чайнар экан Сардор Аннақулига имо қилди. Йўлда бироз ўзини олдирган, кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётган Курбондурдига Аннақули бир коса қип-қизил, тиник майни узатди. Курбондурди уни қулқиллатиб узоқ симириди. Кейин, шошилмай косани дастурхонга қайтиб кўяр экан, кўчкорнинг думбасидан бир бўлак олиб кавшай бошлади. Унинг ичига кирган май қандайдир сирли, енгилгина мавжга айланиб бутун вужудини секин жимирлатиб ўтди. Мудроқ кўзлари чараклаб очилиб, ўзининг нақадар оч эканлигини хис қилди. Иштаҳаси очилиб, дастурхон ўртасидаги каттагина чинни лаганга уюб қўйилган гўштга

ҳарислик билан ташланди. Уни кузатиб ўтирган Сардор ҳам ўз косасидаги майни Курбондурдига ўхшаб симириб ўтирмасдан бир зарб билан сипқариб юборди.

— Ҳў, энагар бой, — деди соқол-мўйловини енги билан артар экан, мийигидан кулиб. — Ҷоғирнинг ҳам асилидан ғамлаган экан.

Энди Сардор ҳам лаганга ҳужум қилаётган ўнбошига кўшилди. Каттагина лагандаги гўштдан барака қоча бошлади. Иккинчи кося май ҳам уларнинг ўлқондек ошқозонига жой бўлиб кетганидан сўнг Сардорнинг боши ёқимли айланиб, кайфи чор бўла бошлади. Кўзани яна майга тўлдириб чиқарган Аннақули хўжасининг кайфи чоғлигини кўриб, кўнгли жойига тушди. Куни кеча кўрганини Сардорга айтиб, ундан рухсат олса бўлади, деб ўйлади. Ҳар кўзани тўлдиришга ертўлага тушганида бу ажабтовур чоғирдан ўзи ҳам бенасиб қолмаганилигидан, кўзлари сузилиб турган Аннақули, кайфияти чор пайтларида Соли Сардорнинг тантилиги тутиб кетиши, ҳар қандай илтимосини ерда қолдирмаслигини ўйлаб, юраги орзикиб кетди. Кеча ошхона ортидаги эски-тускилар сақланадиган кичик ҳужрача ёнига бораётганида ҳуркак охудек, бир қизга кўзи тушганди. Бу шубҳасиз бойнинг қизи, ё бўлмаса келини эди. Бўлмаса, бегона қиз оқшом коронулигига бойнинг қўронининг хилват бурчагина не қилади. Киз унга кўзи тушиши билан «вой» деганча ўзини ҳужрага урганди. Унинг туриши ҳам, овози ҳам шу қадар гўзал ва эҳтиросли эдикি, Аннақули бечора турган жойида тахта бўлиб колганди. У кўнглида қизнинг олдига боришни мўлжаллади, аммо ҳар ишни Сардорнинг буйруғи, ё рухсатисиз қилиб ўрганмаган йигитнинг журъати етмади. Ҳоли паришон, кайфияти йўқ Сардордан буни сўрашнинг охири аччик қамчи билан, жуда нари борса шапалоқ ё мушт билан тугаши аниқ эди. Буни Аннақули яхши биларди. Шунинг учун Сардорнинг ит феъли тарқаб, одам сиёқига киргунча кутишга аҳд қилди. Кейинги кун худди шу пайтда у қиз билан яна учрашди. Гўё қиз у билан учрашишни ўзи истаб, унинг йўлини пойлаб тургандек туюлди. Бу сафар у олдингидек ширин овоз билан «вой» деди-ю, аммо, кочиб кетмади. Номигагина юзини яширган бўлди. Бетини чала-чулпагина тўсган рўмоли ортидан эҳтиросли қора кўзларини Аннақулига тикиди. Довдираб қолган Аннақули ўзига келиб, унга бирон нима дейиш кераклигини хис қилди.

— К.. кимсиз? — деди ғўлдираганча.

Киз шуни кутиб тургандек рўмолини тушириб, қўзларини аланг-жаланг қилганча унга жавоб қайтарди.

— Бой тоғамнинг келиниман. Отим Қамар, — деди у қўзларидан хирс ўти чакнатиб. Сиз бу йигитларнинг каттасимисиз?

— Э, ўйқ, каттамиз Соли Сардор бўладилар. Мен унинг бир йигитиман, холос.

Кизнинг ҳафсаласи пир бўлиб, унга бўлган қизиқишидан заррача ҳам қолмагандек туюлди. Киз буни билдирамасликка уринсада йигитнинг буни сезганлигини тушунди. Аннақули унинг эри бойнинг йигирма ёшлардаги, сокол-мўйлаби сабза урган, гавдаси ҳам полвонтахлит, бақувнат, аммо бир гаврон таёкни от миниб, шаталоқ отиб юрган тентакнома ўғли эканлигини билиб, энди гап нимада эканлигини бутунлай тушунди. Бу паричехрага шундай тентакнинг хотини бўлиш қанчалар азоб эканлигини ҳис қилди.

— Нега сизни бир ҳафтадан бери кўрмадик? — Аннақули ўзини анчагина босиб олиб, беҳаёларча сук билан очиқча тикилар экан.

Кизик, бу пари, йигитнинг унга қанчалар сук билан тикилаётганини сезсада ҳеч ийманмас, қаддини ғоз тутиб бутун гўзаллигини унга қўэ-қўэ этишга ҳаракат қиласди. Унинг бўлиқ кўкраклари нимчалик остидан бўртиб сезилиб туриши Аннақулининг хирсини қўзғагани, унинг қилт этиб ютинганини, қўзлари ўйнаб кетганини кўриб ҳатто кизнинг завки келгандек кулиб қўйиши бечора йигитни жунбушга келтирсада, аммо ўзини базўр ушлаб турарди.

— Бизни қайнонам мана шу исқоти хужрага қамаб қўйган, фақатгина кечалари ташқарига чиқишига рухсат беради. — Киз лабларини чўччайтириб, тўё мана кўряпсанми, мен қанчалар азоб ичиди ўтирибман, дегандек карашма қилди. — Биз икки кишимиз, қайнингинглим Ойсулув ҳам шу ерда. Шу пайт ошхона томондан кимнингдир йўталган овози эшлилди-ю, киз бир сакраб коронкулик ичига сингиб кетди.

Аннақули хўжасининг авзойи ўзгармасидан дилидагисини тилига кўчиришга карор қилди.

— Сардор, — деди у қулларча тавозе билан, — бир гапим бор эди...

— Гапнинг бўлса гапир, нега бунча эшиласан! —

Ўшқириб берди Сардор. Аммо унинг бу ўшқириғида ғазаб асари йўқ эди.

— Шу, шу... ижозат берсангиз, — чайналди йигит, — бойга...

— Нима, бойга, бунча тўлдирайсан, тилингта тирсак чиққанми?!

Энди, агар Аннақули гапни чувалатса вазият ёмон томонга ўзгаришини, Сардорнинг ғазаби қўзишини тушиниб дангалига кўча қолди.

— Шу бойга куёв бўлсак, ижозат берсангиз!

Аннақули юрагидаги йифилиб турган гапини шу бир икки сўзда айтишга айтди-ю, ҳозир бошида калтак си-надигандек елкаларини қисиб кунишиб олди.

Сардор унга бир зум ҳайрон боқиб турдида, бирдан хохолаб кулиб юборди. У Курбондурдининг тиззасини шапатилаб урганча кулаверди. Курбондурди унга қўшилиб кулди. Ўлганнинг кунидан Аннақули ҳам бир-икки хиқиқлаб кулган бўлди. Сардор кулаётуб бирдан тўхтади.

— Хўш, бойда қиз йўқ эди, шекилли, ё анави дўмбиллаган кампирга ишқинг тушиб қолдими?

— Бойни анави овсар ўғли борку... Аннақулининг гапи оғзида қолди.

— Нима дединг?! Энди баччабозликни кўнглинг тураб қолдими?! Бутунгни айриб ташламай, тағин! Хўсени тукқан онангни!

— Йўқ, Сардор! Зинҳор бу б... ни оғзимга олмайман! Ўша овсарнинг оғатижон хотини боракан. Бу болапақир хотиннинг маъносини ҳам билайди ҳали.

— Буни овсарнинг ўзи айтдими?

— Йўқ, хотини айтди. Уларни бойнинг анави семиз хотини хужрага қамаб қўйган экан. Ёнида бойнинг бўйига етган қизи ҳам бор экан.

— Хўш, шунаقا дегин. — Соли Сардор кайфи ошиб яна шарақлаб кулиб юборди. — Шундоққина биқинимизда иккита сулув беркиниб ётса-ю, бизлар хотинсираб ёстик кучоклаб ётсак-а? Аслида шундай сулувларни бизнинг кўзимиздан пана қилган анави лақма кампирни жазоламоғимиз керак эди-ю, аммо бойнинг барча хазинасини бир-бир топиб бергани учун унинг сабил жонини олмаймиз. Аммо, у енгилрок бўлса ҳам жазоланиши керак, нима дединг, Курбон?

— Тўгри, Сардор, — деб тамшаниб қўйди Курбондурди.

— Бўлмаса Қурбон, сен нима дейсан, бу Анна бечо-  
рага рухсат берамизми, бойбувасига куёв бўлақолсин.  
Сен кўпам тиржаяверма. Анна, бунинг бир шарти бор.  
Аввал у келин бўлмишни қайинсинглиси билан бирга  
келин кўрдига олиб кирасан. Биз манави Қурбон оғанг  
билан келиннинг кўрманасини берамиз. Кейин бу оғанг  
никоҳини қийгандан кейин куёв бўлиб чимилдикка ки-  
расан, маъкулми?

— Маъкул, — деди ўлганинг кунидан Аннақули  
Сардорнинг бу гапи тагида разилона шум ният борли-  
гини сезиб турса ҳам. Сардорнинг гапига кўнмай иложи  
йўқ эди унинг.

— Бўлмаса, бор олиб чиқ, бу ёқقا!

Аннақули пастга тушиб кетди. Унинг ортидан Сар-  
дор ҳам, чўтири ўнбоши ҳам ҳозир юз берадиган ши-  
рин ҳодисани ўйлаб сўлаклари окканча унинг ортидан  
қараб қолишиди.

Аннақули ҳовлидаги каттакон сўрида уйкусираб тур-  
ган йигитни чорлади. Аксига олиб бошқа йигитлар, ҳар  
жойга тарқаб кетишганиданми, ё бурчак-бурчакларга  
бекиниб, бойнинг асл чогирини замзама қилиб ётибди-  
ларми, ҳовли юзида уларнинг қораси ҳам кўринмасди.  
Аннақули шу йигитни ёнига олиб, ўчоқхонани айланиб  
ўтганча хужрага яқинлашганида юраги дукуллаб ура  
бошлиди.

Икки йигитга хужранинг эскирибгина қолган эшиги-  
ни бузиш чўт эмас эди. Бир-икки зарб билан эшикнинг  
занглаб кетган ошик-мошиги синиб кетди-ю, эшик қар-  
силлаб кулади. Ичкарида кий-чув бўлиб кетди. Анна-  
қули нимқоронги хужрада бурчакка қисилиб олган икки  
қизнинг қайси Қамар эканини ажратада олмай дуч келга-  
нининг қўлидан ушлади. Шунда орқасидан ҳарсиллаб  
келиб осилган кампирни Аннақули бир зарб билан ерга  
ағдарди. Аммо рўмоли учеб кетиб, бош яланг бўлиб  
қолган кампир соchlарини юлиб, дод солиб юборди.  
Мусулмонларни ёрдамга чакирди. Аммо унинг овози  
кўрғоннинг баланд деворидан ошиб кўчага чиқмади.  
Ёрдам берадиган мусулмон бу ҳовлида йўқ эди. Кейин  
кампир унга имдод келишидан келмаслиги аникроқ экан-  
лигини билиб, қарғаганча йиғлай бошлиди.

— Сен, худо ургурлар, молимизни олдинг, еб тур-  
ган нонимизни олдинг, сенларнинг дастингдан хотин-  
ларнинг сандиги-ю тугуни ҳам қолмади. Барини титки-  
ладинглар. Энди кизларим керак бўлдими, сен гўрсўхта-

ларга! Ҳе, эркак номингта қирон келсин, сен тўнғиз-ларнинг! Яна булар мусулмон боласи эмиш, диндан қайтган коғирлар, харомилар!

Оллокулбой ҳамон чирик кўрпачада, Икром акадан қолган уйчанинг соясида кўзларини бир нуқтага тикканча, тунов кунги даҳшатли воқеалар кўз олдини тарк этмай ётарди. У минг уринмасин, бу хотиралар уни ташлаб кетмас, вақт ўтган сайн улар аниқ равшан, энг кичик нуқталари ҳам кўздан қочмасдан айланаверарди. Юрак-бағрини пора-пора қилган бу воқеалар аллақачон ўтмишга айланиб улгурган бўлса ҳам, барибир ундан узоқлашишни исташмасди. Назарида бу воқеалар ўтмишга айланиб улгурмаган, жараёнга ҳали сўнги нуқта қўйилмаган, шунинг учун ҳам улар ўзларининг якунини кутганча Оллокулбойнинг хаёлидан нари кетишни ҳечам исташмасди. Бойнинг бу тошдек боши ҳали кўрмаган не балолари қолдийкин, бу ғаддор дунёнинг. У бошидан шу икки-уч кун ичида ўтказганларидан кейин дунёни сув босса тўпигига ҳам чиқмайди, деб хаёл қилди.

Кароқчилар унинг уйи, омбори-ю казнокларини титпит қилиб, сандиқларини титкилаб, қўлга илашгудек тузукроқ нарса тополмай хуноб эдилар. Кўзлари қонга тўлиб, олтин излашар, унга сари бой ич-ичидан кулар, ўлларинг хид ололмаган исковуч лайчага ўхшамай, ҳали ҳеч вақо тополмай бир-бирларингни ғажий бошлаганларингда кўраман холларингни, деб ёниб қўярди.

Бойнинг ўзигагина хос табиий сезгиси билан Амир қочганини эштибоқ йикқан олтинларини уч қисмга бўлиб, бир қисмини токчага қўйиб, уни яхшилаб суваб ташлаган, иккинчи қисмини Қоплоннинг уйчаси ичига, учинчисини эса, отхонага кўмиб, устига қозик қоқиб белги қўйиб қўйганди. Буларни фақатгина хотини-ю ўзи биларди. Бу жуда ими-жимида килинган ишлиги учун хиди чиқмаган, қароқчилар уни тополмасликларига ишонган бойнинг кўнгли тўқ эди. У хотинини бамаъни деб билар, шунинг учун ҳам унга ишониб, шу ишга шерик қилган эди. Аммо...

... Аммо, ишонган төрда кийик ётмас, деганлари рост экан. Бой чуқур уф тортиб кўзларини яна бир нуқтага тикиб олди. Яна бойни чексиз фазабга солиб, сал бўлмаса ақлдан оздираёзган воқеалар занжири унинг кўзлари олдидан нечанчи мартадир ўта бошлади.

... Соли Сардор уни калтаклашни буюрди. Бой,

танасини тилка-тилка қилиб ташласалар ҳам бир оғиз сүз айтмасликка қарор қылғанди. Елкасига тушаётган қамчи-ю, таёқ зарбини худди сезмагандек, жимгина тураверди. Юзи-кўзи муматалоқ, танаси қонталаш жарохатларга тўлиб кетди. Аммо, бойнинг иродаси букилмади. Сўнгра уни уриб-сўқиб товуқхонага қамадилар.

Бойнинг семиз кампирини олиб келдилар. У эрининг товуқхона тупроғини тирмалаб ётганига ўзича баҳо берди. «Курумсоқ бой ундан яширикча товуқхонага ҳам кўумган эканда!» У бутун мол-мулки кетиб, ўзи оч, ялангоч коладигандек ваҳимага тушди. Кўмилган олтинларнинг хеч бўлмаса ярмини асраб қолиш керак! У ғалати қарорга келди. «Товуқхонага қанча кўмилганини билмайди. Майли, у кетса ҳам, қозик тагидаги қолсин». Кампир жон-жаҳди билан югуриб бориб отхонага кирди ва йўғонгина темир қозикни кучоклаб олди. У хаёлига келганини ўйлаб ўтиравермай бажарадиган хотинлар сирасига киради. Жон ҳолатда қозикни кучоклар экан унинг тагида кўмилган олтинлар бутун умрга етиши мумкин эканлигини, энди хеч қачон камбағал бўлиб қолмасликларини ўйлаб, ўзидан хурсанд бўларди. Унинг телба ҳаракатидан ҳайрон бўлган йигитлар қозик томонга кела бошладилар. Хотин уларни кўриб ваҳимага тушиб қолди. Қозикка баттарроқ ёлишиб жон ҳолатида уларга ёлвора бошлади:

— Хеч бўлмаса шунга тегманглар, болаларингизнинг роҳатини кўринглар, хеч бўлмаса шу қолсин!

Унинг кучоклаб турган оддийгина темир қозик эканлигини кўриб, йигитлар шу матоҳинг қўтиrimизга дори бўлибдими, бошингдан қолсин, деганча қайта бошладилар. Аммо Сардор унинг қилиғидан бир нарсанинг хидини билган тозидай ҳушёр тортди. Секин-аста юриб хотиннинг ёнида тўхтади. Қозикка разм солиб қаради. Оддий қозик, аммо унинг жойи ўзгарганлиги белидан сал юқорисигача занги чизик қолганлигидан билинарди. Қозикнинг остидаги тупроқ ҳам ажralиб турарди. Бу ер яқиндагина кавланган! Демак, қозикнинг остида нимадир бор. Бу хотин бекордан бекорга уни кучокла-маяпти! Сардор йигитларга белкурак олиб келишни буюрди. Лақма хотин эса ҳамон жаварарди. Белкурак кўтариб келаётган йигитларни кўриб, уларнинг нияти жиддий эканлигини ҳис қилиб, энди таҳдидга ўтди.

— Ўлсам ҳам буни сенларга бермайман! — деб ҳай-кирганча қозикни жони борича кучоклаб тураверди.

Бироқ қизиқиши дақиқа сайн ошиб бораёттан Сардорнинг нағалли этиги зарби билан кўллари ечилиб кетди. Иккинчи йигит уни улоқтириб юборди ва у ўзини каттагина охурнинг ичидаги кўрди.

Яқинда бир сидра кавланган эмасми, козик атрофидаги ер анча юмшоқ эди. Бир-икки дақиқанинг ичидаги каттагина терига ўраб кўмилган бойлик яна ёруғ оламга чиқди. Ва шу заҳоти Соли Сардорнинг қўлига ўтди. Улар қўлга киритган бойликни салмоқлаб, санаётган пайтда хотин охурдан чиқди. Кўрдик, ўзи қўриқлаған истеҳком ишғол қилинган, бойлик кавлаб олинган. Ўрни ўрадек чуқур бўлиб қолибди. У энди қўлидан кетганди. Уни қўриш энди маъносиз эканлигига ақли етган хотин иккинчи истеҳкоми — марҳум Қоплоннинг катагини қўриқлашга карор қилди. Зеро, уни қўриқласа арзийди. Унда Оллоқулбой бутун умр йиккан олтиннинг учдан бири кўмилиб ётибди-да, ахир!

Хотин телба важоҳат билан охурдан отилиб чиқиб итнинг кичик уйчасига ўзини урди. Унинг семиз гавдаси катакнинг эшигига сифавермади. Боши сиғди-ю, аммо юм-юмалоқ танаси эшикка тикилиб колди. Энди бу аклдан озаётган хотин, бойликни ташқаридан қўриқлашга аҳд қилиб, бутун гавдаси билан марҳум бўрибосарнинг хос ҳужраси эшигини тўсисб олди.

Бўлди, энди буёққа келманглар. Энди буни ўла колсам ҳам сенларга бермайман! Ўғрилар! — деганча тишларини фирчиллатиб тураверди.

Мазахўрак бўлиб қолган Сардор, яна ҳазина умидида, итхона томонга чопди. Бир зумда Қоплоннинг айқидек гавдасига мослаб курилган каттагина итхона бир томонга, унинг шўрлик қўриқчиси иккинчи томонга улоқтирилди. Ҳазина кўмилгандан бери бу ерга ит қадамини ҳам босмаган шекилли, чала-чулпа кавлаб кўмилган жой аник-тиник кўзга ташланиб туради. У ҳам кавлаб олиниб Сардор эсон-омон етиб борганини кўрган хотин энди ҳазина изловчиларни меҳмонхона девори томон бошлаб кетди. Оллоқулбойнинг чексиз фазабига дучор бўлганча, хотин бу жойни ҳам қисқа жангдан сўнг омадли ҳазинатопларга топшириб, ўзи қалъасини душман босган доруғадек, қўшиниз қолган саркардадек, ва ёхуд, жанг қизиганда куролини йўқотиб қўйган ношуд аскардек сўппайиб қолди. Тиззаларидан мадор кетиб, унинг оғир гавдасини кўтаришдан бош тортгудек, таппа ерга

чўкди. Боя итнинг хужраси эшигига сифмаган семиз елкалари силкиниб-силкиниб йирлаб қўяверди.

Оллоқулбой тишларини ғажирлатиб, товуқхона панжарасига суюнганча бу даҳшатли томошани бошидан кечирди. Кейин минглаб марта кўз ўнгида айланадиган хотира суратларида томоша килавериб чарчаб ҳам кетди. У бошида товуқхонада ўтирас экан, панжарага қамалган шердек ўкирарди. Агар озодлик имкони бўлганида эди, бу ахмок семиз гавдани тилка-пора килиб ташлаган бўлармиди! Аммо у ноилож эди. Қўлидан бўралаб сўкинишу, қўзларининг пахтасини чиқариб ўқрайишгина келарди, холос. У икки кун кетган давлатига аза тутиб очлиги ҳам эсига тушмади. Учинчи кун ўзи-ўзидан разаб алангаси пасайди. Шунда томори куриб бораётганини хис қилди. Бу жирканч жойдаги товуқ гўнгининг хидидан кўнгли айниди.

Товуқхонага кираётганида барча азобу қийноққа мардона чидаган, заранг таёқдек букилмас даванг, корасоч, корасоқол эркак, ундан букилиб, синиб ҳам бўлган, соч-соқоли оқарган, мункиллаб қолган чолга айланаб чиқди. Энди унда олдинги доврукли, такаббур Оллоқулбойдан ҳеч бир асар қолмаган эди. Қалбидаги пўртанаалар уни икки куннинг ичидаги йигирма йиллик умрини яшаб ўтишга мажбур қилганди. Энди унинг юраги бир қанча хис-туйғулардан мангуга ажраб бўшаб қолганди. Бир пайтлар тобеларига разаб ва димоғдорлик билан чақнайдиган қўзларида энди ҳеч нарсани англаб бўлмайдиган қудукдек тубсиз бўшлиқ ётарди.

У бир нуктага тикилиб ёта-ёта, шом кирганда қўзлари илинди. Бир неча дақиқагина мизғиди, холос. Шу күш уйқусида у узундан узоқ туш кўрди.

Олис-олисларга кетаётганимиш. Осмон қоп-кора эмиш. Ҳали замон ёмғир ёғиб қолмасайди деб ўйлармиш. Ортидан қизи келаётганимиш. «Чоп, қизим, чопа қолсангчи, ҳозир ҳеч қоламиз!» — дермиш. Аммо Ойсулув кўнмасмиш. Бирдан момақалдироқ гумбурлаб жала куяётганимиш. Бир зумда жала селга айланабди, сел тошиб хайқиравмиш. Аммо Ойсулув унинг гапига эътибор ҳам бермай оппоқ кўйлагининг этакларини шамолда ўйнантганча сувга кириб кетаётганимиш. Орқангга қайта кол, деб қанча ялинмасин у кўнмасдан маъсумона жилмайиб, секин-секин унга яқинлашиб келаверармиш. Шунда сел суви денгиздек кўпайиб, оппоқ кўпикли улкан тўлкин айқирганча унинг устига кулармиш. Бир пайт

кулаган түлкін оппок жунлари узун-узун туркмани тел-пак кийган бир йигитта айланар әмиш. Йигит унинг оғиз бурнини қип-қизил қон силқиёттган құллари билан ёпганча бўғаверармиш. Бой жон ҳолатда унинг бошидан телпагини юлкиб олармиш. Шунда унинг бош йўқ әмиш...

Бой нафаси қайтиб уйғонди. Қалтис ётганидан оғзи кир кўрпачага қапишиб қолганди. У энтикиб, бошини кўтарди-да, чукур-чуқур нафас олди. Шом уйқуси харом бўлади, деган хаёлга келди. Кўрган тушини хотирлаб унга таъбир излади. Шундагина унинг хаёлига қизи келди. Бутун оиласидан домангир бўлиб турган бой, унинг рўзгоридан эсли-хушли ягона одам шу Ойсулув қизи эканлигини тан олди. Хира, туманли кўнгли бироз ёришгандек бўлди. Давлат, уни масиқтириб кўзи ер кўрмайдиган махалларда шу қизини фарзанд ўрнида кўрмасди. Тентак бўлса шу Абдураҳмон ўғлини дерди. Оиласида ота меҳридан олисда ўз қизи ўсаётганини бой бундан олти ойча олдин, Абдураҳмоннинг тўйидан ке-йин, бир девор қўшниси Ҳасан аканинг ҳофиз ўғли Файбулладан совчи чиққанида эсига тушди. Ҳасан ака меҳнаткаш одам эди. Ўз меҳнати орқасидан ўртахолги-на кун кечирав, ҳам ёлғиз ўғлини Бухорода мадрасада ўқитар эди. Бирорга куни қолмайдиган камсукум, меҳнаткаш бу одамнинг килифини бой ўзи учун ҳакорат деб қабул қилганди.

— Бу жулдуровоқиларни кўчага ҳайдаб чиқар. Тенгтенги билан, тезак қопи билан! — деб хотинига ўшқириб берганди. Шундагина у ўз хонадонида бўйига етган бир сулув қизи борлигини сезган эди. Лекин кундалик ташвишлар билан қиз яна унтилган, то шу дакиқага қадар эсланмаган эди. Бугунги туш унга шу худо қарғаган қўрғонда шу мусичадек қиз ҳам борлигини яна эслатиб қўйди. Эслашга эсладию, бойнинг вужудини ваҳима қоплаб олди. Бу қашқирларга қўрғон ёқиб қолдими, ҳали вери кетадиганга ўҳшамаяпти. Шундай давом этаверса, бир кунмас бир кун уларнинг нахс кўзлари Ойсулувга тушиб қолиши мумкин. Бу худобехабарларнинг қўлидан ҳар иш келади.

Шу пайт ўчоқхонанинг орқа томонидан хотинининг аламли қарфиши эшитилди. Бойнинг кулоғи динг бўлди. Юраги «шув» этиб кетди. Кейин, қизининг даҳшатли қичқириғи вужудини тилиб ўтгандек бўлди. «Отажон!» деб бақиргани аник-тиник қулогига кирди. Пажмурда,

чала ўликдек чўзилиб, хамма нарсага бефарқ қараб ётган бой бирдан хушёр тортди.

Аннақули тинмай жавраётган вайсақи кампирни бир уриб овозини ўчириб қўя қолмокчи эди, аммо улгурда олмади. Нохос бошига тушган даҳшатли зарбдан гандираклади. Мувозанатини йўқотиб қуллади. Икки паллага ажралиб кетган бошидан қонталаш, қулранг суюқлик деворга сачради. Унинг орқасида ҳансирағанча кип-кизил қонга бўялган болтани маҳкам сикимлаб Оллокулбой турарди.

Яшин тезлигига содир бўлган бу воқеани ҳазм қилиб ултурмаган иккинчи йигит Аннақулининг икки паллага ажралиб миясининг қатиғи чикиб кетган бошига, бир ваҳимали кўриниш олиб ҳансираётган Оллокулбойга, бир унинг қонга бўялиб кетган даҳшатли болтасига карап экан, куролини олишни унугани учун ўзининг гўрига ғишт қаларди. Бойнинг унга ҳам ташланмаганидан дадилланган йигит «лип» этди-ю, ҳужранинг бузилган эшигидан чикиб ташкарига отилди.

Бойнинг энг ёмон кўрккани хозир содир бўлаётган эди. Хотирасида айланиб ўтмишга йўл олишга шошилмай ўз якунини кутаётган ҳодисаларнинг энг даҳшатлиси бошланаётган эди. Энди бунисига бой локайд қараб тура олмасди. У ёввойи бир шиддат билан ўрнидан турди. Шошилиб, гандираклаб ҳужрага караб чопаётган пайтда оёғи тепиниб йиқилиб тушди. Ўрнидан турар экан оёғига тўғаноқ бўлган нарса ўтин чопиладиган болта эканлигини кўрди. Оғиргина болтанинг сопидан сикимлаб ушлар экан, худодан ўзига куч-куват тилади. У ҳужрага кирав экан аввало ерда чўзилиб ётган хотинини кўрди. Унга эътибор ҳам бермай олдинга юрди. Ойсулов бир девдек йигитнинг қўлида типирчилар, юлқиниб ҳаракат қиласиди. Оппок турмани телпак кийган бу барзанги сўқинганча унинг қўлидан сударди. Бой қўлидаги болтани азот кўтариб, бор кучи билан оппок ширбози жунлари осилиб силкиниб турган телпакка урди. Болта ёқимсиз гарчиллаб телпакнинг жунлари орасига нақ бўғизигача ботиб кетди. Барзанги бир гандираклади-ю, гурсиллаб қўлади. Бойнинг юзига, кийимларига, деворга кон аралаш жирканч суюқлик сачради.

Кўзлари хонасидан чиқкудек бўлиб Ойсулов тахтадек қотиб қолганди. У ўзига келиб секин отасининг кўксига бош қўйди. Бой қўлидаги қонга бўялиб кетган

boltani ташлаб қизини бағрига босди. Шу лаънати ҳафта давомида кўргуликларни кўравериб дийдаси тош янглиғ котиб кетган бойнинг киприкларидан икки томчи аччик кўзёш юзига думалаб тушди. Бу кўзёшлар унинг юрагидаги барча кирни ювиб кетгандек бўлди. Кўнгли ёришиб, кўзлари чараклаб очилиб кетди. У энди ўлимни хаёлига ҳам келтирмайди. Шу қизи учун яшайди, ундан бўлган невараларини ўйнатиб юради. Лаънати қарокчилар мингта бўлса минги билан ҳам олишгудек куч сезди бой ўзида. Уларга шу қизини талатиб кўймайди. Майли, камбағал бўлса ҳам, Ҳасан аканинг ҳофиз боласига шуни бергани бўлсин. Қизи нени истаса шуни вожиб қиласди. Бой кўзи олдида жарга қулагандек зимфойиб бўлган келажак қасри энди бутунлай бошқача жило билан яна намоён бўлаётган эди. У қизнинг бахти учун ҳамма нарсага тайёр эди. Шу келажак қасрини ўз кўллари билан куриб беради Ойсулув қизига!

Бойнинг кўзларидан олов отилиб кураклари остида даҳшатли оғрикни ҳис қилди. Оғрик кураклари остидан бошланиб то кўкракларигача чопиб келди. Бой оёқларидан мадор кетаётганини ҳис қилиб қизини янада маҳкамрок бағрига босди. Вужуди титради. Ҳолсизланиб, ўзидан кетаётганини ҳис қилди. Аммо, қизини бўшатмади. Бўшатса, ундан мангуга ажраладигандек, ҳамон уни бағрига босиб тураверди. Кураклари остидан санчилган тир бутун танасини тилиб ўтиб, кўкрагидан туртиб чиққанини сезди. Боши оғирлашиб уни тик ушлай олмади. Секин қизининг елкасига бош қўйди. Танаси ўз оғирлигини кўтара олмай, сирғалиб, пастга туша бошлади.

Шунда у бирдан енгил тортди. Қайтадан ёш болага айланаетгандек сезди ўзини. Учгиси, чексиз самоларга парвоз қилиб ўйнагиси келди. Ўзини күш билди. Бир сакраб кўкка учди. Учаверди! Учаверди! Ҳеч қачон ҳис қилмаган мўъжизакор юксакликнинг, шодликнинг таъмини тыйди. Эркин, озод билди ўзини, осмон унинг кулочига жой бўлди. Ер унинг кафтидагидек яқкол кўринарди. Аммо, энди уча олмади. Нохос ўққа учган ўрдақдек пастга қулади. Шиддат билан каттариб бораётган ерга қараб кета бошлади. Қизини кўрди. Даҳшатдан кўзлари катта-катта бўлиб кетган қизининг қийшайиб кетган юзини элас-элак илғади. Илғади-ю, «Кизим» деб бакирди. Осмону фалакни қалдиратиб «Кизим! Кизим!» деган акс-садо янгради. ...Кейин ҳаммаси

тугади. Күкрагидаги даҳшатли оғриқ азобини хис қилганча торгина, аммо тубсиз қоп-қора кудукқа кулаб кетди.

Ойсулув, отам ҳушдан кетиб қолди, деб ўйлади. Секингина уни ётқизмоқчи бўлди. Аммо отасининг соуб бораётган кўллари ҳамон уни қучоқлаб турарди. У секин-аста отасининг кўлларини бўшатди. Авайлаб уни ерга ётқизди. Шундагина у воқеанинг бутун даҳшатини хис қилди. Бойнинг кир, бўз яктаги алвон тусга кирган, боши ғайритабий кийшайиб, орзи карраккдек очилиб қолганди. Очиқ кўзларини аллақачон парда қоплаб бўлганди.

— Отажон! — бақириб юборди Ойсулув даҳшат аралаш бўғиқ овозда.

## XI

Файбулла Соли Сардор Оллоқулбойнинг молини, ерга кўмилган хазинасини, жонини ва энг охирида бўйига етган қизининг номусини ҳам ўирлаб бу хонадонда қиёмату қойимни кўпдириб, кейин ўзи ҳам қаёкларгайдир жуфтак ростлаганинг учинчи куни тонготарда уйига етиб келиб, дарвозасини қокди. Бомдод намозига тахорат олиш учун турган отаси тайсалламай дарвозани очди. Минг бир хавотир билан бемаҳал эшик қоқувчига назар соглан ота, дарвоза қоқаётган отликнинг ўз ўғли эканлигини билгач, енгил тин олди. Файбулла отдан тушиб отаси билан қучоқлашиб кўришди. Кейин отини боғлаб, таҳорат ушатиб, отасининг ёнига чўкканча Оллоҳ олдидаги фарзини адo килди. Кейин уйга кириб, онаси билан кўришди.

Эрталабки чойни бирга ича бошладилар. Онаси неғадир ундан кўзини олиб қочар, отаси эса чукур ўйга ботганча қўшни Оллоқулбойнинг баланд девори ортидан кўкка бўй чўзган терак шохларига, улар орасидаги милтирабгина кучсиз нур таратиб чиқиб келаётган офтобга паришон термулиб хаёл суриб ўтиради. Файбулла уларнинг бу туришидан ўзи уйда йўқ пайтида бирон нарса содир бўлганини, аммо, шу нимадир яхшилик эмаслигини хис қилди-ю, баданида чумоли ўрмалагандек, совук жунжикиб кетди.

— Ҳа, эна нима гап? — деди Файбулла. У ҳеч қачон отасига тик қараб савол берган эмас. Отасидан хайикар, хайикиб хурмат киларди. Шунақа пайтлари

нима саволи бўлса онасига берар, жавобини эса отасидан оларди. Онаси кўзларини жавдиратганча «Сиз айтинг» дегандек отасига қаради. Файбулла ҳам энди отасига қараб ундан жавоб кутди. Аммо отаси ҳам ха деганда сўзланавермади. Файбулла ҳам отасини қисташга журъат килмади. У ҳам индамай пиёласида совуб колган чойни хўплаганча отасини кўз қири билан кузатиб ўтираверди.

Окибат Ҳасан ака дим ўйлашдан чарчадими, кўзини деразадан олди. Файбуллага бир қур бошдан оёқ тикилиб чиқди.

— Сен мол-ҳолингдан хабар олмайсанми? — деди хотинига. Онаси энди бу сухбатда ўзининг ортиқча эканлигини сезиб зипиллаганча чиқиб кетди.

— Ўғлим, Оллоқулбойни биласан-а, ён қўшнимизни, — деди ниҳоят Ҳасан ака ўйланиб, яна чиқаётган офтоб томон қарап экан. Энди офтоб бойнинг теракларининг гуж барглари орасидан бир парча-бир парча нуруни зўрга ўтказиб юкорига ўрлай бошлаганди. — Шу бойни уч кун бўлди, ўлдириб кетишибди.

Файбулла бир сесканиб тушди. Шундай дағдағали бойни чертишга ҳам журъат киладиган одамни топиш амримаҳол бўлган замонда, уни хе йўқ, бе йўқ, ўлдириб кетишгани ғалати. Замон тескари айланана бошлагани хақиқат экан-да! Файбулла «Ким ўлдирибди?», дегандек, савол назари билан отасига қаради. Аммо Ҳасан ака унинг карашига эътибор ҳам бермай шошилмай сўзи ни давом эттирди.

— Бир хафта бурун унинг уйига қирқ қароқчи кириб келиб, шу ерга ўрнашиб олибдилар. Буни қараки, бир девор кўшниси биз ҳам, нарига томондаги Тошпўлатлар ҳам, ҳеч нарсани сезмабмиз. Бизки, сезмабмизми, бошқалар қаердан билсин. Мен бир-икки отликнинг унинг дарвозасидан кириб-чиқиб турганини кўриб эдим, аммо бойникига хар жойдан келадиган меҳмонлари, теричи савдогарлар бўлса керак деб ўйлабман. Улар бойнинг кўрғонини бир ҳафта талаб, охирида ўзини ҳам ўлдириб кетибдилар. Бойнинг ўзи ҳам қишлоқка аралашмас, ҳеч ким билан борди-келди қилмасди-да. Уйига борган уёқда турсин, дарвозасини чертганни ҳам жини сўймасди. Шунинг учун унинг уйидаги бу воқеани ҳеч ким билмай колди.

У қароқчилар дегани асли амирнинг қўшини кўрбосиши бўлган бир туркманинг йигитлари экан. Амир

кочганидан кейин тарқаб кетган қўшиндан ажраб бу ёкларга келиб қолишган экан. Кўргоннинг баҳайбатлигини кўриб хаёли бузилган, шайтоннинг гапига кириб бойнинг уйини талабди. Кейин йиккан-терганини олиб, бойни хонавайрон қилибди. Унинг бир йигити қизини зўрламоқчи бўлганида, бой уни болта билан чопиб ташлаган экан. Шундан ўзини ҳам сўйиб кетишибди...

Бу даҳшатли воқеани эшитиб, Ойсулувдан хавотир олиб турган Файбулла, отасининг бу гапидан сўнг фирони фалакка ўрлади. Ойсулувни зўрламоқчи бўпти-да, бу итлар! Балки... Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! Ойсулувни зўрлаш ўёқда турсин, унга яқин йўлай олмайди, улар!

Аслида Файбулла ҳам барча қишлоқ ахли каби, Оллокулбойни хушламасди. Унинг гўё, сен ҳам одаммисан, дегандек кўзларидан учкунлаб турадиган нафрат Файбулланинг суяк-суягидан ўтиб кетарди. Баъзан уни сўкиб юборишдан ўзини зўрга тутиб коларди. Шу тўнгизифат бойдан Ойсулувдек фаришта бунёдга келиши, балчик ичидаги кўримсиз чиганоқдан гавҳар бино бўлиши каби, сирли ва ҳайратомуз эди.

— Улар негадир, бойнинг келинини ҳам ўзлари билан олиб кетишибди. — Ҳамон сўзлашда давом этарди Ҳасан ака. Балки, улардан бировга ёкиб колгандир, у шайтон. Бой бир хафтанинг ичидан ҳамма нарсасидан айрилиб, ўзи ҳам дорилбақога сафар қилди. Ҳамма нарса шу қизининг ихтиёрида колди. Қасалманд онаси, девонаваш акаси муштдек қизнинг оғзига тикилиб туришибди. Ҳалиям шу қиз бало экан. Чопон, дўппи кийиб, жаноза ўқиладиган пайтда отасининг ҳамма қарзини бўйнига олди. Маъракасини ўзи ўтказди.

Ҳасан ака ҳамма нарсани айтди-ю, аммо энг асосийсини айтмади. Ўғлини аяди. Файбулланинг Ойсулувга кўнгил қўйганини биларди. Шунинг учун унга даҳшатли таъсир қилиш мумкин бўлган хақиқатни ундан яширеди. Ҳали совчиларни бой ҳайдаб соганини ҳам Файбулла эшиптани йўқ. Кўнглида бир дунё орзу ва умидлар билан келган болани бир оғиз сўз билан ҳаётдан безор қилиб юборгиси келмади. Ҳасан ака шу ўй-ҳаёллар оғушида чукур хўрсинди. Аммо бутун қишлоқ оғзида бу холат достон бўлган, кимдир, бундан ачиниб, шундоқ қизнинг умри ҳазон бўлганидан куйинса, кимдир, бойнинг манманлиги касофати шу қизига урибди, деганча мазаммат қилиб юрибди. Ойсулувга ит теккан-

лигини лақма онаси айтиб қўйганми, бир лахзада бу совуқ хабар бутун кишлокнинг қулогига тегиб улгурди. Аммо буни қайси тил билан Файбуллага айтиб бўлади, ахир!

...Ўшанда Файбулла ўн беш-ўн олтига кириб, овози дўриллаб қолган, лабининг устида қора туклар эндигина сабза бўлган таъсирчангина йигитча эди. Белкуракни кўтартганча хориб-чарчаб боғдан қайтаётганди. Шу пайт ёнидан шувиллаганча Абил тентак ўтиб қолди.

— Файби, деди оғзидан сўлагини оқизганча, — беллингни менга бер, от қилиб минай.

— Йўқ! — ўшқириб берди Файбулла. — Йўқол кўзимдан!

— Беракол, — ялинди Абил, — жудаям мингим келяпти. — Энди унинг оқаётган сўлагига мишиғи қўшилди.

Абил тентак — Абдураҳмон, бойнинг ягона ўғли. Ўзи Файбуллага иккита келади. Аммо, фирт тентак. Уззукун лақиллаб, бир таёқни от қилиб миниб чопганичопган. Лекин бирорвга озори тегмайди. Аммо, хозир Файбулланинг кўнглига қил ҳам сиғмаётган паллада шу фариби беозорнинг ғишишаси ўла қолса ёкмасди.

— Йўқол дедим! — бақирди Файбулла, — бўлмаса башарангни пачак қилиб, таппига ўхшатиб деворга ёпман!

Файбулланинг дўкидан Абил бир сесканиб тушди. Чўчиб ўзини оркага олди. Файбулла ростдан ҳам уни деворга ёпдигандек бўйини ичкарига тортиб, икки қўли билан бошини чангллаб олди. Бақирганча йиглаб коча бошлади. Шунда серҳашам дарвозадан Ойсулов кўринди. Йиглаётган Абил Ойсуловни кўриб, хўнграганча югурди. Ўн уч ёшлардаги бу киз дуркунгина эди. Исми жисмига монанд тушган, ойдек сулув бўлиб вояга етаётган эди. Ойсулов жамалак соchlарини ўйнатганча Абил томонга юрди. Синглиси Абилнинг кўзига химоячи бўлиб кўринди чоғи, кўзларидан ёш оқиб унга дардини айтди.

— Файбига қара, Файбига, — хикиллади Абил, — мени таппидай деворга ёпди, ха!

— Нега сиз шу бечорани қийнайсиз-а? — деди Ойсулов қоп-кора кўзларини Файбуллага таънали боқаркан. — Бўлди, бас қил, хечам деворга ёпмайди, ҳазиллашган!

— Файби айтдими, ёпмайман дедими? — бирдан овуна қолди каттакон «гўдак». — Айт, унга, белини берсин, бир айланиб келай, кейин қайтариб бераман.

— Бераколинг, Файбулла ака, отингизни сугориб келади. Кулди Ойсулув.

Файбулла ён құшниси бўлган бу қизни биринчи бор кўриб турғандек эди. Қачон улғая қолди экан, бу қақажон. Катта кизлардай бўлиб колибди-ку! Нега шу пайтга қадар унга эътибор бермаган экан-а.

Файбулла елкасида ҳамон кўтариб турған белкурагини беихтиёр олиб Абилга узатди. У эса ёйилиб илжай-ғанча, «от»ни чаққонгина эгарлаб миниб олди. Худди кўпкарида улоқни айираётган чавандоздек ҳайқириб шаталоқ ота кетди. Унинг килиғидан Файбулла ҳам, Ойсулув ҳам баравар қулиб юбориши. Бу иккаласига ҳам ёқиб тушди, шекилли, бир-бирларига қараб жилмайиб қўйиши. Файбулланинг юраги жизиллади. Ўзига ҳам нотаниш бўлган туйғу, унинг қалбига бостириб кираётган эди. Чарчоғи ҳам унутилиб, Ойсулувга термулди. Шунда беихтиёр кўзлар тўқнашди...

Ойсулув гўё бир шамол бўлди-ю, шу куни Файбулланинг қўнгил қатларини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Фалати-фалати, номаълум-номаълум, аммо ширин-ширин хислар қалқиб юзага чиқди. Шу кундан бошлаб соддагина йигитча бўлган Файбулла ўзгарди-қолди. Шу куни шоир Файбулла туғилди. Шу куни ўзининг хонишлари элни лол килган ҳофиз дунё юзини кўрди. Шу куни оташқалб Файбулла пайдо бўлди. Оллоқулбойнинг ойдай сулув Ойсулув кизи унинг ўзини ўзига танитди...

— Юр ўғлим, фотиха ўқиб чиқайлик, — деди Ҳасан ака ўғлининг хаёлга толиб қолганини кўриб.

Куёш терак бўйи кўтарилиган, аммо қиздиролмасди. Дараҳтлар орасида салқингина шабада ўйнар, сарғиши кўйлак кия бошлаган дараҳтлар шохидан битта-яримта заъфарон япроқни узиб олар, уни ҳавода ўйнатганча оҳиста ерга қўндириб яна йўлида давом этарди. Япроқ ва шабаданинг бу ўйинини кўриб, Файбулла худонинг қудратининг нақадар чегара билмаслигига қойил бўлди. У тупроқдан бино бўлди. Куёшта интилди. Кўм-кўк чиройли япроқ бўлди. Ердан баланд бўлди. Кўл чўзса, қўли Қуёшга ҳам етгудек бўлди. Шунда куз келди. Сарғайди, сўлди. Яна ерга қайтди. Энди олдингидек япроқ бўлиши учун олдин тупроқ бўлиши керак. Ўзлигига қайтиши керак!

Ха, Оллоҳнинг бепоён кудрати измига ҳамма нарса

айланаверади. Чарх янглиғ тиним билмасдан айланаверади...

Оллоқулбойнинг хон саройига келбат берадиган улкан ҳашаматли кўргони эгаси кўчиб кетган харобадай олдинги файзини йўқотиб мунғайибгина турарди. Фотиҳаҳонада одам кам эди. Чоржўйдан келган бойнинг амакиваччаси ва яна бир-иккита чолларгина туришарди, холос. Яна ичкарида, ўшандан бери тилдан қолиб, мўлтираб ўтирган Ойсулувнинг онасининг ёнида турган бир-икки қишлоқ кампирлари бор эди. Ҳасан ака ўрли билан индамай сўрига чикиб ўтирди. Отасининг ишораси билан Файбулла ширали овозда тиловат қилди. Кейин улар ўёқдан-бўёқдан сўзлашиб ўтирдилар. Қанчалик гапни бурмасинлар барибир унинг охири келиб Амирнинг қочиши-ю, юртнинг Соли Сардорга ўхшаган зўрларга қолиб кетаётганига бориб тақалаверди. Эртага нима бўлади? Бу ҳаммани қийнаётган саволнинг жавобини ҳеч ким билмасди. Эртага нима бўлиши фақатгина Оллоҳга аён эди. Аммо тақдирдан, эртадан фол очишга ҳавасманд одамлар уни билишга уринишар, турли тахминларни ўртага ташлардилар. Лекин барибир эртадан умидлари йўқолиб бораётганлиги кундек равшан намоён бўлаётган эди.

Оппок рўмол ўраб, азадорларча кийинган Ойсулув уларнинг олдига чой келтириб қўйди. Файбулланинг унга кўзи тушиб, аввал таниёлмай қолди. Шу ерда қарашиб юрган бирон қариндошидир деб ўйлади. Кейин ҳў, биринчи галдагидек нигоҳлар тўқнашди. Шундагина унинг оромини ўғирлаган оху кўзларни таниди. Таниди-ю, ичida бир нима узилиб кетгандек бўлди. Ҳали ўн еттига тўлмаган шўх қизнинг кўзи ёнларига билин-билинмас ажин тушибди! Ўн гулидан бир гули очилмаган пари қизнинг кўзидағи шўх учқун сўнган, уни хира, лоқайд парда буткул эгаллаб олганди. Ҳайҳот, унинг кўзлари хаётдан тўйиб ултурган одамнинг нигоҳи янглиғ, умидсиз ва бўм-бўш!

Наҳот бойнинг ўлими ўзи ёмон кўрган қизини шунчалар чўқтирган бўлса! Ёки қўлдан кетган давлат, молмulkнинг алами, бу? Назарида Ойсулув ҳам отасини унчалик хушламасди. Мол-дунёсига ҳам беписанд эди. Бу ерда бошқа гап бор! Шундай қизни сўлдириган бир сир бор! Наҳотки, унинг юрагини кемираётган даҳшатли шубҳаси рост бўлиб чиқса?! Ростдан ҳам у қароқчи-ларнинг қўлига тушдимикин?! Йўқ!!! Ҳаёлига келган

фикрдан унинг ўзи ҳам қўрқиб кетди. Бўлиши мумкин эмас!

Нега? Бўлиши жудаям мумкин-да! Чап елкасида овоз берди шайтон. Бойни ўлдириб, мол-мулкини талаған карокчидан наҳот сен шундай олижаноблик кутсанг? Наҳот, унинг қўлидан шу ожизи қизни зўрлаш келмаса?! Киз бекорга бунчалар сўлимаган. Кўзни каттароқ очиб қараш керак!

— Йўқ. Ишонма! — нола қоларди Раҳмон. Шундай қизни булғаш учун хайвон бўлиш керак! Йўқ, ҳатто йиртқич ҳайвоннинг ҳам қўлидан келмайди бу иш. Уларку, одам. Бир эмас, икки мурдани босиб ўтиб, қизга чанг солиш учун қанчалар вахший бўлиш керак.

— Нега, энди, — бўш келмасди шайтон ҳам. Ахир келинини икки мурдани босиб ўтиб олиб кетишиди-ку! Нега энди келинга етган ифлос қўллар шу қизга етмайди, деб ўйлайсан, хомкалла?!

— Турдик, ўғлим, — Ҳасан ана шундай деб, бу жавобсиз саволлар можаросини бўлди-кўйди.

Юзига фотиха тортиб Файбулла ҳам қўзғалди. Энди ўз дарвозаларига яқинлашгандилар ҳамки, орқадан ҳарсиллаган овоз эшитилди. Ҳаллослаганча Абил югуриб келарди.

Файби, тўхта! — деди у қўлларини силкитганча. Файбулла тўхтади. Ҳасан aka шунда ичкарига кириб кетди.

— Сен, — деди ҳарсиллаганча унга яқинлашаркан, хаёлидагиларини унтиб қўймаслик учун шошилиб гапира бошлади. Пешиндан кейин Ойсига борар экансан. Бўлди, у ўзига топширилган вазифани койилмақом қилиб уддалагандек, енгил тортди. Ёйилиб илжайди. Ортига ўгрилиб шаталоқ отганча югуришга чорланди. Кейин бир зум ўйлаб туриб бу фикридан қайтиб қўя колди. Бошидаги чиркин дўпписини олиб, бошини қашлади. Кейин яна бир муҳим гап эсига тушгандек оркасига ўгирилди. Чўнтагидан ёнғоқдеккина новвот олиб оғзига солди. Сўлагини оқизиб шимий бошлади.

— Ойси менга новвот берди, — деди у мақтангансимон.

Файбулла кап-катта йигит бўлиб қолган Абдураҳмоннинг бу ҳолатидан бошига тушган фожеани хали чўлтот онгги англаб етмаганини тушуниб, унга ачиниб қўйди. Кейин, негадир унга бу бир баҳтдек туюлди. Абилга ҳаваси ҳам келиб кетди.

Файбулла ўз деворлари тагидаги каттагина харсанг тошнинг бир четига ўтириди.

- Абил, кел бүекка, — деб ёнига чорлади уни.
- Урмайсанми? — кўрка-писа атрофига аланглади

Абил.

- Йўқ, келақолсанг-чи, Абил. Гаплашамиз.

Бечора Абилни ҳали ҳеч ким гаплашамиз деб ёнига чорламаганди. Абил ийиб кетди. У югуриб бориб, Файбулланинг ёнидаги тошга ўтириди. Зум ўтмай дик этиб ўрнидан турди-да унинг тўғрисига, майин тупрокка чордона қурди.

— Абил, менга тўғрисини айт, куни кеча уйингда нима бўлди. Отангни ким ўлдирди?

Абил қўлини чаккасига тираб зўр бериб ўйлай бошлади. Ўйлайверганидан бошлари оғриб, хаёли ҳам тўзриб кетди. Кейин бир нарсани эслади, шекилли, уни унубиб қўймаслик учун тез-тез гапира бошлади.

— У Қамарни олиб кетди. Отга миндириб, менинг отимниям олиб кетди, — у яна пича ўйлаб туриб, пешонасини тириштирганча Файбуллани туртди.

— Файби, Файби, менга қарасанг-чи. Қамарни ёмон кўраман. У ҳеч қандай ўйинни билмайди. Уни олиб кетишаётганида унга тилимни чиқариб бопладим. Кейин изидан чопиб бориб сўкиб кочдим. Анави ёмон одам каттакон пичноини кўтариб, яна келсанг қулоғингни кесиб ташлайман, деди. Кейин бормадим. Сомонхонада яшириниб ўтиридим. У-чи, у, Файби, эшитяпсанми? Қамарнинг кўйлагини суғуриб олди. Қамар уятсиз бўлди. Қамар ўзи олдиндан ҳам уятсиз эди. Кечаси унинг ёнида ётмаймай десам ҳам, онам менинг қулоғимдан чўзиб, унинг ёнига қамаб кўярди. Қамар ёмон эди. Кўйлагини ечиб олиб, уятсиз бўлиб ётарди. Мениям уятсиз қилмоқчи бўларди. Отамга айтиб бераман десам, уради. Қулоғимдан чўзарди. Ҳа! Кетгани яхши бўлди.

— Яна нималарни биласан? Отангни ким ўлдирганини айтмадинг-ку?

— Отангни ким ўлдирди? А, отангни ким ўлдирди... Тўхта, улар келди. Каттакон, қора отли одам отамни сўкди. Шунда Қоплон уларни тишлаб олмоқчи бўлди. Шунда ёмон одам Қоплонни отди. Кўлида кичкинагина кора милтиқча бор экан. Шу билан икки марта пак-пак килди. Қоплон ўлди. Мен девор устида уларнинг отларини томоша қилиб ўтиргандим. Кўркиб йиқилиб тушдим. Оёғим оғриди. Мана кара.

— У шилиниб кўкариб кетган тиззасини кўрсади.— Ҳалиям оғриди.  
— Менга қара, кўп алжийвермасдан тўғрисини айт!  
Улар Ойсулувга нима қилди?  
— Ойсигами?  
— Ҳа!  
— Билмайман. Мен унда сомонхонада яшириниб ётгандим. — Файбулланинг жаҳли чиқаётганини кўриб А бил ҳам хавотирланиб қолди. — Ҳа... Улар Ойсини урибди.

— Нимаа?

— Ҳа, оғзи қонабди. Кейин кўйлагини ҳам йиртиб ташлабдилар... Файби, Ойси яхши-я. У ҳечам мени урмайди. Кейин новвот ҳам беради. Тўхта, мени Ойси ёнига чақирди. Файбига айт, пешиндан кейин менинг ёнимга келсин, деди, Файби, борасанми?

Ҳа, бораман, — деди хўрсиниб Файбулла.

— Урре, кичкириб юборди, А бил. — Ҳозир Ойсидан яна новвот оламан!

У шаталоқ отганча майин тупроқли кўчада ортидан бир тутамгина чанг қолдириб чопа кетди.

## XII

Жумабекнинг элга беклик қила бошлаганига бир ойча бўлиб қолди. Олдин ишни нимадан бошлашни билмай бироз саросимага ҳам тушди. Қиласиган иш кўп, ишни қиласиган одам кам. Ҳамманинг ўз дарди бошидан ошиб ётибди. Эртадан яхшилик кутмаётган бу одамларнинг қўли ишга бормайди. Аввал, унинг қарамоғида бўлган сарҳадларнинг шарқи ва гарбида Сардобаларни таъмирламок, тузатмок, обод манзил қилмок керак. Гарбдаги Корабог ерларидаги Бекча Сардобасининг аҳволи ёмон. Фиштлари нурай бошлаган. Карвон қўниб дам олиши учун шароит йўқ. Работ қурилмаган. Янтоқзор чўл бўлиб ётибди. Шарқдаги Майманок Сардобаси бирмунча тузук бўлсада, аммо унинг нураган, ўприлган жойлари бор. Сариқ ёнидаги ўрта Сардoba, колган иккитасидан кўра кўхнароқ бўлса-да, аммо ундан мудом одам аримагани учун бирмунча обод ва саришта эди. Лекин бундаги работ ҳам анчагина эскирган, яроксиз холга келиб қолаётган эди. Энди шуларни янгилаш, тузатиш керак. Чунки бу элдан мунтазам ўтиб турадиган карвонлар шу сардобалар ёнида тўхтайди. Сардо-

баларнинг бу ахволини кўриб, шу эл ҳақида ёмон хаёлга бориши мумкин. Ишни шу сардобалардан бошлиш керак.

Жумабек майманоқлик усталарнинг таърифини кўп эшитганди. Режадаги катта ишларни шу Сардобалардан бошлишни кўнглига тукканида бундай ишларга ўша усталар меҳнатидан фойдаланишини мўлжаллади. Иккала Сардобанинг ёнида карвонлар ҳордик чиқариб, дам олишига мўлжалланган кичикроп работ қуриш лозим эди. Шуни Жамол Элбеги билан маслаҳат қилмоқчи бўлди. Бу маслаҳат қилишга арзийдиган иш. Икки Сардобага иккита работ, кейин учинчи — ўрта Сардобанинг эскириб қолган работини тузатиш, ҳозирги алғов-далғов замонда ҳазилакам иш эмас. Ўн чоғли устани ишлатишнинг ўзи бўладими. Яна Сардобалар шундай жойдаки, ўзининг ҳовузидан бошқа жойда сув йўқ. Сардобанинг сувини эса лойга сарфлаб бўлмайди! Бир кун ишлаш учун камида ўн туюда сувни қарийб икки чакирим жойдан ташиб келиш керак. Бунга қанча одам овора бўлиши керак. Яна ёточ-тахта дегандек курилиш ашёлари... Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Унга салмоқлигина ақча керак. Бунинг йўлини Жамол Элбеги билан маслаҳатлашиб топмаса, ўзи ҳал қилаолмайди.

Жамол Элбеги Жумабекнинг режасини маъқуллади. Масала келиб мабларга тақалганда ўйланиб қолди. Эл оқсоқоллари билан маслаҳат қилиш керак. — Сен ҳар бир қишлоқдан оқсоқолларни йиғ, ишни қиласиган усталарни ҳам чакир. Ҳаммасини аниқ чамалаб бошлиш керак, — деди пича ўйланиб Элбеги, Турсунқулни буёқка айт. Кимларга хабар юборишни тайинлайман. Аммо, усталарнинг ўзинг айттирасан.

Яна икки кундан кейин кечга Жамол Элбегининг каттагина меҳмонхонасига ўн беш чоғли одам йигилди. Қуюқ-суюқ овқат ейилиб, чой ҳам ичиб бўлинганидан кейин, Жумабек шошилмай сўз бошлади.

— Биродарлар, ўзларингиз яхши биласиз. Сардобалар юртимизга кириш дарвозаларимиз, элнинг остонасидир. Ҳаммамиз ҳам дўст-душманнинг олдида изза бўлмайлик деб, дарвозамизни, остоナмизни озода тутишга, чиройли қилиб кўйишга тиришамиз. Хўш, бўлмаса, уззукун ўткинчилар, бегоналар ўтадиган йўл бошидаги сардобалар нега хароб? Нега саришта қилиб тута олмаймиз? Мени Элбеги тайин килганингиздан бери шуни ўйлайман. Биз уста Шароф билан кенгашиб шун-

дай режа килдик. — Жумабек ўтирганларга нотаниш, оқ оралаган сокол-мўйлови бежирим кузалган, дўпписи устидан қийиқча боғлаган эллик-олтмиш ёшлар чамасидаги котмагина серҳаракат одамга ишора килиб, ўраб қўйилган хитойи оқ қоғозни очаркан. — Ҳар бир Сардоба ёнида работ курилади. Агар, работлар уста Шарофнинг тархи бўйича қурилса, ишчи кучини, қурилиш ашёларини етказиб бера олсак, бир ойда қўлдан чиқаркан. Демак, келгуси баҳордан ишни бошласак, уч ойда, учта сардобамиз ҳам қўнгилдагидек бўлади. Кейин, бошқа ишлар билан андармон бўлсак ҳам бўлаверади. Аммо, бу ишнинг икир-чикирлари ҳам кўп. Унга маблағ керак. Шу масалани сиз билан ҳал қилмоғимиз керак.

— Қанча харажат бўларкан? — сўради қизикиш билан корабоғлик Сафобой. Шунда, уста Шароф қанча ёроч, қанча тахта, қанча эшигу дераза кераклигини сўзлади.

— Узоги билан тилла пулда беш юз танга кетади, — деб якунлади у.

Даврага совуқконгина жимлик чўқди. Устанинг тилидан чиқкан пул салмоқлигина эди.

— Ўн чоғли уста ва мардикорларнинг еб ичиши учун ҳам эллик-олтмиш танга, кейин уларнинг хизмат ҳақлари учун юз-юз йигирма танга керак бўлади, деб кўшиб қўйди Жумабек даврадагиларга бир-бир назар солар экан.

— Бўлмаса, жами олтиюз саксон, ҳисобга тўғри бўлсин десак етти юз танга атрофида бўлар экан, деди Шомуродбой чўқки соқолини ўйчан силар экан. Ҳўш, ўзингиз нима дейсиз, бек?

Жумабек Элбеги холасига қаради. Жамол Элбеги эса бир тараддулланди.

— Илгари, Амир замонида шу ерлардан бир минг икки юз тангадан ортиқ солиқ йириларди. Амирнинг ўлпончиси ҳар йили кузда шу ерда ўн беш кун юриб солиқни йиғиб олиб кетарди. Энди Амир йўқ. Амири-миз ҳам, бегимиз ҳам шу Мулла Жуманинг ўзлари. Менимча, шу солиқни йиғиб Мулла Жумага топширишимиз керак. Энди у пул Бухорога Амир хазинасига кетмайди. Шу ерда ўз элимиизда қолади. Шунака хайрсавоб ишларга ишлатилади. Шунга нима дейсизлар?

— Даврадагилар бир зум сукунатга толдилар. Дарҳақиқат, бу энг тўғри ечим эди. Олдинлари ҳам шундай

солиқ тұланарди. Аммо, у түләнган солиқ не ишга сарфланишини бирор үйлаб ҳам күрмаганды. Энди үша кумга сингтандек, йүқолиб кетадиган пулни шунақа ишларға сарфлашнинг нимаси ёмон.

— Бошқаларга билмадим-у, аммо мен шунга розиман, — деди Шомуродбой. — Олдинлари ҳам шу пулни түлардик, аммо ундан заррача манфаат топмасдик. Энди шу пулни әл учун сарфлаймыз, деб бир мард чиқса, нега энди биз норози бўлишимиз керак, ҳа, Нашванқулбой, сиз нега жимсиз, бирон нима демайсизми?

Пул дарагини эшитиб, чиқим қилишдек, ёқимсиз гапдан шумшайиб ўтирган қарлиқлик Нашванқулбой Шомуродбойнинг бу гапидан ўзини бир зум ўнглай олмай қолди. Лекин сир бой беришни истамади.

— Биз нима ҳам дердик, аммо фуқарога оғир бўлмасмикан, деган андиша ҳам йўқ эмас.

— Фуқарога оғир бўладиган қилмаймыз, биринчидан — деди Жумабек унга бургут қараш қилиб, — Иккинчидан, фуқаро олдинги йилларда шу солиқни амирнинг ўлпонларига «мик» этмай тўлаган. Учинчидан, Карлиқла сизга ўшаган бойлар кам эмас, бир марта тантилик қилиб, фуқаронинг солиқларини бирлашиб тўлаб юборсангизлар ҳам сизларга унчалик билинмайди, тўғрими, Нашванқулбой?

— Биз пулдан қочадиган курумсоклардан эмасмиз, бек! — Энди Нашванқул ҳам жаҳлана бошлади.

Бу даҳанаки жангнинг охири баҳайр бўлмаслигини сезиб, Шомуродбой ўртага тушди. Гўё ҳеч қандай гап бўлмагандек, Нашванқулнинг гапини бўлиб қўйиб, ўзининг сўзини қолган жойидан давом эттира бошлади.

— Бўлмаса, Мулла Жума ҳар бир қишлоққа оқсоқол тайин этиб, унга ёрлик берсин. Шу оқсоқоллар солиқ, қишлоқ ободлиги ва тинчлиги учун жавоб берсин. Менимча, бу гапга ҳамма рози бўлса керак.

— Ха, ха, розимиз! — деган овоазлар эшитилди.

Кейин ҳар қишлоқдан олинадиган солиқнинг жамини шу ерда белгиланадиган, уни хонадонларга қандай тақсимлашни қишлоқ аҳли билан кенгашиб оқсоқолнинг ўзи ҳал қилишига келишиб олишди. Шу билан маслаҳат якун бўлиб, бир қарорга келинган эди. Аммо Жумабекнинг шу даврага айтадиган бир зарур, кенгашли гапи бор эди. Уни орқага сурғиси келмади. Яна қачон йигилади, бу оқсоқоллар. У бу нотинч замонда элни қўриқлаши, үша кунгидек талонларга йўл қўймас-

лик учун беш-олти куролланган йигитни доим шай сакламоқчи, бу билан эл тинчини қўриқламоқчи эди.

— Менинг дилимга туғиб юрган бир гапим бор эди, — деб сўз бошлади Жумабек. Якинда хабарингиз бор, кароқчилар элнинг молини ўғирлаб, бир бечора чўпонни ўлдириб, бизни қанча ташвишга солди. Индамаса, эртага яна шунга ўхшаган бир каззоб чикиб шунақа қилмайди, деб ҳеч ким айта олмайди. Биз шунга тайёр бўлишимиз керак. Беш-ўнта бақувват-бақувват йигитларни куроллантириб, элга қўриқчи қилмасак, ҳеч қайсимиш бехавотир ухлай олмаймиз.

Жумабек тўрда ўтирган Шомуродбойнинг бирон нима деб айтишга чоғланаётганини сезди. Бу бамаъни эл кайвониси бўлган одам бекордан бекорга гапирмас, гапирса ҳам оғзидан фақаттина зарур бўлган донишмандона сўзлар чикишини Жумабек биларди. Жумабек ундан шундай сўз тинглагиси келди. — Қани Шомуродбой, сизда не гал бор, шу масалада? — Жумабек унга ўнгланди.

— Энди, Мулла Жумабек, сиз юкорида Сардобаларни обод килишдек хайрли ишни кўзлабсиз. Биз бунга бир жони, бир тан бўлиб қўшилдик. Кейинги гапингизга бир қўshima қўшмоқчиман. Кеча Коракўл томондан бир қариндошимиз келган экан. Унинг айтишича, у ерлик машхур Оллоқулбойни Соли Сардор деган кароқчи кирк йигити билан босиби. Мол-мулкини талаб, хонавайрон қилиби. Ўзини ўлдириб, ожизаларидан бирини олиб қочиб кетиби. Хўш, ҳозирги талотўпда юртни бедарвоза билган бир муштумзўр чиқиб, сиз билан бизнинг уйимизга бостириб келиб, Оллоқулбойнинг кунини бошимизга солмайди, деб кафолат беради. Бошимизга шундай кора кун тушмасдан олдин, этагимизни ёпиб, тайёргарлигимизни кўриб қўйсак, зарар қилмас, биродарлар! Мен Мулла Жума бу гапни айтмасдан олдин, бу шумхабарни эшитган пайтимдаёқ, шу ҳақда ўйлаган эдим. Ўйлаб-ўйлаб топган галим шу. Мулла Жумага йигит беришимиз керак! Элимиз сарҳадларини бир ўзи қўриклай олмайди. Унга йигирма чоғли куролланган, отланган йигит керак. Уларнинг емак-ичмаги бизнинг ихтиёrimизда бўлсин. Йигитларни Бек учга бўлсин. Бирини Бекчага, бир бўлагини Майманоқ сардобасига, қолганини бек ўз қўли остида сакласин. Йигитларни Мулла Жуманинг ўзи танлаб-сайлаб олсин. Майли, Бекчадаги йигитларнинг емак-ичмаги мен-

га тан. Хозир Корабогни ўғри босса то Бекка хабар етиб келгунча ўғрилар Коровулбозорга етган бўладилар. Майманоғу Қарлиқда ҳам шу аҳвол.

— Сиз тўғри сўзладингиз, Шомуродбой, — деди Жамол Элбеги сухбатга аралашиб. Ҳов анави ўғирлик пайтида қароқчилар Сардобанинг қаровули Мирза бувани ёмон урган эканлар, бечора ҳамон тўшакка михланаб етибди.

Шу масалани тезроқ ҳал қилиш керак экан.

— Йигитларни топиш қийин бўлмаса керак, — деди Жумабек. — Ҳар қишлоқдан беш-олтидан юрагида ўти бор йигит топилади. Отларни ҳам топса бўлади. Қурол сотиб олишга, — Сардoba қурилишидан ортадиган маблағни ажратсак етади. Аммо, яхши қуролни қаердан топамиз. Ким қурол сотади, билмадим.

— Сиз олдин ақчани топинг, — дея ёқимсиз тиржайди Нашванқул, — кейин мен сизга хоҳлаган қуролингизни топиб бераман.

Унинг беписанд тиржайиши Жумабекнинг суяк-сугидан ўтиб кетди. «Келиб-келиб элнинг куни сен тирранчага қолдими?! — дегандек кибр билан бокиши, унинг конини қайнатса-да, аммо оғирлик қилди. Ўзини зўрга босиб, ичидагини ташига чиқармади.

— Ўттиз дона яхши бешотар билан беш-олти дона тўппонча, шуларга яраша ўқ-дорига қанча сўрайсиз Нашванқулбой? — сўради Жумабек кинояомуз кулиб.

Нашванқул бир зум Жумабекка тикилди. Унинг бургутнидек тик бокувчи кўзлари ёвузона алангани кўриб, вужудини совук тер босгандек бўлди.

Кейинчалик Нашванқулнинг бошига тушган кўргуликлардан хабар топганлар унинг тақдири ўша куни ҳал қилинганини гапириб юрдилар. Аслида Мулла Жума деб ном олган бу йигитнинг кинояли кулгуси, унинг фазабдана бошлаганидан дарак берар, шунга фаросати етмаган қайсар ҳамсұхбати эсини йигиб олмаса, эртаси-гаёқ Турсункул унинг уйида пайдо бўлар, Бекнинг шартларини айтарди. Шартлари шунақсанги оғир бўлардики, гўё Жумабек учун унинг бу шартни бажарганидан кўра, бажармаганлиги маъқулдек эди. Табиийки, шартни қабул қилмасди, қабул қилганида ҳам уни қисқагина муҳлат ичиди бажара олмасди. Муҳлат тугаган дакиқада Қора отида Бекнинг ўзи унинг уйига кириб борар ва у бечорани туғилганига минг марта пушаймон қилдиарди. Бу ҳаммаси ҳали кейин бўлади. Аммо, бехабар Нашван-

кул юрагида шунга ўхшаган ваҳимани ҳис қилди. Лекин, сир бермади. Жумабекнинг кулгусига кулгу билан жавоб берди.

— Озрок қимматроқда, бу матоҳлар, бек, — яна беўхшов тиржайди Нашванқул.

— Айтинг! — Бекнинг овози бир қадар кескин чиқди.

— Юэ эллик танга, — деди Нашванқул ва бироз ўтиб кўшиб кўйди, — тилла билан.

— Ўхх-ў, — деб юборди бир неча киши бараварига. Дарҳакиқат, бу анчагина катта пул эди.

— Яхши, — деди Жумабек ҳамон Нашванқулдан кўз узмай. Хозир айтганингизни оласиз.

Жумабек Элбегига қаради. Холаси уни тушунгандек ўрнидан туриб меҳмонхонадан чиқди. Бироздан кейин иккита кичик чарм халтacha билан кириб келди. Жумабек унинг кўлидан халтачаларни олиб Нашванқулнинг олдига кўйди.

— Сананг!

— Бек, мен сизга ишонаман.

— Сананг! — энди бироз таҳдидомуз янгради унинг овози.

Нашванқул халтачаларни очиб санай бошлади.

— Бек, бу ерда кўп-ку?

— Қанча?

— Бир юз олтмиш бешта.

— Ўн беши сизга хизмат хақи. Куроллар эрта кечқурун шу ерда бўлиши керак. Ўзингиз олиб келасиз. Мен ҳаммасини текшириб кўриб оламан!

Шу билан курол масаласига ҳам нуқта кўйилди. Эрта-индин тайинланган оксоқолларга ёрликлар етказилидиган бўлди. Фотиха ўқилиб кенгаш тарқади. Меҳмонларни кузатиб чиқсан Жумабекни Нашванқул четга тортди.

— Бек, — деди фазабини зўрға босиб, — мана, ўн беш таанганиз. Уни олинг. Билиб кўйингки, мен Нашванқулбойман! Сизга курол ташиб чойчақа ишлайдиган хизматкор эмасман! Курол керак бўлса ўзингиз бориб оласиз!

Жумабек фазабланган сари, совукконлашиб борарди.

— Олиб келасан! Шундай олиб келасанки, ўзинг ҳам билмай қоласан, Нашванқул! — деди у тишларининг орасидан вишиллаганча «кул» сўзига урғу бериб.

— Ундаи бўлса, ма, пулингни ол, тирранча! — ба-  
кирганча қўйидан чарм копчиқларни олиб Жумабек-  
нинг юзига иргитди. Копчиқлар унинг кўкрагига «тўп»  
этиб тегди. Боричи ечилиб кетиб тангалар ой ёруигида  
юлдузчалардек хира милтираб, хар томонга сачради.  
Ерга тушиб майин жаранглади.

— Сенга сотадиган куролим йўқ! Энди оларман  
бўлсанг, икки баравар нархини тўлаб, елкангта босиб  
қайтасан!

Жумабек кулди. Унинг кулгисидан ажалнинг хиди  
келди.

— Бўпти, биздан ўтган бўлса кечиринг, оға! — деди  
у яна совук кулганча. Айтганингиздек қиласиз. Куро-  
лингизни елкангида босиб келганимиз бўлсин. — Ке-  
йин жиддий овозда қўшиб қўйди. — Ҳалиги гапим гап!  
Эртага кечкурун курол шу ерда бўлмаса, сени ернинг  
ёриғидан бўлса ҳам топаман!

Нашванқул рўлдираб сўкинганча отига мина бош-  
лади.

— Хайр, яхши боринг, оға! — деди унинг кетидан  
Жумабек. — Унутиб қўйманг таяин, эртага кечкурун  
шу ерда сизни қўзимиз тўрт бўлиб кутамиз.

Жавоб ўрнига Нашванқулнинг янада каттикроқ бўра-  
лаб сўкингани эштилди. Коронғу тунда жаҳд билан  
олислаб бораётган туёқ товушлари анчагина янграб тур-  
ди.

Эрталаб тонгда Турсунқул Жумабекнинг ўзи ҳусни-  
хати билан ёзилган ёрликларни олиб, Шайх, Қорабоғ,  
Эски, Ножи қишлоқларига жўнаб кетди. Жумабек эса  
ёнига уста Шарофни олиб, килинадиган ишларнинг хом-  
чўтини олиш учун Сардобага борди.

Уста Шароф дегани анчагина омилкор одам экан.  
Бир зумда ишга киришиб кетди. Кулорига қалам қис-  
тириб, бир газлик ўлчов тахтасини олди-да, нималар-  
нидир ўлчади, чизди, ўзича хисоб-китоб қилди.

— Бу работ ҳали мустаҳкам экан. Бир-икки пуд  
оҳак ва қум билан уч-тўрт кун ичидаги кумсувоқ қилиб  
чиқса бўлади. Шунда янги бинодан колишмайди. Яна  
йигирма-ўттиз йил «қилт» этмай туриб беради у, —  
деди у Сардобага ёндош қурилган каттагина бинони  
кўрсатиб. — Аммо, буниси афтода. Буни йиқитиб бош-  
ка қуриш керак. Бу ишни беш-олтита мардикор билан  
иккита уста йигирма кунларда битиради. — Уста Ша-  
роф деворлари нураб битаёзган омборхонани кўрсат-

ди. — Эшик, дераза дегандай ёғоч-тахталарини ўзим топаман. Сиз пулидан қочмасангиз бўлди. Касбидаги иш уймакор усталар бор. Устунларни, эшикларни шуларга ясатамиз. Мен ўзим барига ултуржи буюртма бераман.

— Марькул, — деб қувониб қўйди Жумабек устанинг ишга жиддий киришганини кўриб.

Бу ернинг ҳисоб-китобини килиб бўлишганидан сўнг Бекча томонга ўтишди.

Жумабек Сардобанинг кунботар ёғида тикилган бир нечта туркмани қора уй-ўтовларни кўрди. Бу ерлар Корабоғ элига катлаб берилган. Уларнинг кишлокда яхшигина ҳовли жойлари бор. Қора уй тикишга муҳтож эмас эдилар-ку. Ким бўлди экан улар. Сардобани айланиб режа тузишаётганида қора уйлар томондан отини йўрттириб келаётган бир суворийни кўришди. У яқинлашганда туркманча жуни узун телпак кийган, ияги остида ўстирган соқоли, оппок мўйсафид эканлиги аён бўлди.

Жумабек унга салом берди. Чол унинг саломига алак оларкан, хавотирли нигоҳ ташлади.

— Ўғлон, сан не ерлардан бўласан, на иш билан шу ерларда кезиб юрибсан.

Бу чоли тушмагур ўзини бу ерларнинг хўжайинидек тутади-ку! Жумабек ўзининг ғазаблана бошлаганини хис этди. Ўзи уйга сўроқсиз кириб олиб, яна уй хўжайнинга, сен ким бўласан дейиши бориб турган суллоҳлик эмасми?

— Ну, дейман, бува, сиз сал ҳаддингиздан ошмадингизми-а? — деди Жумабек бироз кўрсрок килиб. — Индамай-нетмай, бизнинг еримизга жойлашиб олибиз. Яна бунинг устига ўзингизни меҳмондай эмас, хўжайнинг тутасиз! Ўзингиз кимсиз? Қаердан келиб колдингиз бу ерга?

— Менга қара, ўғлон, ёшим етмишдан ошди. Умрим чорванинг кетида ўтди. — Шундай бўлганидан кейин менда муомала нима қилсин. Мен бир далли саҳройман-да. Дангалини айтаман қўяман. Гап-сўзингга қараганда юрт сўрайдиган рўч йигитта ўхшайсан.

— Мулла Жумабек мен бўламан, — деди у чолга синовчан тикиларкан.

— Мулла Жума дегин. Тунов куни Шомуродбой билан гурунг қилган эдик. Жуда бамаъни одам экан. Шу айтганди, сени. Сендан рухсат олиш учун бугун

уйингга бормоқчи бўлиб турган эдик. Сени бугун худонинг ўзи етказди. Бор, уйга қўнок бўласан.

Шошманг, бува, сизлар бу ерда нима қилиб юрибсизлар.

— Э, нимасини айтаман, биз асли Битик томондан чорвадор туркмандарданмиз. Тинчгина молимизни боқиб юрган эдик. Олдин Жунайидхон деган бир бало босди. У талаб бўлганидан сўнг, ўрис деганлари келди. Ундан кейин ўрию кароқчи кун бермай кўйди. Каттагина уруф эдик. Тарқай-тарқай, бўлина-бўлина, шу бармоқ билан санаарли хонадон қолдиқ. Биз қоча-қоча шу ерда манзил қурдик. Билмадим, бошқалар қаерга кетди.

— Сизлар бу ерда нечта хонадон?  
— Йигирмага яқин.  
— Мол-ҳолингиз канча?  
— Юзтacha тuya, эллик от ва мингта кўй-кўзи.  
— Яхши, — деди Жумабек, — меникига нега бормоқчи эдингиз?

— Энди, бек ўғлим, бизга ватан керак. Худога шукур ерларингиз мўл экан. Бир четидан бизга хам жой берсаларинг, хамсоя бўлиб яшасак, дегандим. — Чолнинг эсига ўзи униб-ўсан юрти тушдими, кўзларига ёш олди. Сўзининг сўнгини аллақандай ички титроқ билан айтди.

Жумабек уни тушунди. Падарига лаънат бу замоннинг! Унга нима бўлди, ўзи, кимларни гадо қилди, кимларни етим қилди. Кимларни хонумонидан, кимларни ютидан жудо қилди. Ёмонга кун туғди. Яхшига кун бўлмади. Бир бу ерда шундайми, деса, олис туркман элларида хам юрт безга колганда! Кўзидан ёшини оқизиб турган бу мўйсафид хам энди ундан ватан тилашиб ўтирибди.

— Майли, бува, — деди Жумабек бироз юмшаб, — Сизлар турган жой асли Корабоники. Сизлар бу томонга жойлашасизлар. — Жумабек Сардобанинг жануб томонини кўрсатди. Бекчадан Корабон ерлари тугайди. Ундан Карим чўлигача, фарбдан Норазим ариригача, сизларга берамиз. Молингиз Корабон ерига ўтмасин. Кўшни қишлоқлар билан ер талашмайсиз. Жанжал қилмайсиз. Мен кўрсатган ер сизларга етиб ортади. Нима даъвонгиз бўлса менга айтасиз, соликни бизнинг удум бўйича тўлайсиз, розимисиз шунга?

— Розимиз, — деди чол.

— Олик-солик қандай бўлади, буни сизга Шомуродбой тушунтиради. — Гапни қисқа қилди Жумабек.

— Бўлмаса, бир пиёла чой ичайлик, бир пас қўногим бўлинглар.

— Йўқ, — деди Жумабек. Вактинчалик уйда қўноқ бўлмайман. Олдин мен кўрсатган жойга жойлашинг, уй куринг. Кейин чорласангиз, албатта келаман. Майли, атаганингиз бўлса шу ерга олиб келаверинг.

— Чол унинг гапини тушуниб, мийигидан кулганча отини йўрттириб қора уй томонга кетаверди.

Уста Шароф билан работни қандай қуриш, қанака-сига жойлаштириш тўғрисида маслаҳатни пишиتاётган пайтда чол каттакон тугунни кўтарганча келиб қолди. Отдан туша солиб Сардобанинг соясига жой ҳозирлай бошлади. Кўлидаги тугунни очиб катта-катта иккита туркмани нон ва лаганда ковурилган гўштни олиб қўйди. Улар бирга ўтириб овқатлана бошладилар. Энди овқатланиб бўлиб кўлни артаётгандарида ўн беш ёшлардаги қорачадан келган йигитча қумғонда иссиқ чой ва бир меш түяning айронини олиб келди. Чой ва айронни ичиб, бир пас чақ-чақлашиб ўтиридилар. Жумабек ва уста Шароф бу ерда қуриладиган работни таърифлаб бердилар.

— Хўп яхши жой бўларкан, — деди чол чойдан хўплаб қўйиб. — Бек ўғлим, мени шу ерга қоровул қилиб қўй, дуойи жонингни қилиб шу ерда ётардим. Бўлди, шунча йил молнинг ортидан чопганим. — Ких-кихлаб кулди чол.

— Бўпти, бува, работ қачон қуриларкин, деб кутиб ўтирмасдан, қурилишига чикиб ёрдам бериб турман, десангиз, мен рози, — деди Жумабек ҳам жилмайиб қўяркан.

Улар хайрлашиб, қайтишга чоғландилар.

Кечга яқин улар Жамол Элбегининг меҳмонхонасида нечта хари, нечта болор, яна канча зшик, дераза кераклигини хисоблаб чиқдилар. Уста Шароф, касбилик усталар бу ашёларни узоғи билан йигирма кунларда тахт килишини, буни тахминан икки юз тангаларга баҳолашни, олдиндан эллик танга бериб қўйилса яхши бўлишини айтди. Жумабек эса майдалаб ўтирмай, юз танга бериб қўя кулди.

Кечрок Турсункул келди.

— Бир хафтанинг ичидаги соликлар йигилиб бўлади. Кейин бугун ёрлик олган оксоқолларнинг ўzlари кел-

тириб топширишади, — деди Турсунқул уларнинг ёнига келиб ўтирад экан.

— Яхши, эртага уста ака билан йўлга тушасиз. Йўл-йўлакай Хўжамуборак ва Корлукка ёрликларни етказинг. Колган топшириқни эртага оласиз, — деди Жумабек.

Унинг Турсунқулни Корлукка жўнатишидан асосий мақсади, ўзига бино қўйиб қариллаган Нашванқулни инсофга чакириш. Гапга кўнмайдиган бўлса, унга ўзининг шартларини етказиш эди. Аслида Жумабек ўзини билмаган бу одамнинг инсофга келишига ишонмасди. Ишонмасада чиқмаган жондан умид қабилида иш кўриб, уни тонггача кутишга карор килди. Агар тонггача ундан хабар келмаса эрталаб Турсунқул йўлга чикиб, Корлукка боради ва Жумабек кўйган шартларни унга етказади. Ундан кейин ҳам бўлмаса Жумабекнинг ўзи отга минади.

— Бек, — деди Турсунқул бопини кўтариб қарапкан, қўйнидан иккита чарм копчиқ чикариб унинг олдига кўйди. — Ҳовлида сочилиб ётган экан болалар териб олибди. Ўзим санадим, бир юз олтмиш бешта экан. Анави Нашванқул ташлаб кетган чиқар, а?

— Ха, — деди Жумабек, ўзи ҳақорат қилинган кечаги тунни эслаб ижирғаниб кўйди.

Кеча Нашванқул уни қаттиқ ҳақорат қилган экан. Вакт ўтган сайин, иссиғида билинмаган жароҳат каби, совуган сари унга яна қаттиқ азоб бера бошляяпти. Баъзи кеча уни қўйиб юбориб латталик килгандай, у лаънатини ўша жойнинг ўзида ичагини бошига салла қилиб қўймаганидан афсусланарди ҳам. Аммо ичидаги яна бир овоз уни сабр қилишга кўндирав, шошқалоклик, жizzакилик қилишдан қайтариб турарди.

— Бек, эртага бориб суробини тўғрилаб қўяйин, — деди Турсунқул ҳам унинг кўнглидан кечәётган фикрларни уққандай. — Ҳаддидан ошиб кетганга ўхшайди у баччафар!

Жумабекнинг ўзини ҳам бир неча соатдан бери шу истак кийнокка солаётган эди. Лекин бу истак Турсунқулнинг тилидан ғалати оҳангда янраганидан Жумабекнинг кулгисини қистатди. Ҳамиша оғир-босиқ, кам-гап бўлиб юрадиган Турсунқул баъзи-баъзида шунаقا гапириб кўяр, бу эса уни яхши биладиган Жумабекка эриш туюларди. Бунақа пайтда Турсунқул ўзини Элбе-

гининг отбокари эмас, машхур Дев полвонни йиқитган  
Ёроч полвон деб биларди.

Бек унинг бу холатини кўриб, кулиб кўйди.

— Дарров Ёроч полвонлигингизга борманг-да, энди,  
Турсункул оға. Унинг суробини тўўрилаш қочмас!

### XIII

Жумабекнинг беихтиёр икки-уч йил олдинги воқеа  
кўз ўнгига келди.

Ўшанда таътилланиб келиш учун Бухородан уйига  
келса, Кораборда Шомуродбой ўғилларига катта тўй бе-  
риб ётган экан. Турсункул билан шу тўйга боришид. Тўйдан сўнг то тонгга қадар чўзилган курашни томоша  
қилишга қолишиди.

Кураш ҳам курашмисан кураш бўлди ўзи. Сурхон  
ёқлардан Тоштемир деган катта полвон бошчилигига  
ўн чоғли полвон, Касбидан Рустам полвон, Бухородан  
Дев полвон деб машхур бўлган, вактида Амирнинг хос  
полвонларидан бири бўлган пахлавон, яна Чоржўйдан  
бир тўп туркман полвонлари, Коракўлдан, Шахрисабз-  
дан, Фузордан бир неча машхур-машхур полвонлар  
келганлиги кураш жуда зўр бўлишидан дарак бе-  
рарди.

Кор тушган эди. Кун совук, одамларнинг тишлари  
таққиллаб, юпун чопонлардан изғирин кесиб ўтаётган  
бўлса-да, хеч кимнинг бу томошани ташлаб уйига кет-  
гиси келмасди. Камбағалнинг ҳовлисицек келадиган жой-  
дан кор куралиб, ўртасида каттагина гулхан ёқилган,  
полвонларнинг оёғи музламаслиги учун кор куралган  
жойга калингина қилиб сомон тўшалганди. Майдоннинг  
четларига узун-узун ходаларнинг саккизтаси кўмилиб  
уларнинг учига мойга бўқтирилган эски кўрпачалар боғ-  
ланган ва машъала қилиб кўйилганди. Коронғу тунда  
ҳам майдон ўртадаги гулхан ва бу саккиз машъаланинг  
ёруғидан сутдек ойдин бўлиб турарди.

Тумонат одам йиғилган. Кундузи Бўзиқда бўлган  
катта кўпкаридан кайтган чавандозлар ҳам томошабин-  
лар даврасидан ўрин олгандилар. Кураш учун маҳсус  
дамланган ош ейилиб, дуо ўқилди. Оқсоқолларнинг фо-  
тиҳаси билан кураш бошланди. Бир пайтлар елкаси ер  
кўрмаган полвон бўлган Худойбердибай баковул деб  
тайин этилди. Соқолига қирор кўнган бўлсада, аммо  
қадди тик, барвастакомат Худойбердибай даврага кўри-

ниш берди. Даврани қадамлаб айланиб курашнинг шартини эълон қилди.

— Оёғидан олма, тиззаси ерга текканда қўйиб юбор, тик олиш, кўлни қайирма, бўрма! Ёмон гаплар билан сўкинган полвонни даврадан бадарға қиласман! Даврада менинг гапим гап! Бошқага қулоқ солма. Ҳалол олиш! Кейин давра бошланди. Курашни иккита хилвирабгина қолган полвон бувалар бошлаб беришди. Икки қўл бирбирининг ёқасидан номига олган бўлишди. Кейин баковул қула-кула уларни ажратиб, иккаласига ҳам зотни бериб даврадан чиқариб юборди.

Кейин қарийб бир ош пиширим муддатда беш-олти яшар болакайлардан тортиб овозлари дўриллаб қолган ўспирин полвонларгача бир кур-бир кур олишдилар. Одамлар тезрок катта полвонларнинг ҳакиқий курашни кўришга ошиқардилар. Ахир курашнинг барча гўзалиги ва салобатини, нозик усувларни қўллаш санъатини факат шу полвонлар кўрсата оладилар-да.

Кураш қизигандан қизиб борарди. Машъалалар ва гулхан ёргида бўғрикқан, зўриқиб кон тепган юзлар, тер босган бўйинлар яққол кўзга ташланарди. «Ё, Али! Ё пирим! деган жанговар ҳайқириғу гурсиллаб кулаган полвоннинг даврадан бошини эгиб чиқиб кетиши, йикитган полвоннинг ғолибона нигоҳи ажабтовур кўринар, даврага чикишга юраги бетламай турган полвонларнинг ҳам қонини кўпиртириб юборарди.

Ҳаммадан ҳам Сурхон томондан келган Кўчкор полвон қойил қилди. Жумабек ўзи тенги бу йигитнинг файратига, усулига, кураш маҳоратига тан берди. Ичida хавасга ҳам, бироз ҳасадга ҳам ўхшайдиган туйғу уйғонди. Мушукдек чакқон бу йигит ҳар кандай полвонни ҳам икки, ё уч дақиқада елкасидан ошириб отарди.

Мана, қоракўллик полвоннинг ёқасидан олди. Ракиби ўзидан бир карич узун эди. Агар у йўлини билса, Кўчкор полвоннинг ўзини ёнига ҳам йўлатмай, коқма бериб ҳолини тант қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо, Коракўллик полвон хато қилди. Унга ёқасини бериб қўйди. Шундан чакқон полвон лип этди-ю, гўё унинг чотлари орасига кириб кеттандек бўлди. — Ё, пирим! — ҳайқириди полвон ва қоракўллик полвон бу яшин тезлигидаги харакатга қаршилик қила олмай, унинг елкасидан ошиб келиб ерга тушди.

— Ҳалол! — Бир қалқиб тушди давра.

— Кел, полвон, зотингни ол! — деди Худойберди-  
бой Күчкор полвонга мамнун нигоҳ ташлар экан. —  
Балли, ажайиб хунаринг бор экан!

Күчкор полвон ўзига кўйилган зоти — чопонни олиб,  
шу ерлик оқсоколлар ўтирган томонга юрди. Чопонни  
уларнинг олдига кўйиб, фотиха сўради. Чоллар мам-  
нун дуога кўл очишиди. Күчкор полвон ўрнидан турди.  
Даврадан чикмади. Чунки, унга бирданига иккита пол-  
вон талабгор бўлиб чиққандилар.

Аввал ҳамюртининг орига чиққан яна бир коракўл-  
лик полвон, кейин шахрисабзлик бир полвон, охирида  
шайхлик Собир полвон ҳам унинг елкаларидан ошиб  
тушдилар. Не-не елкаларни ер искатди бу шоввоз. Ик-  
кита туркмани гилам билан биттадан серка ва кўчкорни  
она сутидек ҳалол килиб олди бу сурхонлик пахлавон.

Хадеганда унга талабгорлар топилавермади. Унинг  
чоқли гавдасига қараб бир зарбда ерпарчин қиласман,  
деган полвонлар шунинг остига тушганидан кейин, кат-  
тароқ полвонлар ҳам иккиланиб қолдилар. Зот кўйи-  
либ, икки-уч бор айтилганидан кейин ҳам бирор пол-  
вон юрак ютиб даврага чиқавермади.

— Ўтиринг, полвон, сизга давра қойил бўлди. Бу  
ерда сиздан зўри йўққа ўхшайди, — деди Худойберди-  
бой унинг елкасини қоқаркан. Бу Жумабекка оғир бот-  
ди. Йўқ, у кураш тушаман деб келмаганди. Шунчаки  
ишқибозлик қилишга, мазза қилиб курашни томоша  
қилишга келганди. У Турсунқул оғасининг полвонлиги-  
ни кўришга, агар, у йиқила қолса узок вакт уни масха-  
ра қилиб юришга баҳона топмокчи эди.

Жумабек курашга ўзини бегона ҳисобламас, Турсун-  
кулдан унинг ҳадисини олган, ёшлигига шунаقا ку-  
рашли тўйларда олиша-олиша катта бўлган бола эди.  
Энди мана, йигирмадан ошиб кучга тўлди. Турсунқул  
билан машқ қилганида минг бор тиришсин ҳамки, уни  
йиқита олмаган, тўғрироғи, унинг устундай бақувват  
белларини бука олмаган эди. Бундан аламланиб, Тур-  
сунқулга сенинг йиқилганингни ҳам кўрарман, шунда  
гаплашамиз, деб яниб кўярди.

Хуллас, у баковулнинг гапини оғир олди. Фуурии  
топталгандек сезди. Ёшлик қони кўпирди. Билагига ту-  
ганмас куч сезди. Сапчиб ўрнидан туриб, даврага кир-  
ганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳали Күчкор полвон  
даврадан чикиб улгурмаган эди. Яна бир «ем» келди

дегандек мағрур кулимсиради. Фоз юриб баковулнинг ёнига бориб турди.

— Кўчкор полвонга талабгор чиқди. Сариқдан Жумабек полвон. Буларнинг зоти бир қўчкор! — деб ба-кирди баковул даврада бошланган ола-ғовурни босиб. — Халол олишинглар!

Жумабек қайтиб Турсунқулнинг ёнига келди. Чопони билан этигини ечиб унинг ёнига қўйди. Якtagини тузатган бўлди. Белборини ечиб қайтадан салки борлади. Тиз чўкиб даврадан фотиха тилади. Давра гувиллаб унга омад тилади. Юзига фотиха тортиб ўрнидан турди. Давра айланди. Учинчи бор айланишидан Кўчкор полвон якtagининг барларини орқасига йигиб, кўкрагани очганча унга қараб ўйноклаб кела бошлади. Жумабек унга ёқасини тутказмоқчи эмас эди. Бўлмади. Кўчкор полвон кўз очиб юмгунча унинг ёқасига чанг солди. Жумабек унинг бу чаққон харакатларидан гангигиб вазиятни кўлдан бой беришига салгина қолди. Шунда Турсункул ўргатганидек бор кучини оёкларига берди. Гўё, ерга қозик янглир қоқилиб олди. Кўчкор полвон ўзининг севимли усулини кўллади. Жумабекнинг ёқасидан кўшқўллаб ушлаб, «лип» этиб ўгирилди-ю, тиззаганча уни елкасига олмоқчи бўлди.

— Ё, пирам!

Йўқ. Бешинчи бора уни пирлари кўлламади. Ходадай қотган Жумабекнинг беллари ҳатто букилмади ҳам. Ўзи харакатининг тезлигидан кўллари рақиби ёқасидан узилиб, Кўчкор полвон шалоплаб юзтубан йикилди. Юз-кўзига сомон қипиқлар илашиб ўрнидан тураркан, ўзининг севимли усули бу сафар панд берганини тушуниб, бижиниб қўйди.

Хар бир полвон давраларда олишиб ном қозонмокни кўзласа, кирқдан-да кўп усулни ўрганади. Машқда хаммасини бекаму кўст бажаради. Аммо, олишганда битта севимли усулини кўллайверади. Агар шу усулда бешолти ғалабани кўлга киритса унга боғланиб қолади. Ўнён беш муваффакият қозонса бошқа усулни унутади. Хар кур олишганда беихтиёр кўли ҳам, оёғи ҳам шу усулга қараб кетаверади. Бунинг яхши томони полвон шу усулни сув қилиб ичган бўлади. Хар қандай полвонга, хар қандай ҳолатда ҳам кўллай олади. Бу усули бажаришнинг кўплаб йўлларини ўйлаб топади. Ёмон томони рақибини илк ҳамладаётк олса олди, бўлмаса рақибга сир беради. Шундан бошқа усулни эплай ол-

магани учун бошқа гангита олмайди. Шу билан энди у фалаба қозониш учун эмас, балки йиқилиб қолмаслик учунгина олиша бошлайди. Шундай олишувнинг охири эсавой. Охир-оқибат у рақиби қазган чоҳга кулайди.

Кўчкор полвон ҳам шунака бир усул, елкачи полвон эди. Иккинчи қур бел олишганларида ҳам у Жумабекни қайира олмади. Аммо, бу сафар унинг ҳаракати ишончсизроқ чиқди. Жумабек унинг белидан қучоқлаб олишга ултурди. Оёғи ердан узилиб, кўли рақибининг ёқасидан бўшалиб полвон Жумабекнинг кучогига муаллак осилиб колди. Енгилмас полвон бўлиб ўтирган бу йигитнинг ахволи энди аянчли эди. Жонхолатда оёқларини сермаб рақибининг оёқларига илаштириб олмокчи бўлди. Бу кураш Кўчкор полвонга мутлако бегона эди. У кўп олишувларни шиддат билан, биринчи ҳамладаёқ якунлаб қўяр, шу билан олишув ҳам тугарди. Аммо рақиби ҳамла килганда оёғи узулиб, рақибининг кучогида осилиб турганда не қилиш кераклигини у бошида ўрганган, бироқ бирон марта ҳам шунака ахволга тушиб қолмагани учун уни унудиб юборган эди. У бўш қолган оёқларини иланг-билинг сермай бошлади. Жумабекка шу керак эди. Билинглаб турган рақиб оёқларини чап оёғи билан ўнгга сурдида, ўзини чапга ташлади. Кўчкор полвон ўнглана олмади. Гурсиллаб қулади. Жумабек ҳам ярим гавдаси билан уни босиб тушди.

— Ҳалол! — ўкириб юборди аламзада Собир полвон ва чопиб келиб Жумабекни даст кўтариб даврада айланиб югурба бошлади. Дарҳақикат, бу полвоннинг гавдаси Кўчкор полвондан ҳам, Жумабекдан ҳам ярим баравар йирик, ўзиям алпқомат пахлавон эди. Жумабекнинг залворлигина гавдасини ёш болани кўтаргандек даст кўтариб чопганча, даврани айланарди. Турсункул келиб Жумабекни ундан айриб олмаса, у ҳаливери уни қўйиб юборадиган чори йўқ эди.

Шу куни Жумабек бошқа курашмади. Энди курашнинг энг қизиги бошланди. Товок кўйила бошлади.

Биринчи товокқа туюн кўйилди. Азалдан давра қаерда бўлса, шу юртнинг полвони биринчи товокни кўтаради. Даврада манаман деган полвонлар тургани учун корабоғлик полвонлар товокни кўтаришга ботина олмадилар. Сен чиқ, сен чиқ бошланди. Худойбердибой кутавериб чарчади. Бошқа зўр полвонлар ҳам маҳаллий полвонларнинг товоқ кўтаришини кутиб туришди,

Худойбердибойнинг охири тоқати ток бўлиб, даврани айланиб ҳамюртлари ўтирган жойга борди.

— Ҳа, Ҳаким, нега курк товукка ўхшаб писиб қолдинг? — сўради қорабоғлик полвонларга катталик қилиб турган Ҳаким полвонга қараб.

— Менинг бошим оғрияпти. Булар ҳам шунаقا катта давраларда товоқ кўтариб кўргани йўқ. Уялиб қолмайлик тағин, бой бува.

— Айт, бўлмаса, яна ким бор?

— Сариқдан Турсунқул полвон келган. Анави Элбенинг жияни билан.

— Ҳа, Жумабек дегани Элбенинг жияними ҳали?

— Ҳа, жияни экан. Яқинда Бухородан келиби. У ёқда мадрасада ўқияпти экан.

— Ҳа, ҳа, яхши. Турсунқулни бир кўргандек бўлувдим, давранинг бошларида. Майли, майли, сизлар бир ишга ярамас экансизлар, ҳеч курса Турсунқул полвон бизнинг бошимизни баланд кўтарар!

Худойбердибой айланиб Турсунқул ва Жумабек ўтирган жойга борди.

— Полвон, бу не ўтириш, сиз бизнинг ўзимизникисиз, туринг, бориб товоқни кўтаринг! — деди у амиро на оҳангда.

Турсунқул шошилмай ўрнидан турди. «Биздан ҳам катта полвонлар борку» дегандек хижолатомуз Ҳаким полвон курига назар ташлади. Ҳаким полвоннинг унга хайрихоҳ кўл силкиганини кўриб, даврага қадам босди. Ўзининг дароз гавдасидан уялгандек букчайиб бориб баковулнинг олдидаги қовурилган гўшт солиб устига иккита патир ва қанд-курс кўйилган товоқни кўтарди. Яна қимтиниб-қунишиб бошини этганча орқасига қайтиди.

— Эшифтадим деманглар, биринчи товоқни сариқлик Турсунқул полвон кўтарди.

Элдошлар енгил тортишди. Ҳарна бўлсада, эл учун курашадиган мард топилди.

Шунда даврага уч ёқдан учта полвон югуриб чиқди. Ҳаммасидан олдин Бухородан келган Дев полвон ҳаллослаб баковул олдига етиб келди. Уни Дев деганларича бор эди. Юзи, иякларидан то қулогигача доирасимон чўэйилган, баҳайбат эди-ю, аммо боши юзига номутаносиб кичрайиб борган, калхамақдекгина бошининг чўкқисида кичкинагина дўппи қўндирилган эди. Гавдаси ҳам бошнинг тескари кўйилган, катталаптирилган

нусхаси деса бўларди. Гавданинг юқориси — кўкракла-ри ва елкалари ниҳоятда катта, йирик ва мушакдор бўлиб, пастрлаган сари ингичкалашиб борарди. Гавдаси-нинг энг нозик жойи унинг оёқлари бўлиб, улар пол-воннинг оёқларига мутлақо ўхшамас, нари борса, уни ўн олти, ўн ети яшар ўспириннинг оёқларига келбат берарди. Дев полвоннинг оғир гавдасини нозик оёқла-ри базўр кўтариб тургандек туюларди.

Дев полвон лапанглаб баковулнинг ўнг ёнига ўтири-ди. Кейин сурхонлик Тоштемир полвон билан шахри-сабзалик Шерали полвонлар ҳам биринчи товоққа та-лабгор бўлиб баковулнинг ёнида туришди.

— Турсункул полвонга бухоролик Дев полвон та-лабгор бўлди, — деб эълон қилди Худойбердибой. — Чунки у бошқалардан олдин келди. Энди иккинчи то-вокни қўяман.

Худойбердибой ерга бир парча матони тўшади. Унинг устига бир товоқ қовурилган гўштни кўйиб устига патир-ни бостириди. Кейин тикланиб даврага бир кур назар солди.

— Бу товоқнинг зоти бир ҳўқиз!

Бу сафар кўп кутилмади. Биринчи товоқдан куруқ қолган Шерали полвон уни чопқиллаб бориб кўтарди. Унга Тоштемир полвон талабгор бўлди.

Курашнинг қаймоги товоқ кўйилгандан кейин бўла-ди. Бокувдаги буқадек зўр-зўр полвонлар курашнинг бошида кўздан пана бўлиб туради. Товоқ кўйилганидан сўнгина ўзларининг маҳоратларини, санъатларини элга кўрсатадилар. Улардан олкиш, дуо кутадилар.

Дев полвон даврага мағрут-мағрут қадам кўйиб чи-ди. Кунишиб-кимтиниб турган Турсункулга, одам қури-гандек сен қоқсуяк полвон бўлдингми, дегандек, менси-май-менсимай каради.

Дев полвон менсимай олишди. Йўғон-йўғон билак-ларига ишониб олишди. Биринчи кўлда дарахтни ил-диз-пилдизи билан суғуриб отишга чоғланган паҳлавон-дек, Турсункулнинг белидан олди. Шунча кучанса ҳамки, Турсункулнинг оёри ердан узилмади. Дев пол-вон девкор эди. Бутун кучи бундайроқ йигитнинг сони-дек келадиган кўлларида эди. Унинг дарахтни-да суғу-риб отадиган алп кучи бор эди. Турсункул ундей дав-кор эмас эди. Аммо чайир, котма эди. Унинг кучи белида, ерга маҳкам тиralган оёқларида эди. Дев пол-вон кучана-кучана чарчади. Барибир бу найнов пол-

воннинг белларини бука олмади. Кўйиб юборди. Яна давра айланга бошладилар. Энди Дев полвон кучига зўр бермай бошка усул қилди. Шиддат билан Турсункулнинг устига бостириб бориб, ўнг кўлини унинг бўйнига ўради.

— Ё, балли-балли, — деб ҳайкириб ўзига ҳайбара-калла айтганча ёнбошига олди.

Турсункул бошини елкалари орасига олиб унинг бўйини ўраган кўлларини чикариб юборди. Дев полвон ўзини тўхтага олмай гандираклаб бориб тиззалаб қолди. Турсункул яна тик қолаверди. Дев полвоннинг аламдан бўғрикиб, шундок ҳам рапидадек юзлари яна осилиб кетди. Турсункул яна важоҳат билан чанг солди. Бўлмади. Елкасидан нафас олаётган Дев полвон дам олишга ўтирди. Хамқурлари бир пиёла чой қўйиб беришди. У иссиққина чойдан хўплаётган пайтда кимдир пичинг килдими, бирдан жини кўзиб кетди.

— Нималар дейопсан, баччағар! Бунинг одам эмас, харе! Ёғоч-е! — деди бор овози билан чийиллаб.

Ё пирай, келбати девни ҳам чўчитадиган бу дев тахлит одамнинг овози ёш боланикidek ингичка, заифона эди. Давра буни эшилди. Эшитиб аввал ҳайрон бўлди. Ҳайронлик кейин кулгуга айланди. Давра гуррос кулиб юборди. Турсункул дам олишга Жумабекнинг ёнига келиб ўтирди. Орқадан кимдир унга ҳам пиёлада чой куйиб узатди. Жумабек жаҳли чикқанидан сенинг ҳам йиқилганингни кўрай деган бўлса-да, ҳозир Турсункул Дев полвондан йиқилишини истамасди.

— Оға, Девнинг оёғига эътибор бердингизми? — деди.

— Ҳа, бек, лекин у ҳам буни билади. Ўзининг ноzik жойини тутқазиб кўядиган каллаварам эмас.

— Сиз уни шунга мажбур қилинг!

— Осон бўпти-да, уни мажбур килиш! — Турсункул Жумабекка қулимсираб каради.

— Сиз уни чарчатинг, шунда харакатлари паллапартиш бўлади.

— Кўрмаяпсизми, менам харакат қилиб ётувдим. У бўлса пасса, чўкиб дам олиб етибди. Менинг шунча харакатим зое кетди.

Шу пайт Дев полвон ўрнидан туриб даврага чиқа бошилади. Турсункул ҳам пиёла тагида колган чойни тўкиб ташлаб ўрнидан турди.

— Ака, оёғига кучлирок кокма беринг! — деб колди унинг ортидан Жумабек.

Дев жаҳлланиб, кутириб кела бошлади. У ҳозир ўз даврадошлари орасида турганидан ё шу харини ерга уриб ерпарчин киламан, ё минбаъд кураш тушмайман деб, жаҳл устида шарт олиб қўйган эди. Энди шуни бажармаса бўлмайди. У важоҳат билан, ғазаб билан ўқрайиб Турсункулга еб қўйгидек караб давра айланди. Машъалаларнинг хира ёруғида унинг юзи янада қўрқинчлирок, важоҳати ўн чандон бўртиб кўринди. Турсункул томонга гавдасини номутоносиб чаққон одимлади. Ёқасидан олиб бу найновни ерга букмоқчи бўлди. Аммо, қўллари етмади. Шунда Турсункулнинг маймуннидек узун ва кора қўллари иш берди. Унинг қўллари Дев полвоннинг елкасида бўлсада оёқлари уч одам нарида эди. Дев полвоннинг калта йўрон қўллари унинг тирсагидан сал юқорироғига зўрга етди. Нозик оёқлари эса минг сермасин барибир Турсункулга шамоли ҳам етмаслигини у ҳис этарди. Дев полвон шунда ўзининг боши берк кўчага кириб қолганини ҳис килди. Бундан фирони фалакка чиқиб кетди. Энди у мутлақо курашга ўхшамаган харакатларни кила бошлади. Олдин кучли қўллари билан Турсункулни торткилаб судрай бошлади. Бундан бир иш чиқмаслигига кўзи етиб, у ҳам Турсункулнинг бехос зарбасига учмаслик учун оёқларини ундан холис қилиб букилиб олди ва иккаласи судрашиб юравердилар. Энди Дев полвоннинг шиддати ҳам важоҳати ҳам, қолмаган эди. Кураш ланж бўла бошлади. Даврада норози оҳанглар чиқди. Оқибат Худойбердибой келиб иккаласини ажратди.

— Полвон, — деди Худойбердибой иккаласига ҳам мурожаат қилиб. Мана шу қоракўзлар сизларнинг курашингизни томоша қилиш учун келишган. Ҳунарингизни кўрсатинглар-да, энди. Ё, зотни бўлайликми?

Улар яна қўл олишдилар. Дев полвон чарчади. Ўзини иложсиз сезди. Бу қора тўнкадек полвонни энди йиқита олмаслиги аниқ эди. Бир кўнгли, унга койил бўлиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Шунда у йиқилмасдан, кураги ер искамасдан чиқкан бўларди. Обрўйи борида этагини ёпган бўларди. Аммо, ёнидаги курдошларининг умрбод масҳарасига, таънасига дучор бўлишни ўйлаб бу фикридан кайтди. Худо берса, балки бу кора ёғочни чалароқ ёнбош килса ҳам қайтиб даврага чиқмасди. Буёғини ёнидагилар келиштиради. У шу тасодифдан

умид қилиб чапараста олиша бошлади. Бундан баттарроқ чарчади. Сүнгги кучини йиғиб Турсунқулнинг яна белидан олди. «Хозир, ё бели букилади, ё қовурғалари ни мажаклаб ташлайман», деган ёмон хаёл ўтди унинг кўнглидан. Йўқ! Яна бўлмади. Бу ёғоч яна «қилт» этмади. Дев полвон оғир уф тортиб бўшашиб. Кўллари ўз-ўзидан дармонсизланиб бўшашиб қолди. Буни анчадан бери кутиб турган Турсункул Девнинг нозик оёқларига қоқма бериб, шу заҳоти узун қўллари билан уни итариб юборди. Дев мувозанатини йўқотди. Қоқма зарбидан оёқлари жуфтлашиб ердан тўрт энлик кўтарилиб кетди. Шунинг ўзи етарли эди. Дев полвон, полвон бўлиб даврага чика бошлаганидан бери кўрмаган ерни елкалари исқади. Дев полвон, майда сомон тўшалган ерда чалқанчасига чўзилиб ётаверди. Кўзларидан дувдув ёш куйилиб келаверди.

Шундагина караҳт давра ўзига келди.

— Ҳалол! — гумбурлаб кетди давра. — Ҳалооол! — Ўйнокланиб ҳайкирди давра. Турсункул ҳамон ерда ерпарчи бўлиб ётган Дев полвоннинг қўлларидан олиб турғазиб қўймокчи бўлди. Аммо, Дев унинг қўлларини силтаб ташлаб ўрнидан сакраб турди-да, дуч келган томонга ўзини уриб, даврадан чиқиб кетди.

— Отангга раҳмат. Ёғоч полвон! — кулимсираб деди баковул. — Кел, ҳалоллаган зотингни ол!

Шу-шу Турсункул даврага чиқса Ёғоч полвон номи билан чиқади. Уни олис-олис юртларда ҳам Дев полвоннинг курагини ерга теккизган Ёғоч полвон номи билан танийдилар. Аммо уйида оддийгина отбокар Турсункул бўлиб юраверади. Баъзан-баъзан унинг полвонлиги ҳам тутиб туради. Барча полвонлар каби у ҳақоратга чидаб тура олмайди. Баъзан, қони қайнаб кетади. Шунда Жумабек, «Ёғоч полвонлигинги эсингизга тушяптими» деб қўяди. Турсункул бу гапдан уялади. Уялиб жим қолади.

## XIV

Файбулла худ-беҳуд ҳолатда уйига кирди. Йўл азоби — гўр азоби деганлари минг карра ҳақ экан. От устида ўтқазган уч кечачу уч кундузи ўз ишини кўрсатаётган эди. Чарчок холдан тойдиргани, бунинг устида бу ерда уни кутиб турган бу фожиалар, кўнгил ғашлиги ва руҳий изтироблари ҳаммаси бир бўлиб, уни касал

одам ҳолига солди. Қўкнорисини хумор қилган бандик, кўзлари қизарип, қовоқлари шишиб кетганди. У ҳаммасини унтиб, ухлаб олмоқчи бўлди. Ўзига атаб янги курилган уйга кирди. Келинлик уйидек ясатиб кўйилган хонадаги янги кўрпачага ўзини ташлади.

Узундан узок йўл бўйи жон-жаҳди билан уйига интилар экан, эгар устида кўзи илиниб-илиниб кетар, мудроқ босганча чайқалиб-чайқалиб келди. Ўшанда иликкина қум устига ўзини ташлаб, бир тўйиб ухлаб олгиси келар, аммо ухласа бир нарса содир бўладигандек, кечикиб қоладигандек ўзини зўрлаб келди. Келиб билди-ки, йўлга чиқсан пайтидаёқ кечикиб ултурган экан. У Жумабекнинг уйида ҳали бироз турмоқчи эди. Аммо уни нимадир ўзига чорлар, юрак-бағри сикилиб кетарди. Охири бўлмади. У энди бир дақиқаям бу ерда қолмаслигини ҳис этиб йўлга ошиқди. Жумабекнинг илтимоси ҳам, Элбегининг ҳай-ҳайлаши ҳам таъсир килмади. Юраги типирчилаб йўлга чиқишга ошиқарди. Унинг ҳашакалло кетишига ишонган Элбеги Гулойимга айтиб у-бу пишириклар пиширтирди. Турсункул улар миниб келган ўриси улкан отни эгарлаб, хуржунга бир кўза сув ва Гулойим пиширган қатламаларни солиб берди. Яраси анчагина тузалган Жумабек ҳам у билан бир кўллаб кучоқлашиб хайрлашди. У йўлга тушганида ҳам юрагининг безовталиги тарқамади. Нега шундай бўлмаётганини ўзи ҳам билмасдан жадал юради. Уйқусини қувиб туну кун йўл босар экан уйга борганидан сўнг тўйиб ухлаб олишни кўнглидан ўтказарди.

Мана, етиб ҳам келди. Эгар ё, кум устида эмас. Юмшок кўрпача-ю пар ёстик устида ётибди. Боши ғувиллайди. Аъзойи-бадани қақшайди, аммо уйку йўқ. Бутун йўл бўйи қаттиқ эгар ва отнинг беўхшов лўқиллашидан безор бўлганда-да, тарқ этмаган уйку истаги энг қулай жойда уни ташлаб кетганди.

У кўзини юмган заҳоти оловли ёшликтининг ширин хотиралари чашмадек қайнаб мавжланиб келаверади. Бу хотиралар булоғида бир киз чўмилди. Қоп-кора соchlарини ёйиб, ўзини офтобга солади. Бир фаришта янглиғ сулув бўй беради. Офтобдек нурафшон чехраси билан ғарип Файбулланинг чалдивор кулбасини, қалбини ёритиб юборади Ойсулув...

... Бу оддийгина кийимлар ҳам унинг хусни, тароватини яшира олмайди. Балчикка кўмилган жавохирнинг қадри йўқолмагани сингари, бой ва бемехр ота-

нинг эътиборидан бебаҳра ўссада, бой қизи янглик, олтину жавохирга турфа ипак ва шойига ўралмаса-да, у барибир гўзал эди. Шу биттагина жумла унинг бир қўрки-чиройига таъриф беролмайди. Уни таъриф этмок учун Файбулланинг бисотида мос сўз йўқ. Унинг учун хали тутилмаган, оҳорли бир сўз топмоқ керак...

Дунёда бири биридан гўзал қизлар кўп. Бу дунёда балоғатнинг сирли остонасидан қадам ташлаб ўтган қизнинг, хали ўн саккизга тўлиб-тўлмаган қизнинг хунуги бўлмайди. Дунёда Ойсулувга тенгдош қизларнинг бари гўзал. Лекин Ойсулув битта! Ойсулувнинг ойдек сулув, оппоқ чехраси-ю, охуникига келбат берадиган кўзларининг, бу оламда ўхшashi йўқ! Унинг кошлари ингичка, қайрилма эди. Ўнг бетида чиройли кулгичлари ёнида буёдойдеккина коп-кора холи бор эди. Бу унга ярашарди. Сочлари шаршарадек тўлкин-тўлкин, коп-кора эди. Бўйи ўрта, бели хилча эди Ойсулувнинг. Шундай қизни соғинмай, соғина-соғина уни топганда, дийдорига туйгунча, соатлаб жим термулмай бўладими, ахир!

Бироқ унинг соғинчидан сарғайган, хижронидан фифони кўксидан чўғ аралаш бўлиб чиқиб, кўкка ўраган Файбулла олти ойлик айрилиқдан сўнг уни кўрди! Аммо, бирданига таний олмади! Унинг шу кўзлари, хоин кўзлари Ойсулувни танимади. Шукр, унинг юраги сўқирмас экан. Калбининг кўзлари очик эди. У таниди. Потирлаб-потирлаб кўйди. Қафасдаги банди қуш каби ўзини ўёқ-буёққа урди. Кейин занжирланган шер янглиғ ўкириб юборди. Ойсулув билан тиллаши. Хоин тиллари лол бўлди. Соков бўлди. Аммо юраги соков эмас экан. У нола қилиб-нола қилиб йиғлади. Дардини айтиб-айтиб йиғлади. Ойсулув-да, уни эшитди. Унинг-да, жавобини тинглади. Кулоклар-да, кўзлар-да хоин бўлди. Аммо, унинг кўзлари-да юрак бўлди. Кулоклари-да юрак бўлди, тиллари-да юрак бўлди. Ўзи сўйлади, ўзи кўрди, ўзи тинглади.

- Севаман! — ҳайқирди юрак.
- Мен-да севаман — деган нозик уни эшитди.
- Нега бунака, Ойсулув? — деди ўртаниб.
- Сенинг ўзинг-да сезяпсан, бунинг нелигини.
- Мен барибир севаверман!
- Йўқ, энди бари тугади.
- Йўқ, — ҳайқирди Файбулланинг қалби, — тугамайди! Тоабад давом этаверади!

— Йўқ, — деди Ойсулувнинг қалби, — мен кетаман, сен эса қоласан, шу тамом дегани!

— Йўқ! Мен сени юбормайман! Сени топиб келдим, энди йўқотмайман!

— Йўқ! Ҳар ненинг ўзи интихоси бўлади. Бизда-да, интиҳо бор. Интиҳо яқин, жоним.

— Ибтидо билан интиҳонинг ораси шунчалик яқинми? Ҳали ибтидо бошланмай интиҳо келдими? У индамади. Ортига ўгирилиб кетаверди. Савол бежавоб қолди. Савол ўзига жавоб излаб, юракни пора-пора қилиб ташлади. Юрак бир муштипар бўлди. Юрак якка-ю ёлғиз бўлди. Юрак нолакор бўлди. Юрак бир мажнун-сифат ғариб бўлди. Саҳроларни қўмсади. Ҳеч кимсиз жойларга бош олиб кетмоқни истади. Юрак сел-сабор йиглади. Юрак қуриб-қақшаб йиглади. Юрак Машраби девона янглия жандасини елкасига ташлаб кетар бўлди.

Шунда Ойсулув келди. Ўзидан бойчечак хидини таратиб келди. Бойчечак сулув бўлиб, чанқоқ кўзларни бойчечакдек яшнатиб келди.

— Файбулла ака, қаранг, шунча бойчечак тердим! — деди у болаларча қувонч билан. Сиз ҳалиям ётибсизми? Сиз бойчечак термайсизми?

Хозир бойчечак терадиган пайтмаску. Тирамо бўлса, ҳосил йиғар пайт бўлса. Чор атроф заъфарон ҳазонрез бўлса. Файбулла шуни ўйлаб ҳайрон бўлди.

— Сиз доим шунақасиз, — ўпканади Ойсулув. — Сиз қаёнга қарасангиз сапсарик саҳрони кўрасиз. Ҳамон ташқарида тирамо, дараҳтлар, гуллар ҳазон бўлиб ётибди, деб ўйлајпсиз. Мен эса бойчечак териб келдим. Мен бойчечакни яхши кўраман. Менга ўҳшагани учун мен ҳам бойчечакни яхши кўраман. Сиз уни яхши кўрмайсиз! — У қаттиқ гапириб кўйганидан ўзи ҳам хижолат чекаётгандек туюлди. Бироз ўйланиб туриб кейин сўзини юмшатиброк гапириди. — Балки яхши кўрарсиз, лекин менчалик эмас.

Файбулла ҳам энди эрта баҳорнинг намхуш, бироз совук ва хушбўй ҳавосини хис этди. Эриётган корнинг, уйғонаётган ернинг ҳиди бойчечак исига аралашиб, тарагалиб хонани буткул эгаллаб олгандек бўлди. Унинг бойчечак тергиси, ундан гулчамбар ясаб Ойсулувнинг бўйнига илиб кўйгиси келди.

— Юр, майли, бойчечак терганимиз бўлсин! — деганча Ойсулувга ўгрилди.

Ойсулув йўқ эди. У аллақачон кетиб бўлганди. Таш-

қарида эса ҳамон тарвақайлаган қари тут шапалоқдек-шапалоқдек сап-сарық баргларини бир-бир ерга кузат-ганча, ярим яланғоч шохларини шамолда ғижирлатиб тебраниб турарди.

... Ўшанда Файбулла ҳали ўспирин эди. Юрагида сирли-сирли ажабтовур ҳислар яширин эди. Бу ҳислар ташқарига чикишга муштоқ эди. Қамалиб, димикиб тутамоқчи эмасди, улар. Гуллаб, чарсилаб хур-хур ёнмоқни истарди. Шунда, бехос бир қиз келди. Қиз шамол билан келди. Қиз қуюн билан келди. Қўл етмас ҳужраларининг ҳам эшиклари ланг очилиб кетди. Тутаб турган аччик тутунга кўмилиб турган ҳислар бирдан озод бўлди, хур бўлди. Аланга олди. Гулхан бўлиб ёнди. Коронғу-коронғу ҳужраларни кундузdek ёритиб ёнди. Маёқ бўлиб, йўл кўрсатиб ёнди. Бу қиз Ойсулов эди...

Кейин ҳижрон келди. Ширингина соғинч келди. Висол онини кутиш бошланди. Висол факат тушдагина бўлди. Факатгина тушларида Ойсуловни кўрди. Унинг васлига баҳраманд бўлди. Бу висол-да киска бўлди. Тун узундан узок, туш эса киска бўлди.

Кейин узоқ кутилган тонг отди. Файбулла қўшни ҳашаматли дарвозанинг очилишини кутди. Кута-кута қўзлари толди ҳамки, дарвоза очилмади. Очилса-да, ундан Ойсулов чиқмади. Қўшни бойнинг девори демоги сингари баланд бўлди. Осмонўпар бўлди. Файбулла га алам килгани шу бўлдикни, икки қаричгина зни бор шу девор Ойсуловдан ажратиб турди. Шугина деворнинг ортида унинг баҳти бўлди. Шугина деворнинг берисида у ўзини баҳтсиз, деб билди. У ошиқ эди. Ошиқ дил талтортмас ботир бўлди. Боиси, ошиқ қалбнинг ўз дунёси бўлади. Ошиқ дил бу дунёга сифмай-сифмай кетади. Файбулланинг ошиқлиги мажмуона-мажнуона бўлди. У қўшнисининг бойлиги-ю ўзларининг камбағаллигини унуди. Йўқ-йўқ. Унутмади. Ўзича бегоналашиб бораётган бу дунёning бунақа бўлининишига тупурди. Ўзи фуқаро бўлган ишқ оламининг қоидасига бўйсунди. Юрак васл тиладими, висол даркор! Унга шу икки қарич деворғов бўлдими! Керак бўлса Фарҳод янглиғ торни-да талқон қилишга кодир. У девор бўйнидаги дарахтта тирмашди. Деворга қўл етгудек-қўл етгудек бўлди. Дарахт лопиллади. Шохлари қарсиллади. Шунда...

— Раҳима хола, Раҳима хола! — деган овоз эши-

тилди. Овоз қўнғироқдек жарангдор бўлди. Сибизга ноласидай ва ширин бўлди. Файбулла жойида музлади. Вужуди кулок бўлди. Кулоги кўча эшик томон «динг» бўлди.

— Хозир, — деди онаси, мағзава юки қўлларини чала-чула чайиб кўча эшик томонга чопди. — Хозир, боряпман!

Эшикдан Ойсулув кўринди. Унинг тинчини ўғирланган ўша ўғригина Ойсулув ҳовлига ой бўлиб эмас, офтоб бўлиб киргандек бўлди. Файбулланинг кўзлари камашиб кетди.

— Онам айтдилар, кечга меҳмон келаркан, чиқиб озроқ қарашаркансиз, кейин Икром ака чўлга кетган эканлар, Файбулла ака чиқиб ўтин ёриб берсин, экан.

— Майли, қизим, шу кирларимни ёйиб олайн, ҳозир чиқаман. Файбулла хам шу ерларда юрувди, — Онаси ҳовлининг тўрига қараб чакирди. — Файбулла, каердасан! Бери кел!

Ойсулув дарров изига қайтмади. Файбулланинг келишини кутиб тураверди.

Ойсулув уёқ-буёқдан сўзлашгандек бўлди. Раҳима холасининг кир тогорасига қараб ўтираверди. Кўзларини бўлса ахён-ахёнда ҳовли тўридаги кичик боғча томонга яширин-яширин ташлаб олаверди. Файбулла дарахтдан сирғалиб тушди. Онаси кир чаяётган айвон томонга юрди. Бехос бир жуфт юлдузни хис этди. Кўзлари Ойсулувнинг нигоҳи билан тўқнаш келди. Унинг нигоҳларидаги сирли ўтни юрагида хис этди. Оёғидан мадор кетди. Тиззалари титраётганини сездир-маслик учун улардан холисроқда оёқ илди.

— Нима дейсиз? — деди кўзларини имкон қадар Ойсулувдан олиб кочиб.

— Бор, бой тоғангнигида меҳмон келар экан. Икром чўлга кетганмиш. Ўтин ёришга қарашиб тур. Сен бу ерда сўлоқмондек бўлиб юрсанг-у, шунда кўхлик қиз кўлига болта ушлаб, ўтин ёрса уят бўлади, болам, — деди Раҳима хола хам шўх кулимсираб.

Файбулла онасини ҳозир жудаям яхши кўриб кетди.

— Майли, бораман, — деб тўнғиллади гўё бу иш ёқмагандек.

— Нима, ишинг қолиб кетяптими, сан боланинг. Бор, дегандан кейин боравермайсанми. Ҳозир бор. Ойсулув билан биргалашиб бор. Ўтиннинг жойини кўрсатади. Тез бўл!

Ойсулув ўрнидан күзгалди. Файбулла унга эргашди.

— Сизни ҳам хизматта қўйдим, Файбулла ака, — деди Ойсулув айбдорона оҳангда кўчага чикаётиб. — Бир тандир кизитгудек ўтин тахлаб берсангиз бўлди, унгача Икром ака ҳам келиб қолади.

Икром ака дегани бойнинг сўққабош хизматкори. зллиқдан ошиб қолган бўлса-да, ҳамон бола-чақа қилмай, бойнинг хонадонида бир ўзи яшаб келади. Унинг уйчаси бойнинг ошхонаси ва ўтинхонасининг орасида эди. Файбулла Икром аканинг келмаслигини тилади. Унинг йўл-пўлда ушланиб қолишини истади.

Файбулла Икром аканинг йигиб, даста-даста қилиб қўйган ўтингларини кўзи билан чамалади. Шунда Ойсулув Икром аканинг ўткир қилиб, чархлаб қўйилган кулай болтасини тутқазди. Ўтингларга ишора қилиб: — Шулардан беш-олтита кундани ёриб, майдалаб берсангиз бўлди-да.

Файбулла енг шимариб ўтин ёришга тушди. Кўллари болтада бўлса-да, аммо кўзи тандирхона томонда бўлди. Ўчоқ бошида куймалашаётган аёллар орасида Ойсулув ҳам бор эди. Шуни хис қилиб у чарчокни ҳам унутиб ишлади. Бир зумда йирик-йирик кундаларнинг йигирматасини майдалаб, ўтин қилиб ташлади. Атрофга параха учди. Тайёр ўтин хирмон бўлиб кетди. Ву жудидан тер қўйилди.

— Файбулла ака, чалоп ичаизми? \*

Фабулла бир зум тўхтади. Девнинг табарчасидек катта, залворли болтани ёнига қўйди. Ойсулув бир коса муздек чалопни ушлаганча унга боқиб турибди. Файбулла жилмайди. Шўхлик қилгиси келди.

— Сизнинг қўлингииздан ҳалику чалоп экан, заҳар бўлса ҳам ичаман!

— Манг бўлмаса, — деб кулимсираб косани узатди.

Файбулла унинг хипча-нозик белини, нимчасини туртиб турган дуркун кўкракларини яқиндан, жудаям яқиндан кўрди. Ўзининг вужудини хис қилгандек уни-да хис килди.

— Оласизми, йўқми, ўтинчи ака? — кулиб юборди Ойсулув.

Атроф негадир тинч эди. Ўчоқбошида ўралашиб юрган аёллар ҳам энди кўзга ташланмасди. Файбулла пайтдан фойдаланиб қолди.

\* Ичасизми (*шева*).

— Оламан! Фақат эгаси билан бирга! — Файбулла унинг коса ушлаган кўлининг билагидан шартта ушлади. Киз оҳиста «вой» деди. Юзлари лов-лов ёниб кетди. Аммо, кўлини бўшатиб ололмади. Чунки унда коса бўлди. Коса тўла чалоп чайқалиб турган бўлди. Қалтис харакат қилса чалоп тўклиладиган бўлди.

Файбулла косани қўлига олмай, Ойсулувнинг билагидан ушлаб кўтариб симириди. Косадаги чалоп ярим бўлди. Косадаги чалоп тутади ҳамки, Ойсулувнинг қўллари озод бўлмади. Файбулла чалопни аллақачон сипқарив бўлган эса-да, ҳамон косадан бошини кўтармай тураверди. Кута-кута ҷарчаган Ойсулув бу ерда бир шумлик борлигини сезиб, кўлини коса-поса билан қўшиб тортиб олди.

— Сиз ёмон экансиз, — деди жилмайиб.

— Сиз эса жудаям яхши экансиз, — деди Файбулла ҳам ёйилиб илжайганча.

Ойсулув ортига қайтди.

— Шошманг, — деди Файбулла, — бу ишлаётган кулингизга овқат ҳам берасизми, ё шу чалоп билан бўлдими?

Бу унинг яна келасанми, дегани эди. Яна бир висолдан умид қилган эди. Буни Ойсулув тушунди. Вужуди сирли хаяжондан энтикиб кетди. Аммо, сир бой бермади.

— Ишлайверинг, кейинрок Абидан бериб юбораман! — Ойсулув қикирлаб кулганча қочиб кетди.

Файбулла унинг гапидан ҳанг-манг бўлиб қолаверди.

## XV

Файбуллага илҳом келди. Фазал битгиси келди. Юрагидаги пинхон хисларни шеър килиб айтгиси келди. Дафтарини мисралар билан тўлдиргиси келди. Кейин уни ойдин тунда Ойсулувга ўқиб бериб, дилини ёргиси келди. Файбулла ғалати ошиқ бўлди. Ғалатилиги шунда бўлдики, Ойсулувни кўрмаса чилимини йўқотган бандидай ҳардамхаёл бўлди. Ойсулувни кўрганда эса ё, мум тишлаган соқов бўлди, ё, маза-бемаза сўзларни валдирайверадиган эзма бўлди. Лекин, ўла қолса, ичини кемириб ётган пинхон дардини юрак ютиб айта олмади. Бу унга оғир иш бўлди. Амалга ошириб бўлмайдиган иш бўлди. Ҳаммаси юрагига йигила-йигила дард бўлди. Дардининг номи ишқ бўлди. Дарднинг малҳами-

ни шеър деб билди. Табиби қалам ила қоғоз бўлди. У ўз Ойсулувини қўмсади. Девор ортидаги баҳтини деворнинг бу ёғидан излади. Тополмади. Бойнинг девори баланддан ҳам баланд бўлди. Тошдан да қаттиқ бўлди. Муздан да совук бўлди. Файбулла бу деворни дунёдаги барча ёмон нарсалардан да ёмонроқ билди. Боиси, Файбуллани Ойсулувдан ажратиб турди. Ойсулувнинг ташкарига чиқишини пойлади. У чиқмади. Ҳеч қурса, бойникига яна меҳмон келишини кутди. Меҳмон ҳам кела-вермади. Келса-да, Икром ака уйда бўлди. Ўтинни ёришга Файбуллага хожат қолмади.

Икки қадам наридаги Ойсулувни қўмсаб осмонга бокди. Юлдузли тунларда самодан унинг сиймосини кидирди. Дарди оғир бўлди. Дардига малҳам излади. Топгандек бўлди.

Юрагида тош янглиғ чўкиб ётган дард мумдек эриб, қоғозга сатрлар бўлиб томчилай бошлади. Бу сатрлар қўшиқ бўлиб туғилиб, оҳанги билан йўргакланиб чиқиб келаверди. Файбулла куйлаб юборди.

Файбулланинг тоғасини Зокир баҳши дейишарди. Тонготар базмларда соз чалиб «Ошиқ Фариб»ни айтарди. Гўрўғлидан хониш қиласарди. Ўзи битиб, ўзи оҳангга солган қўшиқлари ҳам бор эди. Файбулла тоғасига тортди. Тоғасининг ортидан эргашиб соз чалишни ўрганди. Қўшиқ айтишни ўрганди. Баҳши тоға ундаги интилишни кўриб, эски торини совға қилди. Унда бор-йўғи учтагина сими бўлса-да, Файбулла бундан хурсанд бўлди. Учтагина торли бу согза Файбулла тил кирита олди. Ўз дардини унинг фарибгина учта симининг нолишида баён кила оларди.

У торни созлади. Овозига жўрлаб ҳозиргина қоғозга тушган сатрларни оҳангта солди. Авжини олиб кўрди. Торнинг нолакор саси билан унинг бироз маъюс, ширали овози уйғун келди.

Бир хафтадан кейин қишлоқда тўй бўлди. Тўй олди баҳши тоғаси Файбуллани йўқлаб келди.

— Усулчим касал бўлиб қолди, — деди у, — шу тўйда доирани сен чалиб тур. Файбулла учиб-қўниб рози бўлди.

... Ҳовлида гулхан ёқилди. Олдин киз-жуонлар гулхан атрофида доира чалиб, ўлан, лапар айтиб ўйнадилар. Уларнинг орасида Ойсулув-да, бўлди. У ҳам айлана-айлана ўйнади. Ҳаммани ўзига ром этиб-ром этиб ўйнади. Кейин катта, ўн уч болорли меҳмонхонада тўрт

катор бўлиб ўтирган олтмиш чоғли эркаклар базми бошланди. Шўрва сузилди. Катта-катта лаганларда эт келди. Чапани йигитлар тўрдаги оқсоколлар кўзи тушмас бурчак-бурчакларда чоғирлардан хам нўш қилдилар. Ширақайф бўлдилар, шундан кейин Зокир баҳшига нағбат етди.

Баҳши чордона қуриб торини қўлига олди. Файбула ҳам ҳозиргина ўтга тоблаб қиздириб келган кийик терили доирасининг балдоғини бармоғидан ўтказди. Тогоғаси чалган куйга мос усул бера бошлади.

Зокир Махтумқулидан айтди. Улув шоирнинг қиёматдан баҳорат қилган ашуалари билан даврани сел қилди. Кейин «Шоҳсанам-Фариб»дан олди. Бир ош пиширим вакт мобайнида Зокир баҳши тинимсиз хониш қилди. Давранинг олқишилари билан қўшиғини тутатди. Олдидаги пиёладан совуб қолган чойини ҳўплади. Томоғини ҳўллаб олиб, йигитларнинг талаби билан шўхидан айта бошлади. Ўйнинг чорлайдиган ўйноки куй ва лапарлардан айтди, лазига ўтди. Чидаб ўтира олмаган ширақайф йигитчалардан бир-иккитаси даврага чиқиб шоҳ ташлаб ўйнай бошлади. Зокир баҳши «омон-омон»ни анчагина чўзиб, ўртада ўйнаётган йигитларга ҳам кўшиқ қўшиб, узок айтди. Ўйновчи йигитларни ҳам, баҳшининг ўзини ҳам тер босди. «Отангга балли!»ни, «Офарин»ни эшишиб тўхтади. Бир қойилмақом уddaлагандек ёйилиб илжайди.

Аммо давра куй-кўшиқ истарди. Буни баҳшининг ўзи ҳам сезиб турарди. Энди, одамлар қўшиқни яхши ёмонга ажратмайди, ким айтса ҳам тинглайверади деб ўйлади. Торни Файбуллага берди. Доирани ўзи олди. Бола бир-икки қўшиқ айтгунча доира чертиб, томоғига дам бермокчи бўлди.

Файбулла меҳмонхонанинг очиқ дераза ва дарчалари олдида аёлларнинг турганини, куй-кўшиқка яширинча кулоқ солаётганларини пайқаганди. Очиқ дераза ёнида рўмопли бошлар кўринини бериб турарди. Улар ичидагиси Ойсулов ҳам бормикан? Бор! — деди ички овози.

У торни дадил қўлига олди. Тор бироз тингир-тингирлаб тихирлик килиб турди-да, Зокир баҳшини ҳайрон колдириб бошқача тилдан равон сайрай кетди. Баҳши олдинига эсанкираб колди. Бу мутлақо янги куй эди. Зокир баҳши бунақасини хали эшифтмаган эди. Шунинг учун унга қанака усул беришни билмай боши котди. Кейин ўзини ўнглаб олди. Куйнинг тилини бироз

түшунгандек бўлди. Доирани торнинг ноласига омухта қилиб чERTди. КУЙ равонлашиб, Файбулланинг ширали овози ҳам унга қўшилиб оқа бошлади.

Файбулла кечаги дардини бутун қўшик қилиб айта бошлади. Ойсулов ҳам эшитсан, деб баланд-баланд пардаларда хониш қилди. Ошиқ номидан бўзлаганида ахли давра беихтиёр унинг ноласидан ох чекди. Унинг фарёдини дераза ортидаги кабутармонанд қалб ҳам эшитдимикан?

— Эшитди! — деди юраги.

У бутун вужуди билан куйлайверди. Қўшик яратилганидаги шавқ ва эхтирос унинг вужудини куршаб олди. У илҳом отлиғ бир пари оғушида куйлади. Буни тинглаганлар-да ҳис этди.

Зокир бахшининг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди. Шу бўз бола жияни яхши ҳофиз бўлибди. Ундан-да зўр хониш қиласидан бўлибди.

Тўй этаси янги ҳофизнинг елкасига тўн ташлади. Зокир бахши ўзи севган торини қўлига олди. Бир нигоҳ ташлади. Пардаларини сийпади.

— Бу торни, — деди у торни кўксига босаркан, хивалик Мадраҳим устага ўзим бошида туриб ясатганиман. Ўй йил бўлди. Асл тор. Кўпгина ҳофизларнинг шунга ишқи тушган. Бермаганман. Юзта кўйнинг пулини олинг, шу созни менга беринг деб ялинганди бир ҳофиз. Халику, юзта экан, мингтасини олиб келсанг ҳам бермайман деганман. Соз ҳофизнинг боласи каторида туради. Фарзандни сотиб бўладими?! Шу торни сенга бераман, жиян. Яхши ҳофизнинг сози ҳам яхши бўлиши керак. Яхши кунларда, элнинг тўйларида чал. Ол, жиян!

Шу куни эл сахийқалб Зокир бахшини алқади. Эл Файбуллани ҳофиз деб тан олди. Шу дақиқадан Файбулла элнинг назарига тушди. Неча-неча бўй етган қизларнинг унга ишқи тушди, шу оқшом Файбулла ўзини осмону фалакда учиб юргандек ҳис қилди. Энди унинг қўли ҳамма нарсага етадигандек. Файбулла орис солса Оллокулбой ким бўпти, ундан зўрлари ҳам хеч нарсани аямайдигандек. Бой уни жон-жон деб куёв қиласидек туюлди.

Файбулла тўйни якунлаб, янги торини қўлтиқлаганча уйига кайтди. Юриб эмас, гўёки учиб кайтди.

— Буни Ойсулов кўрдимикин?

— Кўрди ҳам, эшитди ҳам! — деди юраги.

Бутун қишлоққа ёқкан унинг ҳофизлиги фақатгина отасига ёқмади. Ҳасан ака ёлғизгина ўғлининг тонготар базмларда яллачилик қилишини истамади. У ўғлининг илмли, зиёли киши, мадраса кўрган мулла бўлишини истарди. Йигиб юрган пулини белига тушиб, ёнига ўғлини олиб Бухоро томонга кетиш пайига тушди. Ўғлининг дини-дунёдан, Қуръону ҳадисдан бехабар, одамларнинг кўнглини шод килгувчи эл баххиси эмас, илмли олим бўлишини хоҳлади. Икки дилнинг достони айни авжига келганда тўхтаб коладигандек туюлди. Файбулла ўзини кўярга жой топмай типирчилаб қолди. Ойсулувни излади. Ойсулувдан дарак бўлмади. Яна ўша қадрдан дараҳтта тирмасиб кунни кеч қилди. Бойнинг ҳайҳотдек қўрғонида Ойсулув кўринмади. Ойсулув бўлмаса бу қўрғон харобадан-да баттарроқ хунук кўринди. Қўрғон ичиди Икром ака юради. Икром акани кўриб хаёлига оддий, лекин ажабтовур фикр келди. Нега олдинроқ шу фикр хаёлига келмаганига ҳайрон бўлди.

Икром аканинг кулбасида катта тош чархи бор эди. У чархни айлантириб, пичок, болта, ўроқларни чархларди. Файбулла олдин ҳам бир-икки бор унга пичокларини чархлатиб олганди.

Файбулла шошилиб ичкаридан каттагина ошпичноқни олиб, бойнинг ҳовлисига кирди. Икром акани йўқлаб овоз берди. Ичкаридан қўлларида нишолда суртилган нонни кўтарганча кавшаниб Абил чиқди.

— Ҳа, Файби, нима керак сенга? — деди Абил гўё Файбулла унинг қўлидаги нонни тортиб оладигандек шоша-пиша оғзига тиқаркан.

— Икром акага пичоқ чархлатмоқчи эдим.

Абил унинг гапини илғаб-илғамай ортига ўғрилганча Икром аканинг кулбасига қараб бақирди.

— Икром, хей Икром! — У ҳеч кимни сизламасди. Ҳеч кимнинг номини тўлиқ тутмасдиям. Лекин унга ҳамиша яхши гапирадиган беозор Икром аканинг яхшилиги учун истисно тариқасида унинг номини тўлиқ айтарди.— Икром чиқ, сени Файби сўраб келибди.

Икром ака пастак ҳужрасидан буқчайиб чиқди. Файбуллага кўзи тушиб жилмайди.

— Келинг ҳофиз йигит, келаверинг.

— Икром ака, шу пичоқни чархлаб берсангиз, деб келган эдим, — деди Файбулла ошхонага ўғринча кўз ташлаб. Аксига олгандек ошхонада ҳеч ким йўқ эди.

— Бўпти-бўпти ҳофиз йигит, ҳозир дўндирамиз. — Икром ака ошпичоқни кўтарганча ҳужрага кириб кетди.

Ховлида ҳеч зоғ кўринмасди. Ойсулувдан дарак йўқ. Афсус, шундай режаси иш бермайдиган бўлди. Яна қандай қилиб киради-ю, уни қандай қилиб кўради!

Шунда яна Абил чопиб келиб қолди.

— Файби, мен билан отўйин ўйнайсанми?

— Абил, буёкка қара-чи, — деди Файбулла ёнига имлаб, — уйингда ҳеч ким йўқми, дейман?

— Бор, Ойси касал бўлиб қолди. Боши огрийди. Шунга уйда ётибди.

— Менга қара, Абил, касали оғирми?

— Менга қара, Абил, касали оғирми? — дея хиринглаб, унинг гапини такрорлади Абил.

Абилга дўқ-пўписа кор қилмасди. Ўз уйида Файбулла уни урмаслигига чала ақли етарди. Шунинг учун тап тортмасдан уни масхара килаверарди. Агар унинг кўнглини топмаса, унинг айтганини такрорлаб тураверади.

— Абильжон, сенга новвот берайми? — деди Файбулла ўзини меҳрибон кўрсатиб.

— Абильжон, сенга новвот берайми, — дея тўтикушдек унинг сўзларини такрорларкан Абил, бирдан новвот сўзининг маъносини чақиб етди. — Бер! — чинкириб юборди у. — Беравер!

— Аввал Ойсулув нечун касал бўлиб қолганини билib кел, кейин.

— Бўпти, алдамайсанми?

— Йўқ.

— Аввал новвотни кўрсат-чи.

Файбулла эсанкирагандек бўлди. Киссасида новвот тугул унинг урвоғи ҳам йўқ эди.

— Сен билиб кел, кейин кўрсатаман.

— Йўқ, сен алдаяпсан, ярамас Файби! Аввал кўрсатасан!

Шунда Файбулланинг жонига Икром ака ора кирди.

— Ха, ҳофизи ошиқ, буёкка киргин, гап бор.

Файбулла сири фош бўлганидан, бу қайсар тентакка ўқрайиб каради ва хижолат чекиб Икром аканинг ёнига кирди. Икром ака залворли чархни бир қўлида айлантириб, иккинчи қўли билан ошпичоқни унга тутиб учкун сачратганча ишдан қўли бўшамай гапира бошлади.

Тунов куни нафасингиздан ўт чикиб қўшиқ айтга-

нингиздан сезиб эдим. Бу йигитнинг юрагини кимдир ўғирлаб кетган чиқар-ов, деб эдим. У ўғри қизнинг кимлигини ҳақки рост билмас эдим. Кеча билдим. Қандай қилиб дейсизми? Кеча отанғиз сизни Бухорга мадрасага әлтиб қўйишини айтиб эди. Шуни гап орасида бойномога айтиб қўйдим. Уни Ойсулув ҳам эшитди. Ранги бўзариб, титраб кетганини сездим. Мана бугун қўли ишга бормай касал бўлиб ётиб олди. Шунда сизнинг кўнглингизни ўғирлаган ўғри қиз ўзимизнинг Ойсулувимиз экан, деб билдим. Шунака, ҳофиз йигит. Бовангизнинг ёши қайттани билан ернинг остидаги илоннинг чайқалганини сезади. Сизнинг неча марта девор бўйлаб қараганингизни айтайми-е? — У айёrona кулимсиради.

Файбулла қип-қизариб соқов бўлиб ўтиради.

— Хозирги ишингиз ҳам маъқул эмас, — дея сўзи ни давом эттириди Икром ака. Энди пичоқни чархлаб бўлиб, унга ўтирилиб ўтиракан. — Абил бечора хабарчиликка ярамайди. Хозир Боймомо қизининг олдида ўтирибди. Шунинг ёнига шартта боради-да, «Оиси, сени Файби сўраяпти» дейди-қўяди. Буни Боймомо эшилади. Унинг ўзи яхши хотин бўлса ҳам, аммо оғзи бўш. Кўп ўтмай бундан Бойбува хабар топади. Шунда иккалангиз ҳам кўрадиганларингни кўрасизлар. Шунинг учун ўйлаб иш қилиш керак, ҳофиз йигит. — У шундай деганча ошпичоқни Файбуллага тутқазди. Кейин уни кузатиб чиқар экан, астагина шивирлади:

— Буёғидан хотиржам бўлаверинг, сизни бойга чақмайман. Ойсулув ўз қизимдай бўлиб қолган. Сиздай яхши йигит унинг йўлдоши бўлса, мен рози! Кейин вақтини топиб, сизнинг сўраб келганингизни, эртага Бухорога кетмоқчилигингизни айтаман. Ўзи кўриниш берар. Сиз яна бу ерларга келиб-нетиб юрманг. Бойбуваннинг жаҳли ёмон-а!

... Орадан бир неча кун ўтиб Файбулла мударриснинг ваъзхонлигини тинглаб ўтирад экан, унинг баҳтини биттагина икки қарич энлиликтаги девор эмас, минглаб шундай деворлар, олисдан олис йўллар, қанча кишлоқлару маҳаллалар ажратиб турганини хис қилди. Аммо шу икки қарич хижрон девори ортида турган баҳтини кўриш умиди мужмал бўлган, хижрон уни баъзан умидсиз коронгулик сари етаклаган бўлса, энди олис-олисларда қолган баҳти юрагига нақадар якин эканлигини хис қилиб ёришди. Файбулла

бу туннинг узоқ давом этмаслигини, ўзи соғинган тонг Ойсулув қиёфасида ҳәётини равшан ёритиб кириб келишига ишонарди.

## XVI

Файбулла ухлаб ухламади, уйғоқ бўлиб уйғоқ бўлмади. Каракт ва пажмурда ҳолатда ётаверди. Ётиб-ётиб юраги сиқилиб кетди. Ўрнидан турди. Кузнинг ожизги на қуёши аллақачон ётоғига қараб йўлга чиққан. Азим тутнинг улкан сояси шарқقا қараб чўзилиб кетиб, қарийб бутун ҳовлини эгаллаганди. Кун пешиндан оққан. Ойсулув айтган вақт бўлганди. У каловланиб уйдан чиқди. Фотихаҳонага кирди. Оллақулбойдан қолган маҳобатли кўрғонда совук жимлик хукмрон эди. Файбулла томок кирди. Ҳеч ким кўринмади. Фотихага келган охирги қариндош-уруғлар ҳам тарқаб бўлганди, чамаси. Файбулла яна томоқ кирди. Бориб сўрига ўтири. Ичкаридан Ойсулув чиқиб келди, Ойсулув!

У олдинги шўх хилқат. Ойсулув бўлмаса ҳам, бевақт узилган гул янглиғ ҳазон палласига қадам қўяётган бўлса ҳам, у барибир Ойсулув эди! Файбулла, юрагига қўшилиб типирчилай бошлиди. У юрагига бўйсунди. У бутун борлигини қалбининг измига берди. Файбулла Ойсуловни бағрига босди. Буни у олисдан олис чўзилган жижрон туни тугаб, нурафшон висол тонгидавасл қувончидан ўзини йўқотиб, баҳтдан сармаст бўлиб эмас, йўқ, гўё висолнинг хушнаво тонги интиҳосига етиб айрилиқнинг зим-зиё абадий тунига сафар қилаёттиб, видо айтган янглик, унинг дийдорига тўйиб-тўйиб колмоқ учундек қилди. Уни бағрига босар экан, дилида йигилиб тошқотган соғинчли, изтиробли ва яна бир қанча исмсиз туйғулари эриб, кўзларида қайнок-қайнок ёш, мудҳиш воқеаларни башорат қилаётган юраги унсиз йиглади. Бу сафар Ойсулув унинг кўксидан итармади. У ҳам сўнгги бор бу баҳтиқаро йигитнинг дийдорига тўймоқчи эди. У-да, қалбига эркини берди. Бирбирига муштоқ, ҳар иккаласида сўнгги бир неча кун ичида залворли тошлар остида эзилган икки қалб бирбирига туташиб, бир-бирига қўшилиб кетди. Икки ирмок қўшилиб дарё бўлганидек, икки чўғ қўшилиб гулхан бўлганидек, икки ошиқ дил қўшилиб дарё бўлиб оқди, гулхан бўлиб ёнди. Кейин...

... Кейин унсизгина ажралдилар. Бир-бирига инти-

зорли, илтижоли боқиб, бир-бирининг дийдорига тўймай айрилдилар. Мангуга...

— Нега бунча ўзингизни олдириб кўйдингиз, Ойсулов?

— Наҳотки ўзингиз буни англамаётган бўлсангиз?

— Ўлим ҳамманинг ҳам бошида бор. Мол-дунё ҳам бир келади, бир кетади.

— Сиз мол-дунё учун ичи куйиб, шундай бўлган деб ўйлаяпсизми?

— Йўқ, унчалик эмас. Аммо бошингизга тушган ташвиш бир йигитни синдирадиган ғам.

— Ҳа, сиз мени тушунмас экансиз, Файбулла ака!

— Сизга энди тушунаман. Сизга шерик бўламан.

Сизни бир зум ҳам ёлғиз кўймайман!

— Йўқ. Энди кечикдингиз. Биз бирга бўлолмаймиз.

— Нега унақа дейсиз, Ойсулов? Бошимизга тушган ташвиш пешонамиэда бор экан. Тақдиримиз бир бўлса, ғамимиз ҳам битта бўлади.

— Йўқ. Бизнинг тақдиримиз бошқа-бошқа тушди.

— Менга тушунтириброқ айтинг ахир!

— Сиз олдин мана буни олинг. — Ойсулов тўрт буқланган қофозни Файбуллага узатди. Фақат... Фақат, мен айтмагунча буни очманг. То мен айтмагунча очмасликка ваъда беринг. Майлими?

— Майли, Ойсулов. Сиз нима десангиз шу!

— Энди шуни қулогингизга қуиб олинг. Мен сизга муносиб эмасман. Бахтингизни бошқа жойдан қидиринг.

— Нималар деяпсиз, Ойсулов! Мен сизсиз нима қиласман?!?

— Мени унутинг! Менсиз ҳам яшаш мумкин-ку!

— Йўқ!! Сизсиз яшашим мумкин эмас!

— Файбулла ака, ўзингиз ақлли йигитсизку, мени бунчалар қийнаманг энди.

— Сиз... сиз нега мени бунчалар қийнайапсиз.

— Файбулла ака мени яхши кўрасизми?

— Наҳотки, ўзингиз буни билмасангиз!

— Агар яхши кўрсангиз, кетинг бу ердан. Мени унутинг!

Ойсуловнинг кўзларида ёш қалқиди. Шошқатор томчилар унинг оппок юзидан думалаб туша бошлади.

— Файбулла ака, мен ҳам сизни яхши кўрардим! Шунинг учун ҳам сизни ташлаб кетаяпман! Алвидо! Энди борақолинг. Колган гапни кейин гаплашамиз.

У шошганча орқасига ўгирилиб, тез-тез юриб ичка-рига кириб кетди.

Файбулла ховли ўртасида серрайиб қолди. Тақдир-нинг бу зарбаси энди уни қаловлантириб, эсанкиратиб кўйганди. Юраги бўм-бўш хувиллаб қолди, ҳамон қулоклари остида Ойсулувнинг сўзлари жарангларди. «Файбулла ака, мен сизни яхши кўтардим! Алвидо! Алвидо! Алвидо...» Унинг кўзларида қайнокдан қайнок, заҳардан ҳам аччик икки томчи кўзёш пайдо бўлди. Юзлари ни ювиб, юмаланиб кўксига томди.

Файбулла ерга сингиб-сингиб уйига қайтди. У юз берган ҳодисани ҳеч ҳам ҳазм қила олмас, тушунгудек аҳволда ҳам эмас эди. Юрагидаги энг азиҳ нарсасини ўғирлатиб кўйгандек чўкиб қолди. Энди Ойсулув йўқми?! Энди Ойсулувдан айрилдимми?! Энди унга етдим деганда айрилиб қолаверадими?! Нега?!

Яна уларнинг орасига девор тушди. Унча-мунча эмас, даҳшатли қўл етмас девор. Ундан ошиб ўтиб ҳам бўлмайди. Мўралаб ҳам бўлмайди. Унинг ортида бечора баҳти етимдек қолаверади. Бу девор то киёмат қадар икки дилни бир-биридан айри қилиб, мустаҳкам тургувчи борлик ва йўқлик ўртасидаги девор эди.

Файбулланинг жисмигина уйига қайтди. Зилдек оғирлашиб кетган лошини судраб яна хонасига кирди. Ўтган барча воеа унинг даҳшатли босинкирашида бўлаёттандек эди. Бунинг ҳаммаси туш! Ҳозир бориб ухлайди. Шу билан тонгда уйғонади. У уйғонгандан атроф гўзал тонг оғушида бўлади. Ойсулув тонгдан-да гўзал бўлади. Унинг бу ола-чалпоғ, тушидаги кўрганлари ҳаммаси унутилади. Дунё ҳам, тонг ҳам, Ойсулув ҳам бошқа бўлади. Бошқача!

Файбулла хонасига кириб кўрпача ташлади.

... Тур! Турсанг-чи, ахир. Бу не ётиш! — Ўшқирди Жумабек. — Турсангчи, эй нотавон банда. Сени изламаган жойим колмади.

— Нега келдинг, қачон келдинг? — эсанкираб шоша-пиша сўради Файбулла.

— Сенинг қўшиқларингни соғиндим.

— Энди мен қўшиқ айтмайман.

— Бўлмаса биттагина ғазалингдан ўқиб бер.

— Мен ғазал ҳам битмайман энди.

Жумабек ҳайрон-ҳайрон термилиб, ўкиниб-ўкиниб уйдан чиқиб кетди.

Кейин бир иблисона важоҳатли одам кирди.

— Сен ётавер, — деди у тишларини иржайтириб. — Сенга хозир ишим йўқ. Буни бўлганимдан кейин сени уйғотаман.

Унинг қўлларида конталаш гўшт бўлди. Йўқ, йўқ. Бу гўшт Жумабекнинг боши бўлди. Бош бирдан кўзларини очиб гапира бошлади.

— Сен тур ўрнингдан! Коч! Бу дев Соли Сардор! Ойсулувниям олиб коч! Соли Сардор дев бўлди. Бошида иккита шохи, тишлари сўйлов бўлди. Қўллари коп-кора узун бўлди. Қўллари қонли бўлди.

— Сен мендан қутула олмайсан! Ойсулувингни энди кутқара олмайсан!

Уни аллақачон мен еб бўлганман!

— Сен ҳар доим кечикиб юрасан. Ҳар доим сен бола кечикасан! — деб нола қилди девнинг қўлидаги бош. Бу бош энди Жумабекнинг боши эмас эди. Оллоқулбойнинг қонли катта калласи эди, у.

— Тур, турақол энди, Файбулла! Қизимни қутқар! Уни қутқара қол, энди!

Файбулла ўрнидан турмокчи бўлди. Оёқ-қўли ерга михлангандек, «қилт» этмади. Қовоклари тош янглиғ оғир бўлди.

Дев ҳамон хонада тимирскаланиб юраверди. Унинг оёклари тўртта бўлди. Қўллари-да шунча бўлди. У не-нидир излади. Хонада узала тушиб ётган Файбуллага эътибор ҳам бермади. Уни, сен кимсан демади. Ўз уйидагидек бемалол юраверди.

— Бўлди, Ойсулув учеб кетди, — деди Оллоқулбойнинг қонли боши. Бўлди, ҳаммаси тугади. Сен гафлатда қолдинг. Сен яна кечикдинг.

Шунда Дев қандай келган бўлса бир зумда шундай йўқолди. Конли бошлар ҳам ғойиб бўлди. Кулбага аллақаерданdir бир сирли нур инди. Кулба ёришиб кетди. Оппок кўйлагидан ойдин нур таратиб Ойсулув кириб келди. Юриб эмас, фаришта ҳавода сузиб келди.

— Хайр, Файбулла ака, — деди Фаришта. — Мен кетдим. Мен кетяпман.

Ойсулув хонадан охиста учеб деразадан тушаётган ой нурларини аргамчи килиб ўйнаб, тўлин ой томонга парвоз қилди. Кумушранг нурлар бу билан ўйнашиб, қувлашиб учдилар. Ойнинг хира кумушранг, васвасали нурлари Ойсулувни бағрига олди. Ойсулув ойга қўшилиб кетди.

— Кетма, — дея хириллади Файбулла. — Кетмаа! — дея ҳайкириб юборди.

Унинг овози акс-садо берди. Овози тун бағрида сурчалингандек жаранглаб кетди.

Файбулла ўзининг овозидан ўзи уйғонди. Юзига тўлинойнинг кумушранг сири жилвакор нурлари тушиб турарди.

— Ойсулув! — деди у ойга қараб.

— Ойсулув! — деди ойда Ойсулувнинг аксини кўриб.

У ойга яқин бўлгиси келди. Томга чикди. Ойга маҳлиё бўлиб термулганча томда юра бошлади.

— Ойсулув, — дея пичирлади. — Мениям олиб кет ойга! Олиб кета қол!

Шунда қўшни ҳовлидан аёл кишининг бўғиқ фарёди эшитилди.

— Ойсулув болаам! Жуванмарг бўлган болаам!

Аввал Ҳасан aka уйғонди. Қўшнисиникига ютурди. Кейин қайтиб келиб, хотинини уйғотди. Иккаласи шошапиша ойнинг ёруғида янада бадваҳима бўлиб, кўринаётган маҳобатли кўрғонга кириб кетишиди.

— Ойсулув ўзини осиб қўйибди, — деди йўл-йўлақай Ҳасан aka. — Борсам осилиб турган Ойсулувнинг сёёкларидан қучоклаганча кампир уввос соляпти. Арконни кесиб, уни ётқизиб келдим. Сен бориб кампирни тинчит.

Улар Оллақулбойнинг худо қарғаган бу ҳовлисига келган балонинг ҳаливери тугамаётганлигидан нолиганча Ойсулув ётган хонага кириб кетдилар. Том устида ойга илтижоли мўлтираб ғўлдираб турган Файбуллани ҳеч ким пайқамади. У тонгда, ойнинг нурлари хиралашаётган қўшни ҳовлида бўғиқ йиғи овози яна қайталаб, онаизор фарёди кўкка ўрлаган, унга бир-икки қўшниларнинг овози жўр бўлган пайтда ҳушига келди.

— Ойсулув болам, ҳур келиб кетган фаришта болам! Жувонмарг бўлган болам!

Бир неча кундан бери бало-ю офат замбараги шумуштипар содда дўлвор ва анойи хотиннинг рўзгорини нишонга олиб, кетма-кет форат қилгувчи ўқларини йўллаётганидан акли-хушидан айрилиб, телбаёна тусга кириб бораради. Охирги умиди, суюнчиғи Ойсулувнинг хам бу дунёдан хайр-маъзурсиз тарқ этишини у кўтара олмадио Ойсулувнинг тобути елкаларда лопиллай бошланда, у бор кучини бир марта аччик фарёд урдида шилқиллаб қулади. Шу йиқилганича қайтиб турмади.

Ойсулувнинг ойдек танасини совук тупроқ қучганининг учинчи куни кўзини-да очолмай, бир оғиз сўз-да айтольмай эри ва қизи ортидан ўзи ҳам йўлга равона бўлди.

Бу фожеаларни кутилмаган совуқконлик билан кутуб олган ягона одам Файбулла бўлди. Ахли қишлоқ Оллоқулбойни ёмон кўтарди. Баъзиларнинг уни кўришга кўзи, отишга ўки йўқ деса ҳам бўларди. Аммо, бу хонадон тақдирининг бехос берган бир зарбасидан кунпаякун бўлганини, ҳаммасига кирон теккандек бирин-кетин ўлиб кетаверишганини, худо қарғаган сўппайиб биргина бечора Абилнинг ўзи қолганини кўриб ҳамма баравар ачинди. Ҳар сафар, орадан уч кунни ўтказиб қўргондан чиқиб турган тобут, унинг душманларининг ҳам қалбини эзиб юборди. Уларнинг-да мижжасида ёш қалкиди. Фақатгина Файбулла жим эди. У ҳамма нарсани унутди. Унинг таъсирчан кўзларини лоқайдлик пардаси қоплаган эди. Катта-катта қора кўзларида хеч нарсани англаб бўлмайдиган совук сукунат ҳукмрон эди. Үйқусиалик касалига мубтало бўлиб, тунлари томматом изғиб тўлин ойга қараб нималарнидир ғўлдирагани-ғўлдираган эди. Унинг ягона ҳамсұхбати бечора гирт етим қолган Абил эди. Иккаласи ойга термулганча бирбирининг пинжида тонг оттиарди.

— Файби, қара, — деди Абил жужжикканча. Қара, Ойси ҳалинчак учяпти. Кўряпсанми? Менинг ҳам учгим келяпти.

— Менинг ҳам бу ерлардан олисга кетгим келяпти.

— У ер оппоқ, оппоқ. Бу ер эса коронфи. Мен кўрқаман. Файби, қараби у ерда отам ҳам борми?

— Йўқ, у ерда отанг бўлмайди. У ерда фақат Ойсулув бор.

— Майли, отам бўлмасаям майли. Ойсига боргим келяпти.

— Кетамиз. Бир куни Ойсулов келиб бизни олиб кетади. У ҳалинчак учганда иккаламиз тебратиб турмиз. Уёққа-буёққа, уёққа-буёққа. — Файбулла кўлларини тебратиб, ҳалинчак учган хиёл қилди.

Кейин Файбулла аллақандай сўник, юракни титратиб юборадиган даражада маҳаун қўшикни ҳиргойи қила бошлади. Қўшик шунчалар маъюс охангларда айтиларди-ки, ҳатто унинг сўзларини илғаб олиш маҳол эди. Бу етим қолган юракнинг аччиқ айрилиқ ноласи эди. Файбулланинг бу гиряси ойдин тунда, олис-олисларгача учиб борар, эшитган одамнинг беихтиёр кўзла-

ри намланиб кетарди. Күшик энди авжига чиққанида бирдан узилади. Абил ҳиқиллаб йиғлаб юборади. Абил ичикиб-ичикиб узоқ йиғлайди. Тўлин ой ҳам аста-секин ботади. Энди осмонда иккаласи қиласиган иш қолмайди.

— Ойси кетди, — деди Абил хўрсиниб.

— Ҳа, кетди, яна қачон келаркан, — деди Файбулла ҳам ҳазин товушда.

Элда Ҳасан аканинг ҳофиз ўғли савдойи бўлиб қолибди, деган гап тарқайди. Аллаким унга кўз тегди, боя-кишнинг булбулдек овози бор эди, деб ачинади. Яна кимдир бойнинг қизини яхши кўраркан бечора шунча куйиб телба бўлиб қолибди, деди. Оғзига кучи етмаган яна бошқа бири уларнинг ўзининг наслида бор. Ҳасан боғбоннинг амакиси ҳам шундай, бироз девонароқ эди, деб пихиллаб кулиб кўйди. Эл барибир элда. Унинг ичиди яхши ҳам, ёмон ҳам бўлади.

Ҳасан аканинг боктиргмаган табиби, қаратмаган азайимхони мулласи қолмади. Файбулла ўн-ўн беш кун туппа-тузук бўлиб юрар, аммо ой тўлиб ойдин тунлар бошланганда унинг васвасаси қўзир, туни билан томматом кезиб тонгда яна афтодаҳол, ўзини ҳам бошқара олмайдиган нотавон бир бечорага айланиб қоларди.

## XVII

Нашванқул келмади. Жумабек эрта тонгда уста Шарофни кузатиш баҳонасида, аслида эса Нашванқулдан хабар олиш, уни огохлантириш учун Турсунқулни жўнатди. Кўлига кечаги халтачани берди. Уни Нашванқулга беришини, яна бир кундан кейин куролларни етказишини тайин айтишини буюрди.

— Зинҳор унинг жаҳлини чиқарманг. Иложи бори-ча тинчлик билан иш битиришга кўндиринг, — деб қайта-қайта уқтириди.

Бу Турсунқулга ёқмади. Унингча димоғидан эшак-курт ёғадиган Нашванқул деган калтафаҳмнинг таъзирини бериб қўйиш керак эди. Бошқаларга ўрнак бўларди. Бекни хақорат қилишга журъат қилган кас бежазо қолмаслиги керак. Яна ким билади. Бекнинг ҳам бир билгани бордир-да. Турсунқул ичидаги уйлаганини тилига чиқармади. Ўз одатicha бир сўз демасдан буйруққа бўйсунди.

Жұмабек уста Шарофға ўн кун ичидә хабар олиши-  
ни тайинлаб йўлга кузатди.

Нашванқулнинг ховлиси анчагина кенг-мўл эди. Аммо  
уй жойни саришта курмасдан, дуч келган жойга қуриб  
ташлаган омборхона-ю, қазноқ, сайисхона, молхона ва  
шунга ўҳшайдиган керакли-кераксиз иморатлар ховли-  
ни анчагина беўхшов, тор ва кўримсиз қилиб кўрсатар,  
уй эгасининг анчагина бефаросат ва дидсиз эканлигини  
яккол намоён этиб турарди. Пастак, нураган деворга  
ўрнатилган баланд, нақшинкор дарвоза унинг яқиндан  
бошлаб бойиганини, пул кутиртира бошлаган, ўта кек-  
кайма димоғдор эканлигини ҳам айтиб турарди.

Турсунқул дарвозани коқди. Пастак девор отининг  
белидан ҳам келмас, новча гавдаси билан у ховлини  
бемалол кўриб туради.

Ичкарида шовқин-сурон кўтариб бир тўп бола ўй-  
нарди.

— Ҳов Нашванқулбой, — деб овоз берди.

Болалар бир ўгирилиб қарашиб-ю, бирок бунақа  
нотаниш одамнинг келиши улар учун янгилик эмас ше-  
килли, унчалик қизиқиш уйғотмади. Яна шовқинда ўйин-  
ларини қайтадан бошлаб юбориши.

— Ҳов бола, қани, бўёкка кел-чи, — деди Турсун-  
қул болаларнинг салгина каттарофини ёнига имлаб.

Бола ўйиндан қолганига норози бўлиб отлиқка бир  
ўқрайди. Аввал, борсамми ё йўқми дегандек бироз ик-  
киланиб турди. Тунов куни худди шундай отлиқнинг  
унга танга бергани эсига тушди. Ўша тангани йўқотиб  
кўйган эди. Буниси ҳам берар, деган умидда, бурнини  
тортиб, чанг-чунг иштончасини чала-чулпа қоқиб, кем-  
шик тишлирини кўрсатиб илжайганча унинг ёнига кел-  
ди.

- Нима дейсиз?
- Кимнинг ўғлисан?
- Нашванқулнинг.
- Отанг уйдами?
- Ҳа, уйда.
- Бўлмаса уни чақир
- Йўқ, отам чиқмайди.
- Нимага чиқмайди?
- Уйда одам бор.
- Бўлмаса мени отангнинг ёнига олиб бор.
- Йўқ, отам уришади.

— Ундаи бўлса энангга айт, бориб отангга уйга меҳмон келиби десин.

Бола бироз ўйланиб турди.

— Сизда танга борми, амаки? — деди дубдурустдан.

— Бор.

— Беринг, кейин онамни чақираман.

Турсункул бу мушдай боланинг пухталигидан завқланиб кулди. Ҳарна қилсаям Нашванкулнинг боласида, деб қўйди ичиди. Чўнталигидан бир чақа олиб болага ташлади. Бола чаққонлик билан уни ҳавода илиб оларкан уйига қараб ҳайкирганча шаталоқ ота кетди.

— Энааа, эна!

Нашванкул анчагина ҳаяллаб чиқди. Меҳмонхонадан чикибок отлик Турсунқулнинг дароз гавдасига кўзи тушиб юраги шув этиб кетди. Мулла Жуманинг содик хизматкори унинг дарвозаси олдиди туриши яхшиликка эмаслигини ҳис этиб сархушлиги ҳам тарқаб кетди. Аммо, буни юзага чиқармади.

— Келинг, Турсункул, отдан тушиб ичкарига киринг, — дея меҳмонноввозлик кўрсатган бўлди Нашванкул.

Турсункулни зимдан қузатаркан, унда ғайриодатий ҳолни, ёхуд ғазабланиш, қасос истагини кўрмади. Кўнгли бироз хотиржам тортиб, меҳмонхонага бошлаб кирди.

Турсункул меҳмонхонага салом бериб кирди. Пойтакда ўтирган бир ёшрок йигитдан бошқа, ўтирганларнинг ҳеч бири унинг саломига алик ҳам олмади. Ҳатто, ким келди, деб қайрилиб ҳам қарамади. Тўрда ўтирган туркмани телпак кийиб, иягининг остига соқол қўйган одам ёнбошлаганча чилимни шақирилатиб сўрар, ёнидаги оқ юзли хўппа семиз киши оғзи-бурнидан паға-паға тутун қайтарганча, нималарнидир уктиради. Бу иккаласи ҳам Турсунқулга нотаниш эди. Аммо, сиз билан биз бу туркманбашара кишини яхши таниймиз. У Соли Сардорнинг содик ўнбошиси Курбондурди эди. Аммо, унинг ёнидаги хўппа семиз кишини биз ҳам таниймиз.

Бу одам ёшлигига Амир Абдулаҳадхоннинг баччаси бўлган деган гаплар юрарди. Шунинг учун ҳам уни кўплар оркавотдан Садирбачча деб аташади. Аслида, яхшигина молу давлати бўлгани учун Садриддинбоявачча номини олган бўлса-да, унинг арпа дўқидан кўркмайдиган чапанилар бойвачча лақабини сал ўзгартириб, «бой бача» ҳам дейдилар. Ўзи бу ерлик эмас.

Баччаликдан бўшаганидан сўнг валиаҳд ҳузурига Каршига келиб ўрнашиб қолган. Валиаҳднинг ишончига кириб, яхшигина мол-мулк ҳам қилиб олган. Ер-сув килган. Бир неча дўконли бойвачча бўлган Абдулаҳадхон вафотидан кейин, валиаҳд Олимхон Бухоро тахтини эгаллади. Шундан кейин Садирбачча ҳам яна Бухорога боради. Аммо, барибир у Каршига қайтиб келади. Узункулоқ гапларга қараганда Амирнинг ўзи Садирбаччани Бухородан хайдаб солган экан. Бир неча ой у хеч кимнинг кўзига кўринмай ҳовлига камалиб ётади. Амир ғазабидан тушиб, баччани унутиб юборган шекилли, уни ҳибс қилишга одам келмайди. У шундан хотиржам бўлиб, яна савдо ишига шўнгийди. Унинг сотмайдиган нарсаси йўқ эди. Аллақаерлардан антика нарсаларни топиб келар, унинг тижорати яхшигина даромадли эди. Бу муваффакиятларини кўролмаган баъзи бир маҳаллий савдогарлар фийбат қилишардими, ё бўлмаса ўзи ҳам шундай виждонсизми, бу факат ёлғиз Оллоҳгагина маълумдир, аммо у хақда Каршида шундай гап оғиздан-оғизга кўчиб юрарди: «Садирбачча, пул учун ўзининг хотинини кўшишдан ҳам тоймайди».

Кейинги пайтларда Нашванқул шу Садирбачча билан ҳамтовоқ бўлиб шерикликка ишлаб яхшигина даромад топа бошлиган эди. Жумабекка ваъда қилган куроляроғни шу Садирбачча етказиб берётган, у эса пуллаётган эди.

Боя пойгакроқда ўтириб Турсунқулнинг саломига алик олган ёш йигит эса Курбондурди ўнбошининг хос йигити бўлиб, унга ҳамроҳлик қилиб келганди. Улар Нашванқулнинг уйига Соли Сардорнинг топшириғи билан курол олиш учун келишган эди.

Турсунқул бу нотаниш, бадқовок ва беписанд одамларнинг даврасида ўзини бегона ҳис этди. Игнанинг устида ўтиргандек, нокулай бўлди. Бир коса шўрва келтириб кўйишди. Шўрвани ичиб бўлди ҳамки, Нашванқулдан дарак бўлавермади. Тўрдаги иккала меҳмон ўзаро пи chirлашиб сўзлашар, навбатма-навбат чилимни сўришларидан хонани аччик тутун ва яна бир қанча ёқимсиз ҳидлар аралашмаси ҳавони оғирлаштириб кўйган эди.

Нашванқул кўлида бир кўзача кўтариб кириб келди ва Турсунқулнинг рўпарасига ўтирди. Унда олдинги меҳмоннаввозлик, озрок ҳадик ҳислари йўқолиб, энди

ўзини сурбетларча, суллоҳларча тутарди. У, нега келдинг, деганча Турсунқулга савол назари билан қаради.

— Ўша кунги гап бўйича Бек, мени сизга юборди. Мана буни унугиб қолдирган экансизми? — дея унга ўша кунги қопчиқни берди. — Ўтган гапга саловат Нашванқул ака, — деб босиқлик билан гапини давом эттириди Турсунқул, гарчи ич-ичидан ғазаблана бошлаган бўлса ҳам. Ўша кун сиздан ҳам, Бекдан ҳам ўтди. Гина-кудратни унугтайлик, пулни олсин-да, қуролни етказ-син, кечикканини ҳам кечираман, деб айтиб юборди Бек.

Нашванқул олдин Мулла Жума деб машхур бўлган йигит билан ҳамсұхбат бўлмаган эсада, аммо таърифи-ни кўп эшиганди. Ўз гапига кўнмаганни кечириб ўтири-майдиган, керак бўлса, уни бешафқатларча жазолаш-дан ҳам тоймайдиган, кон тўқавериб кўзи пишиб кет-ган, бир худонинг ғазаби эканлигидан чўчиганди. Би-роқ, унинг уйидаги кенгаш йиғинда Мулла Жума деганлари ҳали эндиғина оғзидан сарир кетган, ёшина йигит эканлигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлган, унинг гапига кўнмаслиги бу ёқда турсин, у билан гап тала-шиб, хатто, ҳакорат ҳам қилганди. Агар элнинг оғзида юрган гап-сўзлар рост бўлса, Мулла Жума деганлари ўша ернинг ўзидаёқ гумдон қилган бўларди. Мана, у ҳамон тирик. Мулла Жума деган валломат эса унинг олдига одамини жўнатиб яраш таклиф этяпти, демак, эл уни ошириб-тошириб мақтаган. Тўртта келгинди қароқчидан молни қайтариб олиб келишни ҳаммаям уд-далаши мумкин. Яна бунинг кечирдим деб кариллаши етмай турувди. Худога шукур, Нашванқул ҳам кўчада колганлардан эмас. У бой номини хор қилиб, айтган сўзини қайтиб олиб, бир бекман деб шовқин солаётган тирранчанинг олдига бошини этиб боравермайди. Мана ёнида бутун Қаршига донғи кетган, манаман деган Са-дирбойвачча, яна Соли Сардор деган замона зўрининг уруш кўрган ўнбошиси турибди.

... Тез келган давлат кўзини кўр, димоғини баланд қилган Нашванқул, Мулла Жума дегангага йўқлиқса сич-қоннинг инини кирқ тангага олиб ҳам кутила олмайди-ган аёлмижоз бойваччага ва бир-икки қароқчини орқа қилиб, Мулла Жумага ракиб бўлиш, ўз қўллари билан ўзига гўр қазишга тенг эканлигини сезмади. У ўзини Мулла Жума деб атаган ҳавоий мақтанчоқни икки дунёда

хам тан олмаслигини күэз-күэз қилгандек, шойи пар-  
ёстиқни құлтиғига тортиб беписанд ёнбошлади.

— Яна нима дейди, ўша бекваччант! — дея вишил-  
лади.

Бу Тунсунқулнинг сүяк-суягидан ўтиб кетди. Наш-  
ванқулга совук қаради. «Бу галварснинг куни битган  
кўринади!» — хаёлидан ўтди унинг.

— Ёшми, қарими, Мулла Жума барибир элга бек-  
лик қиляпти. Таёқни тик қилиб қўйиб ҳам, бек шудир  
деса, унга бўйсунмоқ керак. Сизнинг бу дағдагангиз  
ноўрин, Нашванқул ака!

Кейинги бир-икки йил ичида чапараста пул топа  
бошлаганидан кейин, Нашванқул ўзининг исмидаги  
«қул» қўшимчасидан жирканга бошлаган, унинг исмини  
тилга олган кас охирига «бой» қўшимчасини қўшмаса  
унинг фазабига дучор бўларди.

— Менга қара, бекман деб кариллаётган бир тир-  
ранчанинг кули! Нега ҳадеб менга кул, кул деявера-  
сан?! Аслида ўзинг кул, мен бойман, бой! Энди айтчи,  
менга, шу исқотингда қанча бор? — дея у бояги коп-  
чиқни кўрсатди.

— Тунов куни ўзингиз битталаб санаганингиздан  
бир чақа ҳам кам эмас.

— Менинг эсимда йўқ. Қанча бу?

— Бир юз олтмиш беш танга.

— Бу кам. Уч юз танга олиб келасан, кейин сента  
молни бераман.

— Нега бунақа, бой. Сиз айтган нархни ортиғи би-  
лан олиб келдим-ку?

— Ўша куни муллаваччант билан келиша олмадик.  
Шунга нарх икки баравар ошди. Сен гапни кўпайтир-  
май шошил. Эртага пулни тўғрилаб, молни олиб кетма-  
санг, кейин минг танга бериб ҳам ололмайсан.

Нашванқул хохолаб кулиб юборди. Унга Курбон-  
дурди билан бойвачча ҳам бири хик-хиклаб, бири қиҳ-  
қиҳлаб қўшилди. Турсунқул, сенлар нега иржаясан,  
дегандек олайиб қаради.

— Бу дейман, бой, сизницидан инсоф деганлари ҳам  
этагини силкиб кетганга ўхшайди-а?

— Менга қара, қулвачча, менга бу ерда инсоф-диё-  
натдан насиҳат уқмоқчимисан?! Унда тушунгни бориб  
сувга айт. Ёқмаётган бўлса ана пул сенда мол менда.  
Уни сенсиз ҳам сотаман! Ана, оларман ҳам топилади, —  
деб Курбондурдига қараб қўйди.

Курбондурди чекаётган чилимини күйиб, чордона куриб ўтириди. Нашванкул уни ўзига орқа билиб гапи-раётганини сезиб, тўйган хўроздек бақбақасини шишириб бўйини чўэди.

— Оларман бўлсанг ол-да, энди. Нима қиласан гапни кўпайтириб. Бўлмаса минг тилла бўлсаям мен оламан. Соли Сардор яхши курол билан яхши отдан ҳечам пулини аямайди.

— Ие, меҳмон, сизни туппа-тузук одам десам, менданам баттар бир қул экансиз-ку!

— Овозингни ўчир, бўлмаса бошингни сапчадек узиб ташлайман! — деди юзига қон телиб Курбондурди. Чамаси Турсункулнинг гапи нишонта текканди.

— Узингни бос, меҳмонсан. — Бўлмаса, ҳозир ўзим билардим! — Турсункул косовдек қоп-кора ва узун қўллари билан елкасидан босиб кўйди. Жангари хўроздек сапчишга ҳозирланаётган Курбондурди елкасига теккан улкан панжанинг залворини хис этиб, ўзига бўридек тикилиб турган бу кора найновнинг тили билан бирга қўли ҳам зўрлигини тан олди. Бўшашиб қолди. Олдинги дағдағасидан асар ҳам қолмади.

— Бой, мен сизникига жанжал қилиш учун келганим йўқ, — деди Турсункул яна ўзини босиб олиб. — Аксинча аразни, унутиш, дўст бўлиш, яна савдони битириш учун келгандим. Бекка нима деб айтай? — У туришга чоғланди.

— Бегинг айтгандек, менинг ҳам гапим-гап! Уч юз тангани олиб кел-да, эртадан қолдирмай олиб кет. Ҳаммаси тахт. Ма, бунингни ҳам ол. — Нашванкул унга қопчикни узатди. — Тўлик килиб олиб келасан.

— Йўқ, бу сизда тура турсин. Камини бекнинг ўзи олиб келади. Хайр, бўлмаса.

— Турсункул, бегинг бу ерга келиб юрмасин. Элни усиз ҳам бошқара оламиз. Яна, жонидан умиди бўлса, бундан кейин катта гапирмасин. Молни олиш учун ўзинг кел. Анави бекваччанг қорасини кўрсатадиган бўлса уриб ёғини синдираман. Ҳа, шундок қил! — Навшанкул ўзининг галига ўзига нашъа килиб кулди. Бу сафар унга факат Садирбаччагина қўшилди. Курбондурди эса кулмади. У қандайдир мудхиш воеанинг ҳидини олгандек безовталаниб ўтиради. Турсункул аёлмижоз бойваччага яна бир бўриқарашиб қилди-да, Нашванкулга охирги гапни айтди.

— Агар бугун уйга қуролни олиб бормасанг, бекни эртага кутавер, албатта келади!

— Келсин, келаверсин, кафанини бошига салла қилиб келаверсин.

Турсункул шаҳд билан чиқиб кетди. Бироздан кейин эса човига қамчи еб аччик қишинаганча чопиб кетаётган отнинг түёк товушлари эшитилди.

— Бу бек, бек дейди, унинг мақтовли беги ким ўзи, бой? — Садирбойвачча семиз юмалоқ корнини осилтирганча ёнбошларкан, Турсункул кетгандан бери чўзилаётган жимликни биринчи бўлиб бузди.

— Э, нимасини айтаман, бир мақтанчоқ бўзболада. Хали уйлангани хам йўқ.

Чиранишдан нарига ўтолмайди. Тунов куни ўзининг уйида уни бўралатиб сўккандим, шунга қулини жўнатибди, кўрмайсизми, ярим соатдан бери бошимни қотиради, энағар!

— Ха, сиз хам анойи эмас, уни роса шилдингизку, — бойвачча қих-қиҳлаб кулди. — Ўзи хозир саксон милтиқка пул бериб кетди. Яна шунчанинг пулини талаб қиляпсиз. Ўшаниям олиб келса қанча милтиқ бerasiz?

— Йигирма беш милтиқ, бешта тўппонча, яна озрок ўқ-дори бераман.

— Ҳақиқатан анави, қора тўғри айтди. Сизда инсоф йўқ экан.

— Устозим сиз бўласиз-да, Садриддин aka! — Нашванкул яна қаттиқ хохолаб кулди.

Курбондурди яна уларнинг қулгисига шерик бўла олмади. Унинг кўнгли бир нарсани сезгандек безовталанарди. Юраги сиқила бошлади. Тезорқ кетгиси келди.

— Бой, хозир қанча қуролингиз бор? — деди Курбондурди улар кулишиб бўлганидан сўнг.

— Нимайди?

— Керак-да.

— Ўттиз бешта милтиқ, йигирмата тўппонча, тўрт кути патрон, — деди Нашванқулдан олдин Садирбойвачча.

— Шуни менга беринг, кетишим керак. Ўёқда Соли Сардор кунига эллик марта онамни йўқлаб ўтиргандир.

— Сиз бунча шошаверманг, Курбондурди. Ўзи бугун келиб бугун кетасизми. Бир-икки кун меҳмон бўлинг, борасиз-да, шу сардорингизнинг олдига.

Йўқ, бой, раҳмат. Шошилмасак бўлмайди. Бизга қуролни беринг, эрта кунни кеч қилмай кетайлик.

— Энди, Курбондурди, мен ҳозир Турсунқулга лафз қилдим. Агар эртага пулни олиб келса-ю, мен унга қуролни топиб беролмасам, нима деган одам бўламан. Эртагача сабр қилинг, келмаса шу қурол сизники. Агар келса, сиз яна бир кун меҳмоним бўласиз. Мана, бойвачча акамнинг одамлари эртамас индин яна шунчани олиб келишади.

## XVIII

Негадир куни бўйи Жумабекнинг хаёлидан Файбула кетмади. Юрса ҳам, турса ҳам унинг гап-сўzlари, жарангдор товуши қулоқлари остида эшитилиб турди. Мана шундай серташвиш кунларда Файбулланинг ўрни билина бошлади. Жумабек ҳали, тажрибасиз ёш йигит. Тўрт йиллик мадраса таҳсили унга илм ўргаттган бўлсада, элни қандай бошқаришни, турли-турлик одамларнинг кўнглига кай йўсин йўл топишни ўргатмаганди. Бу ишни бирор бирорвога ўргатмайди. Бирорнинг ўргатгани бўлмайди ҳам, шундай пайтлар бўлади-ки, фақат ўзингга, ўз тажрибангга, ўз ақлингу билак кучингга ишонишинг керак. Элга беклик қилиш учун кексалар тажрибаси-ю ёшлик куч-ғайрати, дунё кўрган ўрта яшар кишининг ақлу-фаросати керак бўлади. Жумабекда эса, ғайрат ва шижоат керагидан ҳам ортиқ топилади, акли хушидан ҳам нолимайди, аммо тажриба йўқ. Баъзан иши унмаётганидан жунбушга келади. Сабр билан мунтазам мақсад сари қадам қўйишига чидами етмайди. Негадир, хеч нарсага улгура олмаётгандек, шошади. Юрак ёриб дардлашадиган одами йўқ. Жамол Элбеги аёл киши. Уни тушунмайди. Жумабекнинг ҳар қандай режасидан, қилаётган ишидан бир ожизрок нуктани топади. Кейин эса куни бўйи уни койиб, жавраб юради. Турсунқулнинг унга ихлоси баланд. Жумабекнинг ҳар қандай галини маъқуллашга тайёр туради. Берган топширикни аъло қилиб уddeлайди. Аммо, ундан маслаҳатли гап чиқмайди.

Корабоғлик Шомуродбой эса доно, баъмани эл кайвониси. Ундан ақлли ўйтлар, маслаҳатлар эшитиш мумкин. Бирор уларнинг ёшидаги каттагина фарқ очилиб гаплашишига тўскинлик қиласи. Жумабекнинг бесабрлиги, чуқур ўйламасдан бир қарорга келиб кетавери-

ши, бироз ховлиқмалиги Шомуродбойга, Шомуродбойнинг эса кексаларга хос эҳтиёткорлиги, бир масала юзасидан керагидан кўпроқ ўйлаши, таваккалига иш кўришини хушламаслиги Жумабекка ўтиришмайди.

Ана шундай ўзи билан ўзи қолган беҳаловат кунларда Файбуллани кўмсайди. Тўғрисини бетингга айтадиган бу шоиртабиат йигитнинг ўрни такрор-такрор билинаверади.

Айтганча, унинг Шомуродбойга бироз уруғлиги ҳам бор эди, чамаси. Ха, улар олдин бир кишлоқда яшашган. Кейинроқ Шомуродбой, Худойбердибой ва Сафобойлар Қашқадарёning қуий оқимидағи ўзларининг қадимий масканларига бутунлай кўчиб келишган. Аммо, бу кишлоқ билан у қишлоқ ўртасидаги борди-келди узилмаган. Мунтазам бир-бирларининг ҳолидан хабар олиб туришади.

Шомуродбойга айтиб уни чақиририш керак... Шу пайт ташқаридан отнинг дупури ва кимнингдир овоз бериб чақиргани эшитилди. Турсунқул йўклиги учун ўзи бориб дарвозани очди. Не кўз билан кўрсинки, ташқарида Шомуродбой билан тунов кунги Сардоба бўйида макон қурган туркман чол ўтиради!

Жумабек ўзини худо назар солган йигит эканини сезарди. Кўнглига келгани албатта ўнгидаги келишини биларди. Бир неча бор бунга гувоҳ ҳам бўлганди. Аммо, бунчалик тез рўёбга келишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Жумабек бойнинг ташрифидан курсанд бўлганини яширамади. Кайфичноғлик билан уларни ичкарига бошлиди. Иккала меҳмоннинг олдига дастурхон ёзиб, чой қўйиб узатди.

— Бек, сиз тунов куни Чориқул бува билан танишган экансиз. Бува сиздан миннатдор, — деб гап бошлиди Шомуродбой. — Сизни шунинг учун бир зиёрат қилмоқни, кўнглига туғиб келган экан, мен бошлаб келавердим.

— Раҳмат, хуш кўрдик, — деди Жумабек уларга хушчақчақлик билан назар ташларкан.

— Энди, бек ўғлим; сизни ўша куни кўнгилдагидек меҳмон қила олмадим. Уруғимизнинг оқсоқоллари ҳам буни эшитиб мени койиди. Бир одам эмас, бир рўззор эмас, бутун бир кишлоқка ўз еридан жой берган кишини ҳам шундай кутадиларми, деб изза қилишди. Кейин кишлоқ ахли кенгашиб ўлпонни йиғиб беришди. Мен шуни олиб келавердим.

— Мен сизга олик-солиқни Шомуродбойга түлай-сиз, деган әдім-ку, нега ўзингиз овора бўлиб юриб-сиз? — деди Жумабек.

— Солиқни Шомуродбойга тўладик. Бек, мен ўлпонни олиб келдим.

Жумабек ҳайрон бўлиб савол назари билан Шомуродбойга қаради.

— Булар пул шаклидаги солиқни солиқ, мол, дондун, шаклидаги солиқни ўлпон дейишаркан, — дея изох берди Шомуродбой.

— Шунақа. Ҳар бир рўзғор биттадан қўй берди. Ҳар бешта рўзғор бирлашиб биттадан от берди. Ҳар ўнта рўзғор бир тия берди. Жами йигирма қўй, тўртта от ва икки тияни йигитлар хали замон хайдаб кела-ди, — шундай деб Чориқул бува, бек бу кам деб ўйла-масмикан деган ҳадик билан Жумабекка қаради.

— Мен сизга ўлпон тўланг деб айтганим йўқ-ку. Нега шунча талотўпда қийналган элингизни яна ха-жатга қўйдингиз?

— Сизга нима десам экан, биз кўчманчи чорвадор элмиз. Ўз юртимизда ҳам, у ердан бу ерга, у беклиқдан бу беклиқка кўчиб юрамиз. Қайси бир беклиқнинг яй-ловига кирсак, ўша бекка хозиргидек солиқ ва ўлпон тўлаганмиз. Бек эса, бизга яйловни берган. Яна ўғри-ю карокчидан қўриқлаган. Шу таомил бўйича эл ҳам ий-ғиб берди. Мен эса сизга олиб келдим.

— Сиз нима дейсиз? — деди Жумабек чой хўпла-ганча хаёлга толиб турган Шомуродбойга қараб.

— Мен нима дердим. Олиш керак. Агар олмасангиз сизни ҳимоя қилмайман деганингиз бўлади. Сиз шун-дай демасангиз ҳам уруғнинг оқсоқоллари шундай деб тушунишади. Кейин яна овора бўлиб бошқа жойдан манзил қидиришади. Шунинг учун буванинг қўлини қай-тарманг.

— Ахир менга қурол-яроғ керак. Курилиш ашёлари керак. Буларни нима киламан. Бозорга чиқариб сот-майман-ку, ахир?!

— Чуқурроқ мулоҳаза қилинг, бек, — деди Шомуродбой бекнинг ҳовлиқма феъли туттанига мийигида кулиб, — молнинг ортиқчалик қилганини қачон кўрган-сиз. Ахир катта-катта курилиш қиламан деяпсиз. Үнда ишлайдиган усталарни каттиқ нон ва совук сув билан бокмассиз ахир. Бу йигирма қўй ўша усталарнинг ов-қатланишига ҳам етмайди. Учта сардобада бирдан кури-

лишни бошласангиз, камида ўттизта одам ишлайди у ерларда. Шуни эътиборга олингда, энди. Кейин йигит йигаман, уларни куроллантираман деяпсиз. Сизга навкар бўламан деган йигитларнинг ҳаммасида ҳам гижинглаган от бўлавермайди. Шунда Чориқул буванинг туркмани бедовлари асқотади, ҳа!

Жумабек ўзининг болаларча ўйламай туриб сўйлаб юборганидан уялди. Бекнинг ўлпонини қабул қилишга розилигини билиб, Чориқул бува ҳам қувониб кўйди.

Шомуродбой ўлпон масаласи бир ёқлик бўлди деб, энди бошқа масалага кўчди. Чўнтағидан бир варак қофоз ва чарм ҳамён қопчиқни олди.

— Бек бизнинг қишлоқ Амир замонида юз етмиш танга солик тўларди. Чориқул буванинг келиб қўшилган урури эллик танга тўлади. Мана, икки юз йигирма танга, — деб тангаларни санаб бекка топширди.

Ташқаридан қўй-қўзининг маъраши товуши эшитилди.

— Ана, келиб ҳам қолищди, — деди Чориқул бува.

Учаласи бир-кетин ташқарига чиқишидди. Чориқул буванинг ўзи бошида туриб қўйларни кўрага қаматди. Отларни отхонага, туяларни ташқаридаги қозиқларга боғлатди.

— Энди бизга рухсат берсангиз, бек, — деди қўл қовуштириб Чориқул бува.

— Э, йўқ, овқатланиб кетасиз, — деб унамади Жумабек.

— Овқатни бир йўла келиб тўйларингизда еймиз. Кунни кеч қилмай уйга қайтайлик. Кейин, бизнинг бир андишамиз бор эди. Буни Шомуродбойнинг ўзлари айтадилар-да. Майли омонликда учрашиш насиб этсин. Омин, Оллоҳу Акбар!

Уларни кузатиб қўйиб Шомуродбой иккаласи яна қайтиб киришидди. Уларнинг қандай андишаси бўлиши мумкин, гапи бўлса ўзлари айтавермайдими. Нима қилали ўртага даллол солиб. Унинг фикрини уқкандек Шомуродбой гап бошлади.

— Улар ҳали келиб ултурмасдан, беш-тўртта мол-қўйни бериб, энди бизнинг хизматимизни қил, дегандек бўламизми, деб андиша килишибди. Шунга мени ўртага қўйиб, сиз ётиғи билан тушунтиринг, дейишди. Уларга Соли Сардор деган бир қароқчи, бу ўша Оллоқулбойни хонавайрон қилган кazzоб бўлса керак, одам жўнатиб, солик ва ўлпон талаб қилибди. Бўлмаса, келиб

босаман, бу бегона юртда сенларнинг ғамингни ким ҳам ерди, деб чўчтиби.

— Қачон? Нега мен билан учрашгаңда айтмади?

— Кечаке кечқурун иккитаси келганимиш. Сиз қайтгандан кейин. Шуни тайинлаб, кейин Корлик томонга ўтиб кетишганимиш. Оти Қурбонназарми, Қурбондурдими экан. Бек бизни ўз ҳимоясига оладими, шуни билиб беринг деганди.

— Юртда эга битта бўлади. Кимни эга деб билса шунга тўласин. Агар ўша қароқчи қариндошини эга деб билса, лаш-лушкини ҳам, берган ўлпону солигини ҳам қайтариб олсин-да, бу ерлардан қорасини ўчирсисин. Агар мени бек билса, бемалол юраверсисин. Бир мўйига ҳам озор етказдирмайман.

— Яшанг, бек. Сизнинг шу дангаллигинги, адопатпешалигинги айтиб эдим. Шунга ишониб улар ёнингизга келишган эди, — деди Шомуродбой янги қадрдон Чориқул бува олдида юзи ёруғ бўлишини ўйлаб жилмайиб кўйди. Кейин яна бироз ўйлаб туриб, Жумабекка термулди.

— Бек, йигитнинг боши икки бўлмагунча, моли ҳам иккита бўлмайди, деган донишмандлар, — деб секин кулимсираб гап бошлади. — Бўйдок, салт йигитнинг беклик қилиши ўнғайсизроқ бўляпти. Бек, дегани элнинг отаси бўлади. Сизнинг бу юришингиз баъзи оксо-қолларга ёқмаяпти. Буни олдинроқ ҳам менга айтишганди. Аммо, кўнглингизга тегиб кўяманми, деган андиша билан вақти-соати етганда айттарман деб эдим. Сиз элга ёмон беклик килмаяпсиз. Катта-катта ишларни қилмоқни кўзлаяпсиз. Юрт устида юрадиган одамсиз. Энди рўзгор тутмок фурсати етди. Буни олдинроқ Жамолга ҳам айтиб эдим. Нима дайсиз, шунга?

Жумабек ўйга чўмиб ўтираверди. Қачондир шундай кун келишини, ўзининг олдида шу масала кўндаланг бўлишини биларди. Йигит бўлиб ҳали бир қизнинг йўлига интизор бўлмаган, бир париухсорга кўнгил бермаган, аммо юрагида севиш, бир гўзал қизга ёр бўлиш истаги ҳали тахи бузилмай, қатланиб турарди.

— Ҳа, холам ҳам қўймаяпти. Нима десан экан, хозир тўй киладиган замонми. Ҳаммаёқ алғов-далғов бўлса. Эл нотинч пайтда юракка тўй сирадими. Кейинроқ юрт тинчиганидан кейин қилсак қандай бўларкин. Яна ўзларинг биласизлар.

Жумабекнинг ўз мулоҳазасини айтиб, сўнгги сўзни

Элбеги билан ўзига кўйгани бойга хуш ёкиб ийиб кетди.

— Бек ўзингиз яхши биласиз, никоҳ Оллоҳнинг иродаси билан бўладиган муқаддас иш. Қирғинбарот урушларда ҳам никоҳ бўлган. Ҳозир, худога шукр, ундин эмас. Нима дейсиз, кўз остингизга олганингиз борми, ё холангизнинг танлагани ҳам бўлаверадими?

Анчагина чўзилган сукунатдан сўнг Жумабек бироз ўнғайсизланиб бўлсада, розилигини билдириди:

— Майли, ихтиёр холамда. Бизни бокди, вояга етказди, ўқитди. Энди ихтиёрни холамга берайлик, келинни ҳам ўзи танласин.

— Баракалла, мард йигитнинг сўзини айтдингиз. Сиздан худди шундай жавобни кутгандим.

Шомуродбой бугун Жумабекка ўзининг барча гапини ўтказа олганидан хурсанд бўлди.

— Энди Жамолга айтай, тайёргарлигини кўрсин. Келин топсин. Насиб бўлса тез кунда тўйингизга хизмат қиласайлик. Ҳа, айтганча, анави Нашванқул қорлук куролни олиб келдими?

Йўқ, — деди осойишта, нурли хаёллар оғушида Нашванқулнинг жирканч номини эслатганидан ижирфаниб. — Ҳали келмади, ярамас.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Энди пешонасига ёзилганини кўради!

— Ишқилиб пешонасига бевақт ажал ёзилмаган бўлсин-да бояқишинг.

Жумабек сиз ҳам шу ифлосга ачиняпсизми, дегандек норози қараб кўйди.

— Тақдир, тақдирда. Уни ўзгартириб бўлармиди, — деб, Жумабек сухбатга бироз кескинроқ нуқта кўйди.

— Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Энди биэга ҳам ружсат берсангиз.

— Ўтирибсизда, бойбува, ҳали овқат ҳам бўлгани йўк.

— Овқатни яхши кунларда еймиз, худо хоҳласа. Омин, тўйхона бўлсин, Оллоҳу Акбар! Бек, холангизни чакириб беринг, унда айтар гапим бор.

Шомуродбой Жумабекнинг тўйга розилигини айтиб Жамол Элбегини қувонтираётганида, чарчоқданми, ғазабданми янада қорайиб кетган Турсункул келиб отини боғлай бошлади. Бек унга қараб юрди.

— Нима гап? — деди Жумабек унинг бузилган авзойига саволомуз қараб.

— Гап кўп, бек, — Турсунқул яқинлашиб келаётган бойни ишора қилиб кўрсатиб, шунинг ёнида айтаверайми, дегандек.

Жумабек у олиб келган хабарнинг нохушлигини сезди. Бундан бойнинг хабар топмаслигини маъқул билди.

— Бўлмаса сиз уйга кираверинг, мен бойни кузатиб қайтаман.

Жумабек бой билан хайрлашиб, уни кузатар экан, Файбулла хақида сўраш паққос хаёлидан кўтарилаётгани эсига тушди. Отини минаётган Шомуродбойни тўхтатди.

— Бойбува, бир нарсани сўраш эсимдан чиқаёзиди. Коракўл томондан Файбулла деган дўстим бор. Адаш масам сизнинг уруғларингиздан эди, шекилли. Яқин атрофда сизлардан Коракўлга кетадиган одам бўлса хабар олдирмайсизми. Энди, сабоқдош дўстим ёнимда турса яхши бўларди, дўстсиз тўй татирмиди, одамга.

— Бу Файбулла деганингиз, Ҳасан боғбоннинг ўғлими?

— Ха, ўша кишининг ўғли.

— Ёшлар тез ўзгаради. Менимча, улар раҳматли, Оллоқулбойнинг ён кўшниси эди. Ёшлигиде бир-икки кўрганим бор. Яхши кўшик айтадиган ҳофиз бўлибди, деб эшитгандим. Сиз билан келиб юрганида кўриб танимаганман. Кейинроқ, ўзи танишлик берган эди. Яхши болага ўхтайди. Эрта-индин Сафобой Оллоқулбойнинг кирқига бормокчи. Тайинлайман, бориб айтади. Хотиржам бўлинг.

Жумабек Шомуродбойдан миннатдор бўлиб қайтди. Ичкарида эса уни Турсунқул бетоқат бўлиб кутарди.

— Қани, оға, нени кўрдингиз, нени эшитдингиз, бир бошидан сўйланг-чи, — деди Жумабек ичкарига кириб Турсунқулнинг рўларасига ўтирас экан.

— Турсунқул Нашванқулнинг уйида кўрганларини бир бошидан сўзлаб бера бошлади. Айниқса Нашванқулнинг сўнгти дағдағасини айтиётганида фазабини боса олмай сўқиниб ҳам кўйди. Курбондурдининг гапга аралашаётганини баён қилаётганида Жумабекнинг ҳам фазабанаётганини сезди.

— Сиз нима дейсиз, — Турсунқул гапини тугатар-тутатмас Жумабек уни саволга тута бошлади. — Нашванқул айтган сўзининг устидан чиқа оладими?

— Бек, ўзингиз кўриб тўрибсизку, унда лафз бор-йўклигини!

— Мен лафзини сўраётганим йўқ. Мен Корликка борсам оёғимни уриб синдиримоқчи экан, шунинг уdda-сидан чиқа оладими?

Турсункул кулиб қўйди.

— Йўқ. Уддалай олмайди. Ўзи қуёнюрак одам. Ёни-дагиларни орқа килиб айтди.

— Яхши, ёнидагилари суюнса бўладиган одамларми?

— Йўқ. Уларга суюниб бўлмайди. Бири ўзининг ҳамтовори Садирбачча деган аёлмижоз, айёр одам. Ик-каласи шерикликка ишляяптилар. Куролни у олиб келади. Нашванқул сотади. Садирбачча деганлари умрида бироннинг ёқасидан олиб кўрмаган ҳезалакка ўхшаб кўринади. У ўла қолса ҳам ўзининг жонини хатарга қўйиб, Нашванқулни химоя қилмайди. Иккинчиси Курбондурди деганлари экан. Соли Сардор деган қароқчининг гумаштаси. Бу Соли Сардор деганлари Шомуродбой ўша куни гурунг берган, Оллоқулбойни ўлдирган қароқчи бўлса керак. У курол сотиб олишга келган Нашванқул билан унча таниш эмас. Туркманлар танимаган, билмаган одам учун ўзини хатарга қўймайдилар.

— Учинчиси ким экан, уни айтмадингиз?

— Учинчиси Курбондурдининг йигити. Ҳали она сути оғиздан кетмаган ўспирин.

— Нима деб ўйлайсиз, эртага Нашванқул инсофга келиб куролларни олиб келармикан?

— Йўқ!

— Нега?

— Чунки мени юборганингиэни у ўзича Мулла Жума мендан кўрқди, одам юбориб, мен билан ярашмоқчи бўляпти, деб ўйлади. Балки, бундай гап тарқатиб ҳам улгургандир.

— Хўшш, унинг ҳовли-жойи қанақа. Мехмонхонаси ҳовлининг қаерида? Мана бунга чизиб кўрсатинг-чи! — деб Жумабек унга қоғоз билан қалам узатди.

Турсункул қовушмаган қўллари билан эгри-буғри қилиб бўлса ҳам, Нашванқулнинг ола-тасир уйчалари қуриб ташланган ҳовлисининг режасини чизгунча анчагина терлади. Аммо, Жумабекка тўғри тасаввур уйрота олди.

— Деворни паст деяпсиз, жудаям пастми? Ортида нима бор?

— Девор орти такир ер, девори паст, нураган. Менинг белимдан келиб қолар.

- От сакраб ўта оладими?
- Коратой бемалол сакраб ўтади. Менинг отим эса бироз қийналади, аммо ўта олади деб ўйлайман.
- Яхши, — хаёлида режани пиширарди Жумабек.
- Турсунқул оға, унинг меҳмонхонаси қандай, де-ворига ўшшаб пастакми?
- Нашванқул меҳмонхонасини яқинда, бойий бошлаганида қурган. Анчагина кўркам, баланд иморат. Накшинкор, сирланган кенг-мўл хонага олтмиш чоғли одам бемалол жойлашади.

- Эшиклари ҳам баландми?
- Эшиклари бухороча ясалган. Икки табақали ба-ланд, менинг бошимдан ҳам тўрт энли юкори.

Турсунқул нима бало, бек меҳмонхонани бунча сўра-ди. Ё от билан тўппа-тўғри бормокчими меҳмонхонага. Агар шундай бўлса, зўр иш бўларди-да! У меҳмонхонага кириб борган Коратойни ва бақа бўлиб қолган Нашванқулни тасаввур қилиб, кулиб кўйди.

- Яхши, яхши, сизнингча Нашванқул мени Кор-лукка кела олмайди, деб ишонадими?
- Йўғай, астойдил ишонмаса керак.
- Ундай бўлса, ўзича шунга тайёр бўлиб тура-ди, а?
- Ха, бўлиши мумкин, уям унчалик ахмоқ эмас.
- Ундай бўлса қачон келади, деб ўйлайди?
- Эртадан, нари борса индиндан кута бошлайди. Чунки, мен эртага ҳам қуролни олиб бормасанг, Мулла Жумани кутавер, дедим.
- Яхши, бўлмаса у бугун бемалол ухлайди.
- Шундай.

Жумабекнинг кўзларидан сарғиш, совуқ аланг сач-ради. У ўзгара бошлади. Турсунқулга пайдар-пай савол ёғдирап экан, хаёлида Нашванқулнинг хукмини ўқиш режаси пиша бошлади. Рақибининг кучли ва заиф то-монларини ўрганиб, кейин жангга кирадиган саркарда янглиғ режасини пухталаган сари Турсунқулнинг кўзи олдида у танимас қиёфага кириб борарди. Жумабекда рақибини шошириб қўядиган ҳайбат, вужудидан даҳ-шатли куч ёғила бошлади.

- Мен уни шу бугуноқ босаман! Faflatda ушлай-ман! — деди ниҳоят ўзиникига ўхшамаган хирқироқ товушда Жумабек. — Сиз Коратойни йўлга шайлаб беринг.
- Кейин кириб дам олаверинг, чарчагансиз.

- Бек битта илтимосим бор!
  - Айтинг.
  - Бек, мен ҳам бораман. Анави лаънати, мени ҳам хақорат килди. Сиз у билан эҳтиёт бўлиб муомала қил, деганингиз учун гапимни ичимга ютдим. Аламдан ёрилиб кетай деяпман.
  - Яхши, аммо кун бўйи отда юриб чарчагансиз.
  - Йўқ, бу лаънатини итдай судрамасам, аламдан чиқмайман!
  - Майли, бўлмаса, отларни тайёрланг. Кейин ўзингизнинг отингиз чарчаган чикар. Отхонада тўртта яхши от бор, шуларнинг бирини эгарлаб олинг.
- Мен эса холамга айтай, хавотир олмасин.

## XIX

Иккала отлик йўлга чиқишганда тўлин ой заминни ўзининг ойдин нурлари билан чулғаб олган сокин ва фараҳбахш тирамо туни аллақачон бошланганди. Кундузи қуёшнинг юмшабгина қолтан нурлари киздира олмаган оқшом чўкиши билан совиб, оғирлашиб қолган тупроқ отнинг туёклари зарбидан кўпчиб кўтарилад, аммо чангий олмасдан, ой шуъласида кумушранг тус олиб, товланиб яна ерга қайтарди. Ҳаво бироз намхуш ва салқин, ундан шабнам ҳиди анқирди.

Кузнинг шундай сокин ва шоирона ойдин тунига туёкларнинг ошигич зарбидан тараляётган ташвишли садогина ёпишмай турарди, холос. Аллақандай даҳшатли мақсад йўлида кетаётган қора отли икки суворий ойнинг кумуш нурларига чайилиб, янада вахималирок манзара хосил килганча шаҳд билан елиб борарадилар.

Улар Корлукка етиб келганларида ой аллақачон са-  
мени тарқ этиб ётоги сари йўналган, унинг ойдин нур-  
лари жабридан кун кўролмай қолган митти юлдузлар  
равшанроқ порлай бошлаганди. Зим-зиё коронгуликда  
кишлоққа кирган отлиқлар энди ўз ўринларини алмаш-  
дилар. Новчароқ суворий олдинга ўтиб йўл бошлаб бор-  
ди. Улар кишлокнинг диккинафас ва эгри-буғри кўча-  
ларидан узоқ юрдилар. Ниҳоят пастак деворга мутлақо  
ёлишмаган баҳайбат дарвозали ҳовлига етганларида нов-  
ча суворий отини тўхтатди.

- Шуми, — деди орқадаги қора отлик.
- Ха, шу, — деб новча унга йўл берди.

Шунда коронгу тунда фақатгина ялтираб турган ол-

тин олмадек катта-катта кўзларидан ва пешонасидағи қашқасидан бошқаси кўзга ташланмайдиган, тундек қопкора, бахайбат бедов гүё Гўрўғлиниң Фиротидек қанот чиқариб кўкка сапчиди. Коратой ғаригина девордан Жумабекни олиб сакраб ўтди. Ҳовлида ит акиллай бошлади. Шошилиш керак эди. Жумабек Турсункул чизиб берган кўрсатган режа бўйича меҳмонхонанинг қаерда жойлашганлигини чамалади. Унгача Турсункулниң оти хам бу девордан эсон-омон ўтиб олди.

Нашванкул меҳмонларига бир кўза тоза майдан олиб келди. Май кўздан йирик-йирик нимкосаларга тинчгина оқиб ўтди. Бу пиёлалар сархуш кўлларга, кейин лабларга борди, май тинчгина пиёладан халқумга куйилди. Кейин у тинч турмади. Томошани бошлади. Садирбачча майни ютиб олиб, беҳаё кўзларини Курбондурдининг ёшгина келишган, тортиноқ йигитига ташлади. Кўзларида шахвоний хирс ўти ёнди. Тезроқ бу икки галварснинг масти бўлиб ўчиб қолишини пойлади. Соқийликни ўзи олди. Нашванкул билан Курбондурдинга кўпроқ, ўзига эса камрок кўйди. Пайдар-пай кўйди. Ичишга қистади. Курбондурдининг кайфи опа бошлади. Ўзини шер янглиғ кучли сезди. Бўридай таптортмас хис килди. Ўзининг қадр-қимматини булар жойига кўймаяпти, деб ўйлади. Ўзини бир кўрсатиб кўймокчи бўлди. Соли Сардор билан қандай жанг қилганларини, Оллоқулбой деган коракўлллик бойни қандай тунашганини айта бошлади. Оллоқулбойнинг меров хотини қандай қилиб кўмилган ҳазинани топиб берганини айтаётгандага даврадагилар ичаклари узилгудек кулдилар. Унинг тентак ўғлиниң хотини, бойнинг сохибжамол, Камарнисо отли келини ҳақида гурунг берганида Нашванкулниң масти кўзлари шавҳатдан ёниб кетгандек бўлди. Кейин бойни қандай ўлдирғанларини айтганида Садирбаччанинг ичига ваҳима оралади. Курбондурди ҳамманинг оғзига қараб илҳоми кўзиб кетди. Оғзидан тупук сачратиб бойнинг ҳусни келининикидан ўн чандон ортиқ қизи ҳақида гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди ҳамки, бошлаган гали бўғзида колди. Ҳовлида нимадир гурсиллади. Ит акиллади. Гурсиллаш, энди сал енгил тарзда кайталади. Кейин бир жуфт отнинг шошқин туёқ товушлари меҳмонхонага яқинлашиб кела бошлади. Нашванкул бу ҳолдан хайрон бўлиб ўрнидан қўзғалди. Чайқалиб бориб эшик тутқичига кўл чўзганди ҳамки, эшик тарақлаб очилиб кетди. Олдин зулук-

дек қоп-кора, пешонасида оппок, юлдуз шаклидаги қашқаси бор, олмадек-олмадек күзларидан алнга сочиб, сувлиғини асабий шакиллатган улкан отнинг баҳайбат боши күринди. Кейин ҳар бири девнинг гурзисидек келадиган улкан кора туёқларини адрес кўрпачага бир-бир босиб, улкан кора от меҳмонхонага кириб келди!

Довдираб, кайфи бошидан учган Нашванкул от устидаги ғазабкор қоплондек важоҳат сочиб ўтирган Жумабекни кейинрок кўрди. Боиси, суворий от эшиқдан кираёттанида қапишиб, Коратойнинг узун-узун ёллари орасига сингиб кетганди.

Коратой тоғдек кўкси билан Нашванкулни уриб учирив юборди. Бу фавқулодда ходисадан ҳайратда, бақа бўлиб қотиб қолган Садирбачча ўтирган жойида тислана-тисланга бурчакка қисилиб, хозир бошига шифтдан бир бало ёfilaёттандек, калласини тошбақа янглиғ ичига тортиб қунишди. Курбондурдининг ичган майлари ўз кучини кўрсатди. Ўрнидан тура олмай гандираклаб кетди. Кейин, эмаклаганча туришга уринди. Шунда кимнингдир қаттиқ, залворли панжаси унинг елкасидан чопони ва териси аралаш ушлаб кўтарди. Курбондурди кундузги найнов одам — Турсунқулнинг узун, қоп-кора кўлларини таниди. Турсунқул кора от билан изма-из кириб келганини кўрмаган экан. Турсунқул уни деворга жипс турғизиб кўйди. Бу ажабтовур воқеалар тушибами, ўнгидами содир бўлаёттанини англамай ҳайрону, лол бўлиб турган Курбондурдининг йигити тиззалири қалт-қалт титраганча, ҳайратдан катталашиб, олайиб кўзлари Коратойнинг пешонасидаги юлдузидан узмай беихтиёр қўлларини юқори кўтарганча туриб қолди.

Жумабек мадрасада ўқиб юрганида Соҳибқироннинг ўғитларини қайта-қайта мутолаа қиласарди. Умрини от устида, жанггоҳларда ўтказган донишманд Амирнинг «Душманни фафлатда қолдириб, яшин тезлигига уруш солиб боришини ўрганинг», деган ибратли ўғити унга ёқарди. Дарҳақиқат, унинг ракибларини фафлатда қолдириб, кутилмаганда пайдо бўлиши, уларни эсанкиратиб кўйди. Шунда у кутилмаган зарбдан гарангсираб қолган Нашванкулни ва ҳамтovокларига караб Темурнинг нохос зарбидан гангиб қолган мўгулий хонларнинг ҳам ахволи буларницидан баттар бўлган бўлса керак, деб ўйлади. Жумабек ҳамиша ўзи униб-ўсган даштларда ҳам жанг қилган Темурбекка ҳавас қиласар, бошка сабоқдош жўраларига фахр ва фуур билан сўзлаб юрар-

ди. Соҳибқирон учун ниҳоятда табаррук макон Занжирсаройнинг харобаларини, баҳайбат қудукни бир неча бор зиёрат килган ва ундан бағоят таъсиранган эди. Ўзининг бу юришини Соҳибқироннинг жанг усулига киёс килиб фурурланди. Ўзини Амир Темурдек музофар ва енгилмас хис килди.

Шу пайт бехосдан ўқ овози янгради. Коратой икки олд оёқларини азот кўтариб, тулкинидек кичик қулоқларини чимириб ғазабкор даҳшатли товушда кишинаб юборди. Олд оёқларини ўйнатар экан, яқиндагина тақаланган туёқлари билан Курбондурдининг нақ пешонасига туртиб юборди.

Рақибларини саросимага солиб қўйганига ишонган Жумабек, ҳушёрликни бироз бўлса-да, сусайтирган, Турсункул эса Коратойнинг зарбидан ерга ағанаган Нашван-қулни турғазаётган пайтида Курбондурди ўзига келган ва мудом белида юрадиган тўппончасини чиқаришга ултурган эди. Хайриятки, унинг қалтироқ қўллари нишонга тўғри ололмади. Ўқ Жумабекнинг шундоқ ёнидан ажал ели билан учиб ўтиб, меҳмонхонанинг нақшинкор, қўштабақа эшигидан пайраҳаларни сачраганча тешиб ўтиб кетди... Пешонасидаги ярим ой шаклида тақа изи колган жароҳатидан қон оқа бошлагач, юзини сикимлаганча чўккараб қолган Курбондурди тинмай ихрарди. Жумабек Коратойнинг жиловини силкиди. От ваҳимали оғир қадамлар билан Курбондурдининг устига босиб келди. Жумабек кўпкарида улокқа эгилган чавандоздек, чўккараб қолган Қурбондурдига эниб, қўлтиғидан даст кўтариб олди. Конталаш башарасига бир нафратомуз назар ташлади-да, узанги ва этиги аралаш зарб билан тепиб юборди. Курбондурди бу зарбдан учиб бориб қарсиллаб деворга урилди. Бир неча сония деворга сурат бўлиб қолгандан сўнг шилқиллаб кулади ва тинчиб қолди. Меҳмонхона бўйига мўлжаллаб тикилган узун адрес кўрпачада дакиқа сайин катталашиб бораётган қон доғи пайдо бўлди.

Садирбачча кўз ўнгига содир бўлаётган бу даҳшатлардан эс-хушини йўқотаёди. Эндиғина навбат ўзига етиб келганини хис килди. «Қочиш керак!» Хаёлига келган фикрни ўйлаб ҳам ўтирмасдан уни амалга оширомқа киришди.

Сапчиб туриб ўзини очиқ деразага урди. Юм-юмалок, тўнкарилган тўйқозондек катта ва беўхшов корни чаққонлик билан деразадан ошибиб ўтишга йўл қўймади.

У бор-йүғи бир неча сония кечикди. Деразадан бир амаллаб ошиб үтди-ю, аммо қоронгуликка сингиб ке-тишга улгурмади. Жумабек бир ўқ билан уни ерга михлади.

Шундагина Нашванқул, Мулла Жума деган, худо-нинг унга юборган балосини бутун бўй-басти билан хис қилди. У суюнган, ўзича улкан қоя деб ўйлаган тоғлари Мулла Жуманинг бир енгил зарби билан кунпаякун бўлганини ўз кўзлари билан кўрди. Иккаласи ҳам қонига бўялиб бири кўрпачада, иккинчиси эса совуқ тупрокни қучганча думалаб қолишиди. Бу болакай бўлса Мулла Жума қаттиқ дўқ урадиган бўлса ҳам иштонини хўл қилиб қўйишдан тоймайди.

— Қани, Нашванқул, сен айтгандек, бир тирранча бўлиб мана Корлукка келдим. Оёғимни уриб синдира-диган мардни кўрмаяпман. Ҳа, нега индамайсан?!

Нашванқулнинг эрталабки важоҳатидан асар ҳам қолмаганди. Индай олмади. Ерга бокқанча безрайиб ту-раверди.

— Сен, Корлукка ўзимиз ҳам эгалик қила оламиз деган экансан. Аммо, сендеқ ҳезалакка куни қоладиган бўлса, ўлгани маъқул эмасми, бу элнинг!

Нашванқул эгилган бошини килич кесмас қабилида бошини ҳам қилиб тураверди. Шу йўл билан агар, таъ-бир жоиз бўлса, бу нодон бошини омон сақлаб қолди. Аммо вақтинча эканлигини ўзи ҳам ҳис қилиб турарди.

— Хўш, сен шу Корлукнинг ғамини ейдиган, адоплатпеша бўлсанг, майли, элингга бир яхшилик қила-сан!

Нашванқул жони ёнига қолаёттанини ҳис қилди. Аммо, Жумабекнинг сўнгти гапидан бу текинга эмасли-гини ҳам сезди. Нима қилишим керак, дегандек боши-ни салгина кўтариб кўзлари остидан қаради.

— Турсунқул оға, Корлукка бу йилги солири канча бўлиши керак? — деди Жумабек.

— Тўрт юз етмиш беш танга.

— Элингга химмат кўрсатиб, шуни тўлайсан. Аммо бугун Турсунқул оғам келтириб берган юз олтмиш беш тантгани хозироқ қайтарасан. Бу ҳисобга кирмайди. Биз сендан курол сотиб олмаймиз.

Нашванқул бир неча бор қўлидан қўлига ўтиб ке-таётган чарм қопчиқни қўйнидан чиқариб бекка узат-моқчи бўлди, бироқ сувлигини шакирлатиб, унга адоп-

ватли бакрайиб қараб турган Қоратойга якин йўлашга ботина олмади. Қопчиқни Турсунқулга узатди.

— Яхши, — деди Жумабек, — санаш шарт эмас-а, Нашванқул?

— Майли, санаб олинг, — деди у бўзариб, — агар бир тангасига хиёнат килган бўлсан.

— Тўғри, ишонаман, ўлими бўйнида бўлган киши алдамайди.

Нашванқул зарб билан шапалоқ егандек сесканиб кетди.

— Энди менда бошка пул йўк!

— Ие, ие, ўзларини Нашванқулбой атаб кариллаб юрган бойвачча, наҳотки, шунчалар ғарип бўлса?!

Нашванқул бошини янада қуий солинтириб жим ўтираверди.

— Турсунқул оға, мен бу лаънатидан аламимни олдим. Пули йўқ бўлса бошимизга урамизми. Бу тўнғиз сизни ҳам сўккан эди, чамаси. Сиз бир хуморидан чиқаринг бўлмаса. Буни сизга бердим. Урасизми, ўлдираизми, сизнинг ишинги!

Нашванқул кундузи кариллаб, Турсунқулга қулвачча дегани эсига тушди. Бу бир неча соат олдин бўлган эса-да, сўнгги дақиқалардаги воқеалар уни хиралаштириб, олис ўтмишга иткитиб юборгандек туюлди. Турсунқулнинг чўзик, қора юзидағи ёвузона катъиятдан, кўзларида учқунлаб турган нафратдан вахимага тушди. Унинг маймунникидек узун қўллари-ю, айқиники каби панжалари ҳозир гирибонидан оладигандек, ундан қочиб кутила олмаслигига ишонди. Асабий кулимсираганча ўчини олиш учун яқинлашиб келаётган Турсунқул кўзига ўз ажали бўлиб кўриниб кетди.

— Шошманг, бек, — деди Нашванқул ҳовлиқиб, Турсунқулдан ўзини холисроққа олишга тиришаркан, пул топилади!

Жумабек унинг гапларига парво ҳам қилмай отининг бошини бура бошлади.

Турсунқул у томонга яна бир қадам ташлади.

— Бек, шошманг, ахир! — У Қоратойнинг жиловидан олмоқчи бўлди.

Қоратойга унинг бу қилиғи ўтиришмади. Ҳатто, Турсунқулга ҳам бўйин бермайдиган бу ўр кора тулпор, жиловига кўл чўзган Нашванқулни тумшуғи билан туртиб юборди. Нашванқулнинг бурни «жик» этиб кетди. Кўзларидан аввал учқун, кейин ёш сачради. Орқасига

тисарилиб бориб деворга суюниб қолди. Юзини чангалади. Бурнидан оқаётган қуюқ шилимшиқ қон бармоқлари орасидан силкиб чиқди. Кўллари, кийимлари қипқизил қон бўлди. У бурнидан оқаётган қонга-да эътибор бермай, энтикиб-энтикиб галирди:

— Бек, тўлайман! Икки баравар қилиб тўлайман!  
— Ие, во ажабо! Боягина пулим йўқ, деб сафирдек мунғайиб ўтирган гариф, энди бир қишлоқнинг солигини бир ўзи, яна икки баравар қилиб тўламокчими?!  
Хозиргина бир тийин ҳам пулим йўқ, деб тургандингку?!

— Эсимга тушди. Бир жойга яшириб қўйганим бор эди, — деди у ва бурнидан оқаётган қонни тўнининг енги билан артар экан.

— Балли, Коратой, ўзингам ажойиб отсан-да! Унисининг пешонасига тамға босгандинг, бунисининг бурнини сичқоннинг уясидай қилиб ташлабсан. Сенинг шарофатинг билан бу галварснинг мияси ишлай бошлабди, Турсунқул оға, — деди Жумабек Коратойнинг ёлини силай туриб, — бу билан бирга боринг, яширган жойидан пулинни олиб келсин. Қочадиган, ё хунар кўрсаатдиган бўлса, аямант. Нашванқул, бу полвон акангнинг қўлидан қочиб қутила олмайсан. Буни хаёлинга ҳам келтирма!

Улар бошлишиб чиқиб кетиши. Жумабек бурчакда ҳамон гангиб, деворга қапишиб олган йигиттга назар солди.

— Яқинроқ кел, имлади Жумабек.

Йигит икки одим олдинга юрди.

Аммо, бир зумда иккита баҳайбат-баҳайбат одамнинг башарасини бежаб ташлаган бу ёвуз отнинг яқинига боришга чўчиди. Мехмонхонанинг ўртасида серрайиб қолди.

— Яқинроқ кел, — деди Жумабек ўзига тенгдош бу йигитнинг ҳамон фўрлигидан кулимсираб. — Кимсан, бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Менми? Мен... мен, — деди у тутилиб-тутилиб, гапларини чала ямлаб айтаркан, — Қурбондурди ўнбoshининг йигитиман. — У ҳамон чўзилиб ётган юзбошига қараб қўйди. — Отим Сапар. Бу ерга милтиқ сотиб оламиз деб келдик.

— Соли Сардорнинг йигитлариданмисан?

— Ха.

- Сардобанинг ёнига якинда кўчиб келган туркманларнинг олдига ўлпон талаб килиб борганимидаринг?
- Ха, тунов куни шу ерда бўлгандик.
- Улар нима деди?
- Аниқ жавоб айтмади. Эртага уларнинг ёнига бориб, жавобини эшитмоқчи эдик.
- Яна каерга бордиларинг?
- Помукка, Чандирга, Найистонга ҳам бордик. Кейин бу ердаги Эски\*ларга ҳам бормоқчи эдик.
- У ерларга не учун бориб юрибсанлар?
- Соли Сардор бу ерлардаги туркман урувларини бирлаштириб, уларга катталик қилмоқчи, шуни айтдик.
- Сардорларингизнинг иштаҳаси карнай-ку! Ўзи хозир қаерда?
- У хозир Амударёнинг нари бетида. Баҳорда бу ерларга келмоқчи. Шунга пул, солик йифиш, куроляроғ сотиб олиш ва вазиятни ўрганиш учун бизни юборди.
- Коракўлдаги Оллокулбой деган бойни ҳам сизлар ўлдирдиларингизми?
- Ха, у бой Сардорнинг Аннақули деган йигитини чопиб ташлади. Кейин ўлдирдик. Бўлмаса уни ўлдирмас эдик.
- Хўш, унинг келинини олиб кетган экансизлар, у каерда хозир?
- У Сардорнинг хотини.
- Нима, Сардорларинг олдин уйланмаганми? Ёши нечада?
- У кирқдан ошган. Иккита хотини бор. Бу учинчиси. Катта хотинидан тўртта кизи бор. Бўйига етиб колган. Ўртанчасидан битта ўғли бор. Ҳали ёш.
- Айт-чи, манави галварс Сардорнинг ишончли одамими? Унинг айтганини қиласдими?
- Сардор фақат шу билан маслаҳат қиласди.
- Бўлмаса уни ҳушига келтир!
- Сапар чопқиллаб бориб унинг юзидағи қонни артди. Пиёладаги совук сувдан унинг юзига сепди. Сочик билан артиб жароҳатини тозалади. Кейин белидаги бел-бори билан пешонасини танғиб боғлади. Ўнбоши бир инқиллаб кўзини очди. Олдин ҳеч нарсани англамай атрофга бефарқ нигоҳ ташлади. Кўз олдини тўсиб турган қора туман қуюқлашиб, тиниклаша бошлади. Ол-

\* Урувнинг номи.

дин қоп-қора отни, кейин важоҳатли суворийни кўрди. Ба бу кўриниш умрининг охиригача хотирасига чиппа ёпишиб қолди. У ҳар доим Мулла Жума деган балойи оғатнииг номини эшигтганда, шу ҳолат кўз олдида гавдаланар, вужудига қалтироқ иниб, пешонасида лаънат тамғаси бўлиб қолган яримой чандидидан даҳшатли оғриқни хис этарди. Кўркув ва ғазаб аралаш қасос ҳиссими турдиди.

— Тур, ўрнингдан ўнбоши! — ҳокимона дағдага килди Жумабек.

Курбондурди Сапарнинг кўмагида инкиллаб ўрнидан турди. Кўрошиндек оғирлашиб бораётган қовокларини базўр кўтариб унга каради.

— Сенинг менга ўқ узганингни кечирдим. Жонинг ёнингта қолди. Ҳозироқ бу ердан қорангни ўчирасан! Ўлпон, курол деган нарсаларингни эсингдан чиқар. Бу юрт меники, тушундингми?! Сардоринггаям тушунтири. Дарёдан нарида билган ...ни еб юраверсин. Аммо, бу ерга хомтама бўлиб келадиган бўлса кунини кўрсатаман! Бу юрт беэга эмас экан. Мулла Жума деган эгаси бор экан, де! Энди йўқолларинг, кўзимдан! — Жумабек бир зум тин олиб Курбондурдига синовчан тикилди. Унинг авзойидан шубҳали нарса кўрмади, шекилли, гапини якун қилди. — Агар бирон қишлоққа бориб, бирон нарса умидвор бўлсаларингиз, иккалангизниям ўлдираман! Тушундингми?! Кораларингни кўрмайин, бу ерларда!

Курбондурди ҳам, Сапар ҳам бир ўлимдан қолгандарига шукронга айта-айта йўлга тушдилар. Бироздан сўнг иккаласи Қорлукдан чиқиб, тўппа-тўғри ой ботган томонга равона бўлишиди.

Жумабек Соли Сардорнинг гумаштасини хайдаб солганидан сўнг Турсунқул билан Нашванқул яна қайтиб келишиди. Нашванқул Жумабекнинг кўзи олдида тўрт юз етмиш тангани битталаб санаб, юрагидан юлиб бергандек минг битта азоб билан Турсунқулга узатди.

Тўрт-беш танга пул топиб, босар-тусарини билмай, ўзини бой санаб юрган Нашванқул энди хонавайрон бўлганди.

Ё моли, ё, жони тарозига тушган бир пайтда у икки ўт орасида қовриларди. Унга ҳар иккаласи-да азиз эди. Аммо, сўнгти дақиқада жони ширинлик қилди. Тарозининг бу палласи босиб кетиб, йиқкан бир тутам бойлигини бу каттолларга ўз акли билан тутқазди. Сўнгти

бир неча йилдан бери мўмай пул топиб, катта еб ичишга ўрганиб қолган, илгариги ночоррок турмушини эсидан чиқариб улгурганди. У энди ҳамма йиққан-терганидан айрилиб, икки қўлини бурнига тикиб қолаверадими?! Унга йўл кўрсатиб, камбағалликдан бойликка олиб чиккан Садирбойвачча ҳам қонига беланиб, инқиллаб ётибди. Энди Нашванқулни ҳеч ким Мулла Жуманинг чангалидан, камбағаллик ботқоғидан қутқариб қола олмайди.

— Нашванқулбой, сен энди ваъда қилинган қуролларни олиб чиқ, — деди Жумабек унга истехзоли кулги билан қараб.

Нашванқул олдин ўзи исмига бой қўшиб айтилганда ярим карич ўстгандек ҳис қиласади. Аммо, Жумабекнинг оғиздан Нашванқулбой сўзини эшишиб ўзини маҳз қилингандек, хақорат қилингандек ҳис қилди.

— Нега? Сиз уни олмайман дегандингиз-ку?!

— Мен уни ҳеч качон олмайман деганим йўқ. Сотиб олмайман дедим. Сотиб олмайман деганим, мутлақо олмайман деганим эмас, бой! Сен лафзингда турмадинг, мени — эл оғасини хақорат қилдинг. Буйруғимни баҳармадинг. Сени инсоғга чакириш учун юборган одамимни беҳурмат қилдинг. Шунинг учун сендан қуролярогни Соли Сардорга ўхшаган қарокчиларнинг, душманларнинг қўлига ўтиб кетмаслиги учун мусодара қиламан!

Нашванқул пешонасига бир уриб Турсунқулга яна йўл бошлаб кетди. Тақдирга тан бериб икки қути қуролярогни ортмоқлаб ўзининг отига ортиб. Яна битта каттагина қутида ўқ-дори ортиб колди. Уни қучоқлаганча нима қилишини билмай турганда Жумабек қутини ерга қўйишни буюрди. Садирбойвачча тупрок чангаллаб ётган жойда отининг жиловини тортиб Нашванқулни қошига чорлади.

— Бор, хотинингни уйғот, — деб буюрди.

Нашванқул ҳали бу шармандалик ҳам бормиди деб ичини ит таталади. Уйи томонга оёғи тортмади. Бундай шармисор қилганидан кўра ўлдириб қўя қолса бўлмасмикин, бу қашқир! Ўладиган хўқиз болтадан тоймагандек, у ҳам бўйинни қотириб тураверди. Жойидан жилмади. Унинг нима хаёлга борганини сеэган Жумабек ўшқириб берди.

— Мен сенинг пўрси хотинингни бошимга ураманими, ифлос! Сенинг ғамингни еб, уйғот деяпман. Агар

бунинг ярасини боғламаса, эрталабгача тўнғиз қўпади. Кейин хунини тўлайсан. Буни алдаб олиб келиб, сен ўзинг ўлдиргансан дейишади. Кейин, бу юришинг хам кўзингга тўтиё бўлади. Бу кунингдек беш баттар бўласан, ха, тўнғиз!

Нашванқул кўркиб кетди. Садирбойваччанинг ошина-оғайниси кўп эди. Шулар эртага хун талаб килиб келса нима қиласди?! Хотини билан болалари ётган уйга ялангаёқ югурди.

Бу қандай бегам хотинки, уйида қиёмат қўпаётганини да хам хуррак отиб ухлаб ётса! Бир эмас, икки бор ўқ отилди. Хонумони куйиб топган-тутгани, бор давлати Турсунқул отлиғ занжининг қўйнига кириб йўқ бўлиб кетсаям бу фафлат ботқофидан уйғонмаса!

Нашванқул Мулла Жумадан кўрган барча жабрининг аламини хуррак тортиб ухлаб ётган бегам хотинидан одди. Оч биқинидан берган тепкиси зарбидан хотини «ҳик» эттанга ўхшаш товуш чиқариб кўзлари «ярқ» этиб очилиб кетди.

— Ҳа, жувонмарг, нега тепасан? Сенга нима қилдим?! — кўзлари олайиб жавраб юборди хотини.

— Тур ўрнингдан мегажин, ётаверасанми, сасиб?!

— Нима дейсиз, ахир, ярим кечада ётмай, гўримда ётаманми, — бечора хотин йиғлаб қўяверди.

— Ҳа, сени гўрингда ётқизиб тинчийман! Бўлди, ииғишиштир дийдиёнгни, мен билан юр.

Улар меҳмонхонага келишганда Турсунқул тўнғиздек семиз Садирбаччани даст кўтариб ичкарига киритиб бўлган эди. Уйқусидан ҳамон очила олмай турган хотин бечора меҳмонхонада гумбаздек қорнини шишириб ётган Садирбаччани ўлиқ деб ўйлаб юраги ёрилаёзи. Еттинчи лампанинг хира ёруғида унинг қонга беланган кийим-бошини кўриб, юрагига титрама кирди.

— Қара, — деб вишиллади қалтираб турган хотини-га Нашванқул, — бу ўлиб нетиб қолса, сениям унинг ортидан жўнатаман!

— Ўхў, дағдаға зўр-ку, — деди Турсунқул ташқарига чиқаркан.

Нашванқул ҳам чиқиб отига минди. Ортиб қолган кутини кучогига олди.

Жумабек, Коратойини гижинглатиб олдинда, кейин иккита сандиқдек-сандиқдек кутини ортмоқлаб бир кутини кучогига олган Нашванқулни ҳам беллари майишиб-майишиб кўтарган кўк от, орқада саман тўрикда Турсун-

кул боришарди. Улар Хўжамуборак йўлига чикишганда тонг бўзариб қолган, хўроздар қулокни қоматга келтиргудек бўлиб бир-бирига гал бермай қичкиришарди. Бу тунни ҳам беуйқу, от чопиб ўтказган Турсунқулнинг кўзлари юмилиб-юмилиб, ўзи эса мункиб-мункиб кетарди. Тўриқ ҳам суворийсининг бу ҳолатини сезгандек, охиста-охиста, майнин-майнин йўраларди.

Улар секин-секин йўл босиши. Турсунқулнинг ўзи чарчаган бўлса, Нашванқулнинг майдароқ кўк оти юк билан бирга эгасининг тўнкадек оғир гавдасини ҳам кўтариб анчагина чарчаб қолганди. Коратой эса бу майда юришга ўрганмаганидан зерикиб гижинглар, қанот чиқариб талпинарди. Жумабекнинг ҳам ҳадеб, унинг жиловидан тортавериш жонига тегди. Корликдан анчагина узоклашиб, Хўжамуборакнинг биринчи уйлари кўзга ташланиб қолганди. Энди Нашванқулнинг изидан кувиб келадиган яқинларидан хавотир олмаса ҳам бўлади.

— Турсунқул оға, сиз у билан бораверинг, мен кетдим, майлими? — деди ортига ўгирилиб Жумабек.

Турсунқул ҳам, бўпти, бораверинг, дегандек қўлларини силкиб қўйди.

Жумабек Коратойнинг жиловини қўйиб юборди. Шуни кутиб турган Коратой бир сапчиб олдингга ўқдек учиб кетди. Бироздан сўнг ҳам кўздан йўқолиб, олислашиб бораётган кичик чанг булути кўзга ташланарди холос.

Жумабек Сарикқа яқинлашганида Маматбойинг бедапояси четидаги якка ўсан баҳайбат тутнинг соясида оёқ илди. Коратойнинг эгар-жабдугини ечиб яланғочлади. Сувлик-нўхтасини ҳам ечиб олиб ўзини ўтпояга хайдаб юборди. Хуржунни тагига ёзиб, эгарни бошига қўйганча уйкуга кетди.

— Жумабек, — деди Файбулла ўйноқи қўй кўзларини қисиб, — тўйимга айтсан келасанми?

— Нега сўраяпсан, албатта бораман!

— Негаки, мен сендан жудаям узоқдаман. Келгунча қийналиб қоласан.

— Дунёнинг нариги четида бўлсаем бораман! — деди Жумабек қатъий қилиб. — Тўйинг қачон бўлади, Файбулла?

— Эртага, аzonда келавер.

У бошига янги дўпни кийган, адрес ва амиркони этикда чиройли очилиб, куёв киёфасига кирганди.

- Айтгандек елкангдаги яранг тузалдими?
- Ҳа, күрмагандек бўлиб кетдим.
- Бу яхши, лекин тўйга анавини олиб келма.
- Кимни, кимни?
- Анави, орқангдаги биткўзни-да!

Жумабек ортига ўгирилди. Унинг орқасида семиз корнини баэўр кўтариб пишиллаганча Садирбачча ўти-рарди.

— Сен нега келдинг? — ғазаб билан ўшқирди Жумабек.

— Мени бу полвон олиб келди. Сенинг ортингдан корама-кора келавердик.

— Қанақа полвон?

— Кўрмаяпсанми, чияллик Нортўхта полвонни. У сени яхши танийди.

Нортўхта полвон хира туманликдан ажраб Жумабекка яқин келди.

— Мени танийсан, Жумабек, яхшилаб қараб танийсан! — деди Нортўхта қисиқ кўзларини янада қисиб иршайганча.

— Хўп, танисам не бўпти. Менда нима ишинг бор?

— Сен тўйга борма! Садирбойваччаникода катта кураш бўляпти! Турсункул оғангни олиб бор. Курашамиз.

— Йўқ! Бормайман, сенлар ўликсанлар!

— Бизни сен ўлдирдинг! Сен! Сен!

— Сенларни мен жазолаганман!

— Айт, менинг гуноҳим не эди?! Нега мени ўлдирасан?!

— Сен бузук одамсан! Ўзинг тарқатган қуролинг охир ўзингнинг бошингта етди!

— Сен мени ўлдирдинг. Мен ҳам энди сени ўлдирман! — деди Садирбачча қўлларини чангак қилиб ва унга томон бостириб кела бошлади.

— Сен мени ўлдирган бўлсанг, мен ҳам сени ўлдирман! — деб унга қўшилди Нортўхта полвон.

— Мен сени ўлдирман! — деди қонталаш бошини кўтарганча Курбондурди.

— Мен сени ўлдирганим йўқ-ку!

— Сен барибир мени ўлдирасан. Сендан олдин мен сени ўлдирив қўя колай!

Одам кўпайиб кетди. Уларнинг ичидаги Бухорода Жумабекнинг найзасига илиниб жон таслим қилган малласоқол ўрис аскари ҳам, Соли Сардор ҳам, Нашванкул

хам ўзи бирон марта кўриб улгурмаган таниш-нотаниш башаралар хам бор эди.

- Биз сени ўлдирамиз! — гувиллади оломон.
- Нега?! Нега, ахир?!
- Чунки, сен бизни ўлдирасан!

Шунда Жумабек олисда ярқ этиб кўринган Сардобани кўзлари илди. У Жумабекка нажот қалъасидек кўринди. Сардoba томонга югра бошлади. Қанчалик интилмасин оёклари хечам ўзига бўйсунмас, бу қонхўр оломондан хеч узилиб кетмасди.

— Кел болам, келақол, — Сардoba оппок рўмолни елкасига тушириб, унга қўлларини чўзганча имлаётган бир аёлга айланди. — Кел, болам, келақолсанг-чи, ахир!

Жумабек бу аёл ўзининг онаси эканини ҳис қилди. У эсини таниб улгурмай, уни ташлаб дорулбақога рихлат қилган онасини минг уринсин ҳам хаёлида гавдалантира олмас, онасининг қандай эканлигини тасаввурiga сифираолмасди.

— Кел, келсангчи Жумабек! Менинг ёнимга кел, болам! Жумабек атрофидаги қонга тўлган ёвуз башараларга, ғазабнок ёнаётган нигоҳларнинг зич халқаси ичida ночордан ночор қолаверди. Шунда Мирза бува оппок соқолини селкиллатиб пайдо бўлди. Оломонни туртиб-туртиб, халқани ёриб ўтиб Жумабекнинг ёнига келди. Бу қон истаётган оломон негадир ундан хайикди. Унга йўл берди.

— Бор болам, онангни ёнига бор. У сени кутқазади. Мирза бува уни онаси томонга ўтказиб юборди.  
— Сиз-чи, Мирза бува, юринг бирга кетамиз.  
— Йўқ, сен пишил. Онанг караб туриби.  
— Онам... Менинг онам ўлган. У йўқ-ку, бува?  
— Йўқ, онанг ўлмаган. Онанг ўлмайди. У Сардобага айланган. Чоп Сардобага, Жумабек.

Жумабек зич халқадан ажralиб чиқиб Сардобага караб чопаверди. Мирза бува эса ёнидаги Нортўхта полвоннинг бўйнидан олди. Томирлари бўртиб-бўртиб чикқан қўллари билан уни бўға бошлади. Энди Оломоннинг у билан иши бўлмади. У Сардобага кириб олди. Сардoba яна унинг онасига айланди. Уни кучокларига олиб бошини сийпай бошлади.

— Тур, турақол эркатойим. Сени Қоратойинг қидириб юриби. Турақолсанг-чи, болам. Сени ҳали каттакатта ишлар кутмоқда. Мени унутма, тойчогим. Сени соғинаман. Тез-тез келиб тур.

Шунда Қоратойнинг уни излаб кишинагани эшитилди...

Жумабек Қоратойнинг овози тушидами ё ўнгидами била олмади. Қуёш оғиб, соя силжиган, юзига офтоб тушиб, қора терга ботиб кетганди. Тинмай лўққилаётган бош оғриғи қолармикан, деган умидда юзини бориб арикка чайиб келди. Сал енгил тортгандек бўлди. Ташорат ушатиб намозини ўқиб олди. Энди руҳи тетиклашди. Қоратойни эгарлаб йўлга чиқди. Шунда қишлоқ томонга жадал юриб келаётган икки отлиқни — Турсунқул билан Нашванқулни кўрди. Қоратой бир зумда уларни қувиб етди. Нашванқулнинг бечора кўк оти, сағрисидан оппоқ тер кўлиги қуиилиб, бошини қуии солганча зўр-базўр одимларди.

— Негадир, юрагим ғаш, бек, — деди Турсунқул, — қишлоқда тинчликмикан?

— Тинчлик бўлиши керак, оға, ташвиш тортаверманг, — деди Жумабек ва ҳозиргина кўрган тушини хотиралаб ўзи ҳам кўнгли ғашланди.

Қалтираб терга ботганча бир қадамда икки тепиниб бораётган Нашванқулнингчувак кўк отига раҳми келди. Шунча юқ билан, яна тўнғиздек зилзамбил Нашванқулни ҳам кўтариб, йўл босиб келяпти, бечора.

— Тўхта! — деди Жумабек амирона. — Туш отдан, тўнғиз!

— Нашванқул ҳайрон бўлиб отдан тушди. Ҳамон кўлидан қўймай келаётган қутининг залворидан мувозанатини сақлай олмай гандираклаб бориб йиқилиб тушди.

— Отга раҳминг келмадими, галварс! Кара, оёғида зўрга турибди. Бундан буёғи пиёда кетасан!

Нашванқул бунга-да рози бўлиб кўлидаги қутини эгар устига қўйди.

— Йўқ! Елкангга ол! — буюрди Жумабек.

Нашванқул бир кўли билан елкасидаги қутини маҳкам ушлаб, иккинчи кўли билан отнинг жиловидан ушлаб етаклаб йўрғалай бошлади.

— Турсунқул оға, — деди Жумабек ўлганнинг устига тепгандек килиб, — сиз ҳам эшиган бўлсангиз керак, бир валломат менга қурол керак бўлса, пулини тўла-да, елкангта олиб қайтавер. Мен сенга чойчака олиб юкингни келтириб берадиган хизматкор эмасман, деб катта кетганди. Яна ўша валломат сизга, сен кулсан ҳам деган экан-а, адашмасам. Ўша валломат ҳозир

елкасида куролимизни олиб йўралаб боряпти. У хизмати учун чойчақа олмайди. Демак, у хизматкор эмас, кул! Нашванкул деб бекорга номлашмаган экан ўша валломатни!

Бу масхара Нашванқулнинг суюк-суюгигача бориб етди.

— Ё, худо, — деб нола қилди ичиди Нашванкул, — борлигинг рост бўлса, бу қашқирни ҳам мендан баттар хор бўлганини бир кўрсат! Мен ҳам аламимдан чиқмай бу дунёдан ўтиб кетсан ҳечам рози эмасман! Менинг ҳам додимни эшит, худойим! — Нашванқулнинг кўзларида илк бор ёш милтиради. Елкасидаги кутининг оғирлигини ҳам сезмасдан кетиб бораверди.

## XX

Жамол Элбеги эрталаб Гулойимни чакирди. Эрининг йўлига кўз тутиб тонгтacha уйғоқ ўтирганидан қовоқлари салқиб, кўзлари ҳам озрок қизарган эди. Машки пастроқ кўринарди.

— Бир қатлама пишир-чи, кейинроқ Маматбойни-кига ўтиб келамиз, — деди элбеги. Кейин унинг юзига, пайдарпай юришига қараб ҳавотир олди. — Ха, сенга нима бўлди, эрини хумор қилган жувонга ўхшаб гангиг юрибсан?

Шуни кутиб тургандек Гулойимнинг дард ҳалтаси очилиб кетди.

— Укангиздан ҳавотир бўлиб турибман. Кунботарда бир келиб кетганидан бери ҳамон дараги йўқ.

— Шунака дегин, Жумабек Турсункулни ҳам олиб кетган экан-да. Кўп ҳавотир олаверма, ҳали замон келиб қолади. Корлукқа, бир ошнасиникига тўйга кетганди.

— Бу дейман, опа, сиз ҳам Жумабекка бир уришиб кўйинг, тунлари тўй кезишни бироз камайтирсин энди.

— Кўявер, Гулойим, Маматқулбойнинг кенжা қизи — Нигорани олиб берай, кейин урушмасам ҳам ўзи мулла мингган эшакдек ювош тортиб қолади. — Элбегининг бу гапига ўзи ҳам нашъа қилди. Гулойимга қўшилиб жилмайиб кўйди.

— Ха, аzonда туриб олиб қатлама пишир, дейишин-гизда бошқа гап боракан-да, опажон, — деди Гулойим тўй дарагидан қувониб.

— Бошқа нима деб ўйлагандинг, опам қатламага

гудойиш\* бўлибди дедингми-е, сен ғалча?! — деди Элбеги яна Гулойимнинг кулгисини келтириб. Гулойим кулгиси келсада, Элбегининг узиб оладиган феълидан кўркиб кулмади.

Ўзи, дум-думалок, семизгина бўлса-да, чаққонликда озгин жувонларнинг ўнини қочирадиган Гулойим, бир зумда хамирни қориб қўчкор ёғи билан мойлади. Зувала килиб бироз тиндиришга қўйиб, ўчоққа ўт қалади, қозонга ёғ қуайиб қиздира бошлади.

Элбеги сўрида ўтирганча чой ичиб, келин тушиш, тўй қилиш ташвишларини хаёл қилиб турганида ўчоқхонадан иссик ёғнинг «пов» этгани ва важирлай бошлаганини эшитди. Тонгнинг тиник соф ҳавосида қатламанинг ёқимли хиди тарқай бошлади. «Качон улгурдийкан, бу тушмагур» деганча, туриб ўчоқхона томонга юрди. Гулойим қуёшдек қизариб пишган катламаларни олиб, ёнидаги лаганга қўяр совумай туриб уларнинг устига ёнидаги косадан шакар олиб сепарди.

— Шакардан мўлроқ сеп, қурумсок бўлмай кетгур, — деб беозор урушиб қўйди ва унинг сепишини кутмасдан, косани қўлига олиб сепа бошлади.

Гулойимнинг пиширган ўнта қатламасидан тўққизини тоғорага солди. Бирини шу ерда сўлагани оқизиб юрган иштонли-иштонсиз, кора-кура Гулойимнинг болаларига бўлиб берди. Тоғорани дастурхон билан ўраркан, устига қанд-курс ва мева-чева қўйди. Ундан хам умидвор бўлиб бурнини тортиб турган болаларга биттадан қанди, туршакми тарқатиб берди.

— Боринглар, энди, ўйнанглар тумоёклар\*\*, Жумабек акангизнинг ҳам сизга ўхшаган болалари кўп бўлсин, — деди.

Ўз улушларини олган болалар доим сержахл бўлиб юрадиган Элбеги момоларининг бугун очилиб кетганини кўриб, ундан яна нимадир ундиримоқчи бўлиб суйкалиша бошлаганди, унинг бир қопи кўтарилиб, бириси пасая бошлади. Момонинг авзойи ўзгармасидан жуфтакни ростлаб қолишни маъкул кўришди. Элбеги шаталок отиб кетаётган болакайларнинг ортидан бир дам жилмайганча қараб турди-да, Гулойимга дўқ килди.

— Нега ялпайиб турибсан, бор атлас қўйлагингни кийиб чиқ! Агар у бечора тор бўлиб қолмаган бўлса,—

\* Бошкоронги (*шева*).

\*\* Такасалтант (*шева*).

деб дўкининг изини кулгига олди. Кимсан Маматбойнига, кизини сўраб совчиликка борадиган хотин, ўзига ҳам қараси керак-да, ахир!

Гулойимнинг боши осмонга етди. Жамол Элбегидек эл кайвонисининг ёнида юриши, яна Жумабекдек йигитнинг совчиси бўлиб, кимсан Маматбойнинг олифта хотини Хадичанинг уйига бориши, манаман деган бойвучча хонимлар учун ҳам катта фахр, кейинчалик давраларни оғзига қаратиб мактаниб юришга мавзу эди.

Гулойим оёғи ерга тегмай уйга қараб югурди. Биринки кийилиб тахмонда оҳори тўкилмай турган атлас кўйлагини кийди. Шол рўмолини ўради. Эри Бухордан олиб келган бухороча заррин кавшини оёғига илди.

Элбеги унинг туришидан бирон камчилик топиб, бураб олиш учун баҳона кидирди. Элбеги унинг устибошидан, кийинишидан камчилик тополмади. Бунақа пайтда заҳирадаги қуроли — Гулойимнинг семизлиги ҳамиша аскотарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Эрингнинг топиб келганини бир ўзинг тиқавермасдан, у бечорага ҳам озроқ берсайдинг, ўзинг ҳам пича хипчароқ бўлардинг, у бечорага ҳам жир берармиди, — деб тўнгиллади. — Бўл, нега анграясан, кўтар буни, кўлларим узилиб кетай деяпти.

Гулойим ўзининг фаросатсизлигидан уялиб илжай-ганча пиддираб бориб Элбедининг қўлидан тугунни олди.

Элбеги салобат билан олдинга юрди. Изидан каттагина тугунни кўтарган Гулойим майда қадамлар билан чопқиллаганча унга эргашди.

Қаниди шу юришини Халча кўрса, куйиб ўлармиди, бечора. Ўзининг омадими, ёхуд Гулойимнинг омадсизлигими қўшниси буни кўрмади, куймади. Ҳа, майли, унчалик афсус чекмади Гулойим, совчилик бир марта бўлмайди. Бу сафар кўрмаса, янаги сафар боришларига албатта кўради, деб юпатди ўзини ва сўнгти умид билан қўшнисининг ҳовлиси томонга назар ташлади.

## XXI

Жумабек уйига етиб келганида совук хабарни эшитди. Мирза бува қайтиш қилиби. Сардобага қарокчи дориган ўша машъум тундан бери қирк кун кўрпа-тўшак қилиб ётган бува охир-оқибат қазойини топширибди. Турсункулга юкларни тушириб, кутиб туришни тайин-

лаб ўзи отдан ҳам тушмай түғри Мирза буваникига йўл олди.

Жумабек етиб борганида мархумга ҳали жаноза ўқилмаган экан.

Мирза буванинг кампири Жумабекни кўргач, уввос солиб олдига чиқди.

— Бувандан айрилиб қолдинг, болам, — кампир Жумабекнинг бўйнига осилиб йиғлади.

Тобутни олиб чиқиб ҳовли ўртасига қўйишиди. Уввос солаётган кампирни тинчтишиди. Марҳумнинг қарзларини бўйнига оладиган ворис бўлмаса жанозани ўқиб бўлмасди. Жанозани ўқийдиган имом буни сўраши керак эди. Жумабек саф бўлган одамларга қараб:

— Мен марҳумнинг қарзларини бўйнимга оламан. Бувамнинг кимдан қарзи бўлса менга айтсин, мен тўлайман, — деб сафнинг олдига ўтиб олди.

Тобут ердан узилди. Одамларнинг елкасига шиддат билан олдинга, қабристонга қараб лопиллаб кета бошлади. Белбоғ боғлаган Жумабек олдинда, икки-учта кўшниларининг болалари хасса кўтаришиб, бобомлаб йиғлаганча унинг кетидан эргашдилар. Уларнинг ортидан эса тобут кўтарган тумонат одам қабристон томонга йўл олишиди.

Мирза бувани тупроққа топшириб келиб яна унинг кулбасига йиғилишиди. Марҳумнинг руҳига бағишлаб Куръон тиловат қилиб тарқалишиди. Жумабек фотиха-хонада қолди.

Тушга якин уни излаб Турсунқул келди.

— Нашванқулни уйига қайтариб юбордим, — деди у Жумабекка түғри қилибманни дегандек қараб. Жумабек индамади, демак, маъқул. — Кейин опам сизни сўрайти, бораркансиж.

— Нима гап, холам шу ерда эди, индамади-ку?

— Билмадим, балки бу ерга айтиладиган гап эмасдир.

— Майли, сиз бораверинг, мен ҳозир етиб бораман.

Уйда уни Шомуродбой билан Элбеги интиқ кутиб тургандилар. Хол-ахвол сўрашганларидан кейин Шомуродбой сўз бошилади.

— Мирза бува раҳматли кўп яхши, бамаъни одам эди, жойи жаннатда бўлгур. У сизни жудаям яхши кўяради. Боя фотихада сизга айтишга эп кўрмадим. Бир-иккита гап бор эди. Ҳозир мавриди бўлмаса ҳам айтаман. Яна қачон келаману, қачон айтаман.

Жумабек бемалол гапираверинг, дегандек унга қарди. Эшитишга шайланди.

— Энди, бек, түй билан аза бирга келади деганларидек, тунов кунги гапим эсингиздами. Жамол бугун сизга бир келин топибди.

Келин излашга топган вақтингизни қаранг, дегандек Жумабек холасига қошларини чимириб қаради.

— Йўқ-йўқ. Сен менга бунақа қарама, — шошиб ўзини оқлай бошлади Элбеги. — Мен эрталаб, Мирза бува ўлмасдан олдин бордим совчиликка. Туш кўрибманми, бундай бўлишини.

— Ҳали, совчиликка ҳам бориб улгурдингизми? Қойил-е, бунча шошилинч, нима, ёв қувиб келаяптими? Балки розилигини ҳам олгандирсиз?

— Бек, сиз қизишманг. Жамолни кистовга олавермасдан, келин ким деб сўрамайсизми, бундай.

— Энди, бойбува уйланадиган мен бўлсанм, менга билдирамасдан бирорларникига совчиликка борсалар, жаҳлим чиқади-да!

— Ахир, кечагина ўзингиз ихтиёр холамда деган эдингиз-ку?

— Ихтиёр ҳалиям холамда. Бундай деганим, түй дарагини тўй куни эшитаман деганим эмас-да!

Жамол Элбеги кош қўяман деб кўз чиқараёзганини пайқади. Пайқади-ю тилини тишлади.

— Мен, болам, сенга ёмонликни право кўрмадим. Сени уйлантирсам, болаларингни катта қилсан, невара тўйлари қилсан, дейман. Бу беш кунлик дунёда ким бору, ким йўқ... — Элбегининг кўзларида ёш милтиради.

Жумабек дунёдан бефарзанд, сўққабош ўтаётган холасининг дил ярасига бехос тегиб кетганини сезиб ўқинди. Ховури босилди. Анчагина сукут саклаб турди.

— Майли, ким экан у, сиз келинликка лойик кўрган киз?

Жамол Элбеги Жумабекнинг мойиллик билдирганидан руҳланди.

— Ким бўларди, Маматбойнинг кенжা Нигора кизи-да.

Жумабек Нигорани бундан анча йиллар муқаддам, мадрасага кетмасдан олдин кўрган эди. Ўшанда у жамалаксоч, анчагина шўх ва қақажон қизалоқ эди. Холаси унга харидор бўлибдими, демак, сулув киз бўлиб вояга етибди-да...

— Ўзингиз шунга нима дейсиз, Бек? — Шомуродбой унинг хаёлини булиб юборди.

— Холамга маъкул бўлса, мен нима ҳам дердим.

Жамол Элбегининг айтишича, куда бўлмишлар уни яхши кутиб олишибди. Мақсадини англатгач, улар озроқ тайсалга солган экан, Элбеги Маматбойнинг олдига масалани кўндаланг қилибди.

— Э, сиз ушлаган жойингиздан кесмасдан қўймайсиз. Сизга йўқ, деб бўладими, Элбеги, — дебди Маматбой охир-оқибат.

— Шундай килиб болам, биринчи боришимдаёқ нон ушатиб келдим, — деди Жамол Элбеги фурур билан.

— Майли, қолган таомилларингизни буванинг кирки ўтганидан кейин қиласиз.

Шу билан гап тамом дегандек Жумабек Элбегига бир қараб олди. Элбеги иши осон кўчганидан кўнгли кўтарилиб ташкарига чиқди. Шомуродбойнинг бундан бошқа ҳам зарур гапи бор, шекилли, ўрнидан кўзғалмади.

— Бек, — гап бошлади Шомуродбой. — Бугун дўстингиз Файбулланинг ютидан бир одам келди. Дўстингизнинг бошига мушкулот тушганмиш. Ўзи сал савдоироқ бўлиб қолганми экан, уйидан чиқиб кетганмиш. Бир хафтадирки, дараги йўқ экан...

Жумабекнинг вужудини совук тер босди. Кўз олди коронгулашиб кетди.

Шомуродбой Файбулланинг Оллоқулбойнинг қизига кўнгил берганини, бой Соли Сардор томонидан ўлдирилганидан сўнг, негадир қизи ҳам ўзини осиб қўйганини, кейин бунча кўргуликларни кўтара олмай бойнинг хотини ҳам қазо қилганини, бойнинг ҳайхотдек ҳовли жойида биргина тентакнома ўғлининг ёлғиз қолганини сўзлаб берди.

— Дўстингиз қизни қаттиқ яхши кўрган шекилли, унинг ўлимидан кейин савдоир қилиқ чиқарганмиш. Баъзан-баъзан йўқолиб қоларкан, шунда уни қабристондан, ўша қизнинг қабри ёнидан топиб олишаркан. Бу сафарги йўқолишда уни қабристонда топа олишмабди. Ерга киргандек зим-ғойиб эмиш. Жумабекка ҳаво етишмаётгандек туюлди. Ташкарига чиқди.

Кўёш уfkни қонга бўяганча лоларанг тус олиб охиста ботаётганди. Сокин ва маҳзун яна бир куз оқшоми бошланди. Кўёш қизариб ботса, эртасига кун яхши келади, дейишарди, хаёлидан ўтказди Жумабек. Ростдан

хам яхши келармикан. Фожеалар ўпқонидан дарз кет-  
ган дунёга ямоқ бўлармикан эртанги кун.

Жумабек Бухоро томонга, уфкка — аста-аста син-  
гиг бораётган офтобга, лоларанг шафакқа хаёлчан тер-  
мулиб қолди. Хаёлида бир вақтлар Файбулла яхши  
кўриб куйладиган Махтумқули ҳазратларининг ашъ-  
орларини хиргой қила бошлиди:

Кимлардир дер: дунё ёлғончи-фоний,  
Сурган армондадир ўтиб борадир.  
Кимлар кўлда тутиб бу кенг жаҳонни,  
Ҳалол, ҳаром, барин ютиб борадир.  
Мардлар юрар бўлди номардга боғли,  
Шерларнинг тулкидан юраги доғли.  
Пир бўлиб, пеш ўраб, бадосил ўғли,  
Ҳаром нафсин ўнгда тутиб борадир.  
Беномус бек бўлди, асллар озди,  
Азозил дунёнинг сийратин бузди.  
Бузгунчи кўлайди юрт-бино тўзди,  
Дўсту-ёр бир-бирин сотиб борадир.  
Махтумқули замин менгзар саройга,  
Инсон мўрдай йиғиб борин бу жойга.  
Кейин шоша-шоша чопгандек пойга,  
Йиқканини ташлаб кетиб борадир.

---

---

Жумакул Курбонов

**САРДОБА**

*Роман*

**Уч жилдлик**

**ШОМ ОРТИДАН**

**Биринчи жилд**

«Шарк» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2004

Мухаррирлар *И. Шоймарданов, Д. Исмоилова*

Бадиий мухаррир *М. Самойлов*

Рассом *В. Куликов*

Техник мухаррир *Р. Бобохонова*

Теришга берилди 28.08.2004. Босишга рухсат этилди 20.10.2004.

Бичими 84Х108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. Петербург гарнитураси.  
Шартли босма табори 9,2. Нашриёт-хисоб табори 10,6. Адади 1500  
нусха. Буюртма № 755. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарк» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083. Тошкент шахри, Буюк Турон, 41.**